ЛУҚМОН БЎРИХОН

ХИЗР КЎРГАН ЙИГИТ

Қиссалар ва ҳикоялар

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2007

Б – 99

Бўрихон, Луқмон.
Хизр кўрган йигит: Қиссалар ва ҳикоялар. – Т.: «Шарқ», 2007. – 256 б.

Ушбу тўпламга ёзувчи Луқмон Бўрихоннинг «Хизр кўрган йигит», «Сирли муаллим», «Қидирувдаги қиз» номли қиссалари ва бир неча сара ҳикоялари киритилди. Муҳаббат ва Нафрат, Ҳаёт ва Ўлим каби мангу мавзуларда яратилган бу асарлар қизиқарли, таъсирчан воқеаларга бой. Гўзал, жозибали бадиий тил, тиниқ, жонли тасвирлар бехтиёр ўқувчини ўзига ром этади, завқ-шавқ улашади. Олис овулларда умргузаронлик қилаётган, катта шаҳарларда бахт излаб келган қаҳрамонларнинг аччиқ қисмати, қалб жарохатлари ҳеч бир китобхонни бефарқ қолдирмайди. Ўша қаҳрамонларга қўшилиб беихтиёр йиғлайсиз, беихтиёр куласиз. Улар билан бирга севасиз, нафратланасиз.

ББК. 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-00-027-8

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2007.

ҚИССАЛАР

ЧОРБОҒ ҚЎРИҚЧИСИ

ёхуд

ХИЗР КЎРГАН ЙИГИТ

Қисса

Қонун тақиқлай олмаган нарсаларни
гоҳо номус тақиқлай олади (агар у бор бўлса).

Сенека (ва Аллаким)

Кечагина эшагига қийшиқ минган қишлоқи эдим, бугун эса ажабтовур машина ўриндиғида ястаниб ўтирибман-а?! Наҳотки, Хизр кўрганим чин?!

• • •

Уч-тўрт тўй-томошада уч-тўрт донгдор курашчининг курагини ер искатиб полвон номини олдим, Қоржов полвон бўлдим. Эл-улус Чоршанби чўпоннинг кенжаси Хизр кўрган, энди иқболи баланд бўлади деган гап-сўз тарқатибди. Мен кулибгина қўяр эдим. Тусмолдан биламан, бу миш-мишларни бўйинсам Ҳусан–Улаш агрономнинг ўғли тўқиб-бичиб тарқатган. Ўзи қўй қумалоғидеккина бўлса ҳам ҳовликмалиги оламни бузади, устига-устак, отасининг шоирлигидан оз-моз юққан — гапчиноз, дарров тўқиб-бичади, кўпиртиради.

Аслида ҳаммаси кеч кузнинг изғиринли кечаларидан бирида жўнгина бўлган эди.

Ўшанда Ҳусан икковимиз қўшни совхоз фермасидан товуқ ўғирлаб келгани кетаётган эдик. Бизникида синфдошлар йиғилишиб, бир зиёфат уюштирмоқчи бўлганмизда. Гўшт топиш Ҳусан икковимизнинг бўйнимизга илинган. Шу сабаб шом шафақи қизарган маҳал эшакларимизни қичаб-қичаб йўлга тушдик. Кенгсой дашти бошланганда ғира-шира қоронғулик иниб қолди. У ёқ-бу ёқдан гангиргунгур гурунглашиб боряпмиз. Ҳусан нуқул мақтангани-

мақтанган. Келгуси йил мактабни битиргач катта шаҳарга кетар экан. Институтга кирар эмиш. Тўғриси, мақтангани-ча бор қурғурнинг — мактабда тузуккина ўқийди-да! Муаллимлар ҳам бири қўйиб-бири олиб уни алқашади, «Ҳусандан умидимиз катта, қишлоғимизнинг фахри бўлади», деб башоратлар қилишади. Менга эса ўкрайиб қараш-гани-қарашган, ҳаммасига баланд бўйим, қорувли қоматим айбдордай бош чайқашади: «Эсиз жасад... эсиз куч-қувват...». Баъзан орим қўзиб, астойдил ўқишга бел боғ-лаб китобларга кўмилиб ўтирган пайтларим ҳам бўлган. Бироқ ўз-ўзимга бош оғриқдан бошқа нарса орттирмаган-ман. Китоб-дафтарга термулиб ўтириш алланечук энсамни қотиради, назаримда, мен бошқа бир ишлар учун яра-лгандек эдим. Хаёл сурсам, хаёлларим Кенгсойнинг қир-адирларидан нарига ошиб ўтолмайди, қўй-қўзилар сурувига аралашиб ялангликларда ўтлаб қолади. Шу сабаб ўша изғиринли кечда уч-тўрт товук дардида борар экан-миз, Ҳусандек мақтана олмадим.

Кенгсойнинг қоқ белига етганимизда коронғулик хийла қуюқлашиб қолган эди. Бир пайт қаншаримиздаги қир-да оппоқ шарпа пайдо бўлди. Хатто эшакларимиз ҳам таққа тўхтаб ўша ёққа тикилиб қолишди. Ҳусаннинг ал-лақачон ранг-қути ўчган.

— Арвоҳ! Ўлай агар, оқ арвоҳ бу! — вахимали пи-чирлади у аранг. — Илгари Кенгсойга шаҳидлар кўмил-ганини эшитганман, шуларнинг арвоҳи!

— Ҳовликма-е, — дедим қир томон тикилиб.

Мен дўстим айтган «арвоҳ», «шаҳид» деган сўзлар-нинг маъносини англаб етмаганимданми, ҳарнечук қўрқма-ётган эдим.

Оқ шарпа аста-секин биз томонга эниб келар эди.

— Қочдик! — дея қичқириб юборди Ҳусан, эшагини ортга буриб.

Ҳуркибгина турган жонивор жонҳолатдаги қистов-дан йўртиб кетди.

Мен саросимада қолдим. Бироқ ҳануз қизиқишим қитиклаб қўймас эди. Ҳурка-ҳурка оркага қайтишга ури-наётган эшагимни бир амаллаб тинчлантириб оқ шарпа-га тикилиб туравердим.

Нихоят, дўстим таърифлаган «арвоҳ» яқин келди. Шундагина мен унинг оқ иштон, оқ яктакдаги қария эканини тусмолладим. Эшагим ҳам одам нуқсини сезди-ёв, тинчланиб, хас-пас илинжида ер искаб қолди.

Оқ шарпа мулла Мирза экан! Қўй-қўзиларини невараларига ишонмай ўзи боқиб юрадиган, саксон ёшни қоралаб қолган ўзимизнинг қадрдон қария!

— Ассалому алайкум, мулла бова! — деб салом бердим эшагимдан ирғиб тушар эканман.

Мулла Мирза саломимга аранг алик олди. Изғиринда тиришибгина қолган эди у. Тинмай қалтирайди. Мен устимдаги эски бўлса-да, қалингина чопонимни дарров ечиб чолнинг елкасига ёпдим. Қўл-оёқларини уқалаб иситган бўлдим.

— Барака топ, болам, — дея алқади мулла Мирзо, ниҳоят, тили калимага айланиб. — Илоё, никоҳингни ўзим қияйин, илоё, суйганингни бағрингга босиб юр.

— Мулла бова, нега шундай сарсон бўб юрибсиз?

— Э, сўрама болам...

Қария тутила-тутила арзи-ҳол қилди. Мулла Мирза одатдагидай қўй-эчкиларини боқиб юрган экан. Шом намозининг вақти бўлиб қолибди. Қария эшагидан тушиб ибодатга уннаган эмиш. Бундай ўйлаб қараса, устидаги калингина чакмони бетаҳорат туюлибди. Чол чакмонини ечиб эшаги устига ташлаб қўйибди-да, оқ яктагини тўшаб намозга киришибди. Шу пайт нимадандир хурккан сурув тўзғиб кетган эмиш, эшак ҳам шаталоқ отиб қочиб қолибди. Намозни бузмай хотиржам якунлаган қария қарасаки, на қўй-эчкилардан, на эшакдан дарак бор! Устига-устак, қаричилик қурсин, мулла Мирзанинг кўзи қоронғуликда беш-олти қадамдан нарини илғаёлмас экан. Қария тусмоллаб-тусмоллаб у ён-бу ён югургилаб, қирма-қир ошибди, охир-оқибат менга йўлиқибди.

Мен чолни эшагимга миндириб:

— Мулла бова, сиз қишлоққа кетаверинг. Мен молларингизни топиб изингиздан ҳайдаб бораман, — дедим.

Анча-мунча исиб бийронгина бўлиб қолган мулла Мирза дуо устига дуолар қила кетди.

— Илоё, Художоним Ўзи сенга паноҳ бўлсин, илоё суйганингга етишиб қўша қаринглар, илоё менимас, ҳазрати Хизрни кўрган бўл...

Мен қария билан бўлиб ўтган воқеани ҳеч кимга айтмадим... Тўғрироғи, хокисор мўйсафидни у ер-бу ерда ҳазил-мазах қилишларини истамадим. Бироқ унинг дуоилтижолари юрак-юракларимга сингиб кетган эди. Шунинг учун ҳам ўша кеч Ҳусанни қишлоқда қайта учрат-

ганимда мактанib қўйдим: «Бекор қочиб кетдинг-да, мен ҳазрати Хизрга дуч бўлдим...»

Хусан гап-сўзларимга лаққа ишонган экан. Кейинчалик ўзидан қўшиб-бичиб кимларгадир етказибди-ю, шушу одамлар орасида Хизр кўрганга чиқиб қолдим. Энг ғалатиси, ўша воқеадан сўнг кетма-кет омадим чопавергач одамлар оғзидаги чўпчакка ўзим ҳам чиппа-чин ишона бошладим: «Балки Хизр... мулла Мирза бўлиб кўринган...»

Мен курашга қўнгил берган эдим. Аввалига у-бу тўйтомошаларда хашаки полвонлар билан беллашиб кўрдим. Қарасам, оппа-осон ғолиб бўляпман. Сўнг сал давра ичини олганларнинг белбоғидан тутдим. Улар ҳам полвонлик сиёғимга тан бериб, мағлубларча майдонни тарк эта бошлашди. Кейинчалик уч-тўрт номдор курашчиларнинг курагини ер искатдиму, эл-улус мени олқишлай берди.

Ўрта мактабни битириб гангиб юрган пайтларим эди. Дўст-жўраларнинг кўпи катта-катта ўқишларни кўзлаб, катта-катта шаҳарларга катта-катта орзулару катта-катта тугунлар билан кетишган эди. Мен отамга кўмакчилик қилиб юрибман. Отам эса мени ўқитишга қўли калталик қилаётганидан хижолатланади, иш-юмушларни ҳам ботинмайгина буюради. Биламан, у менинг ўқимишли бўлиб, бирор бир амалдорлик курсисини эгаллашимни жуда-жуда хоҳлайди. Ҳатто бир гал бу ҳақда ўзимга кўнгил ёзган.

Ўшанда баҳорнинг адоқлари эди. Отам қишлоғимиздан ўн чақиримча наридаги отарга чиқиб кетган. Мен мактабдан бўшадим дегунча ўша ёққа отланаман. Тўллаш мавсуми тугаб, чўпоннинг ташвиши андак ариган бўлса ҳам, менга ўхшаган полвонлардан беш-олтитасининг тинкасини қуритадиган юмуш ҳамиша топилар эди.

Қуёш кўнглимдай чарақлаб турган кунлардан бирида одатдагидай отарга жўнадим. Ҳаво иссиқ эди. Ўт-ўланлар аллақачон қовжираб сарғайган. Теваракдаги қиртепаликлар беҳол сулайган туяларга ўхшайди. Бир бўзтўрғай баланд учиб, қуёш тиғларига тўш урган кўйи бўзлаб ётибди. Аҳён-аҳён менинг ҳам лаб-лунжимдан ажабтовур хиргойилар чиқиб кетмоқда.

Вақт пешиндан оққан бир маҳал ҳарсиллаб-лорсиллаб отарга чиқиб бордим. Нақ тантананинг устидан чиқиб қолибман. Ўтовимиз ёнида илгари ҳам бир-икки кўрганим — туман амалдорларига тегишли «Волга» ав-

тоулови савлат тўкиб турар эди. Отамнинг чўлиқларидан бири ўчоққа ўт ёқиб, кора қозонни тўлдириб гўшт қайнатмоқда. Менинг эса ич-ичимдан алланечук ғазаб, алланечук алам қайнаб тошяпти: ахир, анови автоулов не сабабдан келганини, ичкарида кимлар ўтирганини хўб билардим-да. Улар ҳар йилнинг шу фаслида албатта бир бор пайдо бўлишади. «Қаҳратонда кирилди... йиртқичлар еб кетди... тўллащда нобуд бўлди...» деган баҳоналар билан сурув-сурув қўй-қўзиларга акт-ҳужжат тузишади. Аслида ўша «қирилиб кетган» жониворлар қирадирларни тўлдириб ўтлаб юрган бўлади. Фақатгина давлатнинг мулк дафтаридан ўчирилиб, ўша акт-ҳужжат ижодкорларининг хусусий мулкига айланган. Шу сабаб ҳам отам боқадиган сурувнинг хийлагинаси аллақандай амалдорларга тегишли чорва эди. Эсимни таниб бундай «фокус-мокус»ларни англаб-билганим сайин ўзимни қўярга жой тополмай қолаётган эдим, гоҳ жаҳлим чиқар, гоҳ хўрлигим келар эди. Шу сабабли ўша куни қайнаётган қора қозон ёнидаги чўлиқ билан ҳам саломлашмасдан ўтов ичига қараб юрдим.

Ичкарида, тузуккина тузалган дастурхон теграсида тўрт-беш амалдор нусха ёнбошлаб ётишар эди. Молхоли семиргани сайин ўзи озиб-қуриб бораётган ферма мудиридан бошқасини танимадим.

Ғазаб ва аламни аранг босган кўйи эшитилар-эшитилмас салом берган бўлиб бўсағада қаққайганча турибман.

— Ҳа-а, сенми, кел, Қоржов, — деди ферма мудиримиз, сўнг ёнидаги бетлари тобатошдай, қабоқлари салқи кишига юзланди. — Бу чўпон бованинг кенжаси, полвон йигит. Ҳувв, раиснинг тўйида нуроталик полвонни бир силтовда босган.

Ўтирганлар пинак ҳам бузишмади. Ҳатто ўтов тўрида тугмаларини бўшатиб рўмолчаси билан елпиниб ётган тўра қош учириб, киноя̀ли тиржайиб қўйди. Мен ҳам ўтов керагаси ёнида сурбетларча туравердим, улар билан кўл бериб кўришиш дардида ялтоқилик қилмаётганимдан ҳузурланар эдим. Отам пойгакда, шундоққина оёк кийимлар счилган жойда чўк тушиб, хотиржам бир қиёфада ўтирган экан. (Уни дарров пайқамаганимдан ўзим ҳам хайрон.) У киши менга сал таажжубланиб кўз ташлаб қўйди. Мен эса унга алам-изтироб билан тикилдим. Тикила-тикила унинг пешонасидаги қат-қат ажинлар аллақандай йиртқич панжасидан қолган изларга

ўхшашини ногох пайқадим. Сийрак сокол, қорамтир орик юзи эски бир кигиз парчасини эслатади. Гўё, аллакимлар уни топтаб, нимталаб ташлагандек эди. Нимадир бўғзимга аччик данакдек тикилиб келди.

— Ота, мен сурувга кетяпман, — дедим аранг қултқулт ютиниб.

Отам хайрон. Казо-казолар қовурдоқ чайнаб, чой хўплаб ўз гурунгларига қайта шўнғишган.

Мен шитоб билан ташқарига отилдим. Бутун ғазабу нафратимни тўплаб, ўтовдан сал нарида мудраб ётган қари кўппакни беаёв тепиб юбордим. Ит чий-чийлаб қочди. Мен эса қайнаб ётган қора қозон қошидаги чўлиқни хангу манг қолдириб дашт томон чопиб кетдим.

Ўша куни кечқурун яйловдан қайтганимда арзанда амалдорлар жўнаб кетишган экан. Отам мени бамайлихотир кутиб олди. Бугунги ғазаб-нафратим қора ўчоқнинг тутунидай тарқаб кетган бўлса-да, алам-изтироблар хануз ўчоқ тубидаги кулдай таъбимни тирриқ қилиб турар эди.

— Нега бугун ўз бошингга тизинглаб қолдинг? — дея сўради отам, қўтон ёнидаги харсангга ўтирар экан. — Меҳмонларнинг олдида уялтирдинг-ку?!

— Улар меҳмонмас... — тўнғилладим мен ҳам чўпон таёғимга ўмган тираб. — Ўғрилар... тирик молларни ўлдига чиқариб...

— Тавба, акт қилишганини энди кўряпсанми? Ҳар доим шундай-ку?! Бунинг нимаси орқангни қичитяпти?

— Ота... — дедиму яна ўчиб қолдим, бутун дарду аламимни яққол ифодалайдиган сўзни тополмай қийналар эдим. — Ота, шу сизга зарилми, а? Нима, уларнинг олдида муттахаммисиз, қулимисиз шу энағарларнинг? Давлат молининг шўрини қуритиб ётган шулар-ку? Шу қузғунлар нима деса, доим кўнасиз...

— Хўш, нима қил, дейсан?

— Қўлингизга таёқ олиб қувламайсизми барини? Қўйдай бўғизлаб ташламайсизми?

— Нима учун? Давлатнинг молига акт тузиб ўзиники қилиб олгани учунми? Менга нима. Боқиб юрган сурувим ўзимники бўлмагандан кейин, менга нима фарқи бор, давлатникими ё каттаконларникими? А, нима фарқи бор?

Мен мик этолмай қолдим. Отамнинг зардасида жон бор эди. «Чин-да, фарқи нима?» деган гап лип этиб

хаёлимдан ўтди менинг. Бирок бу ўй барибир таскин беролмас, ўша алланечук алам-изтироб ич-ичимдан чарх уриб ётар эди.

— Фарқи бор, — дедим зўрға, ўз эътирозимга ўзим ҳам ишонмай. — Бировларнинг қули бўлгандан кўра давлатнинг ҳақиқий чўпони бўлган яхши.

Отам хохолаб кулди. Бу шунчаки зўраки, меникидан-да ортиқ алам, нафрат қалқиб турган кулги эди.

— Ҳа-а, нодон бола-я, — деди отам бош чайқаб. — Сен қурмағур кўп валдирама. Билмасанг билиб қўй, сен айтган ановилар бировлар эмас, давлатнинг ўзгинаси! Ҳа, мен улардан қўрқаман! Улар қўрққаним учун менга нон беради, тамом-вассалом. Сен, серри, бир-икки нимкала полвонни йиқитдим, деб катта кетма! Давлатдан қўрқ, уларнинг қонунидан қўрқ...

Мен ҳануз чўпон таёғимга кўкрак тираб, энтикиб турар эдим.

— Агар менга ичинг ачиса, сен ўқи, — дея давом этди отам, овози алланечук майин тортиб, — ўқигин, болам. Сен ҳам бир устолни эгалла. Сен ҳам ўтов тўрида ёнбошлаб маишат қил, акт ёз. Ана шунда отангнинг кўнгли тоғдай кўтарилади, ана шунда чарчоқларим тарқайди, болам. Ана шунда чин зўр саналасан, бу иш таёқ кўтариб бировларни қувлаб юргандан ҳам соз бўлади. Ўқисанг, арбоб бўлсанг, таёқ кўтарганнинг мингтаси оёғинг остига кигиздай тўшалади...

Туйқус отамнинг овози ҳирқираб, кўзлари ёшланиб дуога чоғланган қўллари кўк томон чўзилди:

— Оми-и-ин, Худо-ё, биз бечоралардан ҳам мурувватингни аяма! Кўзим очиқлигида, хеч қурса, кенжамнинг ўқимишли арбоб бўлганини кўрай, илоё...

Қизиқ, ўшанда отамнинг илтижолари қабул бўлдими, ё менинг Хизр кўрганлигим чин чиқдими, ишқилиб, синфдош жўраларим катта шаҳарларни кўзлаб кетган, мен гангиб, отам хижолатланиб юрган куплардан бирида, нихоят, омад деганлари биз ёққа ҳам кулиб боқди.

Саратоннинг хароратли оқшоми эди. Мактаб директори пўрим уст-бошли, саватдек сочлари жингалак, митти кўзлари зийрак, афт-ангорига шаҳар нуқси урган, серғайрат, серғап бир кишини бошлаб келди. Таъин бир тафтишчи бўлса керак, деган хаёлда довдираган отам кутилмаган мехмоннинг қош-қобоғи очиқлигидан, ўзини эркин, қувнок тутишидан сал-пал хотиржам тортди.

— Мени танимадингиз-а, Чоршанби бува? — деди меҳмон кулимсираб.

Отам сийрак соқолини тутамлади:

— Кўзимга иссиқ-иссиқ кўриняпсиз-у... қарилик курсин...

— Олашўрлик Худоёр махсумнинг улиман, отим — Тоштемир.

— Э, ха-а, — деди отам танигандай бўлиб, — ҳамсоя эканмиз-ку...

Йўқ, Тоштемир ака кўп ҳам ҳамсоя эмас экан. У ўнўн беш йилдан бери пойтахтда яшар экан. Ўша ёқда аввал ўқиб, сўнг ишлаб, нон-насибасини териб юрган эмиш.

Биз кутилмаган меҳмон учун баҳоли қудрат дастурхон ёздик. Мен совчиларни сезган қари қиздай оёғим олти, қўлим етти бўлиб хизмат қилар эдим.

— Ўғлингиз Қоржовбойнинг довруғини эшитиб келдим, — деди гап орасида Тоштемир ака, қўй қатиғидан ҳузурланиб ичаркан. — Ўзим ҳам бу полвоннинг бир-икки курашини кўрганман...

Мен ҳаяжондан терлаб кетган эдим. Тоштемир ака мени шаҳарда тарбиялаб, шуғуллантириб катта спортчи қилиш ниятида экан! Айтишича ўзи ҳам дзюдо кураши бўйича спорт устаси эмиш.

— Бинойи, бинойи... — дея минғирлади отам норози бир қиёфада. — Мен буни ўқитсам, деган хаёлда эдим.

— Албатта, ўқитамиз-да, — деди тағин жонланиб Тоштемир ака, — спортчилар учун ҳамма институтларнинг эшиги ланг очиқ...

— Бинойи, лекин... бу... савил қўлимиз калта-да...

— Ие, бова, мен сиздан бирор нима беринг, деб талаб қилаяпманми? Ҳаммасини ўзим тўғрилайман. Лекин бу йил кеч. Хозирча Қоржовбой биз билан шуғулланиб спортда ўзини кўрсатиб турсин, келгуси йил, Худо хоҳласа, ўқишга жойлайман...

Шундай қилиб, эртаклардагидек бир юмалаб пойтахтга келиб қолдим. Одамларнинг гавжумлигидан, серқатнов машиналарнинг шовқин-суронидан бошим оғриди, кўнглим айниди. «Ничево, хали кўникиб кетасан», деди Тоштемир ака мени кўчама-кўча, идорама-идора етаклаб юрар экан.

Тез орада бир ижара уйга жойлаштирилдим. Бу ерда бўйдор, ҳайбатли уч-тўрт йигит мени локайд, нописанд

кутиб олишди. Кейинчалик ҳаммамиз дўстлашиб, ака-ука киришиб кетдик. Ахир, барчамиз курашчи, бир спорт клубининг аъзолари эдик-да, кет қўяр кўрпамиз, ош еяр товоғимиз бир эди. Ҳамҳужралардан иккови номи жарангдор институтларда, бирови аллақандай коллежда ўқийди, тағин бир шерик менга ўхшаб келгуси йилни пойлар эди.

Мен бу ерда барчамизнинг бош-қошимиз, ғамхўримиз Тоштемир ака эканини кунма-кун, соат сайин англаб, ҳис қила бордим. Андак кейин билдимки, бундай жонкуяр зотлар «менеджер», деб аталар экан. (Менеджерми, мени жерми, ишқилиб, шунака.)

Сергап, серғайрат, оғзида ҳамиша сақич, спортчиларга хос енгил, ихчам кийиниб юрадиган Тоштемир ака ҳайратимга ҳайрат қўшар эди. Чиндан-да тоштемир эди у! Шу одамнинг ётиб ухлашига ҳеч ишонқирамасдим, қачон қарасанг, тик оёқда, жанговар, аллақайларгадир шошгани-шошган... Ҳар куни машқ-машғулотлар чоғлари бирга бўлсак-да, кечки пайтлар хужрамизга албатта бир бош суқиб ўтарди у. Албатта, ҳамишаги шиорнамо насиҳатини бот-бот такрорлайди: «Чекишдан, ичишдан, сексдан сақланинг!»

Куз охирлари, қишнинг бошлари биз учун қизғин мавсум эди. Тоштемир ака бошчилигида жануб вилоятларига сингиб кетар эдик. Тўйма-тўй, тантанама-тантана изғиб, кураш тушамиз. Ютуқ-совринларимиз тоғдай уюлиб кетади, ҳамёнлар қаппаяди. Лекин ҳужрага қайтиб келганимизда тоғдай совринлару қаппайган ҳамёнларнинг чўғи пасайибгина қолганига гувоҳ бўлар эдик. Мен аввалига эътибор бермай юрдим, кейинчалик укдимки, биз полвонларнинг топган-тутганидан тузуккина улуш менеджерга (мени жерга) тегишли бўлар экан!

Тоштемир ака менга кўп яхшиликлар қилди: шаҳарга олиб келди, расмий спортчи полвонлар тўпига қўшди, машқ-машғулотларга ҳамма шарт-шароитларни яратиб берди, кейинчалик, ўзи ваъда қилгандай ўқишга ҳам жойлаб қўйди, ҳамиша ғамхўр, ҳамиша жонкуяр! Бироқ... бироқ негадир у менга ёқмайди, ношукурчилик, нонкўрлик бўлса ҳам барибир очиқ икрор бўлишим шарт — ҳа, Тоштемир акани негадир жиним суймас эди. Унинг беадоқ мехрибончиликлари, мен учун югуриб-елишлари таъбимни тиррик қилиб, ғашимни қўзғайди, холос. Шун-

дай кезлар ҳамма нарса кўзимга балодай кўриниб кетади: шаҳар ҳам, спорту дўсти биродарлар ҳам. Ҳаммаҳаммасига қўл силтаб, дала-даштимга кочиб кетгим келар, бироқ отамнинг ўша илтижога чўзилган қўллари ҳамиша йўлимни тўсиб чиқар эди.

Ҳа, Тоштемир ака минг бир чопа-чоп билан мени ҳуқуқшунослик коллежига жойлаб қўйди. Бундан худди ўзи ўқишга киргандай керилди, ял-ял яшнаб қувонди. Мени эса вахима босди: «Қандай ўқийман бу коллежда, калла бўм-бўш-ку?!»

— Энди бу хушхабарни етказиб, чўпон бовани би-ир қувонтиришимиз керак, — деди Тоштемир ака, коллежнинг қабул ҳайъатидан чиқиб келар эканмиз.

Мен минг бир саросима билан эътироз билдирмоқчи бўлдим:

— Сал-пал ўқиб кўрай-чи ҳали... Ўша ёқларга тўйга борганимизда бизникига кириб ўтармиз...

— Бекор айтибсан, хайрли ишнинг эртаси яхши, галварс.

Ўша куниёқ Тоштемир аканинг машинасида қишлоққа жўнаб кетдик.

Отам ўқишга илашганимни эшитиб ўн ёшга яшариб кетгандай бўлди. Дарров кўй сўйиб зиёфатга уннади.

— Тоштемиржон, барака топинг, — дея бот-бот алқайди у устозимни. — Олдингизда қарздорман.

Тоштемир ака қўлларини кўксига қўйиб сўзамоллик қилади:

— Қарз-парздан гап очманг, бова. Бизларга дуодан йўқлаб турсангиз, бас. Ҳай, кўнглингиз жойига тушмаса, ана, ҳимматингизга қаранг, бир-икки кўзини бизга атаб сурувга қўшибгина қўйинг, кўпайишибгина юраверсин. Лекин қарз-парздан гап очиб, мени хафа қилманг, дуода бўлинг, бова, дуода. Ахир, савоб ҳам керак-ку...

Мен беҳуда хавотирланган эканман. Бошқаларини билмадиму, бироқ ҳуқуқшуносликка ўқишдан осони йўқ экан. Бир жуфтгина лафтарни қўлтиққа қисиб бориб-келиб юравердим. Унча-мунча расмий мусобақаларда танилиб қолганимдан обрўйим ҳам зўр эди. Ҳатто коллеж директорининг ўзи ҳузурига чорлаб қўлимни қисиб қўйган: «Кураш майдонларида коллежимиз номи жаранглаб турса, бас, буёғидан хавотир олманг...» Худо бергани шуда, гоҳ машқ-машғулотларни, гоҳ тайин-бетайин мусоба-

қаларни баҳона қилиб дарсларга ўлда-жўлда қатнашар эдим. Тоштемир ака ҳамишагидек раҳнамо, ҳамишагидек бош-қош. (Мени жер!)

Нуфузли мусобақалардан бирида устоз билан аразлашиб қолдик. Ўшанда оппа-осон ярим финалга чиққан эдим. Тағин озгина ғайрат кўрсатсам мутлоқ ғолибга айланишим тайин эди. Бироқ ярим финал беллашуви аввалида Тоштемир ака мени бир чеккага тортди:

— Қоржов, сен йиқилиб беришинг керак, — деди у шивирлаб.

Мен ҳайрон қолдим:

— Нега?!

— Шунақа ишлар... У ёқ билан келишдик, ғалаба уларга, совриндан бизга, қалай?

— Йўқ, бунақаси кетмайди, ҳалол курашамиз, — шундай дедим-у, бироқ ич-ичимдан барибир кўнишимни сезиб турар эдим.

— Қоржов, тушун, бу таклиф улардан чиқди. Рақиб томон сендан қўрқяпти, товон тўламоқчи. Демак, сен маънавий ғолибсан.

— Йўқ, — дедим ўзимни қайсарликка солиб, — майдонда ғолиб бўлишни истайман.

— Уф-ф...

Тоштемир ака тумшайди-қолди. Узоқ вақт хона деразасидан ташқарига термулиб ўзича ғам-ғуссага ботди. Ҳатто, сақич ҳам чайналмай қолди. Мен устозимиз бу ёғига қандай чора топишига қизиқиб, зимдан уни кузатиб турардим.

— Эсиз яхшилик, эсиз меҳнатим, — дея ўз-ўзига гапиргандай минғирлашга тушди Тоштемир ака. — Сени қишлоқда битга беланиб ётганингда шаҳарга опкелдим, элга қўшдим, ўқишга жойладим, эвазига нима топдим... Мана, ҳурмат, мана оқибат...

Тоштемир аканинг ёзғиришларидан уни билмадим-у, мен енгил тортдим. Ич-ичимни тирнаб юрган аллақандай саволларга, ниҳоят, жавоб топгандай бўлдим.

— Ҳазиллашдим, устоз, мен розиман, — дедим зўраки илжайиб. — Анавиларни хурсанд қилаверинг.

Тоштемир аканинг кўзлари бир қур порлаб кетди. Жағлари шитоб сақич чайнашга тушди.

— Балли, боқса одам бўласан, — дея ўшшайди ўзича эркалаб.

Ҳаммаси Тоштемир ака истагандай бўлди. Ярим фи-

нални атай бой бердим. Устоз мўмайгина товон пулининг бир қисмини қайта-қайта санаб менга узатди.

Мен унинг қўлини заҳархандалик билан силтаб ташладим.

— Устоз, менга маънавий ғалаба ҳам етарли, моддий ғалаба сизга бўлақолсин...

Ҳа, дабдурустдан худди шундай деб юбордим! Оғзимдан чиққан илмдорларга хос сўз ўзимни ҳам қойил қолдирди, ишқилиб, ҳуқуқшунослик коллежининг тупроғини бекорга ялаб юрмаган эканман.

Тоштемир ака юзимга бир зум анграйиб қолди: ё пурмаъно сўзларимдан хайратланди, ё дурустгина ҳақдан воз кечганимга ишонқирамади. Бироқ улушни олишимга ортиқ қистамади.

— Ҳай, майли, — деб қўйди у пулларни ўз чўнтагига қайта жойлар экан. — Бир кун суришиб кетармиз.

Шу воқеадан кейин ўртамиздаги омонат парда буткул йиртиб ташлангандай бўлди. Тоштемир ака кўз ўнгимда шунчаки Тоштемир (мени жер)га айланди-қолди. Унинг олдида бемалол оёқ узатиб ўтирадиган, узундан-узоқ жаврашларини (сергап-ку у!) шартта узадиган бўлдим. Қизиқ, Тоштемир ака бундай хатти-ҳаракатимдан ҳеч бир оғринмас, билиб-билмасликка олиб қўяверар эди. Балки илгари ҳам унинг феъл-атвори шунақа бўлгану мен пайқамагандирман (Ҳар қалай, ҳувв, маънавий ғалабадан сўнг сезгир, шубҳакор бўлиб қолган эдим).

Ўша машмашадан кейин Тоштемир акага ўчакишиб, ўзбошимчаликлар қилишга ружу қўйдим. Энг аввал унинг «ичишдан, чекишдан... сексдан сақланинг» деган шиорини ўзимча бузишга киришдим. Бироқ дарров англадимки, бузғунчилик ҳам эплаганники экан. Бир дона сигаретни тутатиб бир сўргандим, ўпкам оғзимга тиқилиб, кун бўйи йўталиб юрдим. Ичкилик эса бундан беш баттар қилди. Аллақандай қаҳвахонага кириб ярим қадаҳ арақ сипқордим, (устидан газак қилиш кераклигини қайдан билай) уч кун кўнглим айниб қусишдан бўшамай қолдим. Аммо... устоз тақиқлаган учинчи гуноҳ иш шунчалар жозибали эдики... хали қўл урмай туриб, хаёлининг ўзиёқ лаззат бағишлар эди. Тўғриси, Тоштемир ака билан ғижиллашмасдан илгариёқ беихтиёр ўша учинчи гуноҳнинг қўйига тушиб қолган эдим. Кўча-кўйда, коллежда қиз-жувонларни зимдан-зимдан кузатиш жону

дилим эди. Ўз-ўзимга минг бир насиҳатлар киламан, спортнинг одоб-ахлоқи ҳақидаги қоидаларни дуодай такрорлайман, бироқ ҳеч бир нафи сезилмади. Не-не полвонларни ҳам бир силтовда синдирадиган ғаройиб бир куч мени етаклаб юрар, қулоғимга аллақандай сирли сўзларни шивирлар, учқур-учқур хаёлларга миндирар эди. Транспортлардаги тиқилинчларда қиз-жувонларга суйкалиб туриш, уларнинг ҳидини искаш ҳузурбахш машғулотимга айланди-қолди. Шундай серсаргузашт кунлардан бирида оппоққина жувонга илакишиб қолдим. Автобусдаги ур-сур пайт унинг бел-бикинларига каттикроқ тирғалганим чоғ, аёл мен томон кескин бош бурди. Чўчиб кетдим. Бироқ аёлнинг жаҳли билан чимрилган қошлари лаҳза ўтмай табассум билан ёйилиб кетди. Лаб-ёноғида ишвали кулгу ўйноқлади. Менга жон кирди. Бекатларнинг бирида жувоннинг изидан тушиб қолиб унга қорама-қора боравердим.

Аллақандай магазин ёнида аёл таққа тўхтаб менга юзланди:

— Мендан нима истайсиз, йигитча?

— Ҳеч нарса...

— Нега мени қувлаб юрибсиз?

— Ўзим...

Аёл нозли бир кулиш қилди:

— Ҳеч нарса... ўзим... намунча довдирайсиз? Кинг-конг... Шу гавдага яраша ҳамён ҳам борми, йигитча?

— Бор.

— Уф-ф... ундай бўлса юринг, менга бир стакан сув олиб беринг, қувлай-қувлай ичимни куйдириб юбордингиз.

Аёл бир талпиниб тирсагимдан тутди. Ҳаяжондан менинг ҳам томоқларим қуруқшаб қолди-ёв...

Чанқовлар босилгач, аёл ўлардай очлигидан нолиди. Хайрият, ўша куни анчагина пул олиб чиққан эканман, шўрвадан сўнг палов, паловдан кейин кабобхўрлик қилдик. Шу орада бир-биримизга анча кўникиб, апоқ-чапоқ бўлиб қолдик. Ошпазлар билан хисоб-китоб қилиб, энди-гина кетишга чоғланиб турган пайтимиз семиз бир хотин пайдо бўлдию ёнимдаги жувон билан хуш-хандон кўришиб, сўраша кетди. Мен тевараккa ахён-ахён олазарак кўз ташлаб, хижолатланиб ўтирардим. «Тағин бу ҳам оч бўлса-я?!» деган хавотир ҳам йўқ эмасди, албатта.

Семиз хотин алланималарни шивирлаб ёнимдаги жувонни четга тортди. Улар гавжум ошхонанинг бир бурчида хийла вақт гаплашиб қолишди. Бир маҳал жувон ранг-рўйи тундлашиб, йиғламоқдан нари-бери бўлиб ёнимга келди.

– Қоржов-жо-он, ёнингизда қанча пул бор? – дея *пичирлади у, синиқ бир товушда.* – *Анови ўлгурдан пича қарз эдим, қистаб қўймаяпти.*

Мен бирор бир эътироз билдиришга улгурмадим. Жувоннинг кейинги сўзлари нишонга бехато тегди:

– Ўлгурни тезроқ жўнатиб юбормасам, икковимизга халақит беради, – деди ғам-ғусса орасидан илжайиб. – Қарзга қолмасма-ан... суришиб кетами-из...

Мен, албатта, шунча харажатга куйиб қолишни истамас эдим. Ноилож, чўнтакдаги бор-йўғимни чиқариб аёлга тутқаздим. Аёл бир чангал пулни икки-уч қайта санаб, пичасини қайтиб берди:

– Ортиқчаси керакмас. Узр. Қоржовжон, сизни ҳам *безовта қилдим. Мен ҳозир... бир минут, кутиб туринг,* хўп...

Жувон дугонасини қўлтиқлаб, алланималарни жеркиб гапирганича ошхона ёнбошига ўтиб кўздан йўқолди. Мен лаззатли бир хаёллар оғушида кутиб ўтиравердим. Орадан хаш-паш дегунча ярим соатлар чамаси вақт ўтдикетди. Хавотир билан аёллар кетган томон юриндим. Афсуски, миш синчиклаб тикилсам-да яқин ўртада уларнинг қораси кўринмади. Мен шундагина хаёлан жувонни ечинтириб турган чоғим, у аллақачон ўзимни ечинтириб, ипсиз боғлаб кетганини сездим. Хайрият, бу машмашага бирор бир таниш-билиш гувоҳ бўлмади. (Хизр кўрганим чин, шекилли!) Аммо бу саргузашт ҳам фойдадан холи эмасди, катта харажатлар эвазига бўлса-да, ҳар қалай, аччиққина сабоқ олдим, Тоштемирнинг ўзи ёмон бўлса ҳам, у бот-бот такрорлайдиган спортчилар ақидаси нақадар яхши, нақадар ҳақ эканини чуқур ҳис этдим.

Хуллас, шундай қўшимча сабоқлар ола-ола ҳуқуқшунослик коллежини битириб қўйибман. Уч йил дегани хаш-паш дегунча ўтиб кетибди. Шу уч йил ичида отамнинг юзидан мамнунлик аримади. Ҳар гал қишлоққа борганимда мени ўтказгани жой тополмасди. Мен эса қўй-қўзиларнинг маърашини, гўнг исини соғиниб борганимдан ёш боладай ўйноқлаб қўтонларда изғигим келар эди.

Ноилож, ўзимни катта шахардаги катта давраларни кўрган, сипо ва жиддий қиёфага солиб ўтираман. Бу ҳол отамга хуш ёқади, ҳамқишлоқларнинг ҳавас-ҳасадини келтиради. Ака-опаларим ҳам наслимизга бир амал тегиб қолиши муқаррардек керилиб юришар эди. Айниқса, синфдош жўраларимнинг атрофимда гирди-капалак бўлишларини айтмайсизми? Гўё мен пиру комил, улар — хокисор муридлар! Аллақандай институтга кириш илинжида икки марта уриниб, икки марта ҳам омади чопмаган дўстим Ҳусан отамга чўлиқлик қилиб юрган экан. (Аҳён-аҳён ҳазрати Хизрнинг йўлини пойлаб Кенгсойнинг қир-адирларида изғишлари ҳам хозирча ҳеч бир наф бермабди.) Мен ҳар гал қишлоққа борганимда дўстимга астойдил далдалар берарман, кўнглини кўтарарман.

Ўтган уч йил ичида отам мендан хабарлашгали пойтахтга уч карра келиб кетди. Уч марта ҳам ўзидан катта копни орқалаб олган эди. Тандиркабобдан ҳузурландик. Тоштемир (мени жер)нинг рўзғори ҳам икки-уч кун овқат ташвишидан қутулди. Отам қўярда-қўймай коллежимизнинг талай кайвони ўқитувчиларини ҳам меҳмон қилди. Хуллас, меҳмонга келган мезбон ҳамманинг кўнглини овлади. Ўқитувчиларим ҳам қарзга қолишни истамагандай мени хўб мақташди, коллежнинг фахрига чиқаришди.

Отам бундан бир ойча бурун келиб-кетганида Тоштемир ака иккови мени ўртага олишган эди. Ўша кунлари коллежнинг битирув имтиҳонларини топшириб юрардик.

— Энди-и, Қоржовбой, — деди отам салмоқлаб, — институтнинг ҳаракатини қиламиз.

Тоштемир ака ҳам зўр бериб бош ирғаганча отамнинг гапларини маъқуллаб ўтирарди.

Менинг кулгим кистади:

— Ота, институтга каллам кичкиналик қилади-да.

— Кўпчиликнинг калласи билан бир амаллаймиз-да, улим. Мана, устозинг ҳам иложи бор деяпти.

— Сендай спортчи институтларга ҳам керак, — деди Тоштемир ака ҳовликканнамо.

Мен елка қисиб қўя қолдим.

— Эсам гап шу, — хукм чиқарди отам. — Кўнгилгинани бўлмай, Тоштемир акангнинг йўриғидан чиқмай, шу атрофда кора бериб тураверинг, улим. Насиб бўлса, ҳаммаси бинойи бўлади. Худодан умидимиз бор...

Ўшанда отам билан пинҳона келишувлари жуда қатъий *бўлганми, ҳар қалай, Тоштемир (мени жер) истиқболим* учун зимдан югуриб-елиб юрган экан. Куни кеча коллеж билан хайр-хўшлашиб, ич-ичимдан алланечук ғусса қўзғалиб хужрамга етиб келганимда Тоштемир ака мени бетоқат кутиб турар эди. Юз-кўзлари тўла ҳаяжону завқшавқ.

— Қоржов! — деди у қаршимга кулоч ёйиб чиққан. — Хизр кўргансанми, нима бало? А?

Дарров англадим: омадим чопган. Ҳа, деб омад кулиб боқаверса ҳам одамнинг эти ўлиб қоларкан, шекилли, на қувондим, на ҳаяжонландим. Тоштемир аканинг кўнгли учун илжайиб туравердим.

— Беккул Тўрақуловични ҳеч эшитганмисан? — деб сўради устоз, йўлакдаги курсиларга ўтирарканмиз.

— Ҳа, — дедим бош ирғаб,— бир марта кўрганман.

Рост. Учинчи курснинг бошларида коллежимиз ҳовлисига серҳашам, ойналари қоп-қора бир автоулов сувдаги оққушдай енгил, шовурсиз келиб тўхтаган эди. Бунгача «Беккул Тўрақулович келяптилар!», деган андак ваҳимали, андак ҳаяжонли шов-шув яшиндек таркаб улгурган, коллежнинг директоридан тортиб фаррошигача дарвоза ёнида қўл қовуштириб туришар эди. Автоуловдан ораста кийинган оқ сочли, қора кўзойнак таққан, ўрта бўй, олтмиш ёшлар атрофидаги бир зот виқор билан тушди. Директор етовидаги бир гуруҳ ўқитувчилар тавозеълар билан уни қуршаб олишди. Кейинчалик эшитиб билдимки, Беккул Тўрақулович барча ҳуқуқшунослик, қонуншунослик ўқув юртларининг раҳнамоси экан!

— Беккул Тўрақулович буюк олим, — дея оғзидан бол томиб таърифлашга тушди Тоштемир ака. — Қонунчилик илмини сувдай симирган. Қонунчилик бўйича бир... уч юзталар китоб ёзган-ов, университетда маърузалар қилади. Ҳозирги амалдаги қонун-қоидаларимизда Беккул Тўрақуловичнинг ҳиссаси жуда катта. Ишонмасанг, ана, қонунчилик бўйича ёзилган китобларни очиб қара, жиноят кодекси дейсанми, маъмурий кодекс дейсанми, ҳаммасида устознинг исм-шарифлари бор. Бирида муаллиф, бирида таҳрирчи...

Тўғриси, коллежда уч йил ўқиб бундай узундан-узоқ маъруза эшитмаган эдим. Тоштемир ака кўзларини ярим юмиб, худди сеҳрли бир эртак сўйлаётгандай мароқ би-

лан гапириб ётар эди. Икки-уч эснаб, икки-уч уф тортишларим ҳам кор қилмади.

— Беккул Тўрақулович каттиққўл раҳбар, ўта виждонли инсонлар. У киши ҳаётда қонун устуворлигидан бошқасини тан олмайди. Порахўрлик, таниш-билишчилик деган иллатларнинг ашаддий душмани. Билимни, мехнаткашликни қадрлайдилар...

— Э, бўлди-да, — дедим охири чидаёлмай, — бу гапларнинг менга нима алоқаси бор? Қизиқ экансиз, устоз...

Тоштемир ака уйқусида алаҳсираб ётган одамдек туйқус кўзларини катта-катта очди, мамнун илжайди:

— Ана шу кишининг сенга назари тушган.

— Назари тушган? Менга-я?

Тавба, ҳазрати Хизрдан ҳам бошқа назаркардалар борлигини ҳеч хаёлимга келтирмаган эканман.

— Сени ўзига хос соқчиликка танладилар, — деди устозим ҳануз мамнун қиёфада. — Шахсан ўзларига телехранитель бўласан!

— Нима, мендан бошқа зўрлар қурибдими?

— Билмадим... номзодлар кўп эди. Сенинг ҳужжатларинг билан танишиб, шу полвон бизга маъқул, дептилар. Тўғри... биз ҳам қараб турганимиз йўқ, баъзи бир акахонлар аралашишди, ишқилиб... сен учун ўлиб-тирилдик.

— Қонун ҳимоясидаги одамга қўриқчи нега керак экан?..

— Бу ҳам бир престиж-да, Қоржов,— дея чуқур тин олди Тоштемир ака. Бундай хушхабарни чапак чалиб кутиб олмай эзмаланишим энсасини қотираётганди унинг.

Тан олиш керак, аслида мен ҳам ич-ичимдан қувониб, илоё, омадим чопгани чин бўлсин, деб турибман. Бироқ бирор ишкали чиқиб қолмасин тағин деган ўй ҳам тинчлик бермаётганди. (Ахир, ошхонадаги воқеа анчагина сермулохаза, тадбиркор қилиб кўйганди-да.)

— Беккул Тўракуловичнинг шу пайтгача қўриқчиси йўқмикан? — деб сўрадим ўзимча бепарво.

— Бўлган. Ҳамма гап шунда-да, — тағин илҳомланди Тоштемир ака.— Беккул Тўракулович хизматга яраша ҳиммат кўрсатадиган киши. Қўрикчисини сийлаб яхши бир ишга жойлаб қўйганлар. Энди ёш кадрлардан олмоқчи.

— Устоз, қўйинг шу ишни, мен курашчи полвонман, муштлашувга ғирт нўноқман, шарманда бўламиз.

— И-е, ким сенга муштлашасан, деяпти? Сен уй қўриқлайсан.

— Уй?!

— Ҳа, дача-пача дегандай.

Мен кулиб юбордим:

— Ҳозиргина «телохранитель», деб лоф-коф ураётгандингиз-ку? Чорбоққа қоровул керак экан-ку у кишига?!

— Да... умуман, — бўшашиб бош қашиди Тоштемир ака. — Нима фарқи бор сенга? Ишқилиб, ғўддайибгина юрсанг бўлди ўша ерда.

— Ойлик ҳам берармикан?

Тоштемир ака сапчиб ўрнидан туриб кетди:

— Ўвв, намунча ўзингни тарозига солиб қолдинг?!

— Сўрадим-да.

— Сўрама! Бу ёғи билан ишинг бўлмасин. Сен ҳали синов муддатидан ўтиб ол-чи? Қолгани бир гап бўлар... Ўргилдим сендақа ойликхўрдан.

— Ўкиш-чи? Мен ҳали институтга кирмоқчи эдимку?

Тоштемир ака пихиллаб кулиб юборди. Бу кулгуда жаҳл ва қувонч алланечук аралашиб кетган.

— Эҳ, галварс, эҳ, тўнка, — деди у афсуслангандай бош чайқаб. — Ҳамма ташвиш ўкишга киришинг учун бўлаяпти-ку?! Сен ҳозирча қўриқчиликда ўзингни кўрсатиб тур, қолганини менга қўйиб бер...

— Бекқул Тўрақулович таниш-билишчилик қилмайди, дедингиз-ку ҳозиргина?

— Тўғри. У киши бунақа ишларга аралашмайди. Ну... сенинг ўша хонадонда хизмат қилишинг менга етарли, қолганини ўзимга қўйиб бер, тушундингми?

— Тушундим.

— Уф-ф... хайрият, — Тоштемир ака енгил тин олиб, елкамга кўл ташлади.— Қоржов, ука, сен бундай мижовликни ташла. Менга халақит бермай айтганимни қилиб юр. Мана, бугун коллежни битирдинг, институтларнинг қабулига ҳали уч ой вақт бор. Унгача кўп нарсаларга улгурамиз, фақат сен менга қулоқ сол, хўп?

— Хўп.

— Яша, укажон, мен сени эртага Бекқул Тўрақуловичга топшираман.

Мана, бугун Бекқул Тўрақуловичга топширилдим. Шундай ҳаяжонли, қувончли воқеа арафасида бўлишим-

га қарамай кеча дарров донг қотиб ухлаб қолибман. Тоштемир ака эрталаб аранг уйғотиб олди. Тун бўйи мижжа қоқмай чиққанидан нолиди. Ювиниб-тарандик, чой-пой ичдик, хуллас, талай тараддудлардан сўнг чошгох маҳали отландик.

Тоштемир ака машинасини елдириб бора-бора, ҳануз менга маслаҳатлар бериб чарчамайди.

— Энди бу ёғига бўшашма, Қоржов, — дейди у серқатнов кўчадан кўз узмай сақич чайнаб. — Ўзингни ўқимишли, маданиятли тут. Ҳар нарсага бурнингни тиқма. Бўш вақтларингда домланинг кўзларига иложи борича китоб билан кўрин. Хизматларига ҳамиша шай тур. Балки сени у ёқ-бу ёқларга ёнларида олиб юришлари ҳам мумкин. Ишқилиб, ишнинг пачавасини чиқарма...

Мен бирор-бир ҳашаматли ҳукумат идорасида сер-савлат, пўрим амалдор билан учрашишни хаёл қилиб борар эдим. Йўқ, Тоштемир ака уловини Олой бозори биқинидаги турна қатор машиналар ёнида тўхтатди-да, лип этиб кабинадан чиқди. Худди шуни кутиб тургандай, биздан андак наридаги қип-қизил, серҳашам машинадан «Адидас» русумидаги спортчилар кийимини кийган, ўрта бўй, оқсоч киши қора берди.

Тоштемир ака у билан қўшқўллаб кўришаркан:

— Ассалому алайкум, Беккул Тўрақулович, — деди ялтоқланиб. — Кечирасиз, куттириб қўйдикми?

Мен, хувв, коллеж бўсағасида кўриниш берган, не бир қонунлар ижодкори шу зот эканига ишонқирамай қарадим. Ҳамма серташвиш, куйинчак одамлар қатори у ҳам хорғин, зериккан қиёфада машинасига суяниб сигарет чекиб турибди. Қизаринқираб турган кўзларига қараганда кеча улфатчилик чакки бўлмаган кўринади.

Улар анчагина сухбатлашиб қолдилар. Тоштемир аканинг узук-юлук қулоғимга чалинган гап-сўзларидан Беккул Тўрақулович меҳнат таътилида эканини, унга аллакимлар салом йўллашганини аранг илғаб олдим.

— Қоржовбой! — дея имлади Тоштемир ака ниҳоят мен томон юзланиб. — Бу ёққа келинг.

Машинадан тушиб қироатли салом билан уларга яқинлашдим.

Беккул Тўрақулович бўй-бастимга синчков-синовчан кўз ташлаб ўзича ҳазиллашган бўлди:

— Ў-ў-ҳў-ў, бу полвон ховлимизга сиғмайди-ку!

Тоштемир (мени жер) моли мақталган чайковчидай хушхон илжайди:

— Ўзимизнинг жайдарилардан, домла. Юз процент ишончли йигит. Илиги қўй ёғига тўла. Исми Қоржов.

Иккаласи ҳиринглашиб кулишди. Беккул Тўрақулович қўл соатига кўз ташлаб, менга юзланди:

— Қоржов полвон, қани, машинага марҳамат.

* * *

Кечагина эшакка қийшиқ минган қишлоқи эдим, бугун эса ажабтовур машина ўриндиғида ястаниб ўтирибман-а?! Нахотки, Хизр кўрганим чин? Ё ҳаммаси тушмикан? Йўғ-э, ҳушим-ку, (кўзларим катта-катта очиқ) ана, Беккул Тўрақуловични кўриб турибман, ана, машина деразасидан сершовқин, серҳашам шаҳар лип-лип ўтиб турибди, кенг-текис, серқатнов йўл, баланд-паст иморатлар...

Беккул Тўрақулович машинани ҳам сипогина ҳайдар экан. Аҳён-аҳён мен томон кўз қисиб, илжайиб қўяди. Ҳар қалай кўнглига ўтиришганга ўхшайман. Йўл бўйи яхшигина танишиб ҳам олдик. Албатта, мен Тоштемир ака тайинлагандай ўзимни илму маърифатга чанқоқ, ўқиш дардида юрган бир мусофирдай кўрсатишга тиришдим. Беккул Тўрақулович интилишларимни маъқуллаб ўзича талай насиҳатлар қилди. Мен бош иргаб чарчамадим. Гап орасида Беккул Тўрақуловичнинг ўзи ҳам аллақандай Боғдодми-Барбодми деган қишлоқдан чиққани маълум бўлди. Машаққатли меҳнату ўқиш туфайли шундай даражага эришибди.

Машина бир маромда елиб борар эди. Ҳаш-паш дегунча шаҳар турки ортда қолиб, боғлару парча-парча экин далалари аро кетган кенг йўлга тушиб олдик. Ҳойнаҳой, чорбоққа борсак керак.

Бир пайт Беккул Тўрақулович афтларини бужмайтириб, рул чамбарагига кўкрак тираб қолди.

— Қурғур, қорин, — деди у аранг,— эртадан бери бураб-бураб оғрийди-я...

Менинг кулгим қистади. Шундай катта олим, катта арбобни ҳам эл қатори ич оғриғи безовта қилиши ҳеч хаёлимга сиғмас эди.

— Янтоқ қайнатиб ичинг, — дедим ўзимни билағон кўрсатиб. — Бир соатда отдай бўп кетасиз.

Менинг маслаҳатим Беккул Тўрақуловични қулоғига

кирмади ҳисоб. У теваракка аланглай-аланглай қуюқ дарахтзор орасига югургилаб кетди.

Бир оздан сўнг яна йўлга тушдик.

— Ай, яш-шанг, Қоржовбой, — деб гап бошлади Беккул Тўрақулович, афтидан ўртадаги андак ўнғайсизликни даф этиш учун. — Сизни безовта қилмас эдигу, баъзи бир оғайнилар, шогирдлар қўйишмади-да...

Беккул Тўрақуловичнинг ёзғиришидан маълум бўлдики, аслида ҳеч қандай қўриқчию ҳеч қандай хизматчига эҳтиёжи йўқ экан. Домла шунчаки ёр-биродарларининг кўнглидан ўтолмабди, тўғрироғи, зиқна деган ғийбат гаплардан қочибди.

— Ана шунақа, — деб қўйди у сигарет тутатиб, — камтаргина кун кўришингга ҳам қўйишмайди булар.

Мен гўё бировнинг оштовоғига берухсат қўл чўзгандай туйқус таъбим тирриқ бўлди. Беккул Тўрақулович авзойимдаги ўзгаришни сезди-ёв (нақадар зукко, маданиятли зот) дарров вазиятни сувашга тушди.

— Ну, Қоржовбой, сизни ўзим талаб қилдим, — деди у кулиб. — Кўнмаганингизда хафа бўлардим. Баъзан зериккан пайтларим ёшлар билан сухбатлашишни ёқтираман. Сиз айнан менбоп сухбатдош экансиз.

Биламан, домла бу гапларни шунчаки кўнглим учун айтаяпти. Лекин димоғим чоғ бўлди. Кўнглимга қараяптими, демак, ҳувв, ярим финалдагидай маънавий ғолибман.

• • •

Чорбоғ кенг-мўл, жуда хушманзара эди. Баланд девор бўйлаб экилган қатор тераклар, мевали дарахтлар солланиб турибди. Чорбоғ этагида мармар ҳовуз. Ҳовуз теварагига қалин қум тўшалган. Улкан, сершох, сербарг дарахт ҳовуз атрофига қуюқ соя ташлаб турибди. Чорбоғнинг у ер-бу ерида ранго-ранг гулзорлар барқ уриб ётибди. Сайр учун атай қурилган бетон йўлакчалар хар ён-хар ёнга қон томирларидай ёйилиб кетган. Дарвозанинг чап томонида машина гаражи, гаражга тақаб қурилган гугурт қутисидеккина ҳужра. Дарвозанинг ўнгида эса баланд пойдеворли, деразалари боққа қараган, кўркам, шинам уй.

— Мана, бизнинг дача шу, — деб қўйди Беккул Тўрақулович у ён-бу ён кўз ташлаб.

Ҳа, домла рост айтган экан. Одам тугул пашша учиб

киролмайдиган бундай баланд кўрғонга хеч бир қўриқчи шарт эмас эди.

Биз дарвозадан бош суқиб, оёқ оширган чоғ мармар ҳовуз ёқдан бир бўй қиз чопқиллаб кела бошлади. Мен кўзларимни қаён яшираримни билмай қолдим! Кўкрагию киндигидан пастига кийиб олган бир-бир тутам матони айтмаса, қиз қип-яланғоч эди.

— Привет, пап, — деди у Беккул Тўрақуловичнинг бўйнига жажжи қизалоқдек осиларкан.

Домла хам қизини нўноқларча қучиб, оқ-сариқ юзидан ўпиб қўйди:

— Ах, ассалим! Қалай, дам олаяпсизларми?

— Ҳа, — деди қиз ингичка қошларини қоплаб тушаётган сочларини нов билан силтаб ташлаб. — Ўртоқларим келишган. Имтиҳонлардан қутулганимизни бассейнда ювяпмиз.

Ўзининг сўз ўйинидан ўзи завқланиб қиз қиқир-қиқир кулди. Домла хам ҳиринглаб, арзандасининг яланғоч яғринларини силаб қўйди.

Мен қизнинг оппоқ, силлиқ сонларига, бир тутам сийнабандидан тошиб турган кўкракларига беэътибор *бўлиш дардида ўлиб-тириларканман*, кўзларим дуч келган ёққа аланг-жаланг бўларди. Лаш-лушларим солинган елим халтани гоҳ у қўлимга, гоҳ бу қўлимга бетоқат алмаштираман.

Беккул Тўрақулович *туйқус мен томон юзланди*:

— Танишинглар, Қоржов, бу менинг эрка қизим Маржона.

Маржона икковимиз бир-биримизга енгилгина кўз ташлаб, енгилгина бош ирғаб қўйишдик. Қиз лабларини қимтиб зўр бир қаҳқаҳадан аранг тийилиб турганини пайқагандай бўлдим. Афтидан, қўполдан-қўпол исмим ё бесўнақайларча хижолатланиб туришим унинг кулгисини қистар эди.

Шу орада уйнинг мармар зинапояларида ранг-рўйи мармардек совуқ бир аёл кўриниш берди. Пешонасини сириб танғилган гулдор мато устида уюлган сарғиштоб сочи похол ғарамига ўхшайди. Юз-кўзига суркалган бўёқнинг қуюқлигидан асл кўзу асл лаб-даҳанни илғаш анчагина қийин. Устида семиз, бикки қоматини сириб турган енгсиз, тор халат.

— Ассалў-ўм, — дея димоғида салом берган бўлди аёл.

Бекқул Тўрақулович айбдоргина илжайиб бош ирғади:

— Биз келдик.

Шу орада Маржона оппоқ орқаларини диркиллатган кўйи яна мармар ҳовуз ёққа чопқиллаб кетди.

— Яхши бориб келдингизми, адаси? Чарчамадингизми?

Лаби-лабига тегмай писта чақаётган бу аёлнинг анча ёш кўриниши сабабли, ҳар қалай у Бекқул Тўрақуловичнинг хотини эканига дабдурустдан ишониш қийин эди. (Бироқ, аччиқ ҳақиқат.)

Домла яна менга қуш қараш қилди.

— Танишинглар, Қоржов, бу... кеннойингиз Илмира.

Мен тағин енгилгина бош ирғадим.

— Яхши, хурсандман, — деб қўйди Илмира янгам меши бир буюмдай кўздан кечираркан. — Хуш келибсила-а...

У туйқус орқага бурилди-да шанғиллаб чақирди:

— Роза опа-а, ани-ий!

Лаҳза ўтмай мармар зинапояда ўрта яшар, жонсарак бир аёл пайдо бўлди. Бошидаги сарғиш рўмол, белига тутган сарғиш этак унинг шу хонадон хизматчиси эканидан дарак берар эди.

Чорбоққа киргандан бери кўнглимни аллансчук ғашлик қоплаб олган. Бу ғашлик гўё Маржона билан чопиб келдию ич-ичимга қамалиб, тирноқлаб ётмоқда эди.

Роза аний пилдирабгина келди-да қўлимдаги елим халтани олиб эшитилар-эшитилмас товушда, «юринг», деб қўйди. Эру хотин ўзаро ғунғирлашиб мармар зинапоядан кўтарила бошлашди. Мен Роза анийга эргашиб гараж ёнидаги ҳужра томон юрдим.

Ҳужра шинамгина экан. Ҳужра тўрида кўрпа-тўшакли каравот. Бутун чорбог кўзга ташланиб турадиган дераза ёнида емак столи, бир жуфт стул. Ҳатто эскигина бўлса-да телевизор ҳам бор экан.

Роза аний каравот устидан кўрпа-тўшакка ҳаворанг жилд кийгиза-кийгиза тинимсиз жавраб аввалги қўриқчини мақтади, ора-чора менинг вазифаларимни тушунтирди. Унинг уқтиришича, энг зарил ишим чорбоққа кечаю кундуз кўз-қулоқ бўлиб туриш, келиб-кетувчиларни кутиб олиб, кузатиб қўйиш, ишқилиб, шум ниятли баъзи бир касларга ҳамиша ҳозиру нозир эканлигимни кўрсатиб қўйиш экан.

— Бирорта ит-пит боғлаб қўйишса ҳам бўларкан-ку? — дедим энсам қотиб.

— Ай, — дея кўл силтади Роза аний, — ит круглий ташвиш. Кечаю кундуз вовуллайвериб безор қилади. Тағин уни боқишни айтмайсизми? Итни ухаживать этишнинг ўзига яна бир одам керак, фу-у...

Оқсоч аёл итдан кўра менинг тузуклигимни исботлаш учун тағин аллақанча жавради. Охири ўзи ҳам чарчаб каравот қиррасига ўтириб қолди.

— Телевизор ишлайдими? — деб сўрадим уни чалғитиб.

— Да, конечно, — дея хорғин елка учирди Роза аний, — охранник ухлаб қолмасинлар деб телевизор қўйилган.

Бир оздан сўнг у чиқиб кетди. Чиқиб кета туриб менга оғир ботмайдиган тарзда тушунтирган бўлди.

— Ҳозир обедни хозяинлар била қиласиз. Сўнгра... бундан кейин овқатларингизни шу ерга чиқариб бераман, укдингиз-а?

Роза аний кўздан пана бўлгач ашқол-дашқолларимни жойлаб, кийимларимни алмаштиришга унинадим.

* * *

Тушликка товук гўштидан тайёрланган антика овқат едик. Беккул Тўрақулович бутун тушлик давомида аллақандай газетадан кўз узмади ҳисоб. (Олимлар бот-бот такрорлайдиган моддий ва маънавий озиқ олиш усули шунақа, шекилли?)

Илмира янгам эса жағи-жағига тегмай мени сўроққа тутди. Қишлоқ турмушини сўраб-суриштирди, спорт ҳаёти билан қизиқсинди. Ора-чора у ҳам зиммамдаги вазифани силлиқлик билан уктириб ўтишни унутмади.

— Гулзорни тез-тез суғориб турмаса қуриб қолянти, — деди у стакандаги шарбатдан ҳўплаб. — Ҳувв, этакдаги олма давно хосил бермайди, кесиб ташлаш керак.

Биз ҳайҳотдек залнинг бир бурчагига қўйилган емак столи атрофида ўтириб овқатланардик. Зал серҳашам, шарқона безалган, шипда биллур қандиллар осилган, оёқларимиз остида майин гилам. Ланг очиқ деразадан чорбоғ, дарвоза йўлаги яққол кўзга ташланади. Кириш эшигининг ўнгида, ҳувв, метро кассирининг ҳужрасини эслатиб юборадиган, уч тарафи ойнабанд тўсинли ошхона. У ердаги ошхона жиҳозлари орасида ивирсиётган

Роза аний ғира-шира кўзга ташланади. Кенг залнинг у ер-бу ерида тўрт нақшинкор эшик, хойнахой, ётоқлар, хос хоналар ўша ёқларда жойлашган.

«Домланинг дачаси шундай бўлса, шахардаги уйи қанақа экан», деган ҳасадгўй хаёл калламдан лип этиб ўтди. Мен, албатта, бундай беадаб ўйларни дарров ҳайдаб, ҳушёр ва холис фикрлашга уриндим. Олим одам, йўлчи юлдуз қонунлар ижодкори шундай фаровон, серҳашам яшашга, меҳнатга яраша роҳат кўришга ҳақли эканини тан олдим.

— Қалай, дачамиз ёқдими сизга? — деб сўраб қолди Беккул Тўрақулович чойхўрлик ҳам охирлаётган бир пайтда. Афтидан, у атрофимга анграйиб қолганимни пайқаганди.

Мен бош ирғаб қўйдим.

— Яхши... эл қатори-да.

— Шуни айтинг, Қоржовжон, — дея Илмира янгам дарров мени қўллаб-қувватлади. — Кўпдан узилиб қайга борардик, эл билан тирикмиз-да.

Мен нақшинкор эшиклар тараф имо қилдим:

— У ёқларни ҳам кўрса бўладими?

Эру хотин бир лаҳза кўз уриштириб қолишди. Мен лаб тишладим: «Об-бо, бефаросатлик қилдим-ов...». Йўқ, (Хизр кўрганим чин, шекилли) туйқус мавқеим ошиб кетди. Эру хотин сўровимдан чин қўриқчиларга хос пухталик, ишбилармонлик фазилатларини кўришибди.

— Бемалол, Қоржовбой, бемалол, — деди Беккул Тўрақулович ўрнидан қўзғалиб. — Албатта, ҳаммаёқни кўздан кечириш сизнинг бурчингиз, яшанг, ука.

Бесўнақайларча жойимдан жилишим барибир Илмира янгамда шубҳа уйғотди:

— Эҳтиёт бўлинг-а, — деб қўйди у, хойнахой нозик уй жиҳозларидан хавотирланиб.

Домла билан етаклашиб хоналарга бир-бир кўз ташлаб чиқдик. Оғир, қимматбаҳо пардалар тутилган оппоқ-момиқ кўрпа-тўшакли диванлару гардероблар билан жиҳозланган икки салқин хона ётоқ экан. (Албатта, бири Маржонаники!)

— Мана, бу қироатхона, — деб қўйди Беккул Тўрақулович энг чеккадаги ҳужрага бошлаб кираркан.

Ҳужра тўридаги уч-тўрт токчали жавон китобу ҳар хил журналларга лиммо-лим эди. Чорбоққа қараган де-

раза ёнида бежиримгина ёзув столи, бир жуфт курси турарди.

— Китобларингиз кўп экан, — дедим бошқа мақтов калламга келмай.

Беккул Тўрақулович камтарона кулди.

— Бу шунчаки, читальний... Ҳовлида махсус кутубхонам бор, унча-мунча институтникидан қолишмайди.

Шу пайт Тоштемир аканинг ўгитлари қулоқларим остида яна бир жаранглаб ўтгандай бўлди: «...ўзингни ўқимишли кўрсат...»

— Домилла, — дедим муллаваччаларга хос илжайиб, — китобларингизни беш минут титкиласам майлими?

Беккул Тўрақулович қўлларини қанотдай ёйди:

— Бажону дил, Коржовбой, бемалол.

Сўнг у орқага тисарилиб ҳужрадан чиқди-да, эшикни охиста ёпиб қўйди. (Нақадар маданиятли, сипо киши-я!)

Зил-замбил китоблардан бирини қўлга олиб, муқовасидаги ёзувни хижжалаб-хижжалаб ўқидим. Ўрисча-ёв, тағин жойига қўйдим.

Шу пайт чорбоғ ёқдан қувноқ қаҳқаҳалар қулоғимга чалинди. Қарадим. Бу ердан ҳовуз бўйи дов-дарахтлар аро элас-элас кўзга ташланар экан. Улкан дарахт соясида Маржонадай шир яланғоч икки қиз қилпиллаб рақс тушар эди. Бир парча магнитофондан жазавали мусиқа янграмоқда. Ўртадаги дум-думалоқ стол усти ҳар хил хўрагу ичимликларга тўла.

Мен ғаройиб томошани тўсиб турган шох-шаббаларни сўка-сўка дераза рахига ўтириб қолдим. Қизлардан бири қувноқ кийкириб ўзини ҳовузга отди. Гумбурлаб сачраган сув гўё баданимга теккандай сесканиб кетдим.

Туйқус болалигим эсимга тушди.

Пахта пайкалларидан тошган сув темир йўл ёнидаги сайҳонликда каттагина кўл бўлиб қолар эди. Қиз-ўғил аралаш ўша ерда чўмилаверардик. Қизлар узун кўйлакларини ечмай, кий-чув кўтариб ўзларини сувга отишар эди. Орадан йиллар ўтиб овозларимиз андак йўғонлашиб қолгач, қизлар биздан айрича, пана-панада чўмилар бўлганини пайқадим. Жазирама кунлардан бири эди. Ўшанда саккизинчи синфни тугаллаб ёзги таътилга чиққан эдик. Ҳусан икковимиз пахта пайкали орасига яшириниб, кўлда чўмилаётган қизларни пойлардик. Қўққис улардан бири бизни кўриб қолди. Кий-чув, тўс-тўполон

кўтарилди. Қизлар баданларига чиппа ёпишган ҳўл кўйлакларининг сувини шўриллатиб дуч келган ёққа тумтарақай бўлишди. Биз довдираб қолдик. Шу пайт кўл ўртасида сузолмай, типирчилаб ётган қизга кўзим тушди. У синфдошим Бибигул эди. Ўйламай-нетмай ўзимни сувга отдим. Ҳануз кўркув ва уят ичида ирғишлаётган Бибигулнинг белидан қучиб кўл қирғоғига қараб суздим. Тахликали бир ҳол бўлса-да, кучоғимда момиқ қиз баданини ҳис этиб ажиб бир хаяжонга чулғангандим. Оғиз-бурнимга икки-уч сув кириб кетди. Судраклаша-судраклаша бир амаллаб қирғоққа чиқиб олдик. Буткул ҳолдан тойган Бибигул ўт-ўланлар устига чўзилиб қолди. Мен ҳам ҳансираганча синфдош қизнинг ёнига чўкдим. Бир пайт Бибигулнинг кўзлари катта-катта очилди. Буткул беҳоллигига қарамай (билмадим, қайдан куч топди) юзимга шарақлатиб бир тарсаки тортиб юборди. Изидан ҳўнграб йиғлашга тушди.

Мен ҳовуз ёққа пойлашга урина-урина хийла вақт ўтириб қолганимни пайқамабман. Бир пайт қироатхона эшиги қия очилдию чўчиб тушдим. Роза аний экан.

— Дарвоза қўнғироғи чалинди, — деди у ичкарига бош суқиб. — Хозяинлар дам олишяпти.

Тушундим. Эринчоқлик билан ўрнимдан турдим.

Дарвоза ёнида қош-мўйловлари қалин, семиз киши бир кучук совға-саломлар билан турарди. Андак нарида унинг машинаси.

— Беккул Тўрақулович уйдамилар? — деб сўради у мени таажжуб билан кўздан кечираркан.

— Домилла дам оляпти.

Меҳмон мен томонга товук «кишт»лагандай қўл силтаб қўйди-да ичкарига суқилиб кирди:

— Ҳечқиси йўқ, ўтириб турамиз.

Мен беихтиёр лўкиллаб меҳмонга эргашдим. Совға-саломини қўлидан олар-олмасимни билмай гангидим.

Кун аёвсиз қиздирар эди. Аллақаердадир мусича лоҳас кукулайди. Мен ҳам ўзимни ланж сезардим. Меҳмонни залга кузатиб кирдиму хужрамга қайтдим.

Хужрам салқингина эди. Каровотимда бирпас хаёл суриб ётдим. Кўзим илашибди. Бир маҳал дарвоза ёнидаги шовур-шовурдан сергакландим. Маржонахон ўртоқларини кузатаётган экан. Йўқ, бу гал ҳаммасининг устбоши бут, отам айтгандай бинойигина. Улар хиринглашиб, пичирлашиб узоқ хайрлашдилар.

Мен зерика бошладим. Телевизорни ишлатдим. У-бу каналларга қизиқсиниб босиб кўрдим. Зўр. Телевизор эскигина бўлса-да, тип-тиниқ кўрсатар экан. Аллақайси каналда намойиш этилаётган «ур-сур» кинони томоша қилиб ўтирдим. Анча вақтдан сўнг мармар зинапояда ўша қош-мўйловлари қалин меҳмон кўриниш берди. Беккул Тўрақулович уни кузатиб қўяётган экан.

Мен шоша-пиша ҳужрадан чиқдим. Хизматга шай, жанговар холатимни пайқаган домла мамнун бош ирғаб қўйди.

* * *

Эрталаб ҳужра деразаси қаттиқ тақиллаганидан чўчиб уйғондим. Кун аллақачон ёйилиб кетган эди. Пўрим кийиниб, қайларгадир отланиб турган Беккул Тўрақулович ва Илмира янгамга кўзим тушди. Роза аний зўр бериб ланг очиқ деразамни тақиллатиб турарди.

— Ҳозир, — дедиму ирғиб ўрнимдан турдим. Кийимларимни апил-тапил устимга илиб ташқарига отилдим.

— Кечирасизлар, ухлаб қолибман, — дедим кўйлак тугмаларини қадашга уринарканман.

— Хечқиси йўқ, — жилмайиб қўйди Беккул Тўрақулович. (Ох, нақадар маданиятли, тушунган инсон!)

Илмира янгам эса зарда билан дарвоза томон юра-юра, димоғида минғиллади:

— Қўриқчини кун ярмида аранг уйғотиб олсанг-а...

— Биз кечга яқин қайтамиз, — деди Беккул Тўрақулович менга. — Сиз Роза холангиз билан бамаслаҳат чорбоққа қараб туринг. Келиб кетувчиларга ўзингиз эшик очинг. Хўп, келишдик-а? Яна ухлаб қолманг-а...

Мен хижолатланиб бош ирғадим.

Машина аллақачон шайлаб қўйилган экан. Эру хотин жўнаб кетишди.

— Бир танишлари тоққа приглашать этган, — деди Роза аний машина ортидан қараб қоларкан. — Қимизхўрликка...

Роза аний очиққўнгил, меҳрибонгина аёл экан. Ухлаб қолганим учун куюққина койиб, куюққина нонушта тайёрлаб берди. Асал ва сариёғ солинган сутли чойдан сўнг, бир бўлак колбаса, бир нечта қовурилган тухумни иштаҳа билан туширдим. Суҳбатимиз ҳам қизиди. Оқсоч аёлдан антиқа-антиқа ахборотлар олдим. Масалан, Илмира янгам Беккул Тўрақуловичнинг иккинчи оиласи экан. Катта

янгамиз касалланиб вафот этганидан сўнг ҳам кўп йиллар домла суюкли рафиқасининг рухи поки чирқилламасин, деб Илмирахонни расмий никоҳига олмаганлар. Шунчаки пинҳона учрашиб, бир-бирига меҳр-муҳаббат кўрсатиб юришган. Катта янгамиздан ёдгор фарзандлар — икки ўғил, бир қиз ўсиб-улғайиб, уй-жойли бўлгандан сўнггина Илмирахонни тўю томоша билан уйига олиб келган. Албатта бу орада ўзаро муҳаббатнинг меваси Маржонахон ҳам анчагина бўй чўзиб қолган экан. Ҳозир у аллақандай университетда ўқир эмиш.

— Бу гапларни бировларга сўйлаб юрманг тағин, — дея огоҳлантирди Роза аний дастурхон устидан идиштовоқларни йиғиштириб оларкан. — Ғийбат ёмон.

Мен ўзимча оқсоч аёлни тинчлантирган бўлдим, ўзим маҳкамлиги билан мақтандим. Розо аний менинг эътирофларимга деярли эътибор бермади, туйқус Илмира янгамни мақташга тушиб кетди. Янгамнинг очиққўллигидан тортиб, меҳмоннавозлигию дид-фаросатигача оқизмай-томизмай таърифлади.

Шу орада гап айланиб кеча ташриф буюрган меҳмонга бориб тақалди.

— Ҳа, уми, — деди ғижинганнамо қўл силтаб Роза аний. — Домланинг шогирдларидан, Бақоев...

Бақоев — кунда-шундалардан экан. Шаҳарда терговчи бўлиб ишлар эмиш.

Ишқилиб зерикмадим. Ҳузур-ҳаловатдан куч-ғайратим тошиб оқсоч аёлнинг ул-бул юмушларига қарашдим, ертўладан масаллиқлар олиб чиқдим, суви тўхтамай қолган жўмракни созладим, супир-сидир пайти оғир стол-стулни у ёқ-бу ёққа силжитишдим, хуллас, Роза анийнинг кўнглидан чиқишга тиришдим.

Кун иссиқ эди. Хушманзара, сersоя чорбоғ ҳам алланечук мудраётгандек туюларди. Ҳовузнинг кўм-кўк, муздаккина сувида завқ-шавқ билан чўмилдим. Андак хуморим босилгач, ҳужрамга кириб эрмак учун хийла вақт соч тарадим, ўзимча ороландим.

Бир пайт Маржонахонга кўзим тушди. У уйнинг мармар зинапоясидан эринибгина тушиб келар эди. Устида ҳаворанг, енгсиз, ёқасиз кўйлак, оёғида уй шиппаги, қўлтиғида семиз бир китоб, сочлари яланғоч елкаларида паришон ёйилган. Кўп ухлаганиданми ё пардоз-андоз кам бўлганиданми юзлари алланечук салқи, синиққан туюлади.

Мен негадир шошиб хужрамдан чиқдим. Вужудимга енгил бир ҳаяжон югурди.

Бироқ Маржона менга қиё ҳам боқмай шундоққина тубгинамдан димоғ-фироғ билан чорбоғ томон ўтиб кетди. Мен унинг атай диркиллатиб бораётган орқаларига алланечук алам, алланечук изтироб исканжасида қараб қолдим. Негадир хўнграб-хўнграб йиғлагим келди.

Хужрамга қайтиб кирдим. Кирдиму бироқ ўтиролмадим. Юрагим тошарди. Шундагина анчадан бери қизнинг изидан бориш учун баҳона қидириб ётганимни пайқаб қолдим. Пайқадиму ўз-ўзимдан уялдим, ҳатто, алланечук чўчиб кетгандай бўлдим.

Аллақайдадир бир мусичанинг интиқ-интиқ «ку-ку»лагани қулоғимга чалинади. Мен минг бир саросима билан яна хужрамдан чиқдим. Худди шуни кутиб тургандай ногоҳ Маржонанинг овози жаранглади:

— Эй, охранник!

Мен ялт этиб товуш келган томон юзландим. Маржона! У ўша серсоя дарахт тагидаги ёғоч ўриндиқда оёқларини чалиштириб ўтирган кўйи менга имларди.

— Эй, ану-у ердан озгина райҳон териб беринг!

Қиз ишора қилган жойдаги гулзорнинг бир чеккасида дарҳақиқат ям-яшил райҳонлар барқ уриб ётарди. Алланечук титроқ билан хушбўй ўтдан бир даста тердим.

Кун бехад қизиб кетган эди. Дарахт шохларида чумчуқлар безовта-безовта чирқиллашади.

— Раҳмат, — деб кўйди Маржона қуруққина, қўлимдаги райҳон дастасини афтимга қарамай оларкан — Ах, какой запах.

Мен юрак ютиб тўнғилладим:

— Менинг исмим Қоржов, охранникмас.

Қиз «нима фарқи бор», дегандай елка учириб, лаб буриб қўйди.

— Хафа кўринасиз, маззангиз йўқми? — деб сўрадим хануз қизнинг ёнидан кетгим келмай.

— Да, пустяки, — қўл силкиди Маржона, — бекорчилик.

— Ўқишлар тугаб зерикяпсизми, дейман-а?

Маржона жавоб бермай димоғида кулиб қўйди. Сўнг олдидаги очиқ китобни қўлига олиб ўқишга тутинган бўлди.

Мен худди ботқоққа ботиб қолгандай, оғир, ланж қадамлар билан ундан узоқлашдим.

• • •

Роза анийчасига айтганда — «хозяин»лар шомдан сўнг қайтиб келишди. Меҳмондорчилик қуюқ бўлган шекилли, эру хотин бири қўйиб бири олиб кекиради. Бекқул Тўрақулович келиб-кетувчилар ҳақидаги ахборотимни лоқайд эшитди. Маржона гўё бир-икки йил кўрмагандай гоҳ ойисининг, гоҳ дадасининг пинжига шоду хандон тиқиларди. Эру хотин унинг кун бўйи чорбоғдан чиқмаганига ишонқирамади. Қизнинг ғалати кайфиятидан таажжубланиб бир-бирига тикилишди, Илмира янгам лаб чўччайтирди, Бекқул Тўрақулович елка учирди.

Улар ғала-ғовур билан ичкарига кириб кетишгач дарвоза ёнида қоққан қозиқдек хийла вақт туриб қолдим. Ичимга чироқ ёкса ёришмас эди. Хаёлларим паришон. Ҳужрамга кирдим. Чироқни ёқмай каравотимга чўзилдим. Чорбоғни тобора қоплаб келаётган зулмат гўё менинг ичимдан сизиб чиқаётгандек эди. Ҳаво дим. Аллақайдадир қурбақа қуриллаб юборди.

Анча пайт каравотимда эзгин, оғир ўйларга қоришиб ётдим. Бир маҳал ҳужрамнинг чироғи ёнди. Роза аний экан. У тушликдан қолган, илитилган бўтқани емак столим устига дўқиллатиб қўйди.

Мен хижолатланиб дедим:

— Сизниям круглий ташвишга қўйдим-да.

— Полвон болага ухаживать этиш керак, — деди Роза аний, ўзича бошимни эркалаб силаб.— Е, болам, е, ҳеч уялма, бу сенинг ҳаққинг.

Қорин оч бўлса-да беиштаҳа овқатга интилдим. Ҳануз хаёлларим паришон. Ҳувв, кечаги кўнгил ғашлигим дам сайин қуюқлашиб бораётганини тобора ҳис этмоқда эдим. Манави хонадон аҳлидан тортиб Тоштемир акаю тағин аллакимлар кўз ўнгимда айқаш-уйқаш бўлиб турарди. Мен овқатнимас, гўёки аллакимларнидир чала чайнаб ютардим.

Ниҳоят, коса туби кўринди. Совиб қолган чойдан босиб-босиб, хўриллатиб-хўриллатиб ҳўпладим.

• • •

Тун. Уйқум келмас эди. Устига-устак Илмира янгамнинг халигина бот-бот тайинлагани қулоқларим остида

жаранглаб турарди: «Боғни тез-тез айланиб туринг-а, эхтиёт яхши-да».

Ҳужрамдан чиқдим. Уй пештоқидаги чироқ нурида чорбоғ ола-чалпоқ ёришиб турибди. Енгил эсган эпкиндан япроқлар маҳзун шитирлайди.

Мен уй ёнидаги йўлак бўйлаб секин-аста юра бошладим. Боғнинг қоп-қоронғу бурчакларига, серсавлат уйнинг бўйи-бастига разм солган бўлдим. Шу пайт ланг очиқ ётоқ деразасига суяниб сигарет чекиб турган Маржонага кўзим тушиб қолди. Беихтиёр юракларим ҳапқириб, томоқларим қуркшади. Негадир... негадир қувониб кетдим!

Маржона ҳам туйқус мени кўрдию қип-қизил чўғланиб турган сигарет қолдиғини боққа улоқтириб хона ичкарисига шўнғиди.

Унинг ётоғи тунчироқнинг алвон-сарғиш ёғдуларига чўлғанган эди. Мен ҳануз юракларим гурс-гурс урган кўйи боғ ичкарисига қараб юрдим. Бир туп олма дарахт ёнидан қиз ётоғи тузуккина кўзга ташланар экан! Бутун вужудим кўзга айланиб ўша ёққа алангладим. Маржона! У алланечук эринчоқлик, алланечук ноз билан аввал кўйлагини сўнг сийнабандини ечди. Бўлиқ кўкраклари бир қур яйрагандай диркиллаб кетди. Қиз оҳиста энгашиб тағин алланималарни сидириб ташлагандай бўлди. Шаршарадек қуйилган сочлари елка бўйинларига чирмашиб ютоқа-ютоқа ўпаётгандай эди. Лаҳза ўтмай қип-ялангоч Маржона бутун бўйи-басти билан тунчироқнинг қизил-сариқ ёғдуларига қоришиб намоён бўлди. У гўзал, самбитдек қоматини атай кўз-кўз қилгандай уч-тўрт дақиқа у ён-бу ён юринди, силаниб-сийпаланди. Ниҳоят, бир парча уйқу либосини кийди-да боғ тараф нигоҳ ташлаб, пастга, каравотига шўнғиди.

Мен ажиб бир туйғулар, ажиб бир иштиёқ оғушида титраб, таранг тортиб турардим. Беихтиёр дарахт танасини маҳкам қучоқлаб, тахир таъм пўстлоғига лаб босдим.

• • •

Эрталаб кўзгуга боқиб кўзларим қизарганини пайқадим. (Тунги қизғиш-сарғиш шуълалар қароғларимда қотиб қолган, шекилли?) Соқолларим қоп-қорайиб, қовокларим салқи тортган, ранг-рўйим синиққан эди.

Эру хотин афт-ангоримга бир зум синовчан-синовчан

тикилишгач ўзаро мамнун кўз уриштириб олишди. Ҳар нечук, улар гун бўйи чорбоғ кезиб ўз вазифамни астойдил дўндирганимга юз фоиз ишонишган эди.

— Бугун меҳмонлар келади, — деди Беккул Тўрақулович зериккан бир киёфада. — Сал у ёқ-бу ёғингизга қараб олинг-а...

Домла жилмайиб жағ-иякларини силаб қўйди. Бу «соқол-поқолни қиртишлаб олинг», дегани, албатта. (Нақадар маданиятли, хушмуомала зот!)

Бироқ «у ёқ-бу ёғимга қараш»га ҳеч ҳафсалам йўқ эди. Анча вақт каравотимда чўзилиб ётдим. Бутун вужудимни ғалати бир ланжлик, ҳорғинлик қоплаганди.

Чошгоҳ пайти меҳмонлар келишди. Мен ҳужрам ёнида енгилгина бадантарбия қилиб турардим. Чорбоғнинг қия очиқ дарвозаси ёнига икки автоулов оҳиста келиб тўхтаганини кўрдиму кўйлагимни кийдим, у ёғ-бу ёғимни орасталаган бўлдим.

Меҳмонлар узун-калта, орик-семиз саккиз жон эди. Ораларида сочлари ҳинду чайласидай хурпайган, димоғдор уч аёл ҳам бор экан. Меҳмонлар тўпидаги Тоштемир (мени жер эмас!) акага туйқус кўзим тушдию қувониб кетдим. Тоштемир ака бўйи баробар аллақандай совға-саломларга кўмилиб турганиданми, ҳар қалай, уни дарров пайқамабман. Бир маҳал соғинчга ўхшаш аллақандай ҳисларга чўлғандим, ҳатто, беихтиёр лаб-лунжим табассумдан ёйилиб кетди. Бироқ Тоштемир ака ҳамма қатори мен томон шунчаки бош ирғаб ҳовлига кирди.

— Ўхў-ў! — дея хитоб қилди Беккул Тўрақулович қулоч ёйиб зиналардан тушиб келаркан. — Хуш келибсизлар, марҳабо-о...

У билан изма-из пастлаётган Илмира янгамнинг ҳам қўллари кўксида, лаблари кулгуда эди:

— Ва-ай, тушимми-ўнгим?! Хуш кўрдик...

— Соғиндигу бостириб келавердик, — деди кечагина келиб кетган ўша қош-мўйловлари қалин Бақоев, қулоч ёйган кўйи Беккул Тўрақуловичга пешвоз юраркан.

Совға-саломни айнан ким келтирганини домла кўрганига буткул ишонч ҳосил қилди, шекилли, Тоштемир (мени жер!) кўлидаги нарсаларни менга тутқазди.

— Қани, полвон, — деди у овозини атай баландлатиб. –Буни ичкарига опкиринг-чи....

Салом-алик, қучоқлашиб ўпишишлар, табассуму мулозаматлар анча пайт давом этди.

Бугун ҳаво эрталабданоқ қизиб кетган эди. Дов-дарахтлар орасидан ғира-шира кўзга ташланиб турган, муздек, тип-тиниқ сувга лиммо-лим мармар ҳовуз ўзига оҳанграбодай тортарди. Меҳмонлар ниҳоят залдаги очил дастурхон теграсида андармон бўлиб ётган маҳал ҳовузга икки-уч шўнғиб чиқдим. Ланжликларим андак тарқагандай бўлди.

Тушга яқин Маржона қайгадир отланиб қолди! Енгёқасиз оппоқ кофта, йўл-йўл чизиқли кулранг шим баданларини сириб турарди. Лабларида қирмизи, қовоқларида кўкиш бўёқ.

Мен минг бир таманно билан уйдан чиққан Маржонани кўрдиму уялиб кетдим. Назаримда тун бўйи уни хаёлан қучиб-ўпганларимдан қиз хабардордек эди. Беихтиёр қад ростлаб, уст-бошларимни ораста лаган бўлдим, эрталаб соқол киртишламаганимдан афсусландим.

Маржона! У илкис бир бош силтаб манглай сочларини қўқитди, чимирилди, теваракка лоқайд бир кўз ташлаб қўйди, лабларида алланечук эрка, инжиқ кулгу ўйноқлади.

Мен эски қадрдонлардек илжайиб қиз билан саломлашишга, икки-уч оғиз гаплашишга чоғландим. Бироқ Маржона шундоққина биқинимдан бепарво, узун боғичли чарм сумкачасини ўйноқлатган кўйи ўтиб кетди.

«Хаёл билан кўрмай қолди-ёв...», деб ўйладим мен ўз-ўзимни овутиб. Бироқ алланечук ғусса, ўкинч бутун вужудимга бостириб кирди. Маржонанинг тобора узоқлашиб бораётган «так-тук» қадам товушлари шундоққина юракларимда акс-садо берар эди.

Қушлар чуғур-чуғурига тўла чорбоғ, еб-ичишаётган меҳмонларнинг ғала-ғовурига, енгил мусиқа садоларига кўмилган уй бир лаҳзалаёқ ҳувиллаб қолгандай туюлди.

Лошимни аранг судраб зиналардан кўтарилдим.

Ошхонада Роза анийнинг қўли-кўлига тегмайди. Газ ўчоқ устидаги қозон милт-милт қайнаб турибди. Ҳавони лаззатли таом иси тутган.

Базм столини қуршаб ўтирган меҳмонларнинг жағижағига тегмайди. Ғала-ғовур. Пишқириқлар. Қошиқ-вилкалару чинни идишларнинг «чинг-чунг», «жаранг-журунг» садолари биллур қандилларда акс-садо бераётгандек ту-

юлади. Сузилган кўзлару, бўғриққан юзлардан мехмонларнинг анчагина ширакайфга келиб қолганини англаш мушкул эмас. Барча бир-бирига қулоқ солмай, бир-бирига гап уқтириш билан банд. Тўрдаги тепакал, семиз, бадқовоқ киши Беккул Тўрақуловичга куйиб-пишиб алланеларни тушунтирар, домла эса чап биқинидаги косовдай коп-кора, озғин, сийрак сочлари оппоқ нусхани не сабабдандир койир эди.

— Мехрибон ҳукуматимиз омон бўлсин, — дея ғулдираб қўйди мехмонлардан бири ўз бошича, чапиллатиб овқат чайнаркан.

Тоштемир соқи гоҳ узалиб, гоҳ ўрнидан туриб бориб жажжи қадаҳларга ичкилик қуймоқда. Базм столининг адоғини ишғол этган аёллар ҳам пичирлашган, хиринглашган кўйи ўз-ўзлари билан овора. Уларга якин ўтирган Бақоев — ўша қош-мўйловлари қалин, бақалоқ нусха заифаларга тез-тез мулозамат қилиб қўяди.

Мен кириш эшиги ёнида анчагина қаққайиб турдим. Мезбону мехмонларни зимдан кузатиб сездимки, ҳозирча бу ерда ҳеч керагим йўқ. Секин ташқарига чиқиб кетишга чоғландим. Шу пайт ширакайфдан андак чайқалиб ўтирган Беккул Тўрақулович менга қадалиб-қадалиб қаради. Сўнг қошик тутган қўлини ҳавода имлаганнамо силкитаркан, кўзлари пирпираб, лаблари чўччайди, афтидан, у менинг исмимни дабдурустдан эслаёлмай гаранг эди.

Мен истар-истамас домланинг ёнига бордим.

Беккул Тўрақулович енгимдан тутиб ўтирганларга виқор билан юзланди:

— Мана шу йигит-да бизнинг лотареяга чиққан!

Домланинг товуши туйқус жаранглаб чиққаниданми ё менинг ногоҳ давра тўрида пайдо бўлганимданми, ишқилиб, мехмонлар бир кур сергак котишди. Барчанинг кўзи менга қадалган эди.

— Олпомиш-ку, бу, а?! — дея пихиллади шундоққина биқинимдаги ўша тепакал кимса мени бош-оёк кўздан кечиришга тиришаркан.

Озғин, оқсоч мехмон бир менга, бир Беккул Тўрақуловичга анграйиб ўзича аския қилган бўлди:

— Буни қандай боқаяпсиз, домла?

Даврада енгил кулги кўтарилди.

Беккул Тўрақулович аскиячига эътирозли кўз ташлаб, бош чайқади:

— Яхшимас... йигитнинг нони кўчада, деган мошайхлар, унақа хунук гап қилманг, яхшимас...

(О, нақадар доно, хушхулқ зот!)

— Ха-а, хақиқий спортсмен, — деди Бақоев ўзича менга ҳайрат билан тикилиб. — Домланинг чорбоғига худди шундай полвонлар яраша ди.

Аёллар ўртасида ҳам енгил ғала-ғовур кўтарилди. Улар гоҳ Илмира янгамга, гоҳ Бекқул Тўрақуловичга юзланиб, бири қўйиб-бири олиб чуғурлаша кетди:

— Муборак бўлсин...

— Буюрсин... Яхши кунларда хизмат қилсин...

— Кўз тегмасин...

Тепакал, семиз кимса сипқорилган ичкилик устидан бир бўлак олмани қарсиллатиб чайнаркан:

— Домла, — деди Бекқул Тўрақуловичга юзланиб. — Бундай зўрларни қаердан топасиз-а?! Биз бечораларга қайгўрдаги пиёнисталар учрайди. Би-ир... ёрдам қилинг энди, а?

Кайфи тароқлигидан уни ўчиб, анчадан бери мудрай бошлаган, лаблари дўрдоқ, дўнг пешона меҳмон ҳам минғиллаб қўйди:

— Тўғри... биз ҳам ҳеч ялчимаяпмиз.

Бекқул Тўрақулович мамнун бош ирғаб Тоштемир соқи томон ишора қилди:

— Мана, шу укамизда гап кўп. Илтимосларни Тоштемиржонга айтинглар. Бизнинг полвон ҳам шу укамизнинг шогирдларидан.

Тоштемир (мени жер!) ўрнидан андак қўзғолиб, артистлардай даврага таъзим қилди. Илжайди.

Ўтирганлар уни ғала-ғовурга кўмиб ташлашди.

— Ия, фабрикант ўзимиздан экан-ку?

— Бизнинг заказниям қабул қилинг, Тоштемиржон.

— Шогирдлардан кўпми хали?

— Тоштемиржон...

Мен чув-чувдан фойдаланиб секин залдан чиқиб кетдим. Туйқус ўтов бўсағасида бўйин қисибгина ўтирган отам эсимга тушди. Зил-замбил қадамлар билан зинапоядан пастладим. Дилим сиёҳ, хаёлларим алғов-далғов эди. Ногоҳ қўлларимга кўзим тушди — мушт! Ё, ҳазрати Хизр?! Қачон мушт бўлиб тугилди бу қўллар! Ҳалигина дастурхон бошидами? Балки кечадир? Балки ҳувв, ўтов-

даёқ қўлларим муштга айлангану шу пайтгача сезмагандирман? Бу муштлар кимга ўқталган, кимга?! Балки... балки ўзимгадир?!...

• • •

Мехмонлар қарта ўйинига андармон пайт Тоштемир ака худди гунох ишга қўл ураётгандек теварагига ўғринча аланглай-аланглай ҳужрамга кириб келди.

Мен каравотимда мук тушиб ётардим.

— Намунча қовоқ-тумшук? — деди у хушхандон. — Худди биров арпангни хом ўргандай бўзраясан? Тинчликми?

Мен мик этмадим. Тоштемир ака ёнимдаги стулга омонат ўтирди.

— Нима, касал-пасалмисан? — сўради у бир зум сақич чайнашдан тўхтаб. — Соқолларингни қиртишлаб олсанг ўласанми? Қара, қўпол этикнинг изига ўхшаб қолибди, худди биров ўхшатиб жағларингга тепгандай.

— Тоштемир ака, кетаман бу ердан, — дедим каравот қиррасига ўтириб. Овозим алланечук хириллаб чиқди.

Тоштемир ака сапчиб ўрнидан туриб кетди. Ланг очиқ деразадан ташқарига кўз ташлаб олиб, лабларига кўрсаткич бармоғини босди:

— Тисс... Ўчир! Бу нима деганинг, тўнка? Кўрдингку, ҳамманинг диққатидасан хозир. Ановиларнинг бари шаҳарнинг кўзурлари, сен билан қизиқишяпти, тентак! Кетармиш...

— Кетаман... керакмас ҳеч нарса, чарчадим...

— Чида, ўвв, бола, — деди Тоштемир ака ғижиниб, сўнг завқ билан кўз қисди. — Ҳозирча очколаринг зўр.

• • •

Мехмонлар кечга яқин дабдаба билан жўнаб кетишди.

Илмира янгам уй зиналаридан беҳол кўтариларкан:

— Анийга қарашворинг, — деди менга.

Роза аний ўлгудек чарчаганига қарамай бетизгин жавларди. Иккимиз ивирсиб кетган зални, ошхонани саранжом-саришталагунимизча у бугунги мехмонларни биттама-битта таърифлаб чиқди. Афтидан, шундай машҳур, курсиси баланд одамларга хизмат қилганидан мамнун эди у.

Оқшом маҳали ҳувв, тунов кунги ўртоқларини бош-

лаб Маржона келиб қолди! Чорбоғ яна қий-чув тўполонга кўмилди.

Мен ич-ичимдан ажабтовур севинч силқиб чиқаётганини сездим! Бутун борлиғимга хуш бир кайфият ўрмалади. Маржона! Мен қизнинг беписанд, бепарво нигоҳларига йўлиқиш учун атай дарвоза ёнида турдим. Йўқ, бу гал Маржона ҳеч кутилмаганда мен томон енгилгина бош ирғаб саломлашди. Ҳатто жилмайгандек бўлди. Унинг ўзидек тор кофта, тор шим кийган дугоналарини икки ғўдайган йигит қўлтиқлаб келарди. Хаммасининг димоғи баланд. Кийимлари қимматбаҳо.

Мен йигитларга ошкора ғайирлик, ошкора кўрслик билан разм солдим. Бириси новча, чайир, бириси кўпчиган хамирдеккина. Сочларини энг сўнгги урфда калтартириб, оҳангжамо билан тарашлаган, бирининг бўйнида, бирининг билакларида олтин занжир. Тусмолимча, иккови ҳам менга тенгдош.

Нафратомуз тикилиб турганим таъсир қилди чоғи, йигитлар қизлардан бўшаб, мен билан қўл бериб кўришишди.

• • •

— Вот, всё, — деди Роза аний пайт топиб мен билан гаплашаркан. — Азонгача уйқу йўқ энди.

Оқсоч аёлнинг куйиб-пишиб тушунтиришларидан англадимки, Маржонахон ўз ўртоқлари билан ҳовуз ёнида гулхан ёқиб, ўйин-кулгу қилишар экан. Бу — табиий ҳаётга қайтиш эмиш!

— Яхши-ку, — дедим кулиб, — бир кечага қўриқлашликдан қутуламан.

Роза аний бош чайқади.

— Наоборот... Сен гулханга ўтин ташийсан, бассейнни қурбақалардан қўриқлайсан.

Хаммаси оқсоч аёл айтганидан-да баттар бўлди.

Маржонахон ўртоқлари билан залда бир соатлар чамаси еб-ичишгач, қий-чув, тўс-тўполон билан чорбоққа чиқишди.

— Эй, молодёжь! — Илмира янгам ланг очиқ деразадан узалиб ўзича огохлантирган бўлди. — Шум-гам кўтармангларр, биз дам оляпмиз!

Ёшлар унга қулоқ солишмади ҳисоб. Бир зумда ечиниб, ҳувв ўша кунгидек шир яланғоч ҳолга келишди. Йигитлар ўзларини ҳовузга отишди. Сачраб кетган со-

вуқ сувдан жунжиккан қизлар қувноқ қийқириб юборишди.

Мен шомдан бери зимдан кузата-кузата, тусмоллай-тусмоллай анови... «табиат шайдо»ларининг исмларини билиб олган эдим.

Бўйчангина, кўзлари кўкиш қиз — Сайёра, сочларини турмаклаб-тугиб олган, қошлари қалин дугонасининг исми Гулюз экан. Баҳодир деганлари ўша ўнг кўзи пирпир учиб турадиган новча, чайир йигит, кўпчиган хамирдеккина оғайнисининг оти — Жаҳонгир! (Вой-бўў!)

Мен ҳам кўйлак-чолворимни ечиб ташлаб бир парча лунгида қолдим. Ахир, худо бериб, ановилар таклиф этиб қолишса, бажону дил давраларига қўшилиш ниятида эдим-да. Шу боис ҳам телевизордан тез-тез кўз узиб, ланг очиқ ҳужрам деразасидан мармар ҳовуз ёққа умидвор-умидвор тикилардим.

Бир пайт Маржона йигитлар билан ҳиринглашиб уй ертўласига кириб кетди.

Қизиқсиниб қараб туравердим. Бир оздан сўнг улар бир жуфт чарм қопламали, энсиз, узунчоқ тўшак судраклаб чиқишди.

«Ҳа-а, шўрликлара-а, — деб ўйладим мен кулиб. — Тўшакка чўзилиб табиатга қайтишаркан-да... Бунинг учун уйдан чиқмай ётишса ҳам бўлади-ю...»

Мен Роза аний дамлаб берган кўк чойни эрмакка хўплаб-хўплаб, телевизорга паришон термулиб ўтирарканман, дам сайин ҳужрамга сиғмай борардим. Ҳануз-хануз эс-ҳушим ҳовуз бўйида эди.

Бир пайт Маржонанинг таниш товуши жаранглади:

— Эй, охранник! Эй... бу ёққа қаранг!

Ўзимча бепарво деразадан бош чиқардим. Бироқ юрагим қинидан чиққудек типирчиларди.

Шох-шаббалар орасидан чала-ярим кўриниб турган Маржона имлаган бўлди:

— Бу ёққа келинг, бизларга қарашворинг!

Тун. Ҳаво иссиқ, дим. Уй пештоқидаги чироқ чорбоғни хамишагидек ола-чалпоқ ёритиб турар эди. Кўк тўла ғуж-ғуж юлдузлар титкиланган қўрдаги чўғлардек жимирлайди.

Улкан дарахт тагидаги юмалоқ стол устида мева-чева солинган идишлар. У ер, бу ерда пиво ичимлигидан бўшаган шишалар сочилиб ётибди. Ҳали очилмаган та-

лай шишалар сув тўла тоғорага ташлаб қўйилган. Кичкинагина магнитофонда майин, маъюс мусиқа янграмоқда. Баҳодир билан кўкиш кўз Сайёра хиринглашган кўйи ховузда сузиб юришар эди. Гулюз эса чарм жилдли тўшак устида қуруқликка чиқиб қолган балиқдек чўзилиб, бепарво сигарет чекяпти. Қумга коришиб ётган Жаҳонгирнинг ҳам бир қўлида сигарет, бирида шиша, у гоҳ чекиб, гоҳ ичиб аллақандай кино ҳақида гап сотарди:

— ...Том Хенкс жа қийворган. Ну, музика туфта...

Назаримда менинг ховуз бўйида пайдо бўлишимга хеч бири эътибор бермади.

Юмалоқ стол киррасига қўл тираб, солланиб турган Маржона бепарво мева чайнаркан:

— Бизга олов ёқиб беринг, илтимос, — деди.

Мен унинг самбитдек яланғоч қоматидан аранг кўз уздим.

— Хўп... Ўтинни қаердан оламиз?

Товушим алланечук титраб, хирқираб эшитилганидан ўзимнинг жаҳлим чиқди.

— Ху-у, там, — деди Маржона чорбоғнинг қоп-қорон-ғу бир бурчагига ишора қилиб.

Чиндан-да чорбоғ деворининг тубига кесилган қари дарахтларнинг шох-шаббалари тахлаб қўйилган экан. Бир кучоқ кўтариб келиб ховуз бўйига шарақлатиб ташладим.

— Ну-у... даёшь! — деди чўчиб тушган Гулюз.

— Ока, кўп ўт керакмас, — дея ғўлдиради Жаҳонгир пиво шишасини оғзига чоғлаб. — Итак ҳаво иссиғу-у...

Гулюз ҳам чўзилиб ётган жойидан тўлғониб уни маъқуллаган бўлди:

— Так просто... экзотика учун озгина ёқинг, всё.

Балки бошқа вазиятда манави махмадоналарнинг уриб бошини ёрган бўлардим. (Энг аввал «ока»нинг шўри қисарди!) Бироқ айни чоғ гоҳ балиқдек чўзилиб ётган Гулюз, гоҳ самбитдек Маржонага кўзим тушиб ғалати бир туйғуларга коришиб қолган эдим. Титроғимни аранг босиб шох-шаббаларни уймаладим.

Шу пайт... Маржона шундоққина биқинимга чўнқайиб гугурт узатди:

— Мана, ёқинг.

Мен беихтиёр гугуртга қўшиб қизнинг иссиқ қўлла-

рини ушлаб олдим. Юз-кўзларимга олов сачрагандай бўлди.

— Ҳозир... ҳозир ёқаман, — деб ғудрандим, Маржонанинг қалқиб чиққан сийналарию сонларига қарамасликка тиришиб.

Бироқ гугурт чақишим анча қийин бўлди.

— Сув тегибди, шекилли, — деб қўйди Маржона қад ростлаб. Назаримда унинг ҳам товуши нам тортгандай хириллаб чиқди.

Охири, гугурт чақиб шох-шаббага тутдим. Ўтин қупқуруқ бўлса-да, имиллаб оловланарди. Ўчиб қолишидан чўчидимми ё беҳад ҳаяжонланганимданми, милт-милт ёна бошлаган хас-чўпни кўзлаб пуфлаб юбордим. Ўт гуриллаб ёна кетди.

— Ҳамма олов ичингизда экан-ку?! — дея шарақлаб кулди Маржона.

Мен ҳам илжайдим. Қўлларини белига тираб солланаётган қиз коматига қош-кўзларимни қашлаган бўлиб панжа орасидан қараб-қараб олдим.

Олов гуриллаб ёнар эди.

Мен ўрнимдан турдиму яна беихтиёр чўккалаб қолдим. Ахир... торгина лунгим бутун сиру синоатимни яширишга ожиз эди! Хайрият, бу орада Маржона магнитофон кассетасини алмаштириш билан овора экан. Гулюз ва Жаҳонгир куйиб-пишиб аллақандай қўшиқчини мақтаб туришарди.

Мен бир амаллаб ўрнимдан турдиму ўзимни ҳовузга отдим. Албатта, гумбурлаб тоғ қулагандай бўлди. Энтикканча совуқ сувга шўнғир эканман Жаҳонгирнинг «ока, потише!», дегани элас-элас қулоғимга чалинди.

Ниҳоят, муздек сув ҳароратимни босди.

Оҳиста, суза-суза теварагимга кўз ташладим. Гулюз билан Жаҳонгир ҳануз ўзаро гап сотишарди. Маржона! У лов-лов ёнаётган гулханга термилиб қўлидаги шишадан ахён-ахён пиво ҳўпламоқда. Мунча чиройли-я?!

Мен шундагина Баҳодиру анави Сайёра кўринмаётганини пайқаб қолдим. У ён, бу ён сергакланиб кўз ташладим. Худди излаётганимни сезишгандай ҳовузнинг нариги тарафидаги бир жуфт арча панасидан улар чиқиб келишди. Афт-ангорларида мамнун бир ифода. Улар бир-бирини қучган, эркалаган кўйи шундоққина ҳовуз лабидан юра бошладилар. Туйқус Сайёра шўхлик билан

Баҳодирни сувга итариб юборди. Йигит ҳовуз ичига қулай-қулай қизнинг ҳам қўлидан тортиб кетди. Икковлари ҳам қувноқ қийқиришиб ҳовузга шўнғишди.

Мен уларга халақит бермаслик учун ҳовузнинг бир бурчида туриб қолдим. Бужудимга хуш ёқаётган сувни тарк этгим йўқ эди. Тўғрироғи, ҳовуздан чиқсам, бу антиқа даврада қолишга бошқа баҳона тополмай ҳужрамга қайтишдан қўрқдим. (Йўқ! Ё, Хизр!)

Икки ошиқ-маъшуқ бир-бирига сув сачратиб ўйноқлаша кетди. Мен ўзимни яна-да чеккароқ олдим. Шу пайт Жаҳонгир ва Гулюз эътиборимни тортди. Улар шундоққина қўл узатсам етар жойда чўзилишган эди. Очиғроғи, қиз сурила-судрала йигитнинг нақ биқинига келиб қолибди!

— Пошли, юр, — дея шивирлади Гулюз йигитнинг тирсагига сийнасини ишқалаб.

Мук тушган кўйи сигарет тутатаётган Жаҳонгир оғир сўлиш олди.

— Уф-ф... барибир бўлмайди-да.

— Бўла-ар... — яна-да эҳтиросли шивирлади Гулюз. — Ҳаракат қилиб кў-ўр, даволандинг-ку...

— Гап бундамас... Сен билан духовний контакт йўқ...

— Бошқалар билан-чи? — серзарда пичирлади қиз. — Бирортасини эплаган жойинг борми ўзи?

Жаҳонгир тағин оғир сўлиш олиб қиздан ўзини тортди:

— Дай покой, а...

— Твар! Иплос! — пичирлади Гулюз нафрат билан қум ғижимларкан. — Менга бошқа яқинлашма! Шармандангни чиқазаман, показуха! Ҳаммага айтаман!

— Смотри, унаштирилганмиз-а...

— Ўчир-е! — қиз сапчиб ўрнидан туриб кетди.

Мен беихтиёр сувга шўнғидим.

• • •

Олов бир пастлаб, бир кўкка ирғишлаб ёнар эди.

Маржона шишадаги пиводан ҳўплаб-ҳўплаб ҳануз гулхан қаршисида, узунчоқ, йўғон ғўла устида ўтирибди. Унинг хаёлларга ғарқ кўзларида аланга акслланмоқда.

Баҳодир ҳовуздан чиқдию дарахт шохига осиб қўйилган гитарасини олиб гулхан теварагидаги бўш стулчага ўтирди. Тинғиллатиб-тинғиллатиб ўзича чолғу пардала-

рини созлаган бўлди. Сайёра тоғарадаги шишалардан бирини очиб ичкиликдан қулт-қулт хўплади, сўнг Баҳодирнинг оғзига тутди.

Мен, албатта, тун бўйи ҳовузда қололмас эдим. Имиллаб кирғоққа чиқдиму тавакқал гулхан ёнига бордим. Маржона... «ҳали ҳам шу ердамисан», дегандай менга тааҗжуб билан қараб қўйди.

Баҳодир оҳиста қўшиқ бошлади:

Ҳамма ёқда атиргул иси,
Ҳар нарсадан излайман маъно...

Ўзи озғин, новдадеккина бўлса-да туппа-тузук овози бор экан, қурмағурнинг. Ҳатто, пирпираб турадиган кўзлари ҳам унга ярашарди.

Қулоғимдан кетмайди исми,
Гулираъно, о, Гулираъно-о...

Мен гулханга бир-икки чўп ташлаб қўйган бўлдим.

Гулюз даст туриб ўзини ҳовузга отди. Хомуш сигарет сўриб ётган Жаҳонгир ҳам бир зум таралдудланиб тургач, сирпанибгина сувга тушди.

Гулираъно, о, Гулираъно-о...

Бир пайт... қўшиқ оҳангига мос бош тебратиб ўтирган Маржона андак сурилиб менга ғўладан жой берди! Оҳиста унинг ёнига чўкдим. Беихтиёр елкаларим қиз елкаларига тегиб кетдию қаршимдаги олов аъзои баданимга ўрмалагандай бўлди.

Гулираъно, о, Гулираъно-о...

Маржона ичкилиги яримлаб қолган шишани менга узатди. Ҳатто, кувноқ қош учириб қўйди. Мен беихтиёр шишани қўлга олдим. Ҳалигина қиз лаблари теккан жойга лаб босиб суюқликдан қулт-қулт ютдим. Тахир бир таъм томоқларимни қуйдириб ўтди.

Қўшиқ тамом бўлди. Баҳодирга муҳаббат билан термилиб ўтирган Сайёра йигитнинг тиззаларидан қучди.

Мен ачимсиқ суюқликни буткул сипқориб бўш шишани бир чеккага улоқтирдим. Шундагина зўр бериб ўз-ўзимни чалғитишга, шундоққина биқинимдаги қиз баданини ҳис қилмасликка уриниб ётганимни пайқадим. Бироқ аъзои баданим қизигандан қизиб, тобора чилдирмадай таранглашиб борар эди.

Шу орада сувга бир-икки шўнғиб чиққан Гулюз икки шиша ичимликни кўтариб гулхан ёнига келди. Унинг хўл кўкрак халтаси сирғалиб, оппоқ сийналари деярли тошиб чиққан эди.

— Ким хоҳлайди? — деб сўради у шишалардан бирини даврага узатиб.

Мен беихтиёр қиз қўлидан шишани юлқиб олдим.

— Маржона, сенинг Санжаринг келмагани ямон бўлди-да, — деди Сайёра хануз Баҳодирнинг тиззасига тирғалиб.

Маржона бепарво қўл силтади:

— Да, он... доим банд.

Мен ютоқиб-ютоқиб тахир суюқликдан сипқордим: «Ким экан у, Санжар?!»

Олов сапчиб-сапчиб, чирсиллаб-чирсиллаб ёнар эди.

Баҳодир гитарасини тинғиллатиб янги бир хонишга шайланди. Жаҳонгир мук тушган кўйи ўз қумлоғига қоришиб ётибди.

Мен ҳаш-паш дегунча шишани бўшатиб бир чеккага улоқтирдим. Алланечук тетиклик, жўшқинлик бутун вужудимга ёйилди. Гулюзнинг оппоқ сийналарига, йўғон, силлиқ сонларига ошкора тикилдим. Қиз бу ҳолни дарров пайқади. Ичкиликдан ҳўплай-ҳўплай қош учириб, кўзларини сузиб қўйди.

Олов эшилиб-эшилиб, тўлғониб-тўлғониб ёнар эди.

— Санжаринг совчиларини юбордими? — дея Сайёра тағин Маржонага юзланди.

Маржона зардали қўл силтади:

— К чёрту... керакмас...

Баҳодир қувноқ тебранган кўйи қўшиқ бошлаб қолди:

Энг гуллаган ёшлик чоғимда-а
Сен очилдинг кўнгил боғимда-а...

Маржона илкис ўрнидан турди. Турдию сип-силлиқ орқаларини шундоққина тумшуғим тагидан диркиллатиб ўтиб ўзини ховузга отди.

Шунда кўзим кўрди баҳорни,
Шунда юрак таниди ёрни-и...

Мен ҳам ўрнимдан турдим. Қўшиқ сеҳрига маст бўлиб ўтирганлар менга эътибор беришмади.

Олов чарх уриб, алангалари бир-бирига чирмашиб-чирмашиб ёнар эди.

Шундан бери тилимда отинг...

Маржона! Бир қувонч, бир интиқлик бутун вужудимни қамраб олган эди. Энтикканимча ҳовузга калла ташладим. Мўлжални аниқ олган эканман! Сув остида чалқанча сузаётган Маржонанинг ёнгинасида пишқириб бош кўтардим. Қиз чўчиб кетди. Мен ҳансираб бир қўлим билан Маржонанинг белидан қучдим, бир қўлим эса сув тагида қизнинг момиқ сонларини силади.

Маржона бир силтаниб қучоғимдан чиқди-да, ялт этиб юзимга тикилди. У шунча пайтдан бери мени эндигина кўриб тургандек эди!

— Чў, такой? — деб пичирлади у оғзидан сув пуркаб.

Бу пичирлаш, бу ҳуркак қарашлар мени баттар жўштириб юборди. Энтикканча яна қиз томон интилдим.

Маржона ҳовузнинг нариги қирғоғига қараб сузди. Мен гулхан алангасининг ёғдуларида қиз юзларидаги нозли табассумни илғагандай бўлдим. Томирларимда қон тобора кўпирар эди.

Маржона таъқибларимдан қоча-қоча ҳовузнинг нариги лабига чиқиб олди. (Нур устига нур!) Мен ҳам бир сапчиб қирғоққа чиқдим. Шу орада Жаҳонгир анграйганича бизни кузатаётганини ғира-шира пайқаб қолдим.

Маржона қад ростлаб тағин қочишга шайланди. У ҳаяжон ва қўрқувдан титрар, кўкраклари лоп-лоп кўтарилиб тушар эди.

— Нима қиляпсиз?! — дея пичирлади қиз ҳансираб. — Ҳозир бақираман.

Мен қулоч ёйиб интилдим.

— Маржона...

Шаштим баланд бўлса-да овозим барибир хиркираб чиқди.

Қизнинг катта-катта очилган кўзларида гулхан шуълалари ўйноқларди. У орқасига, ҳувв, икки туп арча томон тисарила бошлади. Мен бир сапчиб Маржонанинг билакларидан тутдим-да қучоғимга тортдим. Қиз типирчилади. Мен лабларига лаб босдим, сўнг уни даст кўтариб арчалар панасига ўтдим. Бу ерда ўша чарм жилдли тўшакнинг бири ер парчин бўлиб ётган экан! Ҳануз типирчилаб, юлмоқлаб, қучоғимдан қутилишга уринаётган қизни тўшак устига босдиму ютоққанча дуч келган жойидан ўпа кетдим.

– Қоржов ака, қўйворинг, Қоржов ака, жо-он ака...

Маржонанинг товуши тобора майинлашиб, ноэли тус олмоқда эди...

• • •

– Зўрлаб қўйди-и! Номусига тегди-и! – Жаҳонгир жаҳонни бошига кўтариб бақирар эди.

Унинг жазавали чинқиришлари менинг шуримга анчадан сўнг – эҳтиросларим пича босилиб, эс-хушим тиниқлашгач бориб етди. Мен кўкракларимга юзини яшириб пиқ-пиқ йиғлашга тушган Маржонани ўпиб, эркалаб овута бошлагандим.

Қиз туйқус мени устидан итқитиб ташлади. (Билмадим, қайдан куч топди?!) Ҳойнаҳой, унинг ҳам эс-хуши тиниқлашиб, ҳовуз бўйида тўс-тўполон бошланганини англаб етган эди.

– Таппа босиб номусига тегди! Ўлай агар, ўзим кўрдим!

Жаҳонгирнинг бўғиқ, таҳлика тўла товуши уй томондан эшитилди!

Кўп ўтмай «тап-туп» қадам товушлари, Беккул Тўрақуловичнинг ғазабкор ғулдираши, Илмира янгамнинг йиғлоқи қарғашлари қулоқларимга чалинди.

Апил-тапил латта-путтасини устига тортиб қад ростлаган Маржона ваҳимали пичирлади:

– Ўлдим...

Қиз увв тортиб йиғлаганича гулхан томон чопди. Мен ҳам ўрнимдан сапчиб туриб тевараккa аланглади.м.

Олов ожизгина, титраб-қақшаб ёнмоқда эди.

Баҳодир ва Сайёра бир-бирининг пинжига суқилиб тек қотишган. Кўзлари тўла таҳлика, таажжуб.

Гулюз алланечук асабийлашиб у ён-бу ён юринар, аҳён-аҳён, гўё унинг номуси булғангандай узун-узун панжаларини юзига босиб бош чайқар эди.

– Қани?! Қани у итвачча?! – деб бўғиқ ўшқирди Беккул Тўрақулович ҳовуз бўйига харсиллаб-лорсиллаб етиб келаркан. Устида оппоқ майка-иштон, қўлида гўшт чопқи, башараси ғазаб ва нафратдан бужмайган.

– Ва-ай, шўри-им! – дея чинқирди қоқила-сурила сув бўйида пайдо бўлган Илмира янгам ҳам. Унинг сочлари тўзғин, устига чала-ярим кийган узун халати судроқланган, кўзлари аланг-жаланг эди.

Маржона хануз увв тортиб йиғлаган кўйи ўзини онасининг бағрига ташлади:

— Ойи-а!..

Эру хотин ўртасида бетокат типирчилаётган Жаҳонгир хамон куйинчаклик кўрсатарди.

— Худо хаки, пойлаб бориб кўрдим! Номусига тегди! Дарров уйга югурдим...

Менинг бутун вужудимни қўрқув таҳликадан кўра уят ҳисси қоплаб олган эди. Юз-кўзларим мисдек қизиб кетган. Бехтиёр сирғалиб ҳовузга тушдим.

— Чиқ бу ёққа, ҳароми! — дея бўкирди Беккул Тўрақулович менга кўзи тушиб.

У қўлидаги гўшт чопқини ҳаволатиб ҳовуз лабига бостириб келди. Сайёра чинқириб юборди. Баҳодир Беккул Тўрақуловичнинг қўлига ёпишди:

— Домла! Ўзингизни босинг, домла! Ўлдириб қўясиз?!

— Ўлдираман уни! — баттар бўкирди Беккул Тўрақулович тағин хезланиб. — Нонкўр, ифлос!

Гулюз хам чопқиллаб келиб ғазабкор отанинг елкасига осилди:

— Домла, тегманг! Жавобгар бўлиб қоласиз, у ғирт маст!

Беккул Тўрақулович ҳансираб андак орқага тисарилди, бироқ ғазаб ва алам тўла кўзлари ҳануз менга қадалган эди.

— Ока, сувдан чиқинг! — деди Баҳодир менга қайрилиб. — Домланинг кўзига кўринманг.

Юрагим гурс-гурс урганича ҳовуз лабига чиқдим.

Илмира янгам қучоғида ҳиқ-ҳиқ йиғлаб ётган Маржонанинг сочларини силаб овутарди.

— Тинчлан, қизим, қўрқма. Даданг милиция чақирдилар. Қамоқда чиришди сени хўрлаган анови ислиқи...

Илмира янгам ногоҳ энгашиб ерда юмалаб ётган бўш шишани қўлга олдию менга улоқтирди:

— Кўзгинангга илоё тупроқ тўлсин, мараз!

Шиша ёнгинамдан учиб ўтдию ўша арчалар тубига пўкиллаб тушди.

Баҳодир ва Жаҳонгир қўярда қўймай уй томон етаклаётган Беккул Тўрақулович ҳамон депсинар, хезланар эди.

— Қочаман деб ўйлама, ҳайвон! — бўкирди у елкаси оша менга ўқрайиб. — Ернинг тагидан бўлсаям топаман сен битликни!

Илмира янгам хам Маржонани силаб-сийпалаб охиста уй томон юришди. Сайёра ва Гулноз бир-бирининг пинжига тикилган кўйи ерга тикилиб боришарди.

Олов ўрнида лахча-лахча чўғлар тутаб ётар эди.

• • •

Мен хужрамда бош чангаллаб ўтирибман. Гоҳ-гоҳо жойимдан ирғиб туриб ўзимча у ён-бу ён юриб қўяман, пушаймонлар билан гувранган бўламан. Аслида... на қувончу ўкинч, на афсусу на кўрқув бор эди менда. Юрагим бўм-бўш, онг-шуурим музлаган.

Уй зинапоясида Баҳодир ва Жаҳонгир чекишиб, ўзаро «ғунг-ғунг» гаплашиб туришибди. Менга қоровул улар. Уй ичкарисида ахён-ахён Беккул Тўрақуловичнинг алланималар деб қаҳрли ўшқиргани, Илмира янгамнинг ҳасратли карғанишлари эшитилиб қолади. Икки-уч бор Маржонанинг аччиқ-аччиқ йиғлагани қулоғимга чалинадию юракларим сирқираб кетди.

Мен, отам айтгандай, хаммаси бипойигина, осуда кечаётган гўзал, лаззатли лаҳзаларнинг не сабаб тўс-тўполонга эврилганини англашга уринардим. Тусмолимча, Жаҳонгир чиндан-да бизни пойлаган. Кўнгли тортганича томоша қилиб тургану, бизнинг эс-ҳушимиз хиралашиб, кўзлар кўрмай, қулоқлар эшитмай қолган пайт аюҳаннос солган. Гулхан теграсида ўтирганларни ҳангу манг қолдириб уй томон чопган, хайҳотдек зални бошига кўтариб чинқирган. Оқибатда...

Ичкарида Маржонанинг зорланиб йиғлагани яна юрак-бағримни ўртаб ўтди. Беккул Тўрақуловичнинг таҳдидли ўшқириғи эшитилди:

— Ёз, хаммасини ёз! Қайсарлик қилма, у ифлоснинг жойи турма! Ҳозир наряд етиб келади, тезроқ ёз!

— Ёзақол, қизим, уялма, — Илмира янгамнинг қақшаб ялингани элас-элас эшитилди. — Биламан, айбинг йўқ, анови қутирган буқага бас келиб бўлармиди. Ёзақол, қизим, уялма...

Тун ярмидан ошган. Кўк тўла юлдузлар маъюс-махзун милтирашади. Чорбоғ алланечук ҳурпайиб, уй пештоқидаги чироқ ёруғидан хижолат чекаётгандек кўринади. Адлқад тераклар енгил эпкиндан шитирлашиб, гўё тунги сирлар ҳақида шивирлашар эди.

Бир пайт дарвоза ортига гуруллаганича машина ке-

либ тўхтади. Тўхтадию коронғилик қатига тирдай сан-чилган фара ёғдулари сўнди.

Машина шовқинидан сергакланган Жаҳонгир ичка-рига югурди. Лаҳза ўтмай бўсағада ҳануз оқ майка-ок шортондаги Бекқул Тўрақулович (ё, ҳазрати Хизрмикан?!) довдираган кўйи пайдо бўлди. У қоқила-сурила бориб дарвозани очди.

— Ассалому алайкум, домла...

Дарвоза ортидан Бақоевнинг таниш товуши эшитил-ди. У икки нафар барваста, уйқусираган милиция ходи-мини чорбоққа бошлаб кираркан, Бекқул Тўрақуловичга бош-оёқ таажжубли-таажжубли тикилди.

Домла мик этмай уларни ичкарига бошлади.

— Телефонда овозингизни эшитиб қўрқиб кетдим, — дея минғирлади Бақоев. — Даррон нарядни олдиму бу ёққа ҳайдадим...

Бақоевнинг товушида ғира-шира қувонч шарпалари сезиларди. Афтидан, Бекқул Тўрақуловичдай улуғ устоз ҳам ташвишга йўликиб унга иши тушганидан мамнун эди.

• • •

Эшик-дарвозалари темир панжарали милиция маши-наси ниҳоят манзилга етди. Қўлларим орқага кишанлан-ганидан хўб азият чекдим.

Икки ходим менинг сирғалиб машинадан тушишимни бетоқат кутиб туришди. Ерга оёқ босар-босмас теваракка бир қур аланглаб олдим.

Баланд темир панжара билан ўралган, электр фо-нуслардан чароғон ҳовли. Ҳовлида ранг-баранг автоулов-лар, у ён-бу ён жонсарак ўтиб қайтаётган яккам-дуккам мундирли ходимлар кўзга ташланади.

Биз шундоққина каншаримиздаги баланд, ойнабанд иморат томон юрдик. Бақоев илдам қадамлар билан йўл бошлади. Икки милиция ходими мени ўртага олиш-ган.

— Эй, кўп аланглама, — деб қўйди улардан бири бикинимга туртиб.

Ичкарига кирдик. Бақоев эшиги тепасига «Навбатчи-лик қисми», деб ёзиб қўйилган, ҳаммаёғи ойнабанд, те-мир панжарали ҳужранинг тирқишидан бош суқди. Ал-ланечук Роза анийнинг ошхонасини эслатиб юборадиган бу ойнабанд бўлмадаги сон-саноқсиз телефонларнинг бири

қўйиб, бири жиринглайди, уч-тўрт ходим уйқули товушда қўнғироқларга жавоб беришади.

Бақоев ўзидек мўйловдор, баджахл капитан билан анча пайт гаплашиб қолишди. Капитан қалин, кирчил дафтарга алланималарнидир ёзди.

Анчадан сўнг яна карвон бўлиб жўнадик. Бақоев сарбон, икки ходим ўртасида мен. Гоҳ кенг, гоҳ тор йўлаклар бўйлаб, баъзан зиналардан чиқиб, баъзан тушиб борардик. Онда-сонда қаршимизда учраб қоладиган ходимларнинг баъзилари Бақоев билан шунчаки бош ирғаб саломлашса, баъзилари қуюқ сўрашиб, икки-уч оғиз ҳангомалашиб қолишади.

Ниҳоят, чироқлари хира, зах ва чиркин ҳид уфуриб турган, ертўлатоб жойда пайдо бўлдик. Ёнимиздаги эшиклари маҳкам кулбадан гоҳ инграган, ўкирган товушлар, гоҳ қутуриб бўкиришлар, сўкинишлар эшитилади.

«Видеосалон, шекилли?» — лип этиб хаёлимдан ўтди менинг. Ҳувв, бир пайтлар худди шундай ертўла нусха жойда кино томоша қилганимизни эсладим.

— Эй, у ёққа анграйма, тезроқ юр, — деб тўнғиллади оркамдаги ходим.

— Кино бўлаяптими, дейман-а? — беихтиёр оғзимдан чиқиб кетди менинг.

Икки ходим маъноли кўз уриштириб тиржайиб қўйишди. Сўровим қулоғига чалинган Бақоев елкаси оша мен томон кўз ташлади.

— Ҳа, маданий ҳордиқ чиқаришяпти. Сенга ҳам эртаиндин билет тегиб қолар.

Шу пайт семиз, япасқи бурун, қисиқ кўз сержант қаршимизда юмронқозиқдек қад ростлади.

— Бўш камера борми? — сўради ундан Бақоев.

Сержант хорғин, асабий бош чайқади:

— Йў-ў... Ҳаммаси лик.

— 99-ни оч-чи, — деди Бақоев андак ўйланиб тургач.

Сержант лапанглаб йўл бошлади.

Тор, пасткам йўлакнинг ҳар икки тарафида қоп-қора, темир эшиклар тизилиб кетган эди. Бетон деворнинг у ер-бу ерида бўртиқ, қалин лампалар алланечук кирчил, хира шуъла тарайди. Ҳаммаёқ ғалати бир ваҳима, таҳдидга бурканган.

Бақоев хўмрайган кўйи менга яқин келди:

— Ҳолингдан кимга хабар берайлик?

Кўз ўнгимда ота-онам, ака-опаларим бир қур чаппар уриб ўтдию чўчиб кетдим.

— Керакмас, — дедим шоша-пиша. — Ҳеч кимга айтманг.

Бақоев тиржайиб бош чайқади:

— Йў-ўқ, яқинларингга хабар беришимиз шарт. Адвокат топиб сени ҳимоя қилишсин, адолатли қонунларимиз талаби шундай.

Шу пайт хаёлимга Тоштемир ака келди. Айтдим.

— Ҳа, анови тренерми? — деди Бақоев чеҳраси андак ёришиб. — Бўпти, унга хабар бераман.

• • •

Оркамдан оғир, темир эшик гумбурлаб ёпилди. Бўсағада бир зум гангиб туриб қолдим. Камерада қўланса ис анқиб ётарди. Эшик пештоқидаги лампанинг ўткир ёруғидан кўзлар қамашади. Қалин бетон қоплама ерда ҳар хил ҳашаротлар ўрмалаб юрибди. Камеранинг икки ёнида ётоққа мўлжалланган икки ёғоч сўри. Айни авжи саратон бўлишига қарамай камера захкаш, муздек.

Мен жирканиб у ён-бу ён аланглардим, ўнг бурчакда буришибгина намоз ўқиб ётган йигитчага кўзим тушди. (Хойнаҳой, гуноҳлари меникидан-да оғир бўлса керак, тавбага зўр берибди.) У бир парча матони жойнамоз ўрнида тўшаб олган. Сажда пайти бетон қопламага каттиқ урилган, шекилли, ёрилган қош-қобоғидан қон силқиб турибди, юзлари моматалоқ.

Йигитча намозини тугатиб чўк тушган жойидан тураркан, менга бош ирғаб салом берди.

— Ассалому алайкум.

Беихтиёр у билан қўл бериб кўришдим.

Ёғоч сўриларнинг бирига у, бирига мен ўтириб анчагина жим котдик.

— Сизни... нега қамашди? — сўрадим охири ўнғайсизликдан қутилиш учун.

Йигитча жилмайиб елка учирди:

— Шу... 159-модда... диний масала бўйича.

Мен унга анқайиб қолдим. Очиғи, эскигина кўйлагининг у ер-бу ерига қон доғлари теккан бу йигитчанинг икрорига ишонгим келмади.

Ҳа, жамиятда шариат ҳукмрон бўлишини талаб қилиб ҳукуматнинг ғашига тегиб юрган бир диний жамоа ҳақида эшитганман. Бироқ уларни кўзлари ғилай,

тишлари сўйлоқ, хунукдан-хунук махлуқлардай хаёл этардим, тўғрироғи, матбуотдаги таъриф-тавсифлар менда шундай тасаввур уйғотган эди. Аммо... қаршимда ҳали она сути оғзидан кетмаган, хушрўйгина йигитча ўтирарди.

— Ҳайрон қараб қолдингиз, ё ишонмадингизми? — сўради у хижолатланиб.

— Йў-йў, — дедим шоша-пиша, — ишонаман.

Жимжималоқдай ҳолига бутун бошли давлат билан олишиб юрган бу йигитчага боқдиму не бир сабабдан бу гўшага келиб қолганимни эслаб уялдим. (Эсиз жасад, эсиз бўй...)

— Сизни нега опкелишди? — сўради йигитча.

— Шу... — хижолатли ғудрандим, — моддасини билмайману... зўрлашда, номусни булғашда айбланаман.

Йигитча афсус билан бош чайқади:

— Чатоқ бўпти-ку... — сўнг ўйчан қўшиб қўйди. — Аммо... лекин тушунмадим, йўқ нарсани қандай булғадингиз?

Мен «пиқ» этиб кулиб юбордим. Бироқ йигитчанинг ҳануз ўйчан турганини кўриб дарров лаб-лунжимни йиғиштириб олдим.

Тағин бир оз жим қолдик. Хамхонам қон силқиётган қовоғига латта босди. Мен қаршимдаги алланечук улуғвор, хотиржам қиёфали йигитчанинг дидига мос гап излардим ўзимча.

— Мен... мен ҳазрати Хизрни кўрганман, — дедим, ниҳоят калламга келган фикрдан қувониб.

— Ҳа-а, шунақами? — деди йигитча ёлғондакам ҳайратланиб. — Қачон? Номусни булғаётганда эмасми, ишқилиб?

Мен бу гал баралла қаҳ-қаҳа уриб кулиб юбордим. Хамхонамнинг ғалати бир ўткир сўзлиги, самимияти кўнглимда завқ-шавқ уйғотди. Йигитча ҳам кулгимга жўр бўлди. Кулгиларимиздан бетон деворлар зириллаб кетди.

Ногоҳ темир эшик қулфига шарақ-шуруқ калит солинди. Биз бир-биримизга тааҳжубли тикилдик.

Эшик бўғиқ данғиллаб очилди.

— Нима гап?! Қанақа шовқин? — ўшқирди ичкарига бостириб кирган ўша ясаксиз бурун сержант, қўлидаги резина таёғини ҳаволатиб.

— Хизр кўрдик, — дедим мен унга пешвоз туриб.

Сержантнинг семиз, ялалок юзига таҳлика оралади.

— Нима? Қанақа Хизр?! — деди у теваракка аланглаб. — Бу ерга ҳеч ким кириши мумкин эмас!

Йигитча пиқ-пиқ кулиб юборди. Мен ошкора «хо-хо»лаб ўтириб қолдим.

Ҳануз таҳлика билан аланглаётган сержантнинг резина таёғи ҳавони шувуллаб кесиб ўтди.

• • •

Эртаси куни чошгохга яқин Тоштемир ака билан учраштиришди.

Мени бошлаб чиққан милиция ходими тепасига «Учрашув хонаси» деб ёзиб қўйилган эшик ёнида оёқ илди.

— Кир! — деди у пўнғиллаб. — Ўн минут вақт.

Кирдим. Ичкарида ранг-кути ўчган Тоштемир ака у ён-бу ён асабий юриниб турарди. Ўртада мактаб партасини эслатиб юборадиган стол, ёғоч ўриндиқ.

— Қоржов! — деди Тоштемир ака истар-истамас мен билан қўл бериб кўришаркан. — Ғирт тентак экансан-ку?! Шарманда қилдинг одамни. Ҳаммаси чинми ўзи?

Мен бош ирғаб қўйдим.

Тоштемир ака ёғоч ўриндиққа бўшашганича чўкди:

— Уф-ф... иш чатоқ. Шўргинанг қисди энди, ука! Дарров отангга хабар берамиз.

— Керакмас.

— Керак! — Тоштемир ака стол устига тарсиллатиб урди. — Олдини олиб гаплашмасак, қамоқда чиришсан. Увв, Беккул Тўрақулович билан ҳазиллашма!

— Мен Беккул Тўрақулович билан ҳазиллашганим йўқ.

Тоштемир ака ғижинган кўйи ўрнидан туриб кетди:

— Сен серрига гап уктирганнинг ўзи аҳмоқ... Яхши... Сен қисибгина тур, ўзим ҳал қиламан ҳаммасини...

• • •

Иззатим ошиб кетди-ёв... Қайга чақиртирса икки ходим ўртага олиб қўриқлаб боради-я?!

Тоштемир ака билан қизариб-бўзаришганимиздан сўнг, кўп ўтмай, терговчи ҳузурига чорлабди.

Жўнадик. Мени тағин узун йўлаклар бўйлаб етаклаб, обдон тинкамни қуритишди.

Терговчининг қора дерматин қопламали эшиги қия

очиқ экан. Олдимга тушиб ҳардамхаёл бораётган қотмагина сержант ичкарига бош суқиб деди:

— Мумкинми, ўртоқ майор? Олиб келдик!

Ичкаридан Бақоевнинг таниш товуши эшитилди:

— Кирсин!

Эшик ланг очилди. Орқамдан ходим биқинимга нуқиди:

— Юр!

Ичкарига кирдиму юрагим темирчининг босқонидай гурс-гурс ура кетди: «Маржона!»

Ҳа, адашмагандим. Сап-сариқ, ялтироқ стол ёнидаги стулларнинг бирида Маржона қимтинибгина ўтирарди. Сочлари ёйиқ, устида бир парчагина кофта-юбка, чарм сумкача билан яширишга беҳуда уринаётган оппоқ сонлари бир-бирига қапишган.

Маржона мени кўрдию сапчиб ўрнидан турди. Тура тура калта юбкасини пастроқ тортган бўлди, кўзлари пирпираганича ерга қадалди.

— *Маржонахон, қўрқманг, ўтиринг,* — *деди тиржайиб* Бақоев.

Мен уни погонлари кирчил йилтиллаган хизмат мундирида илк бор кўришим эди. Терговчи хона тўрида, ҳар хил қоғозу папкалар ташлаб қўйилган иш столи орқасида ястаниб сигарет чекар, қуюқ дудга кўмилган кўйи кўзларини қисиб қиз қоматига суқ билан тикилар эди.

— Гражданка Тўрақулова, ўтиринг, — деб такрорлади Бақоев қалин мўйлови остидан киноямуз ўшшайиб. — Бу ерда ҳеч қанақа хавотирга ўрин йўқ.

Маржона қисиниб-қимтинибгина жойига ўтирди.

Мен гоҳ ярим-яланғоч қизга, гоҳ Бақоевнинг суқли, ҳирсли нигоҳларига кўз қиримни ташларканман, ҳалигина ширин бир ҳаяжон, қувонч қоплаган юрак-бағримни беаёв ғазаб, алам куйдира кетди. Қўлларим мушт бўлиб тугилди, тишларим ғижирлади.

Терговчи ичкарига бош суққанимдан бери менга қиё ҳам боқмай, ўзича беэътибор ўтирарди.

— ...хуллас, балиқ ови зўр бўлди, — деди у қизга, ҳойнаҳой, ташрифим туфайли узилиб қолган гурунгни давом эттириб. — Дадангиз ҳам, биз ҳам хурсанд...

Маржона гўё игна устида ўтирарди. Хаёллари паришон, кўзлари хона бўйлаб кезмоқда. Терговчи эса тиржайиб, сузилиб қиздан суқли, ҳирсли кўзларини сира узмас эди.

Мен бир ғувраниб қўйдим.

— Кечирасиз, — деди Маржона туйқус терговчининг хикоясини бўлиб. — Мен... кетишим керак.

Бақоев оғир сўлиш олиб сигаретини кулдонга босаркан, ғудранди:

— Яхши... тезлаштирамиз.

Бақоев пишиллаб стол устидаги папкалардан бирини очди. Қош-қобоғи уюлди.

— Ўвв, — деди у дабдурустдан менга ўқрайиб. — Гражданин... Толмасиф... Сен Тўрақулова Маржона Бекқуловнанинг шикоят-аризасига кўра... жиноят кодексининг... та-ак, тегишли моддасига кўра зўрлаб номусга тегишда айбланасан. Мен шикоят-ариза эгасини, — терговчи қизга имо қилиб қўйди, — сен билан юзлаштириш учун чақиртирганман...

Мен ҳануз ғалаба ва аламдан бўғриқиб турардим. Қайгўргадир бош олиб, улоқиб кетгим келарди. Бир амаллаб хонадан чиқиб кетишим учун баҳоналар изладим. Ногоҳ, ўқув юртида ўқиб-ўрганганим — айбланувчининг хак-ҳуқуқлари ғира-шира эсимга тушди.

— Ўртоқ терговчи, — дедим аранг титроғимни босиб, Бақоев папка титкилаб бир зум жим қолган пайт. — Ўзимни нохуш сезяпман, хозир хеч қандай савол-жавобга қурбим йўқ.

Терговчи кинояли хиринглади:

— Нега? Бошқа нарсаларга қурбинг зўр эди-ку?

Шу пайт Маржона ҳам ўрнидан туриб кетди:

— Мен ҳам хозир хеч нарса хоҳламайман, — деди у энтикиб. — Тобим йўқ, кўнглим айнияпти.

Бақоев бир менга, бир Маржонага тааҗжуб билан тикилиб колди. Маржона икковимизнинг ўртамизда нафрат олови ёнаётганига, ҳатто, юзма-юз туришга-да тоқатимиз йўқлигига буткул ишонди шекилли, афт-ангорида мамнун бир ифода пайдо бўлди.

— Бемалол, — елка учирди терговчи, — адолатли қонунларимиз бунга йўл қўяди, — сўнг ясама норозилик билан тўнғиллади. — Хўш, қачон тобларингиз бўлади, азизларим! Ишни тезлатиш керак, вақт зиқ.

— Эртага, — пичирлади Маржона ерга тикилиб.

Бақоев менга кинояли тикилди:

— Сиз-чи, жаноб? Эртагача қурбингиз келиб қолар-а?

Мен бош ирғаб қўйдим.

* * *

Пешиндан сўнг яна учрашувга олиб чиқишди. Қўлимни кишанлашга чоғланган сержант таажжубланди:

— Нега мушт тугиб оляпсан? Қўлингни ёй, бўш қўй!

— Ишқилиб ўзини бир бало қилмоқчи эмасми бу?! — деб тўнғиллади иккинчи милиционер камера ичини хавотир билан кўздан кечираркан. — Авзойи бузук.

Сержант хиринглади:

— Хали эрталабки терговда Бақоев сал-пал думини босиб қўйди-ёв.

Мен миқ этмасдим.

«Учрашув хона»сида Тоштемир ака чарм портфель қўлтиқлаган бир боди билан кутиб турган экан.

— Бу киши сенинг адвокатинг, — деб таништирди устозим. — Фирдавс Шамс. Еган-ичгани қонун, не-не каллакесарларни хам сувдан курук чикарган.

Фирдавс Шамс қилпанглаб, менга таъзим қилиб қўйди. Жилмайди. Хатто, бўялгандек коп-кора кош-кўзларини муқом билан ўйноқлатган бўлди.

— Шу улуғ инсон вақти зиқлигига қарамай сенинг химоянгга отланди, — деб қўшиб қўйди Тоштемир ака. — Энди бу ёғи ўзингга боғлик.

Адвокат ёғоч ўриндик устига, обдон «пуф-пуф»лаб ташлагач, охиста чўкди. Жигар тусга бўяб қиялатиб-қиялатиб таралган сочларини назокат билан силаб қўйди.

— Полвонжон ука, — дея гап бошлади у алланечук ингичка, майин овозда. — Сиз менга хамма-хаммасини оқизмай-томизмай айтиб беришингиз керак.

Фирдавс Шамснинг афт-ангорию ғалати товуши ғаш кўнглимни баттар ғашлантирди.

— Нимасини айтаман, — деб тўнғилладим истар-истамас. — Хаммаси чин... шундай бўлган.

— Ай-ай, укагинам, — деди адвокат таманно билан. — Камина хамма тафсилотларни икир-чикиригача эшитиши керак.

— Ўрлик қилма, гапириб бер, — тўнғиллади Тоштемир ака хам.

Ноилож, чуқур бир тин олгач, гап бошладим.

— Шу... кечки пайт домланинг қизи ўртоқларини бошлаб...

— Бу ёғини биламиз, полвонжон ука-а, — гапимни бўлди адвокат баттар тантиғланиб. — Сиз... сиз қизга

қандай ташландингиз, шулар ҳақида айтиб беринг... Шошилманг, томчилатиб-томчилатиб гапиринг...

— Озгина пиво ичгандим...

— Пиво-мивонгиз ҳам керакмас, нақадар жирканч...

— Эсам нимани гапирай, — энсам қотди менинг.

Фирдавс Шамс сип-силлиқ қиртишланган иякларини кафтига тираб, қанд шимиб лаззатланаётган боладай кўзларини сузиб, юпқа лабларини ялаб-ялаб қўйди:

— Бирдан жунбушга келиб қизни тўшингизга тортдингизми? Ё-ё, аввал силла-аб... сийпаладингизми? О-о, поза қанақа эди, поза, бу жудда-а муҳим. Қиз тагингизда қийқириб юбордими, ё-ё... инқилладими-и...

Бирдан миямга қон тепиб, жаҳл билан ёғоч ўриндиқдан туриб кетдим.

— Ҳеч нарса айтмайман. — Тоштемир акага юзландим мен.— Менга бунақа адвокат керакмас.

Тоштемир ака қўлларини пахса қилиб ўшқирди:

— Ишга зарил бўлгандан кейин сўрайди-да!

Мен ғазабимни аранг босиб эшик томон юрдим.

Фирдавс Шамс ҳануз тамшанган кўйи ортимдан қараб қолди.

• • •

Тонгга яқин кўзим илашибди. Туш кўрдим чоғи.

Тавба, шаҳарнинг қоқ киндигидаги чорраҳада ўтовимиз тикилган эмиш. Тўрт тарафда машиналар серқатнов, Беккул Тўрақулович, Фирдавс Шамс, Бақоев ва яна аллакимлар ёнбошлаб ётишибди. Ҳиринг-ҳиринг кулаётган Тоштемир соқийнинг қўлида шиша. Бироқ дастурхон йўқ. Ўртада мен кип-яланғоч ҳолда чўзилиб ётган эмишман. Тоштемир соқий гоҳ-гоҳо қўлидаги шишадан оғзимга ичкилик қуяди. Атрофимдаги тўда ҳиринглашиб, пичирлашиб мени томоша қилармиш. Ногоҳ эрининг орқасидан Илмира янгам пайдо бўлди: «Маржона қани, яшшамагур?!» Мен ҳарчанд уринсам-да ҳеч ўрнимдан туролмас эмишман. Уятдан ғужанак бўлиб қолибман. Бир пайт ўтов эшиги ланг очилиб отам кириб келди. Бошида шляпа, бўйнида гуллор галстук, устида бекасам чопон. Ланг очиқ эшикдан кип-яланғоч Маржонага кўзим тушди! У ўтов ёнидаги қари итнинг бошини силаб эркалатарди. «Маржона! Қоч, буларнинг кўзига кўринма, қоч, жоним!» дея ҳайқирдим мен. Бироқ овозим шунчалар заиф, бўғиқ эдики, қичқиришимни ўзим-

дан бўлак ҳеч кас эшитмас эди. Бир пайт Фирдавс Шамс киндигимдан пастга чанг солди. Бақоев китоб билан бошимга урди...

Чўчиб кўзимни очдим. Камерадаги ёғоч сўридан қулабман. Бетон копламасига теккан бошим зирқираб оғрирди. Шундоққина қорнимдан сидирилиб тушган кулранг каламуш жон ҳолатида қочиб қолди.

Анча пайт ерда гангиган кўйи ўтирарканман, томоқларим қуруқшаб, юрагим гурс-гурс уриб ётганини сездим.

Тушга яқин мени яна терговчининг хонасига бошлаб кетишди.

«Маржона келган...» — ўйладим юрак-бағрим сирқираб.

Кўз ўнгимда лоп этиб қизга суқли-хирсли тикилаётган терговчи жонландию оёқларим чалишиб мункиб кетдим. Олдимдаги сержантни сузиб юборишимга сал қолди.

— Шошма, улгурасан ўша ёққа, — деди у менга қайрилиб.

Орқамдаги коровул хирингланди.

Мендан мик этган садо чиқмаган бўлса-да, хаёлан бақириб-чақириб борардим:

«Ўрток терговчи, ҳаммасини бўйнимга оламан. Юзлаштириб овора бўлманг. Маржонани тинч қўйинг, нима гапингиз бўлса, ўзимга айтинг, қизга бақраймай, тушундингизми, Маржонага олайманг. Муштларимни кўряпсиз-а, энди ҳеч нарсадан қайтмайман...»

Сержант ўша таниш, қора дерматин копламали эшик ёнида тўхтади. Мен бепарво, хотиржам бўлишга минг бир тиришсам-да барибир ҳаяжонлана бошладим. Ҳалигина миямда пишитиб, кира солиб терговчига тўкиб солишга чоғлаган даъволарим тумандай тарқаб кетди.

— Эй, кир! — деди сержант менга, ичкарига бош суқиб рухсат олгач.

Алланечук изтироб, интиқлик ичкарига итариб юборгандай бўлди мени. Бўсағадан довдир-совдир оёқ оширдиму кўз қирим билан уни изладим. Қани Маржона?! Наҳотки, енг-этаклари узун кўйлакка ўралашиб ўтирган анови киз ўша?! Ана, илҳақ-илҳақ мен томон қаради, Маржона!

Маржона мени кўрдию ўрнидан турди. Сарғишга мойил юзлари гулгун қизариб худди кечагидек ерга тикилди. Узун-кенг, кўкиш кўйлаги унга ғоят ярашган эди.

«Кеча рашкдан қон ютганимни сезган экан-а?!» — шу хаёл онг-шууримга чақмоқдай урилди. Энтикдим. Ичимдан қайнаб-тошаётган қувончимни яширолмай, кўзларим билан қизни эркалаб беихтиёр илжайдим.

— Тавба, бу қанақа туриш? — деди Бақоев бир менга, бир Маржонага норизо тикилиб. — Ўтиринг, Маржонахон. Ўвв, сен са-ал лаб-лунжингни йиғиштириб ол. Ҳали биргалашиб куламиз.

Терговчи тажанг бир қиёфада иш-папкани олдига тортиб очишга тутинди.

Деразанинг кулранг пардаси ортида кондиционер ишлаб турганиданми, ҳар қалай, хона салқин эди. Ҳаяжону қувончнинг зўридан терлаб кетган белларимга муздек эпкин тегарди. Мен тез-тез, ихтиёрсиз равишда Маржонага кўз ташлардим: «Кўнглимдагимни топибди-я?! Мени тушунибди...»

Назаримда Маржона ҳам мен томон термилишни хоҳлардию, бироқ ботинолмасди.

— Хўш... — деди Бақоев томоқ қириб олиб. — Гражданин Толмасов Қоржов Чоршанбиевич, адолатли қонунларимизга кўра, жиноят кодексининг тегишли моддаси билан сизга жиноий иш очилди. Сиз, Толмасов Қоржов, жиноий зўравонликда, номусни булғашда айбланасиз. — Асос — ҳурматли ва азиз фуқароларимиздан бирининг шикоят-аризаси. Бу ерда, ҳатто, баъзи бир гувоҳларнинг кўрсатмалари ҳам бор. Хўш... керак пайти уларни ҳам албатта чақирамиз. Мен ҳозир шикоят-аризани ўқиб, таништираман...

Бақоев сурранг, ғижимтоб варақдаги битикни қироат билан ўқиш учун тағин томоқ қириб олди.

Шу пайт безовта ўтирган Маржона терговчи томон қўл чўзди:

— Кечирасиз, шошманг...

— Хўш? — деди таажжубланиб Бақоев. — Тинчликми?

— Керакмас, ўқиманг...

— Нега?

— Керакмас, — деди Маржона лаблари титраб. — Мен... аризамни қайтиб оламан.

Бақоевнинг қош-кобоғи уюлиб кетди. Курсисига бутун оғирлигини ташлаб қизга саволчан-синовчан тикилди.

— Ўйлаб гапиряпсизми, Маржонахон?! Бунинг оқибати нима бўлишини биласизми?

— Билишни ҳам истамайман.

Бақоев асабий тарзда сигарет тутатди.

— Окибати сиз учун, оилангиз учун шармандалик, — деди терговчи захарханда билан. — Манави махлуққа эса яшил чирок. Сувдан курук чиққач яна бирортасини бориб босади. Сизга шу керакми? Бунга ўхшаганларнинг кўзини жойига келтириб қўйиш сизу бизнинг бурчимиз эмасми?

— Мен аризамни қайтиб оламан! — деб такрорлади Маржона қатъий оҳангда. — Менга морал ўқиманг.

Бақоев аразлаган боладай тумшайди. Бош чайқаб «уф» тортди.

— Бу қарорингиздан дадангиз хабардормилар? — деб сўради у яна киноя ли ажайиб. — Кейин пушаймон бўлиб юрманг-а.

— Ўзим шуни хохладим.

— Маржонахон... шошманг, мен дадангизнинг олдиларидан бир ўтай, кейин гаплашамиз, хўп?

Маржона ижирғаниб ўрнидан турди.

• • •

Ё, ҳазрат Хизр, тушимми, ўнгим?! Учрашув хонасида мени Роза аний кутиб турган экан. Онамни кўргандай севиниб кетдим. Бажонидил уни қучиб эркаланар эдиму кирланиб, анча-мунча қўланса хид анқиётган уст-бошимдан уялдим. Йўқ, Роза аний хеч бир ирганмай елкамдан енгилгина қучиб, пешонамдан ўпди, сўнг қулоғимдан тортқилаб қойинган бўлди:

— Ух, ты хулиган. Тез ўтир, томоқ совиб колади.

Мен шундагина учрашув хонасининг ўша мактаб партасига ўхшаш столи чорбоғ дастурхонидай безатилганини пайқадим. Апил-тапил тўшалган газета устидаги оби нонлар, ширинликлар, айниқса, чинни косадаги буғи чиқиб турган димлама иштахани қитиқлаб юборди.

Ўтирдик.

— Овора бўлибсиз-да, — дедим астойдил, егуликларга интилиб. — Домилла билса сизни хафа қилади.

— Не переживай, — кулди Роза аний, — ўзлари юборишди мени.

Чала чайнаб ютаётган ноним томоғимга тиқилиб колаёзди. Оқсоч аёлга анграйдим: «Йўғ-е?!».

Роза аний мехрибонларча елкамга қоқиб қўйди:

— Ҳайрон бўлма, овқатингни еявер, ҳаммасини тушунтираман ҳозир.

Димлама ҳил-ҳил пишган экан. Ҳаш-паш дегунча чинни косани яримлатдим.

— Потише, тиқилиб қоласан, — деб кулди Роза аний, сўнг пичирлаб гап бошлади. — Ўша кеча...

Ўша тун мени милиция олиб кетгач, эру хотин роса типирчилаб қолишибди.

Қаҳру ғазаби анча мунча босилиб, эс-ҳушини йиғиб олган Бекқул Тўрақулович хотинига ташвишли тикилган эмиш:

«Бекор қилдик-да...»

«Ҳа, шошилдик, дадаси шошилдик!» — дебди ҳовуридан тушиб, ақли тиниқлашган Илмира янгам ҳам.

«Бу иш шов-шув бўлиб кетса...»

«Ва-ай, шўрим, шарманда бўламиз-ку?!»

«Шу ифлосни қаматиб нима наф топардик-а? !Кўчанинг йигитларига шипшиб қўйсам олам гулистон эди!»

«Сиз ҳам қонуний бўлсин, дедингиз-да, дадаси».

«Ҳа, тўғри, мен фақат қонунни тан оламан, уфф...»

«Эртагаёк дело очилади, тергов, суд... ва-ай, всё, ҳамманинг оғзида сақич бўламиз...»

«Қизингизга оғиз солиб юрган дўстларга нима деймиз?»

«Вахх...»

«Уф-ф...»

«Ишни тўхтатгиринг, дадажониси, ўлгур Бақоев билан эртагаёқ гаплашинг...».

«Шошма-чи... Маржонанинг ўзини юборсак... Қизинг аризасини қайтиб олса, тамом, ҳаммаси қонуний...»

«Тўғри... как раз эртага Маржонани юзлаштиришга чақиради...»

Ҳамма гап-сўзларни ётоғида эшитиб турган оқсоч аёл сув ичиш баҳонасида залга чиқибди. Саросимаю тахликада ўтирган эру хотин Роза анийдан ҳам маслаҳат сўраган эмиш.

«Роза, — дебди Бекқул Тўрақулович болаларча мунғайиб. — Сен ҳаётда кўп машаққат кўрган, оқила аёлсан. Маслаҳат бер».

«Ҳа, йигитни милицияга топшириб хато қилдингиз, — дебди Роза аний. — Но, не поздно, биргина йўли бор».

Эру хотин оқсоч аёлнинг оғзига илҳақлик билан тикилишибди.

«Только, хафа бўлмасангиз айтаман», — дебди Роза аний.

Беккул Тўракулович асабий қўл силтабди:

«Э, тезроқ гапирсанг-чи, қанақа хафагарчилик...»

«Жо-он, аний...» — мўлтирабди Илмира янгам ҳам.

«Шу йигитни куёв қилингиз, всё. Ҳеч ким ғиқ этмайди...»

Илмира янгам курсидан сапчиб туриб кетган эмиш:

«Как эта та-ак. Чўпонлар билан қуда бўламанми?!»

Лекин бека аёл бутун чорасизлигини ҳис этиб, тағин увв тортиб йиғлаганича ўтириб қолибди.

«Қўй, куйинма, — хотинини овутган бўлибди Беккул Тўракулович. — Одамларни камситиш яхшимас, мен ҳам оддий деҳқон оиласидан чиққанман-а...»

Роза аний пайтдан фойдаланиб отга қамчи босган эмиш:

«Полвон бола, по моему ямон эмас... отличний йигит, свежий, здоровўй...»

...Мен димламани пакқос туширдим. Ялаб-юлқанган чинни коса ювгандан зиёда ялтираб қолди. Ҳам лаззатли хўракдан, ҳам қулоққа хушёкар гаплардан маза қилдим.

— Кеча кечқурун чорбоққа Бақоев келди, — дея тағин пичирлашга тушди Роза аний. — Тажанг, сердитий...

Беккул Тўракулович ўз шогирдини хушомад билан кутиб олган эмиш. Қуюққина зиёфат устидаги суҳбат ҳам қуюққина кечибди.

«Энди-и... биз шундай ноқулай аҳволга тушиб қолдик, — деганмиш Беккул Тўракулович чайналиб. — Жаҳл келса ақл кетар, дегандай... сал-пал қизишиб наряд чақирибмиз. Энди-и... ўзингиздан қолар гап йўқ, шу *ишни тинчитиб гум-гурс қилинг... ортиқча ғавғога тоқатимиз йўқ...*»

Бақоев улоқни олдирган чавандоздай сўнарибди:

«Ҳм-м... тушунарли. Бугун қизингиз аризани қайтиб оламан, деб хархаша қилганди... Бу сиздан чиққан фикр экан-да...»

«Ҳа... умуман... шундай, десак ҳам бўлади», — деб минғирлабди устоз шогирдига мўлтираб термилганича.

Терговчи Беккул Тўракуловичга синчков-саволчан тикилиб тиржайган эмиш:

«Ихтиёрингиз, домла... ҳаммасини қонуний ҳал қилса бўлади, лекин... идорада баъзи бировлар бу ишдан

хабардор-да... ўшаларни тинчитиб, оғизларини ёпиш керак».

«Карракдай очилган оғизларни ёпинг, мана, биз харажатга тайёр. Қанча керак?»

Бақоев ўзича хижолатомуз қийшанглаб, қисилиб-қимтиниб нарх айтибди.

Бекқул Тўрақулович «круглий» суммани эшитиб ранги кув ўчса-да, тақдирга тан берган эмиш:

«Бўпти, биз рози...»

Лекин шогирд норизо қиёфада анча пайт тумшайиб ўтирибди. Унинг дардини пайқаган устози секин пичирлаган эмиш.

«Хизматингиз қадрланади, ука... ҳалиги илтимосингизни бир ой ичида ҳал қиламан...»

Бақоевнинг бирдан қош-қовоғи очилиб, қалин мўйлови остида кулги пайдо бўлган эмиш.

«Сиз доно, улуғ одамсиз, устоз, — дебди терговчи қадаҳларга ўзи ичкилик қуйиб. — Сиз учун хизмат қилиш бизга бахт».

Устоз қадаҳни шунчаки лабига тегизиб қўйибди.

«Раҳмат...»

Бақоев иштаҳа билан овқат кетидан овқат еб алламаҳалгача қолиб кетган эмиш шу кеча.

«Домла, — деб минғирлабди у кетар чоғи кекиракекира, — ҳаммаси сиз хохлагандай бўлади. Ну... анови тўнғиз яна ўн-ўн беш сутка таъзирини еб ётса яхши бўлар-да... шунчаки профилактика учун...»

Бекқул Тўрақулович сирли илжайибди.

«Ў-ў, укагинам, ҳақорат қилманг-а бировларни. Бу йигит сиз ўйлаганчалик ёмон эмас...»

Бақоев бақадай бақрайиб қолибди.

...Мен термосдаги аччиққина чойдан бир пиёла ичгач, ширинликларга ташландим.

Роза аний юзларимга меҳр билан тикилиб кўз қисиб қўйди.

— Қалай? Совчиларинг тайёрми?

Мен лаззатли таомдай бутун вужудимни яйратиб ётган кувончни яширишга ўлиб-тирилардим.

— Э-э, бизга йўл бўлсин, — деб ўзимча тўнғилладим, бир бўлак шоколадни томоғимга ташлаб. — Ота-онаси кўнсаям, барибир Маржона менга тегмайди.

— Нега?

— Мени севмайди. Ёмон кўради...

Роза аний шарақлаб кулиб юборди. Мен чўчиб учрашув хонасининг темир эшиги томон юзландим. Йўқ, қоровул резина таёқ ўйноқлатиб кириб келмади.

— Успокойся, — деди Роза аний кулгудан аранг тутилиб. — Охрана ўзимиздан, гаплашганман.

— *Нега куляпсиз, аний?* — деб сўрадим ўзимча ўйчан, жиддий. Кўзларим хона деразаси ортидаги темир панжарага ўйноқлаб келиб қўнган бир жуфт мусичада эди.

— Кулмай бўладими? Эх, сиз — молодёжь... қўл ушлашиб кинога киришни, сайр этишни любовь деб ўйлайсиз.

— Нима, бу севги эмасми?

— Йў-ў... бу шунчаки детский эрмак, хавас. — Роза аний тағин туйқус шарақлатиб кулиб юборди.

— Севги нима эса? — сўрадим мен ҳам беихтиёр ҳиринглаб.

— Кўз очиб кўрганини аёл зоти бир умр унутмайди, вот... бу севги! Ҳамма гап шунда, укдингми?

Роза аний елкаларимга шўхчан турткилаб, яна баралла қаҳ-қаҳ уришга тушди.

Ҳуркиб учган мусичалар чарх уриб ўйноқлай кетишди.

• • •

Камеранинг оғир темир эшиги орқамдан одатдагидек гумбурлаб ёпилгач, Роза аний ҳалигина кула-кула чўнтагимга солиб қўйган, қат-қат буклоғлик варақни қўлимга олдим. Хат экан.

«Қоржов ака, ҳаммаси учун мени кечиринг. Бугун *аризани қайтиб олдим*. Қўрқманг, *эвазига сиздан* ҳеч қачон, ҳеч нарса талаб қилмайман. Ҳеч қанақа даъвоим, эътирозим йўқ. Сизга фақат севинч тилайман. Маржона».

...Хатни тонг отгунча қайта-қайта ўқидим. Гўё Маржона шундоккина кўчоқларимда шивирлаётгандек эди. Нописанд чимирилган ингичка қошлар, эҳтиросга лиммо-лим юпқа лаблар, эркаликка, инжиқликка мойил қуралай кўзлар тонг отгунча қорачиғимда қотиб турди. Юрак-бағрим соғинчу интизорликдан ўртаниб-ўртаниб кетди. Тонгга яқин хатни чайнаб-чайнаб ютиб юбордим.

• • •

Бақоев ўзи истаганидек «ўн-ўн беш сутка профилактика учун» мени камерада сақлай олмади. (Қонун барибир қонун-да!) Орадан уч кун ўтиб навбатчи ходим аллақанча расмиятчиликлардан сўнг мени идора эшигидан чиқариб юборди.

Дарвоза ёнида Тоштемир ака машинасини ўнгариб кутиб турган экан. Устида жинси кўйлак-чалвор, оғзида сақич, қўллари белда.

— Ў-ў, Қоржовбой укам! — дея хитоб қилди у, мен томон қулоч ёйиб келаркан. — Сенинг Хизр кўрганинг чин, полвон!

Биз бағирлашиб кўришдик.

Шу пайт машина ёнида илжайиб турган қўй кумолоғидеккина қоп-қора, юм-юмалоқ, тиканак соч дўстим Ҳусанга кўзим тушди. Юрагим алланечук орзиқиб унга ташландим.

— Айтганча, отанг ҳам келган, — деди Тоштемир ака машинага ўтирарканмиз.

Юрагим яна орзиқиб, сирқираб кетди:

— Қани отам?!

— Бизникида... Аччиққина кўк чой ичи-иб ўтирибдилар. Бовани сарсон қилиб юриш ноқулай-ку, тўғрими, ука?

Йўқ, отам аччиққина ўйларга чўмганча қуюқ оқ оралаган соколларини тутамлаб ўтирган экан. Устарада қиртишланган бошида ола дўппи, устида енглари узун шалвираган сарғиш кўйлак, ғижим шим.

Отам бизни кўрдию каловланганича ўрнидан қўзғолди.

— Ота... — дедим аранг, бўғзимга бир хўрлик данакдек тиқилиб.

Отам бўйнимга бехол осилган қўйи хирқираб йиғлаб юборди:

— Болам...

Тоштемир ака ҳам ҳоли забунимиздан бир зум музтар тортиб, сақич чайнамай, мунғайибгина қараб турди.

Энтикиб, эмраниб фотиҳа тортдик, ҳол-аҳвол сўрашдик.

— Ота, қачон келдингиз? — деб сўрадим ичим туз қуйгандай ачишиб.

Тоштемир ака бизларни бир зум ҳоли қолдиргиси келди, шекилли, алланималарни баҳона қилганича Ҳусанни ҳам етаклаб меҳмонхонадан чиқиб кетди.

Отам дастрўмолига юз-кўзларини артди:

— *Тўрт кун бўлди, болам. Тоштемирбойнинг одамидан хабарни эшитиб... Хусанбой билан жўнай бердик-да.*

— Тўрт кундан бери шу ерда ўтирибсизми?

— Ҳа, Тоштемирбой барака топсин. Мен бечорани судракламай, сен учун кечаю кундуз ўзи чопиб юрибди. Худога шукур, ишингни ҳал қилди.

— Кечаю кундуз чопди, дейсизми?

— Ҳа. Тингани йўқ, кўпайгур. Терговчи, оқловчи, деганлари билан тиллашди, шуларнинг кўнглини топди... Биламан, берган уч-тўрт сўмим гўрам бўлгани йўқ. Барака топгур, ўз ёнидан харажат қилиб...

Бақоев не сабаб «профилактика учун» мени сақлаб тургиси келганини эндигина англаб етгандай бўлдим. «Улар отамни кутишган!» — шу хаёл бутун борлиғимни тиғдай тилиб ўтди.

Ногоҳ бостириб келган ғазаб-нафратдан кўз ўнгим қоронғилашди.

— Ота... — дедим аранг, бор ҳақиқатни айтиш илинжида оғиз жуфтлаб.

Шу пайт меҳмонхонага Тоштемир ака қайтиб кирди.

— Қоржовбой, — деди у кафтларини бир-бирига ишқалаб. — Ванна тайёр. Би-ир мириқиб чўмилиб, кийимларни алмаштиринг. Кеча сиз учун Ҳусанбой билан бошадоқ сарупо опкелдик. Аттанг, сизни янгангиз кўрмадида, болаларни олиб қишлоққа кетганди. Янгангизнинг ҳам сизга атаган совғалари бор эди.

— Ҳеч нарса керакмас, — пўнғилладим унга зимдан ўқрайиб.

Тоштемир ака хохолаб, елкамдан қучиб қўйган бўлди:

— Нозланманг, куёв бола. Қани, тезроқ чиқиб кетинг-а бу ердан, биз бова билан би-ир маслаҳат қилайлик. Сиз эшитманг, уят бўлади-я?!

«Ҳаммасидан хабардор-ку бу тулки?!» — ярқ этиб хаёлимдан ўтди менинг. Беихтиёр ирғиб ўрнимдан турдим. Ҳалигина қонимни қайнатган ғазаб, алам ўрнини алланечук хаяжон, қувонч қоплади.

• • •

Беккул Тўрақуловичнинг чорбоғига совчиликка кетган отам билан Тоштемир ака кечга яқин шоду хандон қайтишди! Қайгўрдандир Бақоев ҳам қош-мўйловлари *табассумдан ёйилиб уларга илашибди.*

Отам! Ҳалигина қайғудан мунғайибгина ўтирган қария, лўпписини дол қўйиб, қўлларини белига бодиларча тираб, чапдаст йигитлардек чақнаб турар, бир гапириб ўн кулар эди.

Ҳусан иккимиз хонадон йўлагида довдираганча туриб қолдик.

Отам бир зум юзларимга меҳр билан термилди-да, манглайимдан енгилгина ўпиб қўйди. Шундагина унинг оғзидан арақ ҳиди келаётганини пайқадим: «Ичиришибди-да...»

— Ў-ў, Қоржовжон! — дея хитоб қилди Бақоев мени қучоғига тортаркан. — Табриклаймиз, ука, табриклаймиз.

Тоштемир ака ҳам елкамга осилиб чўлп-чўлп ўпа кетди:

— Чин кўнгилдан қутлайман, менинг асл укагинам. Иш битди, улоқ сенда.

— Қанақа улоқ? Нима билан табриклаяпсизлар, тушунмадим? — дея тўнғиладим, шилимшиқ қучоқлардан қутулишга уринарканман.

Акахонларим бир-бирига ялт этиб тикилишди:

— Ҳали бехабар-ку, а? — илжайди Бақоев.

— Сюрприз! — хиринглади Тоштемир ака.

Сўнг иккови ҳам баббаравар яна менга ёпишиб ялаб-юлқашга тушишди.

— Сен Беккул Тўрақуловичнинг суюкли куёвисан энди! — хитоб қилди Тоштемир ака ҳаяжондан ял-ял ёниб. — Чин юракдан табриклайман!

Бақоев жиддий эътироз билдирган бўлди:

— Ўғиллари деяверинг, ўғиллари! Яхши куёв любой ўғилдан азиз, тўғрими, бова? — терговчи ҳансираб отамга юзланди.

— Тўғри! — баралла ҳайқирди отам. У мастона довдираганича меҳмонхонага кириб борарди. — Қоржовни домилла-арбобга топширдим!

Бақоев кўзларимга эҳтиром билан тикилди:

— Ана, айтмадимми? Домлага чин ўғиллик муборак, Қоржовжон!

Мен зўраки илжайиб бош ирғаб қўйдим.

Тўрт хонали, данғиллама уй қувноқ қийқириғу ғалағовурдан данғиллаб кетди.

Меҳмонхона тўрига ястаниб, дунёни забт этган жаҳонгирдай ёнбошлаб ётган отам аҳён-аҳён менга мамнун ва мағрур тикилиб қўяр эди.

— *Энди-и, укажонлар, би-ир маслаҳат,* — дея виқор билан гап бошлади у, икки ёнида икки вазирдек кўр тўккан Бақоев ва Тоштемир акага бир-бир кўз ташлаб. — Шаҳарнинг урф-одатини билмадиму... бизнинг овулларда унаштириш ҳам ярим тўй. Мен эртага саҳарлаб жўнаб кетаман. Тараддудни ка-атта қилиб, насиб бўлса, жума куни яна қайтаман. *Домилланикига тўй* хайдаб борамиз, би-ир зиёфат берамиз. Қалай? Сизлар менга зарил нарсаларни рўйхат қилиб беринглар. Мен ҳаммасини етказиб келаман. Қалай?

Отамнинг ҳар бир сўзини бетиним бош иргаб маъқуллаб ўтирган терговчи ва тренер (мени жер!) баббаравар қийқириб юборишди:

— Гап йўқ, бова!

— Ҳимматингизга қойилмиз!

— Энди-и, гап бундай, бова, — деди Тоштемир ака эшилиб-тўлғаниб. — Бугун оламшумул воқеадан ярим шаҳар хабардор бўлди. Бекқул Тўрақулович билан куда бўлганингиз *не-не кўзурларнинг кулоғига бориб етди*! Ҳозир бир гурух казо-казо оғайниларимиз шу ерга етиб келади. Биз аллақачон телефонлашиб қўйганмиз. Биргалашиб анави хиёбондаги ресторанга чиқамиз. Бу зиёфат мендан! Йў-йў-ў, бош чайқаманг, бова, Қоржовбой, менинг энг қадрли укам-а, уят бўлади! Ҳамма харажат ўзимдан.

Бақоев ҳам қўлини кўксига қўйиб гапни илиб кетди:

— Нима?! Қоржовжон менга бегонами? Харажат мендан!

Шу пайт эшик қўнғироғи устма-уст, шўх-шўх жиринглади.

— *Ана, айтдим-ку, ҳозир етиб келишади, деб*! — Тоштемир ака ирғиб турдию йўлакка отилди. Бақоев ҳам инқ-синқ билан ўрнидан қўзғолди.

Дарҳақиқат, эшик очилар-очилмас бир тўп шўх-шодон меҳмонлар ичкарига ёприлди. Улар орасидаги баъзи бировлар кўзимга ғира-шира танишдек туюлмоқда эди. *Айниқса, ҳувв, ўша куни чорбоғда меҳмон бўлган* тепакал, қабоқлари қалин, «сахройи» шаҳарлик экани яққол кўриниб турган нусхани дарров танидим.

— Об-бо, сизлар йўлдан қочинг! — дея ҳайқирди у, пешвоз чиққан терговчи ва тренерни ёлғондакам пўписа билан икки ёнга суриб. — Бизнинг Олиомиш қани? Юлдузни *бенарвон* урган жиянни бир кўрай...

Интизор «тоға» мени эҳтиром ила тўшига тортди.

— Табриклаймиз, жиян, — деди у тобора тўлқинланиб. — Муваффақиятлар билан табриклаймиз. Беккул Тўракуловичдек одамнинг назарига тушиш осонмас...

«Беккул Тўракуловичга совчи бормаганди, шекилли», лип этиб хаёлимдан ўтди менинг.

Шу орада димоғимга урилган таниш атир-упа хиди табрикловчилар тўпида Фирдавс Шамс ҳам борлигидан дарак берар эди. Афсуски, у қўлтиғидаги ўша ялтироқ портфели касридан мени қучоқлаб ўполмади.

— О-о, қутлуғ бўлсин, қутлуғ, — дея ҳиринглади Фирдавс Шамс хийла вақт қўлимни силкилаб турарканн. — Улуғ оилага қариндошлик муборак. Камина сизни буюк келажак билан қутлайди.

Тағин талай тилакларга кўмилиб йўлакда гангиганча туриб қолдим.

Негадир бозордан қайтган отасининг қўлида ўзи истаган ўйинчоқни кўрмаган боладай ўксиндим. Шундагина уй тўла одамлардан бутун вужудим ташна бўлиб турган бир сўзни илҳақ кутаётганимни пайқадим.

Меҳмонхона ғала-ғовурга кўмилди. Бақоев ва Тоштемир ака бири кўйиб-бири олиб совчилик тафсилотларини кўпиртириб-кўпиртириб гапиришга киришган, йиғилганлар эса ҳайрату ҳаяжон билан уларнинг оғзига тикилишган эди.

Уй тўрини эгаллаган отам меҳмонларнинг олқишу қутловларига мамнун-мамнун илжайган кўйи бош иргаб, гоҳ-гоҳо ўзи ҳам алланималар, дея мақтаниб ўтирарди.

— Аммо-лекин, — дея тилга кирди меҳмонлардан бири. — Беккул Тўракулович жуда мардлар. Ҳувв, катта қизининг сепига яп-янги «Жигули» қўшганига, мана, ўзим гувоҳ.

— Бу куёвларига бутун бисотларини хатлаб бермоқчилар, — дея қийқирди Тоштемир ака.

Бақоев тағин жиддий эътироз билдирди:

— Ўғилларига, денг, ўғилларига.

Шу орада ўша қалин қобоқ «тоғам» Беккул Тўракуловичнинг қайсидир куёвими, қариндошими аллақандай амал курсисини оппа-осон эгаллагани ҳақида андак ҳасад, андак ҳавас билан гапиришга тушди.

«Ва-ай...», «Я, худойим», — деган ҳаяжонли хитоблар ила Фирдавс Шамс уни қўллаб-қувватлар эди.

Мен пойгакда ичимни ит тирнаб омонатгина ўтирардим. Барибир мен кутган воқеа содир бўлмади!

Юрагимга шилимшиқ бир ғашлик оралаб ўрнимдан турдиму йўлак томон юрдим. Меҳмонхонада ғала-ғовур тобора кучаймоқда эди.

Бир пайт кимдир кўйлагимдан тортқилаётгандай бўлди. Дўстгинам Ҳусан экан.

— Бир соатдан бери турткилайман, — деди у астойдил ўпка-гина билан. — Бир караб қўяй, демайсан-а, халитдан...

— Кечирасан... меҳмонларга чалғиб... нима дейсан?

Ҳусан юзларимга ғалати бир мутеълик, хокисорлик билан термилди:

— Коржов, чин дўстмиз-а?

— Ҳа.

— Бурнинг кўтарилиб кетмайди-я, бизни унутмайсан-а энди?

— Йў-ўқ, — дедим тобора энсам қотиб.

— Биласан-ку... ҳеч омадим чопмаяпти, халигача ўқишга илашганим йўқ, — деди Ҳусан эҳтиром билан қўлларимдан тутиб. — Жо-он, жўра, шу сезон ҳам колиб кетмай. Сен бир оғиз айтсанг...

Кадрдон дўстнинг кок оғзига кулочкашлаб туширгим келиб кетди. Хайрият, шу пайт йўлакда узиб-узиб жиринглаб қолган телефон эс-ҳушимни ўзига тортди.

Шашт билан гўшакни кўтардим.

— Алло... эшитаман, ал-ло...

Бир оздан сўнг телефон гўшагидан энтиккан, титроқли бир товуш келди.

— Коржов ака... Овозингиздан дарров танидим. Трубкани ўзингиз олишингизни юрагим сезганди...

«Маржона! Менинг Маржонам!» — бутун онг-шууримда чақноқ чаққандай бўлди.

— Маржона! — дедим юрагим тошиб. — Менга... менга жуда-жуда кераксан. Ҳозироқ кўрмасам бўлмайди сени...

Маржона эркаланиб кулди:

— Келинг... кутаман сизни, умрим бўйи кутаман. «Бахт» боғининг дарвозаси ёнида турибман. Қаердалигини биласиз-а?

— Биламан...

• • •

Мен йўлак бўйлаб ҳансираганча югургилаб борардим. Дов-дарахтлар, парча-парча осмон кўз ўнгимда лоп-лоп чайқалар, онг-шууримда бир хайқирик, бир ўкирик чарх уриб айланар эди.

«Маржона меники бўлди, эрка, мағрур қиз меники! Севганимга етдим-ку, ахир, одамлар?! Нега Қоржовни шундай бахт билан қутламайсиз, биродарлар? Ў-ў, Кенгсой, ў-ў, сирли, қадрдон дашт, ўша учрашув учун сенга ташаккур! Эй, мулла Мирза боважоним, ўша тилак-дуолар учун минг-минг қуллук сизга! Бошқа ҳеч қасдан бундай тилак, бундай қутлов эшитган эмасман ҳали. Бугун суйганим бағримда, мулла боважон, насиб этса, никоҳни ҳам ўзингизга ўқитаман, ўзингизга. Бошқа ҳеч кимга ишонч қолмади, мулла боважон! Мени яна дуо қилиб туринг, менга мадад сўраб туринг. Энди бу ёғи, ё, Оллоҳ...»

Мен шашқатор қуйилаётган кўз ёшларимни артиб-артиб олдим.

СИРЛИ МУАЛЛИМ

Муаллим ҳақида сўзим ушбудир:
Муаллим камолот ичра кўзгудир.

Абдулла Орипов

Нажот Ғайбулла деганлари ҳақидаги миш-миш бизнинг таҳририятга ҳам етиб келди.

— Эртагаёқ сафарга чиқасиз, — деди бош муҳаррир мени ҳузурига чорлаб. — Бориб билинг-чи, нима гап? Қаламга илашгулик ҳоли бўлса шартта бирор нарса қоралаб келинг. У ёқларни сиз яхши биласиз.

Ҳа, ҳа, каминага у тарафлар тузуккина таниш. Ропароса икки йил аввал овлоқ чўл қўйнидаги ўша харобгина 41-посёлкада бўлганман. Бу ҳарбийликда ҳалок бўлган қаҳрамон аскар — Умрзоқов Ўроқ туғилиб-ўсган маскан-да; маҳаллий мактаб шу жасур ўғлон номи билан аталади. Ҳатто, қаҳрамонга ёдгорлик-бюст ўрнатишган экан.

Хуллас, қадрдон дўстим, шоир ва ёзувчи, журналист (ва ҳоказо). Шунқор Ҳобилнинг қутқусига учиб Умрзоқов Ўроқ ҳақида очерк битиш илинжида ўша овлоқ посёлкага бориб келганман.

Ўшанда баҳорнинг илиқ кунлари эди. Ўнгу сўлда экин-тикинга ҳозирланган жигартус пайкаллар ястаниб ётибди. Ўйдим-чуқур йўл бўйлаб тизилиб кетган довдарахтлар қийғос япроқлай бошлаган. Осмон ҳозиргина бўшатилган шишадай топ-тоза, кўм-кўк.

Посёлканинг сертупроқ, қинғир-қийшиқ кўчаларида одам сийрак. У ер-бу ерда ўзини чувоқда топлаб ўтирган қари-қартанглар, қий-чув билан ўйнашаётган болакайлар кўзга ташланади. Ҳойнаҳой, ҳамма кўклам ташвишлари билан андармон, дала-даштга сочилиб кетган.

Ҳамроҳим, туман ҳокимиятининг масъул ходими машинасини ярми панжара, ярми бетон девор билан ўралган мактаб ҳовлисига тақаб тўхтатди.

— Етиб келдик, — деди у енгил тин олиб. — Ана, мактаб директорининг ўзлари, Қалқонов муаллим.

Рост, мактаб ҳовлисида ёши олтмишларни қоралаган киши паришон турар эди. У машинани кўрди-ю дарҳол ҳушёр тортиб биз томон илдам юрди. Ялпоқ юзлари хавотиру ҳадикдан баттар ялпайган, митти, қийиқ кўзлари пир-пир учади, қуюқ оқ оралаган сочлари тўзғин, эгнидаги кулранг костюми, дудама ханжардай галстуги шалвирабгина турибди.

— Ассалому алайкум, оғажонлар. — Қалқонов муаллим биз билан бирма-бир қўшқўллаб кўришди. — Чарчамайгина етиб келдиларингизми?

— Домилла, танишинг, — дея масъул ходим мен томон ишора қилди. — ...пойтахтдан келган журналист. Шунқор Ҳобилнинг ошнаси. Ўрок бечора ҳақида асар ёзмоқчи.

— Яхши, яхши, — дея бош ирғади Қалқонов муаллим. — Қани, ичкарига кирамиз.

Мактаб ҳовлиси кенг ва озода эди. Ҳайҳотдек майдонда кўр тўкиб турган ўқув биноси анчайин таъмирталаб бўлса-да, файзли ва шинамгина кўринади. Иморат пештоқида иссиғу совуқдан ранги униққан байроқ мағрур ҳилпираб турибди. Ҳовлидаги дарахт шох-бутоқларида чумчуқлар чуғурлашади.

— Дарслар қизғинми дейман-а, — деди масъул ходим у ён-бу ён аланглаб. — Ҳаммаёқ жим-жит. Зоғ учмайди.

Қалқонов муаллим бош ирғади:

— Ҳа, ҳозиргина учинчи дарс бошланди, — сўнг мен томон юзланиб эҳтиром билан мавзуга кўчди. — Умрзоков Ўрок ўзимиздан, буғалтер бованинг ўғли. Аскарликда Ватан учун ҳалок бўлган. Сўнг... биз идорама-идора елиб-югуриб номини мактабимизга қўйдик.

— Домилла, — деди масъул ходим вазиятга жиддий ва расмий тус беришга уриниб. — Анъанамизни тарк этмаймиз. Ишни қаҳрамоннинг ёдгорлигини зиёрат қилишдан бошлайлик, ҳайкал ёнида беш-олти минут сукут сақлайлик.

Мактаб директори туйқус таққа тўхтади. Ранг-қути ўчганча бир менга бир ҳамроҳимга жонсарак тикилди.

— Ҳа, тинчликми? — деб сўради масъул ходим таажжубланиб.

— Йў-ў, ўзим...

Қалқонов муаллим ғудранганича ўкув биноси рўпарасидаги майдонча томон бошлади.

Дарҳақиқат, улкан кайрағоч ёнига қизғиш ғиштдан баландгина устун қурилган экан. Бироқ... пойтахтда Шункор Хобил, йўл-йўлакай масъул ходим фахр билан тилга олган ёдгорлик — бюстдан ном-нишон йўқ.

— Ҳайкалча қани? — сўрадим хайрону лол.

Хижолатдан ияк қашлаб турган Қалқонов муаллим дудуқланди.

— Бор эди... ўрнатганмиз... Бир хафтача илгари ўғирлаб кетишибди.

— Ўғирлаб?! — беихтиёр чинқириб юборди масъул ходим. — Ким?! Кимга керак экан шу... бюст-калла?

— Билмадим... мисми, алюминми, ишқилиб, шундай қимматбаҳо нарсадан ясалган экан ўша бюст. Ўғрилар қўпориб кетишибди.

Масъул ходим баттар тутоқди:

— Дарров органга хабар бермадиларингми? А?!

— Бердик, участковойга айтгандик...

— Хўш-ш...

— Кулди. Қўйинглар-е, уят бўлади, деди. Бир ясама калла учун тўрт-беш тирик каллани кундага қўйишни истамас эмиш.

— Участкани назорат қилиш ўрнига каллаларнинг ғамини еб юрган қанақа мелиса ўзи?

— Ҳалим Норбўта ўғли.

— Ия, ўшами?! Отаси зўр мелиса эди-ку, суяк сурмабди-да, ярамас.

Қалқонов муаллим туйкус участка назоратчисини сотиб қўйганидан баттар каловланган эди. Масъул ходим эса асабий тарзда бош чайқаб, қўл силтаб тағин хийла вақт жаврагач, мен томон хижолатли юзланди.

— Узр. Кутилмаган муаммо...

— Ҳечқиси йўқ, — дедим уларни юпатган бўлиб. — Бўп туради. Янги бюст заказ қиласизлар.

Хуллас, аллақандай қароқчиларнинг фитнасига учмай ўша сафардан ватанпарварлик, фидойилик тараннум этилган туппа-тузук очерк ёзиб қайтдим. Бош муҳаррирimiz хўб мақтади.

Мана, нон-насиба чорлаб яна ўша ёқларга чоғланиб турибман.

— Чўлма-чўл санғиб юрманг, — дея бот-бот тайинлади бош муҳаррирimiz. — Хойнахой, Нажот Ғайбулла

деганларига жиноят иши очилган. Тўппа-тўғри бориб авваl терговчига учрашинг, кейин вазиятга қарайсиз...

• • •

Идорама-идора кириб-чиқиб, сўраб-суриштириб, охири керакли терговчига дуч бўлдим.

— Ха, — деди у олдимга устига «Дело» деб ёзилган папкани суриб. — Ўша нусханинг иши менда. Икки-уч марта посёлкага бориб келдим. Мактаб жамоаси билан учрашдим. Баъзи бирлари тушунтириш хати ёзиб берган, мархамат, истасангиз танишиб чиқинг.

— Рахмат.

Терговчи шоша-пиша қўл соатига кўз ташлаб олди.

— Зарил ишим бор эди-да, бир ерга бориб келсам майлими? Дарров қайтаман.

— Хўп, бемалол.

— Сиз ишни бемалол ўқиб чиқаверинг, — деди терговчи эшик томон юраркан. — Сиздан яширадиган сиримиз йўқ.

Мен қалингина папкани очиб шошилмай ўқишга тушдим.

• • •

(Мактаб директори К. Қалқоновнинг тушунтириш хати)

Суягим мактабда қотди. Йигирма ёшимдан бери муаллимлик қиламан. Болаларнинг қий-чувини эшитиб турмасам бошим оғрийдиган бўлиб қолган. Бир пайтлар жомадон кўтариб ўқишга отланган чоғим учувчиликни орзу қилганман. (Орзу-истаклар қанотида хўб учиб-қўниб юрган пайтларимиз экан-да!) Йўқ, тақдир тақозосига кўра рус тили мутахассиси бўлдик. Ишладик. Мана, ишлаяпмиз. Ўқитувчиликнинг этагидан тутганимиз учун ҳеч ким бизни ёмонотлиғ қилган эмас. Давраларнинг тўрини беришмаса-да, ҳар нечук пойгакка тушириб ташлашмайди. Ҳозирги ёшларга қараб ҳайрон бўламан, муаллимликдан ор қилишадими-ей... Айниқса, ўғил болалар.

Қай бир кун олтинчи синфда ўқийдиган уч-тўрт боланинг гурунги тасодифан қулоғимга чалиниб қолди.

«Келажакда прокурор бўламан, — дерди улардан бири виқор билан, — ҳамма мендан қўркади, ҳурмат қилади. Бойликка кўмилиб яшайман».

«Прокурор кўп ойлик оладими?» — деб сўради танин бир соддароғи.

Дўсти аввал мириқиб кулди, сўнг ишонч билан деди:

«Йўқ, ғап ойликдамас. Жиноятчилар камалиб кетмаслиги учун чўнтагингга жарақлатиб солиб қўяди».

«Мен мафия бўламан!» — дея тантанали хайқирди болалардан бири.

Ҳалиги соддароғи яна сўради:

«Мафия?! Нима у?»

Тантанали овоз эгаси, ҳойнаҳой мафия нималигини тузукроқ англамаса керак, бир оз тараддудланиб аранг тилга кирди:

«Мафияни киноларда кўрмаганмисан? Улардан керак бўлса прокурорлар ҳам қўрқишади».

«Мен қўрқмайман!» — қонун ҳимоячиси бўлиш орзусидаги ўқувчи дик этиб ўрнидан турди. — Мен ҳамма мафияни зириллатаман!»

«Мафия» у томон хезланди.

«Ўчир овозингни қўлингдан ҳеч нарса келмайди».

Улар бир-бирининг ёқаларига чанг солишди. Шу орада томоқ қириб панадан чиқдим. Болакайлар олишувни бас қилиб, жой-жойига ўтиришди. Ўзларича узун-қисқа салом беришган ҳам бўлишди.

Мен уларни бир зум кузатиб турдим. Ич-ичимдан алланечук изтироб, ғусса қўзғалди.

Болалар ҳануз ҳансирашган кўйи бир-бирига ўқрайишар эди. Мафия орзусидаги бола — участка назоратчисининг ўғли Зокир. Ўқишлари аъло, хулқи ҳам биноийгина. Шахсан мен унинг келажагига катта умид боғлаганман. Шу сабаб болалар тўпидан уни имлаб чақирдим. Довдирабгина ёнимга келди.

«Зокирбой, — дедим қўлидан тутиб, — нима у мафия-пафия? Унақа бемаъни гапларни қўйинг, болам. Сиз аълочи ўқувчисиз-ку, келажакда олимми, билимдон ўқитувчими бўласиз, деган умиддамиз».

Орқада шумшайиб-шумшайиб турган болалар пиқ-пиқ кула бошлашди.

Зокир қўлимдан юлқиниб чиқди.

«Барибир мафия бўламан!»

Шу воқеадан сўнг бирор ҳафта ўтар-ўтмас Зокирнинг онаси Моҳигул, хув, Сафармурод чавандозниng қизи мактабга бостириб келди:

«Ўв, ўртоқ Қалқонин, нега менинг боламга муаллим бўласан дединги? Ўғлим бечора неча кундан бери қақшаб йиғлаб юрибди».

Мен ҳангу манг қотиб қолган эдим. Тилим аранг калимага айланди.

«Нега йиғлайди?! Нима, ёмон тилак билдирибманми?»

«Жўралари устидан кулиб юришибди экан. Нега ундай дединги? Болам кимдан кам, нега у муаллим бўлар экан?!»

Мен жўяли бир жавоб топгунимча Моҳигул қарғанақарғана хонамдан чиқиб кетди.

Юрак-бағрим зирқираганча хийла вақт ўтириб қолдим. Хаёлларим алғов-далғов бўлиб кетди.

Ё, худо, ўқитувчи бўласан дейиш ҳақоратми?! Нега шундай табаррук касбдан ор қилишади? Муаллим қачон уларнинг арпасини хом ўрди, қачон бировнинг оштобоғига қўл чўзди? Ё, ўқитувчи отнинг калласидай маош олиб, булар куруқ қолишдими? Ўқитувчи данғиллама уйлар қуриб, гижинглаган машинада юрибдими? Ахир, ҳамма-ҳаммаси эл қатори-ку, йўғини яшириб, борини ошириб кун кўряпти-ку?! Ё, худо, ё, Ғуломхон пирим, бу қандай нафрат, бу қандай кўргилик?

Ўша куни кечгача идорада бикиниб, шундай оғир ўйларга ем бўлиб ўтирдим. Умуман, мен мактабдан кеч қайтаман. Иложи бўлса, шу ерда ётиб қолсам, хувуллаган уйимга бормасам, дейман. Сўққабошнинг ҳаёти шу экан-да. Қизларим уй-жойли бўлиб кетишган. Кичик қизим қўшни. Шу бечора рўзғоримга қараб туради. Ну... барибир раҳматли хотинимнинг ўрнини ҳеч ким, ҳеч нарса босолмас экан.

Йўқ, мен нолимайман, мен йиғламайман. Аллақандай синтиментал кайфият бизга ёт. Мингта моҳигуллар айюханнос солиб, шанғиллаб келишса-да, касбимга бўлган меҳримни сўндиролмайди. Ҳа, мен ўқитувчиман, муаллимман, бу касбим билан фахрланаман! Қолаверса, неча бир моҳигуллар ҳақорат деб биладиган, неча бир тўралар менсимай қарайдиган хизматда бўлишнинг ўзи жасорат-ку?!

Лекин кувончли кунларимиз ҳам кўп. Ўқитувчи ўз меҳнатининг мевасини кўрганда ўн ёшга яшаради, балқийди. «Меҳнатнинг меваси» деганда, ҳойнаҳой, уч-тўрт ойда аранг қўлга етиб келадиган маошни ўйласангиз,

адашасиз. Муаллим мехнатининг меваси бу — тиришқоқ, омадли ўқувчилар! Ўз ўқувчисининг камолини, обрў-эътиборини кўрган қайси муаллим лоқайд кўл силтаб қўя қолади? Ҳеч қандай. Мен шундай азамат кадрлар бизнинг мактабдан ҳам етишиб чиққанини мамнуният билан қайд этишим мумкин. Масалан, Қоржов полвон. Ҳозир у Қоржов Чоршанбиевич бўлиб кетган. Пойтахтда яшайди. Баъзи бировлар полвон шаҳарлик хотинининг орқасидан кўтарилиб кетди, деган сассиқ гап тарқатиб юришибди. Лекин бу ғирт ёлғон. Қоржовжон ўзи омадли йигит, Хизр кўрганлардан. Яна бир фахрли шогирдимиз — Дўланов Самад. У ҳам зўр бир илмий-текшириш институтида ишлайди ҳозир. Қолаверса, Ватан учун халок бўлган Умрзоқов Ўроқ ҳам бизнинг мактабда таълим олган. У ҳақда Улаш агроном-шоир достон битишга чоғланиб, баъзи бир сабабларга кўра режалари барбод бўлган эди. Улашбойни танисангиз керак-а? Кўзингиз тушгандир: хумкалла, тиканак соч, япаски бурун, қоп-кора киши. Ҳув, аробий бирodарларни эслатиб юборади. У киши совхозимизнинг кичик агрономи, лекин катта шоири. Мен ҳазиллашиб «чўллик Пушкин» деб атайман. Ҳозирги кунда бу ижодкор Қоржов Чоршанбиевич ҳаётидан бир эпик асар ёзиш тараддудида. Хуллас, ҳаёт-фаолияти минг бир достон бўладиган шогирдларимиз талайгина. Яна бир такрорлайман, улар билан фахрланамиз, кўринганга мақтанамиз.

Ҳурматли терговчи, энди сизни қизиқтирган масалага ўтсак. Бу ёғи бир тушга ўхшайди.

Роппа-роса тўрт ойча аввал эди. Уч ойлик пахта ҳашаридан қайтиб эндигина ўқишни бошлаган кунлар. Дарсга қўнғироқ чалиниб, мактабнинг ичу ташида шовқин-сурон андак босилган бир пайт.

Мен хонамнинг эшигини ланг очиб, ўз ёзув столимда ишлаб ўтирибман. Пастки синфлар учун грамматикадан кўргазма тайёрлаётган эдим. Синфхоналарда дарс ўтаётган муаллимларнинг паст-баланд товушлари эшитилиб турибди. Қай бир синфда мусиқа сабоғи бўлса керак, рубобнинг тинғиллаган саси кулоққа чалинади. Мен кўргазма билан банд бўлсам-да, мактабнинг йўлагини ҳушёр кузатиб турибман. Эшикни ҳам шунинг учун атай ланг очиб қўйган эдим. Тўғриси, дарс пайти бехуда санғиб юрган ўқувчи-ю ўқитувчини жинним суймайди. Шунақаларга кўзим тушса, дарров тўхтатиб сўраб-суриштир-

раман, жўяли баҳонаси бўлмаса озгина койиб, озгина эркалаб дарсга киргизиб юбораман.

Бир пайт бўсағамга бир шарпа кўндаланг бўлди. Шартта бош кўтариб қарадим. Қарадиму беихтиёр ўрнимдан туриб кетдим.

«Тафтишчи-ёв?! — лип этиб ўтди хаёлимдан. Бундай ўй калламга беҳуда урилмади. Ахир, бўсағада баланд бўйли, келишган, яп-янги, қимматбаҳо костюм-шим, оппоқ кўйлак кийган йигит турар эди. Юз-кўзларидан алланечук нур ёғилади.

— Ассалому алайкум, домла, — деди у кироат билан. — Киришга мумкинми?

— Келинг, келинг...

Кўзларимни нотаниш йигитдан узолмай қолдим. Ҳалиги... Ҳолливудми-ей, Голливудми-ей, деган жойларнинг киноартистларига ўхшайди. Кўзлари чақнаб турибди, лабларида нимтабассум. Ёши нари борса ўттизларда. Мени хаёл қурғур хар ёқларга олиб қочади.

Ишқилиб, тинчлик бўлсин-да! Ким экан бу? Чет элликми дейман? Бизнинг овлоқ посёлкамизда нима қилиб юрибди? Ё ижарага жой излаб юрган тадбиркормикан? Бирор кичик корхона очмоқчидир? Ана, туман марказидаги қайсидир мактаб шундай ишбилармонларга ўқув корпусининг бир бўлагини ижарага топшириб мазза қилиб юришибди-ку! Раҳбарият ҳам ўшаларни мактайди. Худо бизга ҳам «ол, кулим» деб юбордимикан?!

Йигит мен ишора қилган стулга ўтириб, қўлини кўксига қўйди.

— Узр, домла, безовта қилдим. Сиз директор бўлсангиз кераг-а?

Мен ҳаяжон билан бош ирғаб, ўзимни таништирдим.

— Мен Нажот Файбулламан, — дея ғап бошлади йигит. — Туман марказидан келдим.

— Хуш келибсиз, хуш кўрдик.

— Мен... — Нажот Файбулла бир оз каловланиб ерга қарайди. — Мен иш излаб келдим. Ўқитувчиман.

«Фу-у...» — шу лаҳзадаёқ ҳафсалам пир бўлди-қолди; эс-хушим дарров жойига қайтиб, ҳадик-хаяжонлар тарқади-кетди.

— Мутахассислик қанақа, ука? — сўрадим раҳбарларга хос совуққонлик билан.

— Жуғрофия.

— Маълумот олийми?

— Олий.

— Илгари қаерда ишлагансиз?

— Икки йил пойтахтда ишладим. Сўнг оилавий шароитга кўра ўзимизнинг туманга қайтиб келдим. Бир йилдан ошди, бекорчиман.

— Нима, марказда иш тополмадингизми?

— Сўраб-суриштирдим, — Нажот Ғайбулла бир зум саросималаниб қолди. — Икки-уч мактабга кириб чиқдим. Жуғрофия ўқитувчиси керак эмас экан. Маориф бўлимидагилар шу ёққа юборишди.

Биламан, маорифдагилар йигитни бехуда бу ёққа юборишмаган. Улар бизнинг бош оғриқдан анча-мунча хабардор. Кўпдан бери жуғрофия муаллимига ялчимай юрганимизни жуда яхши билишади. Илгари бу фандан Райҳон муаллима сабоқ берарди. Ўрта-махсус маълумотли бу қизимизнинг сулувлиги-ю хулқ-атвори ҳам ўртагина. Совчиларни ўпоқ-сўпоқ, дея-дея охири қари қиз бўлиб ўтириб қолган. Ана шу муаллимамизни малака оширишга юбордигу ундан айрилдик-қолдик. Вилоят марказидан қайтмади. Биров билан суюшиб қолиб кетди. Ота-онаси ими-жимида тўй қилиб берди. Шу-шу жуғрофия ўқитувчисига зор-интизор эдик. Мана, ниҳоят кўнглимиздаги кадр ўз оёғи билан келди. Ишқилиб, Райҳоннинг ҳам, бизнинг ҳам бахтимиз очилгани чин бўлсин-да, билимдон йигитга ўхшайди.

Шундай ўйлар билан Нажот Ғайбуллага синчков кўз ташладим.

— Уйланганмисиз?

— Ҳа, — қимтиниб-гина жавоб берди йигит. — Якинда фарзандли бўлдик.

Жавобдан кейин енгил тортдим. Бироқ ич-ичимдан ғалати бир ишончсизлик ғимирлаб турар эди. Бу ишончсизлик Нажот Ғайбулланинг пўрим уст-бошига, келишган қадди-бастига, ирода ва виқор ёғилиб турган юз-кўзига тикилиб-тикилиб қараганим сайин кучаяр эди. Охири, чидаёлмай яна сўрадим.

— Чини билан муаллиммисиз, ука?

Нажот Ғайбулла костюмининг ён чўнтагидан ҳужжатларини чиқариб ёзув столим устига қўйди: паспорт, диплом, меҳнат дафтарчаси.

Ҳужжатларни бир-бир қўлга олиб, синчиклаб-синчиклаб кўздан кечирдим. Ҳаммаси рисоладагидек. Фақат фамилияси бир оз ғалати туюлди: Ғайбулла. Ғай-

буллаев бўлиши керак эди шекилли? Ё, бу ҳам ёзувчишоирларга ўхшаб «ов», «ев» қўшимчалардан воз кечдимикан.

— Биз мустақил миллатмиз, — деб қолди йигит дабдурустдан. Ҳойнаҳой, таажжубланганимни пайқаб. — Миллий мустақиллик энг аввал исм-шарифимизда бўлиши керак.

— Тўғри, — бош ирғадим мен ҳам.

Хуллас, Нажот Ғайбуллани ишга олмаслигим учун ҳеч бир асос қолмаган эди.

— Марказдан қатнаб ишламоқчимисиз?

— Ҳозирча. Кейинроқ кўрамиз, шу атрофдан бирор бир бошпана топилиб қолар.

— Агар ниятингиз холис бўлса, — дедим мен унинг ҳужжатларини қўлига тутқазиб. — Ишга оламиз. Лекин майнавозчилик билан бошни қотираётган бўлсангиз...

— Эс-хушим жойида, домилла, — деди Нажот Ғайбулла алланечук ҳаяжондан энтикиб. — Ишонинг менга.

— Ўқитувчиликка қаттиқ қизиқасизми дейман?

Нажот Ғайбулла ирғиб ўрнидан туриб кетди.

— Муаллимлик жону дилим. Болалар орасида бўлишни жуда-жуда ёқтираман. Ишонинг, домла. Мана шу орзу мени бу ёққа бошлаб келди. Болаларсиз ҳаётимни тасаввур ҳам қилолмайман. Болалар менинг тақдирим. Улар билан юз соатлаб шуғуллансам ҳам чарчамайман. Ишонинг, домла.

Йигит ҳаяжон билан гапираркан, назаримда, унинг хушбичим юз-кўзидан чиндан-да нур ёғилаётгандек эди. Баландпарвоз гап-сўзлар ҳам унга алланечук ярашиб турарди.

Шундай қилиб, Нажот Ғайбуллани ишга олдик. Жуғрофия ўқитувчиси. Навбатдан ташқари педкенгаш чақириб, янги муаллимни мактаб жамоасига таништирдим. Нажот Ғайбуллани кўрган ўқитувчилар мендан баттар ҳайратланишди. Кўркам йигит эса қувончдан ял-ял товланиб, гоҳ бош ирғаб, гоҳ қўл бериб ҳамма билан саломлашиб, сўрашиб чиқди.

Ҳа, зўр кадрли бўлдик деган хаёлда эдим. Нажот Ғайбулла бир ҳафта ичидаёқ ўқувчиларнинг кўнглига кирди. Ўқитувчилар жамоаси унга ҳавасманд қарашарди. Янги муаллимни кўринганга мақтаб юрардик. Оқибати бундай бўлишини қайдан билибман?! Атиги бир кунда ҳамма ишнинг пачаваси чиқди. Устига-устак, худди атай-

лагандай, ҳужжатлари яна ўз қўлига тушиб колгани-чи? Бунда анави тарихчи муаллимимизнинг ҳам айби бор. Анқов, ҳовлиқма. Мана, энди... қўлимизда Нажот Файбулланинг ҳеч бир ҳужжати йўқ. Афт-башарасини хохлаганингизча таърифлаб беришим мумкин холос. Тавба, ҳаммаси тушдагидай.

Ҳурматли терговчи, билиб турибсиз, бу ерда менинг ҳеч қандай айбим йўқ. Холисман. Ҳамма-ҳаммасини мактаб учун, ўқувчилар учун қилдим.

• • •

(Улаш агроном-шоирнинг тушунтириш хати)

Узр, «Портвейн» виносидан қоғозга икки томчигина томиб кетди. Мени танисангиз керак-а? Шу совхознинг атоқли шоириман. Ёзганларимнинг хатоси бўлса, кечиринг, резинка билан ўчиринг. А, қалай?

Ҳурматли терговчи, бир неча кундан бери мактабимизга қатнаб юрганингиздан хабарим бор. Ташрифингизнинг сабаблари ҳам каминага маълум. Шу нуқтаи назардан олиб қарасам, ҳақиқат қарор топишига ҳисса қўшишни ўз шарафли бурчим деб биламан. Хойнаҳой, каминанинг камтарин қораламаси бир гуруҳ муттаҳам муаллимларнинг тушунтириш хатлари орасига қандай тушиб қолганига қизиқаётган бўлсангиз керак. Э, сира сўраманг, бу ҳам бир ташвиш, юз грамм оқига чиқимдор бўлдик. Эрталаб мактабга келдиму Қалқонов муаллимга жиндек-жиндек қуйиб бериб, гапга овунтириб, ёзув столи устига тахлаб қўйилган тушунтириш хатлари орасига ўзимникини тиқиштириб қўйдим. Эс-дарди ичкиликда бўлган директор сезмай қолди. Ишончим комилки, битикларим сизнинг муборак қўлингизга етиб боради.

Ҳурматли терговчи, сизга қуйидагиларни баён қилмоқчиман. Аввало, манави муттаҳам Қалқонов муаллимнинг дийдиёларига ишонманг. Ғирт ичкиликбоз. Нечанеча йиллардан бери директорлик лавозимидан тушмай, мактабни еб ётибди. Бунга керагидан ортиқ далилларим бор. Ўзимни улфат кўрсатиб кўп сирларини билиб олганман. Қалқонов муаллим — хотинбоз. Тўғрироғи, анча илгари шундай эди. Унинг ишқий саргузаштларга ишқибозлигини исботлаш учун бундан беш-олти йил аввал бўлиб ўтган бир воқеани айтиб берай. Зеро, ҳақиқат

эскирмайди. (Ҳурматли терговчи, каминанинг қаламига мансуб ушбу ҳикматни ён дафтарчангизга кўчириб олишингизга қарши эмасман.)

Хуллас, воқеа бундай бўлганди ўшанда.

Домла икковимиз баъзи бир ташвишлар билан туман марказига отландик. Ўша кунлар марказдан қатнайдиган автобус дом-даракси эди. Кутиш бефойда. Домла, давай, катта трассагача пиёда борамиз, у ердан бирор бир кўликка илашиб кетамиз, деб қолди. Жўнадик секин-секин, гурунглаши-иб. Катта йўлга етай-етай деганимизда олдимиздан бир аёл чиқиб қолса бўладими?! Ана аёлу мана аёл! Унинг таърифини фақат шоирларгина келтира олади: сап-сариқ сочлари шалоладай қуйилган, кўм-кўк кўзлар, қалам қошлар ҳорғин-ҳорғин уюлган. Кўйлаги кўйлакмас, бир парча латта, кесиб ташланган тиззадан шартта, оппоқ билак, оппоқ болдирлар, юракларга қутқу солдилар...

Хуллас, аёл «привет» деди бизга жилмайиб. Қўлида катта бир сумка. Сўнг яна русчалаб бу ердан геологлар қўналғасига қандай бориш мумкин, деб сўради. Тушуниб турибман. Лекин тил қурғур ҳеч айланмайди-да, армия хизматида ҳам бир баталён ўзбек эдик, рус тили кўп керак бўлмаган-да. Ана, энди хўп зарил-да! Қани энди булбулигўё бўлиб кетсанг! Шу пайт ёнгинамда рус тили ўқитувчиси қаққайиб тургани лоп этиб эсимга тушиб қолди. Ўрток Қалқоновнинг биқинига секин туртдим, «домилла, икки оғиз бир нима деворинг», деб шипшидим. «Нима, сенга бу ер синфхонами», деб тўнғиллаб берди домла, қарангки, унинг ҳам ранги оқариб кетган. Лекин без бўлиб жим туриш ҳам мумкин эмас. Анови сулув жилмайибгина жавоб кутяпти. Охири Қалқонов ҳам тиржайиб «привет» деди. Сўнг қўлларини гоҳ геологлар томон, гоҳ посёлка ёққа пахса қилиб, силкита-силкита, оғзидан тупук сачратиб, тегирмондай гулдираб ўзича русчалаб алламбалолар дея кетди. Ҳалиги жувон эса андак чўчиб, андак ажабланиб домланинг оғзига анграйиб турар эди. Бир пайт домла гапини тугатар-тугатмас, «теперь, по русски обесни, пожалуйста», деб қолса бўладими?! Қалқонов оғзини каппа-каппа очиб қолди. Бечора нажот излаб менга тикилди. Уялмасин деб гапни тўғриладим, «домла қўяверинг, ўзи гўзал бўлсаям, қулоғи кар экан», дедим. Ҳалиги аёл гапимни эшитиб турган экан, қах-қах уриб кулиб юборса бўладими?! «Ве-сй,

биласизми ўзбекча, гапиринг ўзбекча», деб қолди-я бир маҳал! Қурғур, тилимизда булбулдай сайрар экан. Сўнг ҳаммаси маълум бўлди.

Маълумки, трасса ёқасидан қараганда геологлар посёлкамиз тубида жойлашгандай кўринади. Домлани анчамунча қийнаб қўйган анави аёл ҳам автобус деразасидан қараб кела-кела, посёлкамиз биқинидаги узун-узун темир қурилмаларни кўриб, етиб келдим, деб ўйлаб, посёлка муюлишида автобусдан тушиб қолибди. Автобусда бирортасидан сўрамабди ҳам. Қараса, посёлка ҳам, геологлар қўналғаси ҳам жуда-жуда олис, адашдим, деб қўрқибди. Шу пайт посёлка йўлида биз кўриниб қолганмиз. Тўғриси, қурғур, шўх-шаддодгина экан! Айтганлари чинми, ё шунчаки ҳазилми, билмадим. Хуллас, шошапиша бизга пешвоз юрган. Қараса, икки йўловчи ҳам туппа-тузук кийинган, хатто, бирининг қўлтиғида қалин чарм папка ҳам бор. «Сизларни геолог қидирувда ишловчи чет элликлардан, деб севиниб кетдим», деди аёл. Қурғур, домлани корейсга ўхшатибди, каминани эса... ҳа, майли бунинг аҳамияти йўқ. Хуллас, ўшанда Қалқонов муаллим ҳалиги аёлни етаклаб, ўз ишини ҳам унутиб, геологлар ёққа йўл олди. Шу-шу ўша тараф кунора қатнайдиган одат чиқарди. Бу ҳақда посёлкамизда хийла шов-шув бўлди. Ҳатто, уларнинг Кенгсой даштида ачомлашиб юришганини кўрганлар бор.

Мана, сизга исбот. Мана, хотинбоз мактаб директорининг ҳақиқий башараси. У ҳозир ҳам қариб қуйилмаганлардан. Сезаман-да...

Мен сизга айтсам, ҳурматли терговчи, ушбу мактаб жамоасининг ҳаммаси ҳам бир гўр. Барчаси маънавий бузуқ, порахўр. Масалан, мактаб илмий мудири Норхол Хушбоқовани олайлик. Анави юзида «индийский» холи бор, дўмбоққина аёл-да, танийсиз-а? Эри икки йил аввал Россияга кетиб қолган. «Тирикчилик курсин, хўжайиним пул топиш дардида сарсонгарчиликни бўйнига олди», деган гап қилиб юрибди Норхолой. Аслида-чи, эри ундан безиб кетган. Энди қайтмайди, айтишларича ўша ёқда бир гўзалга уйланиб олган эмиш. Ҳаммасига шу илмий мудирнинг ўзи сабабчи. Ҳар хил мажлисларни баҳона қилиб марказга кунора қатнайди, уйига кеч қайтади. Ёш бошига беҳуда илмий мудира бўлиб қолмаган бу, биламан-да.

Масалан, директор ўринбосари Боймурод серрига на-

зар ташлайлик. Худо сал кам икки метрлик бўй берган, ҳунар-пунар деган нарсалардан ҳам қисмаган, лекин айнан муаллимлик укувини бермаган-да. Лекин бу кишим ўқитувчилар. Алгебра, физика каби энг жиддий фанларни эгаллаб олган. Давлатнинг ойлигини куртдек санаб олиб ётибди.

Умуман, ҳурматли терговчи, мактабда носоғлом мухит бор. Қалқонов, Норхол, Боймуродлар ўзаро жиноий гурух. Ўқитувчи кадрлар етишмайди, деган баҳона остида дарс соатларини бўлиб олишган. Ҳали она сути оғзидан кетмаган, қай гўрдаги коллеж-моллежни амал-тақал билан битириб келган қизларни ҳам ишга қабул қилган. Ҳаммаси шу уччовининг қариндоши, ҳаммаси кўрсавод.

Домла Хуррамович ҳақида ҳеч нарса деёлмайман. У анака... махсус идораларнинг хуфёна хизматида. Қўрқаман. Уни танийсиз-а: ёши элликдан ҳатлаб ўтган, сочлари меникидек сийрак, қировтус. Вазиятга қараб гоҳо шляпа, гоҳо дўппи кияди ва лек ҳеч қачон ялангбош юрмайди. Ҳойнаҳой, бор-йўғ эс-ақли бош кийимида, эсам гарангсиб қолади. Кўзлари тарғил. Ранги унниққан ёқаларидан қоп-қора галстуги ҳеч ечилмайди. Ўлсаям бир кун шу бўйинбоққа осилиб ўлишни ният қилган, шекилли. Бироқ домла ҳозирча дадил, ҳаётга ҳушёр қарайди. Саломат бўлсинлар.

Анчагина алжираб юбордим-ов, ўрток терговчи. Лекин мени маст деб ўйламанг. Илҳом учун аҳён-аҳён, киттак-киттак олишимни ҳисобламасак, мутлақо ичмайман. Шу сабаб ёзганларимга диққат қилишингизни илтимос қиламан.

Хўш-ш, устига-устак мактабда дарсликлар етишмайди. Умуман, йўқ десам ҳам хато қилмайман. Бу кўргиликларнинг бошида совхозимиз директори Чинор Тоштемирович туришини сизга рўй-рост айтмоқчиман. (Узр, тағин уч-тўрт томчи вино қоғозга томиб кетди, минг бор узр) Чинор Тоштемирович — мутлоқ ҳоким, лекин қўрқоқ, каззоб одам. Қўрқоқ одам ёвуз бўлади! ((Камнанинг қаламига мансуб ушбу ҳикматни ҳам кўчириб олишингизга розиман.) Чинор Тоштемирович шунчаки золим, жоҳил. Ўз ҳукмидаги элдан қўрқади, кирдикорлари бир кун очилиб қолишидан чўчийди. Шу сабаб ҳеч кимни кўз очиргани қўймайди. Гапга етарман, каллали одамларни бадном қилади, қаматади, керак бўлса, ўлдириб юборишдан ҳам тоймайди. Чунончи, Умрзоқов

Ўроқ аскарлик пайти одам ёллаб уни саранжомлатган. Чунки Ўроқбой катта институт талабаси, ок-корани ажрата бошлаган зукко йигит эди. Афсус, орамиздан эрта кетди. (Ўртоқ терговчи, қаҳрамон ўғлонимизнинг пок хотираси учун жиндек ҳўплаб юборсам... Мана, сизнинг номингиздан ҳам яна қиттак.)

Хўш-ш, мана шу баттол раҳбар дарслик китоблар келтиришга ими-жимида қаршилик қилади. Болаларнинг ўқимишли, зукко бўлиб кетишини истамайди. Бир кун келиб ёшлар совхоз раҳбарлигига даъвогар бўлмасин, дейди-да. Шунинг учун мактабни қаттиқ назоратда сақлайди. Юқорининг буйруғи деган баҳона остида болаларни пахта теришга ҳайдаб чиқади. Болалар икки-уч ойлаб далаларда қолиб кетади, мактаб бетини кўрмайди. Муаллимларни атай овора қилиб қўяди. Ғинг деганнинг бошига маломат ёғаверади. Қалқонов муаллимга ўхшаганлар эса «оч қорним — тинч қулорим» қабилида иш юритади. Шунинг касридан ўқув ишлари ўрта сарсон. Ана шундай пайт Нажот Ғайбуллага ўхшаганларнинг куни туғади. Жамоа орасига суқилиб кириб билган номаъқулчилигини қилади. Ўртоқ терговчи, Қалқонов ва унинг ҳамтовоқлари албатта сизга ўзларини оппоқ кўрсатиб ёзиб беришлари тайин. Аммо мен гарантия бериб айтаманки, ишкал ишга шулар юз фоиз айбдор. Масалан, Қалқонов муаллим Нажот Ғайбуллани пора эвазига ишга жойлаган. Исбот шулки, нотаниш йигит пайдо бўлган куннинг эртасига қувонч билан шаталоқ отиб кетаётган Қалқоновни учратиб қолдим. «Улашвой, юринг, би-ир эрийман, кеча зўр ўқитувчилик бўлдик», деди. Ҳолбуки, қайси кундир чўнтагида хемири йўқлигидан, кимдан қарз ундиришини билмай, гарангсиб юрган эди. Энди эса эримоқчи! Демак, қайдандир тушим тушган. Неажабки, Нажот Ғайбулла ҳиммат қилган бўлса?!

Нажот Ғайбулла деганлари балои азим экан. Тўғриси, уни кўриб менинг ҳам оғзим очилиб қолди. Пўрим уст-боши, викорли юриш-туриши қойил қолдирди. Марказдан мактабга яп-янги «Нексия»да қатнашига нима дейсиз? Зарранинг заррасича бизнинг муаллимларга ўхшамайди.

Ҳатто посёлка эли ҳам янги ўқитувчини томоша қилгани ҳар хил баҳоналар билан мактаб теварагида ўралашадиган бўлиб қолди. Мактаб жамоасини-ку, қўяверинг. Муаллимчалар пардоз-андоздан бўшамай қолишди, у ён

ўтса ҳам, бу ён ўтса ҳам «Нажот ака, Нажот ака»лаб энтикишади. Дунпа-дуруст ўқитувчиларимиз ҳам онаси ортидан атак-чечак одимлашни ўрганаётган бўталоқлардек Нажот Ғайбуллага тақлид қилишга тушишди. Аммо йўл бўлсин! Чўнтагида тилла червон ўйнаётган кишигина янги муаллимга тақлид қилса арзийди.

Мен эмоцияга берилмайдиган, вокеаларни холис, совуққон таҳлил қиладиган одамман. Шу сабаб янги ўқитувчига бошқалардек анграйган кўйи қолиб кетмадим. Нажот Ғайбуллани обдон кузатиб, у ҳақда ўзимга хулосалар ясадим.

Нажот Ғайбулла қандайдир бойваччанинг тўқликка шўхлик қилиб юрган арзандаси. Авантюрист. Бунақаларни кино ва романларда кўп учратамиз. Улар ота-оналарининг бойликларига қаноат қилмай ҳар хил саргузаштлар иштиёқида юришади. Нажот Ғайбулла ҳам худди шундай. Муаллимликка кўнгилчалари суст кетган. Шу йўл билан ёш ўқувчи қизларнинг бокира юрагини забт этиб, ишқий майнавозчиликлар қилмоқчи бўлган.

Мана, нақадар тўғри хулосага келганимни ҳаётнинг ўзи кўрсатди! Яхшиям катта фалокатларнинг олди ўз вақтида олиб қолинди.

Ҳурматли терговчи, каминаи камтариннинг битиклари сизга асқотиб қолса ғоят мамнун бўлардим. Гапларим туҳмату бўҳтондан, ёлғон-яшиқдан холи. Эс-хушим ўзимда. Кўзим тиниб бошим айланаётгани, қўлимнинг қалтираши ҳаяжоннинг зўридан, холос. Бошқа хаёлларга борманг тағин. Мабодо зарурат чиқса бемалол чақиртиринг. Камина учиб боражак. Сизнинг чорлашингизга умид боғлаб ҳозирча ёзганларимга имзо чекмай тураман. Узр.

Дарвоқе, икки оғиз ўпка-гина қилишга рухсат берсангиз. Мен бундан хийла илгари мактабимиз муаллимлари Норхол ва Боймуроднинг ғайриахлоқий саргузаштлари ҳақида идорангизга тўрт энлик хат ташлаган эдим. Негадир ҳали-ҳануз жавоб бўлмади. Анови ўқитувчилар сўроқ-терговга тортилмади. Ё фурсат тополмадиларингизми? Мана, ўз оёғингиз билан мактабимизга келиб қолибсиз, балки ушбу долзарб масала юзасидан ҳам текширув ўтказарсиз? Умидларим катта. Қимматли вақтингизни ўғирлаганим учун яна бир карра узр сўрайман.

• • •

(Мактаб илмий мудираси Норхол Хушбоқованинг тушунтириш хати)

Уф-ф, бир камим тушунтириш хати ёзиш эди. Хўш, нимани тушунтирай? Ҳали ўзимга ҳам тушунуксиз, чигал турмушим, касби-корим ҳақида нима ҳам дейишим мумкин? Бир пайтлар отам раҳматлик пединститут қошига етаклаб бориб, «Қизим, муаллимчиликка ўқий қол, аёлларбоп иш, тўртта болани алдаб юраверасан», деган эди. Афсуски, «тўртта ўқувчини алдаш» билан иш битмас экан. Мана, ёзув столим устида уюм-уюм юмуш кутиб ётибди: дарслар тақсимотини қайта кўриб, жадвални ўзгартиришим керак, туман ҳокимиятига, маориф бўлимига алоҳида-алоҳида ҳисобот тайёрлашим зарур. Ҳисоботда ўтган чорак якунлари, янгисининг режалари икир-чикирларигача акс этиши талаб этилган. Бундан ташқари, шу ой ичида қабул қилинган ҳукумат Қарорлари асосида деворий газета тайёрлаб мактаб залига осишим керак. (Иложи бўлса ёнига ўзимниям.) Булар бугундан қолдирмай қилишим зарур бўлган юмушлар. Эртага яна қанча қоғозбозликлар кутаётганини айтсам, ручкамнинг сиёҳи тугаб, қоғозларим адо бўлади.

Йўқ, мен тушунтириш хати ёзмайман. Дабдурустдан шундай карорга келдим. Шоир айтгандай, юрагимни юлиб шундоққина қоғоз устига қўя қоламан. «Мактабнинг обрўсини ўйланглар, ўзларингни эҳтиёт қилинглар», деб устоз Қалқонов неча-неча марта тайинлаган бўлсалар-да, барибир кўнглимдагини ёзмасам чидаёлмайман.

Устига-устак, ҳурматли терговчи, ўзингиз мени бир чеккага тортиб: «Хушбоқова, устингиздан шикоят хати тушган» дедингиз. Шикоят мазмуни билан қискача таништирдингиз. Аъзои баданим музлаб кетди. Сиз ахволимни пайқаб, ўзингизча юпатган бўлдингиз, аммо юмшоқлик билан қўшиб қўйдингиз: «Узр, шу масала хусусида ҳам алоҳида тушунтириш ёзиб беринг».

Йўқ! Бунака масалалар юзасидан алоҳида ҳеч нарса деёлмайман. Шу ёзганларим етарли бўлар, ҳойнаҳой.

Нажот Файбулла ишга қабул қилингач, бир ҳафта ичидаёк мактабни сеҳр-жодуга кўмиб ташлагандай бўлди.

Устида ҳамиша оппоқ кўйлагу қоп-қора костюм, гулдор галстук. Қуюқ сочлари ювиб, орасталанган. Юзларида виқор, лабларида ниматабассум. Аввал бошида

ўқитувчиларимиз Нажот Ғайбуллага нописанд, масхараомуз муомалада бўлдилар. «Худди тўйга келгандай кийинишини-чи» дейишарди энсалари қотиб. Кейинчалик ҳамма-ҳаммалари янги муаллимга қизиқсиниб-қизиқсиниб, андак ҳасаду андак ҳавас, андак қўрқув ва андак ҳайрат билан қарайдиган бўлишди.

Нажот Ғайбулла дарсларга ўз вақтида етиб келар эди. У ичкари кираётган чоғ, назаримда, «Ўқитувчилар хона»сининг ёғсираб қолган эшиги одатдагидек аянчли ғийқилламас, у қадам босган пайт, эски пол одатдагидек ғичирламас эди.

— Ассалому алайкум!

Нажот Ғайбулланинг қироатли саломи давлат мадҳиясидай жаранглаганиданми хонадаги ўқитувчилар беихтиёр ўринларидан қўзғалиб, қўл бериб кўришишга чоғланишарди. Нажот Ғайбулла гўё йўқсилларга эҳсон улашгандай, ҳар бир ҳамкасабанинг илкини эҳтиром билан бир-бир ушлаб, самимий сўрашиб чиқар, сўнг устидаги қимматбаҳо, чарм камзулини бурчакдаги илгакка иларди-ю кўзгу ёнида апил-тапил сочларини тараб, у ёк-бу ёғини сариштalаб оларди. Узундан-узоқ телесериални ҳормай-толмай муҳокама қилаётган ўқитувчиларнинг ўз-ўзидан саси ўчиб, гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона янги муаллимни кузатишар, гўёки қизиқарли, ҳаяжонли томошанинг галдаги қисми шундоққина кўз ўнгларида давом этар эди.

Бир куни Нажот Ғайбулла дарсга анча кечикиб келди. У сабоқ бериши керак бўлган синф болалари одатдагидек қий-чув кўтармай синфхона эшигидан умидвор-умидвор қараб қўйишар эди. Қалқонов муаллим ҳам безовталаниб мактаб ҳовлисига чиқди. Мен янги муаллимни боплаб койишга баҳона топилганидан хурсанд. Бир пайт Нажот Ғайбулла ўз «Нексия»сида тўппа-тўғри ҳовлига кириб келди.

— Кечирасизлар, кечикиб кетдим, — деди у машинасидан шоша-пиша тушиб.

Эндигина аччиқ-тизиқ гапларга оғиз жуфтлаган мактаб директори ҳангу манг қолди. Унинг кўзи туйқус машина салонига даста-даста тахланган китобларга тушган эди.

— Нима опкелдингиз? — сўради у аранг.

Нажот Ғайбулла кулиб машина багажини ҳам очиб юборди. Багаж ҳам китобларга лиқ тўла эди.

— Дарсликлар, устоз, — деди янги муаллим мамнун. — Ҳаммаси ўзимизга.

Мен ўқитувчини бетокат кутаётган болалардан учтўрттасини ховлиққанча ховлига бошлаб чиқдим.

Қалқонов муаллим ҳам ҳаяжондан, ҳам ҳадикдан энтикиб деди:

— Буларни ҳозирча менинг хонамга киргизайлик. Кейин... кейин гаплашамиз.

Директорнинг кабинети китобга тўлиб кетди.

Нажот Ғайбулла ўқувчилар изидан синфхонага ошиқаркан шошa-пиша тушунтирган бўлди.

— Вилоят марказидан опкелдим. Шунака махсус фонд бор.

Директор иккимиз гоҳ бир-биримизга, гоҳ уюм-уюм китобларга тикилганча қолавердик. Икковимиз ҳам таажжубдан танг қотганмиз.

— Қизиқ, — деб ғудранди Қалқонов муаллим. — Қанақа махсус фонд? Ҳеч эшитмаган эканман, ё сенинг хабаринг борми, Норхол?

Мен ҳам бош чайқаб елка қисдим. Ўқув йили бошида туман маориф бўлимидагилар ҳар бир синф учун атиги беш-олтита дарслик ва беш-олти оғиз пўписа берганди: «Улушларинг шу. Ғинг-шинг билан шикоят қилиб юрганларингни эшитмайлик. Фонд тамом. Қолганини бозор-мозордан сотиб оласизлар».

Биз икки ўт орасида қолдик. Хўш, эрта-индин муқаррар келадиган тафтишчилар, дарсликларни қайдан олдинглар, деб сўрашса нима деб жавоб берамиз.

Танаффус пайти Нажот Ғайбуллани директор икковимиз яна ўртага олдик. Мен ўтиб-қайтаётган ўқитувчиларнинг китобларга кўзи тушмаслиги учун эшикни зичлаб ёпиб қўйдим.

— Тўғрисини айт, болам. Қаердан опкелдинг буларни? — деб сўради Қалқонов муаллим.

Нажот Ғайбулла хотиржамлик билан ўша гапларини қайтарди.

— Айтдим-ку...

— Туман раҳбариятидан биров-ярим сўраб қолса, бундай деёлмаймиз.

— Нега, устоз? Болалар дарсликли бўлганини эшитиб хурсанд бўлишади-ку?

— Йўқ... Бошимизда ёнғоқ чақишади. Вилоятга арз қилиб боргансанлар, дейишади.

Мен ҳам ўзимча фикр билдирган бўлдим.

— Яхшиси, пул йиғиб бозордан опкелдик, деймиз.

— Йўқ, — директор жаҳл билан ёзув столига муштлади. — Бўлмайди. Ҳар бир ўқувчи, ҳар бир муаллимга қандай тушунтириб чиқасан буни? Бирортаси оғзидан гуллаб қўйса, тамом.

Нажот Ғайбулла гуноҳкорона тарзда китобларга термилиб ўтирарди.

— Бирорта тадбиркор ҳадя қилди, деган қоғоз тўғриласак-чи? — деди Қалқонов муаллим чеҳраси андак ёришиб. У қисиқ кўзларини пирпиратиб бир менга, бир янги муаллимга тикилди.

Охири шу қарорга келдик. Ўша куниёқ катта танаффус пайти ўқитувчилар ўртасида савобталаб бир тадбиркор мактабимиз учун дарслик китоблар ҳадя этгани ҳақида гапирдим.

— Эҳ, отасига раҳмат, — деб юборди Эшболта ака, кекса бошланғич синф ўқитувчиси. — Болажонлар жуда қийналиб юрганди-да.

Тағин бир бошланғич синф муаллимаси — Нозима чинқириб ўрнидан туриб кетди.

— Дарсликлар?! Энди дарсликлар бўйича ўқитамизми?

— Э, чинкирма-е, — дея жеркди уни Боймурод ака. — Нима, халиям ойнага қараб-қараб ўқитмоқчимисан?

Боплади. Мен Боймурод акага миннатдорона бош иргадим. У киши жилмайиб қўйди. Тўғриси, шу киз менга ҳам сира ёқмайди. Балки илмий мудирга бунақа гап ножоиздир. Лекин барибир кўнгилга буйруқ бериб бўлмайди-да!

Унинг семиз, дум-думалоқ бичимига қарасам нафасим бўғилиб кетаверади.

Нозима бундан атиги икки йилча илгари шу мактабни аранг битириб кетган эди. Онаси тилли-жағли, шатта аёл. Бизда фаррош. У ёққа чопди, бу ёққа чопди, охири қизини аллақаердаги педколлежга ўқишга киритди. Сўнг яна зир-зир югуриб, гоҳ ҳокимиятга, гоҳ прокуратурага арз қила-қила Нозимани тағин қўлимизга эсон-омон топширди. Бошланғич синф муаллималигини беришга мажбур бўлдик. Мен бир гал онасига алам билан юзланиб: «Нозима бирт саводсиз-ку? Болаларнинг уволига қоласиз-а?!» дедим.

Фаррош аёл пинагини хам бузмади: «Яхши-да, кайта ўкиб олади, ўргилай...»

Хуллас ўша катта танаффус пайти тадбиркорнинг хадяси тузуккина мухокама қилинди. Фақатгина домла Хуррамович гап-сўзларга аралашмай, тиришган башараси баттар тиришиб, Нажот Файбуллани синчков-синчков кузатиб ўтирарди. Ўқитувчиларнинг кўписи дарсликларга ёлчиб қолганимиздан қувониб, номаълум саховатпешани астойдил алқашди.

— Курумсоккина бойвачча экан-да, — деди кимё муаллимимиз Салимахон мухокамага якун ясаркан. — Пулгинасини қўлимизга бериб қўйса, ўзимиз олардикда, шу китоб-питобни.

Салимахон куйинчак, талабчан муаллима-ю, лекин «кимё» деганда кўпинча соч-тирноқ бўяшни тушунишни чатоқ. (Аёл-да) Билими хам ёмон эмас. Пойтахтда ўқиган, қип-қизил диплом эгаси. Баъзи бир мактанишларига қараганда, амалиётни «Гўзаллик салон»ларида ўтаган. Энг ёмони, иш юзасидан озгина койисак, Салимахон дарров маориф мудирига югуриб боради. Шу боис фаол, интилувчан муаллима сифатида рахбариятда хам уни жуда яхши танишади.

Хуллас, хадя дарсликлар шу куниёқ ўқувчиларга имижимида тарқатилди. Сабоқлардан бўшанқилигига китоб йўқлигини баҳона қилиб юрган болаларнинг пешаналари тиришиб кетди.

Бироқ китоб тўла машинани кўрганимиздаёқ ичимизга кириб олган вахима барибир бизни тарк этмади. Директор хам, мен хам гўёки игна устида юрардик. Хаёлларимиз бесаранжом. Йўқ, беҳуда азият чеккан эканмиз. Ўша хафта туман марказидан келган тафтишчилар тўпи туйқус ўқувчилар қўлида пайдо бўлиб қолган дарсликларга эътибор хам бермади. Хавотирдан терлаб турган Қалқонов муаллим бекордан-бекор уч шиша арокка, уч коса шўрвага чиқимдор бўлди. Дарсликларнинг қайдан, қандай пайдо бўлгани эса жумбоқлигича қолаверди. Директорни билмадиму мен шу сиру синоат хақида тинимсиз ўйлардим. Икки-уч марта Нажот Файбуллани чеккага тортиб гоҳ жиддий, гоҳ хазил-хузил билан сўрабсуриштиришларим хам ҳеч наф бермади. Янги муаллим ўзига ярашиқли хамишаги табассумлар билан тағин ўша гапида туриб олди: «Вилоятдаги махсус фонддан келтирдим...»

Йўқ, дарсликлардан сўнг ҳам «махсус фонд» машмашаси ҳали тугамаган экан!

Нажот Ғайбулла бир куни баҳайбат телевизор, алламбало видео ашқол-дашқоллар келтирди. Бунгача ҳам у жуғрофия кабинетини мисоли музей ясантирган, жиҳозлаган эди. Деворларда турли-туман харита-ю кўргазмали плакатлар. Стол устида селитрага бўккан улкан тарвуздай глобус. Ҳар бир партада иккитадан семиз, рангли китоб. Китобни варақласангиз дунёнинг бу чеккасидан кириб нариги тарафидан чиқасиз. Хонанинг у ер-бу ерига улкан кема ва самолёт макети қўйилганки, гўё шу транспортларда саёҳатга чоғлангандек ҳис қиласиз ўзингизни.

Мана, шунча сеҳру жодуси етишмагандай Нажот Ғайбулла тағин ҳаммамизни ҳангу манг қолдириб телеаппаратуралар келтирди. У ғаройиботларини жуғрофия кабинетига жойлаштираркан, ҳаяжону қувончдан энтикарди.

— Ҳаммаси болаларга! Ана энди дарс-дарсдай бўлади-да.

«Дарс-дарсдай бўларканми?! — ўйлардим мен гангиб.— Шу пайтгача унинг дарслари қанақа эди?».

Биз — мактаб раҳбарияти янги муаллим ишга келгандан бери унинг сабокларини тез-тез кузатиб турардик. Бир гал ўзим расмий текширувчи сифатида синфхонага кириб орқа партага жойлашдим.

Ўқувчилар ўз ўринларида учишга шайланган қушлардек сергак ўтиришибди. Ҳамма Нажот Ғайбуллага хурмату эъзоз билан тикилган. Синфхонада пашша учса билинади.

— Тинч океани дунёдаги энг катта уммон.

Нажот Ғайбулла қўлидаги синф журнали-ю китоб-дафтарларини стол устига қўяр-қўймас дабдурустдан, томдан тараша тушгандай дарс бошлаб юборди.

Одатда биз ўқитувчилар синфхонага киргач, ўн-ўн беш дақиқа ғала-ғовур, пичир-пичирларни тинчитиш билан овора бўламиз. Сўнг синф журналини очиб узундан-узун йўқлама ичида хийла вақт йўқолиб кетамиз. Кейин ўтган сабок юзасидан сўроқ-тергов бошланади. Тайин гапки, дарс тайёрламай келган ўқувчи унча-мунча партизандан баттар мик этмай тураверади. Хуноб бўлиб уни койиб-жеркамиз. Икки-уч шунақа қайсарлар билан олишувдан сўнг ўзимизнинг тинкамиз куриб, асабларимиз

қақшайди. Буёғи танаффусга яқин. Шоша-пиша янги дарсни бошлаймиз. Ўқувчиларнинг беадоқ шивир-шивир, пичир-пичирига қориштириб конспект қилиб келганларимизни амал-тақал билан айтиб берамиз.

— Тинч океани дунёдаги энг катта уммон!

Нажот Файбулланинг сокин, сохир овози синфхона бўйлаб сирли-сирли кезинади. Ҳаммаёқ тинч уммонига ғарқ бўлгандай жим-жит. Янги муаллим аҳён-аҳён доскага зарур рақаму атамаларни ёзиб қўяди, гоҳ стол устидаги глобуснинг керакли нуқталарига ишора қилади. Ўқувчилар аллақачон синфхонадан «учиб» кетишган. Улар устозларига қўшилиб олис-олис ороларда, сув дунёсининг ғаройиботлари ичида сайр этиб юришибди.

Қўққис танаффусга қўнғироқ чалинди. Қўнғироқнинг беаёв чинқириғи хамма-ҳаммани олис чўл посёлкасининг овлоқ қўйнига яна қайтариб келди. Шундагина мен ҳам ўқувчилар сафида эканимни пайқаб қолдим. Ҳатто қулокларим остида хийла вакт палма дарахти шовуллаб турди, уммон сувининг шўр таъми томоқларимни куйдириб ўтгандай бўлди. Бунақа аччиқ таъм одатда ич-ичимдан ўксиб йиғлаганим чоғ пайдо бўлади.

Наҳотки мен ўксидим?Нега?! Янги муаллимдай дарс беролмаслигимни англаб етдимми?

Текширувдан дилгир ва асабий кайфиятда чиқдим. Қалқонов муаллим дарров ҳузурига чорлади.

— Қалай?

— Ёмон.

— Нега?

— Ростданам дарс ўтаркан.

Қалқонов муаллим ерга қаради. Мен дераза ортида ястанган тип-тиниқ осмонга тикилдим.

— Хафа бўлма, — деб гап бошлади директор чуқур бир тин олгач. — Сизлар ҳам яхши муаллим. Баҳоли қудрат ўқитяпсизлар-ку?

— Бу бошқача-да.

— Нажотнинг шароити тузук шекилли. Кўриб турибмиз, моддий жиҳатдан ҳам бақувват. Бунақа бўлгандан кейин фақат дарсни ўйлайди-да. Ўз устида ишлайди. Сизлар ҳам...

Қалқонов муаллим гапини ичига ютиб яна ерга айбдорларча тикилди.

Мен томоқларимда тағин денгиз шўрини туйдиму беихтиёр ташқарига отилдим.

Шундай қилиб, Нажот Ғайбулланинг телеаппаратуралари яна бизни таҳликага ташлади. Гоҳ директор, гоҳ мен янги муаллимни сўроққа тутдик.

— Қаердан олдингиз бунақа қиммат нарсаларни?

Жавоб яна одатдагидай бўлди:

— Вилоят марказидан. Махсус фонд.

— Ўв-в... — Қўққис пайдо бўлган домла Хуррамович терговга аралашди. — Сен бола нега майнавозчилик қиляпсан? Қанақа махсус фонд? — азбаройи жаҳлдан Хуррамовичнинг сариқ қопламали тишлари орасидан тупук сачради. — Хат-пати борми бу матоҳларнинг?

Нажот Ғайбулла хотиржам кулди.

— Устозлар, кечирасизлару... лекин ғирт дунё бехабар экансизлар. У ерда ҳеч қанақа қоғозбозлик йўқ. Шундай борасизу мактаб номидан ариза берасиз. Улар дарров компютер орқали текширишади. Ростданам мактабимизга шу нарсалар берилмагани аниқланса, тамом. Узр сўрашиб, икки соат ичида аризангизни ижобий ҳал қилиб беришади. Керакли ҳужжатларни ўзлари тўғрилаб қўйишаверади. Улар ўқитувчиларнинг вақтини ўғирлаб, сарсон қилиб қўйишни жиноят деб ҳисоблашади.

— Текширамиз ҳали, — деб тўнғиллади домла Хуррамович чиқиб кетаркан. — Эртак-чўпчагингни катта холангга айт.

Қалқонов муаллим ботинолмайгина деди:

— У ёқларга боришдан аввал сал-пал маслаҳат қилингда.

Нажот Ғайбулла бош чайқай-чайқай жилмайиб дарсга кетди.

Директор ва мен яна бир-биримизга тааҗҗуб билан тикилдик.

— Чинмикин-а?..

— Билмадим...

— Чинга ўхшайди, — Қалқонов муаллим кўпни кўрган қарияларга хос мулоҳаза қила бошлади. — Ўз пулига сотиб олиб келса дарров кўкрагига урарди, мактаб учун ундоқ қилдим, мундоқ қилдим, деб дунёни бошига кўтарарди. Йўқ сотиб олмаган. Ё, ўғрилаб келдимикин-а? Йўқ, мактаб учун жонини хатарга қўйиб зарилми унга?! Норхол, шу боланинг гапи рост.

Ниҳоят, Нажот Ғайбулла бизни енгди. Аллақаерда мактабларнинг хизматига ҳозиру нозир, ўқитувчиларни

сарсон қилишни жиноят деб биладиган махсус жамғарма борлигига ноилож ишондик.

Кунлардан бир кун янги муаллимнинг ишлари туман раҳбариятининг назарига тушди. Совхоздаги маънавий-маданий тадбирлар режаси билан танишиш учун келган ҳокимият вакили маънавий-маданий объект сифатида мактабимизга хам бош суқиб ўтган эди. Биз анчагина шошиб қолдик. Лекин вакилга Нажот Ғайбулла ясантириб қўйган кабинетни мамнуният билан кўрсатдик. Текширувчи бу ерда хийла вақт ивирсиб қолиб кетди. Янги муаллим қай гўрлардан топиб келтирилган антиқа-антиқа жихозларни қизиқиб-қизиқиб томоша қилди. «Зўр дам олиш хонаси бўпти-да», — деб хулоса ясади охири бизни тарк этаркан.

Ҳокимият вакили келиб кетгач, уч-тўрт кун ўтиб директор икковимизни туман маориф идорасига чорлашди. Бу чорловнинг бир балоси борлигини пайқаган тажрибали педагог Қалқонов бетоблигини баҳона қилиб марказга бормади. Ноилож Боймурод ака билан кетдик.

Маориф мудири Эркабоев бетоқат кутиб турган экан.

— Бу нима гап, хамкасблар?! — дея айюҳаннос солди у стол муштлаб. — Нега мен билишим, шахсан бошида туришим керак бўлган ишларга ҳокимият вакили аралашиб юрибди?!

Кундоши кийиб ўзи қуруқ қолган аёлдай куйиб-ёнаётган маориф мудирининг ёзғиришларидан алланеларнидир ғира-шира англаб етгандай бўлдик.

Ҳокимият вакили ўша куниёқ ўзини ҳайратга солган жуғрофия кабинети хақида шахсан туман ҳокимига маълумот берибди. Албатта, маълумотда ушбу хайратланарли ишларда ўзини бош-қош ташкилотчи деб камтарлик билан кўрсатиб ўтган. Ҳоким эса маънавий-маданий тадбирлар юзасидан вилоят ҳокимиятига тайёрлаб ўтирган ҳисоботига жонкуяр вакилнинг маълумотномасини хам кистириб юборибди. У ёқда маънавий-маданий тадбирлар, мактаб ишлари бўйича жонкуяр кадрга зор бўлиб туришган экан, шекилли, жуғрофия кабинети учун фидойилик кўрсатган вакилни дархол чақириб олишибди. Қарабсизки, уч-тўрт кун аввал аллақандай тадбирлар режаси деб овлоқ посёлкада сарсон юрган вакил вилоят ҳокимиятида бир бошқарма бошлиғи!

— Сотқинлар! Ичи қоралар! — деб хануз ох-воҳ чекарди Эркабоев. Охири у улоқни олдирган чавандоз-

дай курсисига бехол суяниб колди. Уф кетидан уфлар тортди. Бир оз ўзига келгач менга ўпка-гинали термилди.

— Ўрток Хушбоқова, нега хисоботларда манави янгилик ишлар хақида лом-мим демагансиз?

Мен хам, Боймурод ака хам худди никох ўқилаётгандек ерга тикилдик. Нажот Файбулланинг ибратли ишларини кўз-кўз қиладиган хисобот тайёрламаганимизнинг сабаблари ўзимизга аён. Сирли муаллимга биз келган кунидан бери шубҳаланиб қарардик. Унинг афт-ангорида, уст-бошида, иш фаолиятида алланечук бегоналик бор эди. Ана шу бегоналик бизни хуркитиб турарди. Биз Нажот Файбуллага ишонмасдик! Масалан, мен хаммаси туш, хозир уйғонаману барча машмашалар тугайди, ниҳоят, енгил тортаман, деб ўйлардим. Хатто Қалқонов муаллим ўзини бир-икки дўхтирга кўрсатиб келди. Йўк, хаммаси жойида экан. Ҳеч қанақа савдойилик аломатларини пайқашмабди. Лекин тан олиш керак, Нажот Файбулланинг хайратомуз иш фаолияти бутун дунёга жар солгулик эди. Биз директор билан келишиб, хис-хаяжонга берилмасликка, янги муаллимга нисбатан бир оз совуққон бўлиб туришга қарор килдик. Шу сабаб унинг кўрган кўзни, эшитган қулоқни қувонтирадиган иш фаолияти тўғрисида хисоботда лом-мим демаган эдим.

Хуллас ўша куни маориф мудири таъзиримизни берди. Судракланиб ташқари чиққанимизда хийла кеч бўлиб колган эди. Кун совук. Гох у, гох бу йўловчи машинага илашиб амал-тақал билан посёлкага етиб келдик. Анчагина йўлни яёв хам босдик. Қоронғилик қуюқлашиб борарди. Мен кўркқанимдан Боймурод аканинг иссиқ қўлларидан ушлаб олганман. Хийла яёв юрганимизданми ё алланечук хаяжонданми, тобора исиб кетмоқда эдим.

Боймурод ака кутганимдек хамишаги гапини бошлади.

— Норхол, — деди у товуши титраб. — Юр, бу ерлардан бош олиб кетамиз. Сени бошимда кўтариб юраман. Биз бахтли бўламиз. Мана, кўрасан...

Мен у кишини хамишагидек койидим:

— Қўйинг, бунақа гапларни, Боймурод ака. Икковимиз хам онлали, бола-чақалимиз. Янгам бошингизда парвона, яна нима керак сизга? Қўйинг, мени қийнаманг. Бизларга ярашмайди бунақа гаплар. Ўқитувчи номимиз бор-а. Қўйинг.

— Қўймайман, — деб энтикди Боймурод ака. — Нима, бола-чақали одамга севиш-севилиш мумкин эмасми? Ўқитувчининг юраги йўқми, муҳаббатга ҳаққи йўқми унинг! Норхол, қўрқма, маломатлардан чўчима, одамлар учун яшамаймиз-ку, ахир?! Икковимиз кетамиз, Норхол. Эринг барибир энди қайтмайди. Менинг... менинг болаларим дастёр бўлиб қолган. Оналарини ёлғизлатиб қўйишмас. Бир кун мени тушунишар...

Мен Боймурод аканинг иссиқ қўлларидан силтаниб чиқдим. Коронғилик қўйнига чопиб кетдим. Алланарса денгиз шўридай томоқларимни куйдириб-куйдириб келарди.

Ҳурматли терговчи, сизни қизиқтирган ўша юмалоқ хат юзасидан ёзганларим шу. Алоҳида ҳеч нарса деёлмайман. Мени тушунасиз деган умиддаман. Янги муаллим билан боғлиқ машмашалар юзасидан эса истаганингизча ёзаман.

Хуллас, бизни чақириб адабимизни берган куннинг индинига Эркабоевнинг ўзи бир неча мулозимлари билан етиб келди. Янги муаллим ясантирган хона унда ҳам чуқур таассурот қолдирди.

— Бу кабинетни кўз қорачиғидек асранглар, — деди у йиғилиш ўтказиб. — Раёнога комиссия келса намунали ўқув хонаси сифатида шуни кўрсатамиз.

Мен гап орасида Нажот Ғайбулланинг дарс услубини мақтаб, мудирни кузатувчиликка таклиф этдим. Бироқ ўша кунги алам-изтироби ҳануз тарқамаган Эркабоев қайнаб кетди.

— Қуруқ гап керак эмас, Хушбоқова. Ҳисоботда кўрсатинг, ҳисоботда. Ўқитувчингиз ўз дарс режалари асосида методикасини ишлаб чиқиб раёнога тақдим этсин. Албатта, бисмиллосиям, фотиҳасиям кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан бўлсин. Хуллас, шу қоғозларни тайёрламасдан мени ҳеч қанақа мўъжизага ишонтиролмайсиз. Тушунарлими, ўртоқ Хушбоқова?

Тушундим. Эркабоев жўнаб кетгач, мудирнинг талаб ва хоҳишини Нажот Ғайбуллага етказдим. Бир пайт янги муаллимнинг ранг-рўйи бўзариб тўрга тушган баликдек типирчилаб қолди. Ғулдираб-ғулдираб тушунтиришидан англадимки, ҳаммани ҳайратлантириб юрган бу сирли муаллим на ҳисобот ёзишни, на режа тузишни биларкан. Мен ниҳоят унинг камчилигини топганимдан қувониб кетдим.

— Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан хабардормисиз ўзи? — сўрадим қизиқсиниб.

Нажот Ғайбулла бўшашибгина ерга қаради. Мен аччиғимни аранг босиб яна хужумга ўтдим.

— Таълим бўйича чиққан кейинги икки қарор билан танишмисиз?

Нажот Ғайбулла гоҳ қизариб, гоҳ бўзариб бош чайқади: тамом бехабар.

— Ҳисобот ёзишни билмасангиз, — деб гапга аралашди Қалқонов муаллим мехрибончилик билан, — ишингиз кўринмайди болам. Анави ҳужжатларни ҳам ўрганиб чиқинг. Эсам бирон текширувчининг олдида уялтириб қўясиз.

Мен янги муаллимнинг қусурини топганимдан канча қувонган бўлсам, унинг фавқулодда ростгўйлигидан шунча жиғибийрон бўлдим: «Нега ҳаммасидан хабардорман деб кўя қолмади?! Ким текшириб ўтирибди унинг билар-билмаслигини? Менми? Қалқоновми ё Эркабоевми? Умуман, шунақа долзарб ҳужжатни бекаму кўст ўрганиб, ҳузурланган кас борми? Нега ҳеч қайсимизга ўхшамайди Нажот Ғайбулла, ўлгур? Қанақа сирли муаллим бу?»

Йўқ, ниҳоят, Нажот Ғайбулланинг сири очилди. Бир ҳафтача аввал «Ўқитувчилар хона»сига домла Хуррамович ўқдек отилиб кирдию, ҳаммаси тамом бўлди.

— Ўқитувчиларни йиғинг! — деб ўшқирди у, гўё ҳаммасига мен айбдордай. — Анави муттаҳамнинг сирини фош қилдим, тез бўлинг. Унинг ўзиниям етаклаб келинг.

Сўнг ҳаммамизга маълум воқеалар бўлиб ўтди. Нажот Ғайбулла ичимиздаги бегона эди. Бегоналигича даф бўлди. Биз қутулдик... Билганларим шу. Мен кўнглимдагини очик-ойдин ёздим. Чўчийдиган жойим йўқ. Олишса шу ўқитувчилигимни олишар. Узр. Томоғимни денгиз шўридай бир нима куйдириб келяпти.

• • •

(Мактаб директорининг ўринбосари Б.Б.Боймуроднинг тушунтириш хати)

Ёшим қирқдан ўтиб қолди. Беш болам, бир хотиним бор. Хотин касалманд: ошқозон ярасими-ей. Ҳар куни инқ-синқ. Болалар улғайган сайин қувониш ўрнига хавотирга тушяпман. Ҳаммасининг яхши еб-ичгиси, чирой-

ли кийингиси келади. Ҳали тузукроқ институтларда ўқитиш, уйли-жойли қилиш деган орзулар ҳам бор. Икки йилча аввал Устоз Қалқонов қўярда қўймай ўзига муовин қилиб олди. Рад этолмадим. Кекса одам, ишонч билан мўлтираб тургандан кейин... Ойлигимга арзимас чой чақа, бир ташвишимга минг ташвиш қўшилди. Йўқ, мен ишдан нолимайман. Ўқитувчилик ҳам жону дилим. Юрагим, бутун ақлу фикримни бериб ишласам дейман. Лекин... ҳаммаёқда чигаллик.

Алгебра ўқитувчимиз — Хайрулла, жингалак соч, хушсурат, қувноққина йигит ишдан кетди. Жуда билимдон, ҳисоб-китоб илмини чуқур ўзлаштирган муаллим эди.

— Ака, — деди у бир кун уйимга келиб. — Бир қўшма корхона ишга чақиряпти. Кетсаммикан-а? Кўряпсиз иқтисод чатоқ. Рўзғоримиз катта.

— Қанча ойлик беришмоқчи улар?

Хайрулла ўзига ваъда қилинган маошни тилга олди. Зўр! Лекин мен дабдурустдан оқ йўл тилаёлмайман. Мактабни ҳам ўйлашим керак-да, директор ўринбосари номим бор.

— Устоз Қалқонов билан би-ир маслаҳат қилиш керак-да, — деб масъулиятдан ўзимни оқлочдим.

Хайрулла чайналди. Афтидан унинг мактабдан кетгиси йўқ.

— Ака, тўғриси, муаллимчилик ёқади ўзимга, — деди у ўйланиб. — Раёно мудири билан гаплашиб кўрсак-чи, балки қандайдир имкониятлар бордир. Балки, зарур кадр сифатида менинг ойликларимни ошириб қўйишар. Тинчгина шу ерда ишлайверардим.

Содда муаллимнинг хаёлларига кулибгина қўйдим. Ахир, ҳаммаёқда бир хил хўроз қичқирган, қанақа имконият? Шундай бўлса-да, эртаси куни Хайрулла иккимиз Эркабоевнинг қабулига кирдик.

Арзу ҳолимизни эшитиб мудирнинг фиғони фалакка чиқди.

— Кетсанг кетавер! Қани унака жойга мени ҳам чақиришсаю жўнаворсам. Ёғли жойдан қолма, боравер!

Эркабоевнинг кесатиклардан Хайрулла икковимиз мулзам тортиб қолдик. Мудир яхна чойдан бир ҳўплаб тағин ҳужумга ўтди.

— Мактабда ҳар ким ишлаёлмайди, ука! Аввало ватан туйғуси керак, фидойилик зарур.

— Мен чет элга қочиб кетмоқчи эмасман, домла, — деди Хайрулла сал бош кўтариб.

Маориф мудири эътирозга эътибор бермай, ўз фикрини шеър билан якунлаган бўлди.

— Эмас осон бу майдон ичра турмак, шер панжасига панжа урмак. Ана, вассалом!

Ана, вассалом. Хайрулла ишдан кетди. Унинг «алгебра»си менга қолди.

— Боймуроджон, ўзинг бир амаллаб тур, — деб ялинди Қалқонов. — Худо мехрибон, бирор математикни бериб қолар.

Кўндим. Умуман, дарс соатларининг кўплиги яхшию, бироқ имконият деганларининг ҳам чегараси бор-да. Кўрпага қараб оёқ узатиш керак. Алгебра — мураккаб фан. Айниқса сўнгги йилларда у баттар мураккаблашгандай. Алоҳида билим, тажриба талаб қилади. Лекин ноилож, виждонга хилоф бир тарзда, устоз айтгандай амал-тақал қилишга киришдим.

Отам қурувчи уста эди. Қон тортдими, ишқилиб шу ҳунардан менга ҳам юққан. Унча-мунча иморатларни пойдеворидан тортиб томигача қуриш қўлимдан келади. Тўғриси шу отамерос касб тирикчиликка аскотиб турибди. Таътил пайти асбоб-ускуна оркалаб мардикорчиликка кетаман. Албатта, узоқ-узоқ жойларга. Тирикчиликнинг айби йўқ дейишадию, бироқ мен бу ҳунаримни сир сақлашга ҳаракат қиламан. Ўқувчиларим билмасин дейман. Ўзимни узоқ-узоқларга саёҳат қилиб, дам олиб келгандай кўрсатаман. Туман марказида бир-иккита уста йигитлар бор. Шерикмиз. Топишимиз ёмон эмас. Лекин ҳамиша кўнглим хира, хаёлларим паришон.

Ўтган қишнинг адоғи эди. Ёғин йўғу бироқ, ҳаво совуқ. Кечки пайт қўй-қўзилар даштдан қайтди. Ҳисоблаб, текширib кўрсам — бўғоз эчкимиз йўқ. Дарров ўша куни навбати бўйича чўпонлик қилган кишига учрашдим. У ҳам бош қашлаб тайинли жавоб айтолмади. Афтидан, эчки болалаб даштда қолиб кетган! Дарҳол Кепгсойга югурдим. Бормаган жойим, сўрамаган кишим қолмади. Лекин эчкидан ном-нишон йўқ. Охири, тун ярмига яқин таъбим тирриқ бўлганича уйга келдим. Ҳамишагидек электр узиб қўйилган. Бутун посёлка зим-зиё. Бола-чақа ҳам ухлаб қолган. Тимрскиланиб шам ёқдим. Лекин ичимга минг бир чироқ ёқилса-да ёришмайди. «Бутун бошли эчкидан ажралдим-а?!» — деб ўйлайман юрак-бағрим

ўртаниб. Тунов куни меҳмонлардан қолган ярим шиша арақни топиб ичдим. Газагига чакки яладим. Бир зум алам-изтиробларим босилиб, чарчоқларим тарқалгандай бўлди. Эртанги дарсларга тараддуд кўришим, конспект ёзишим керак эди. Ноилож, китоб-дафтарларимни хонтахта устига олдим. Бироқ на китоб варақлагим, на қоғоз қоралагим келади. Кўнглимнинг ярмида манави китоб-дафтар, ярмида йўқолган эчки. Ақл-шууримнинг ярмида эртанги дарслар ташвиши, ярмида эса молу жон қайғуси. Эчкимисан эчки эди-я ўзиям, қай бир йили устачиликдан орттирган пулимга олгандим. Нуқул эгиз туғарди, омон бўлгур. Дод солиб йиғласам дейман.

Бир пайт дарвоза тақиллагандай бўлди. Бирдан хушёр тортдим. «Бирортаси эчкини топиб келдимикан?! Ё, пирим...»

Елкамга чопонимни елвагай ташлаб ташқарига отилдим.

Дарвоза ёнида Норхол турган экан. Эгнида апил-тапил кийилган халат, дуррачаси сирғалиб бўйнига тушган.

— Ака, — деди у ҳиқ-ҳиқ йиғлаб. — Ёрдам беринг, қизим ўлиб қолади, иситмаси баланд.

Ҳовлиққанимча яна ичкари отилдим. Яхшиям хотин касалманд, яхшиям унинг дори-дармон кутичаси бор. Ишқилиб ичидан бирон-ярим таблетка топса бўлади. Қўни-қўшнилар ҳам шунга ўрганиб қолишган, вақт-бевақт у-бу малҳам сўраб чиқиб туришади.

Ўзимча зарур деб ўйлаган дориларни олдиму тағин ташқарига отилдим.

— Юр, Норхол, қўрқма. Ҳаммаси яхши бўлади.

Норхолнинг уйи бизникидан анча узоқда. Посёлканинг нариги чеккасида деса ҳам бўлаверади. Аслини суриштирганда, бу чала ҳовли Норхолнинг эрининг бир узоқ қариндошига тегишли. Узоқ қариндош ҳовлини бутлашга кучи етмай, ижарага топшириб қўя қолган. Норхолнинг эри эса икки йилдан бери бедарак. Иш излаб Россия томонларга кетганича қайтмади. Аёл икки нафар гўдаги билан қолиб кетди. Хайрият, тўнғичи бу йил биринчи синфга чиқди. Ҳар ҳолда онасининг кўз олдида бўлади. Қизчаси эндигина икки ёшдан ошди. Норхол уни гоҳ онасига, гоҳ синглисига ташлаб мактабга чопади. Иш-да. Ҳар нечук шу ердан топгани ўзига ва болаларига етиб турибди. У она тили ва адабиётдан дарс

беради. Бир йилча аввал Норхолни илмий мудирликка кўтардик. Чунки бунақа ишга хуснихати чиройли, имлода қусури йўқ, сариштали, хушмуомала кадр керак. Анча ёш бўлишига қарамай, жамоамиз бир овоздан шу аёлни маъқул топишди.

Ўша тунда Норхолда ҳеч бир илмий мудиралик пукси йўқ эди. Теваракка телбавор-телбавор аланглаб, пик-пик, шўрқ-шўрқ йиғлаганича қоқила-сурила борар эди.

Ниҳоят, уникига етиб келдик. Икки хонали лойсувоқ уй. Ичкари муздек. Ўртадаги хонтахта устида бир бўлак шам тириша-буриша ёниб турибди. Унинг лип-лип ёруғи хона ичини ғира-шира ёритади. Чаласувоқ девор бетига каттагина гилам осилган, бурчакда бир сандиқ. Сандиқ ёнида кийим жовон. Хона тўрига тўшалган ўринда икки боласи ётибди. Шарпамизни пайқаб қизча йиғлаганича ўрнидан турди. Чиндан-да иситмаси баланд.

Норхол икковимиз қизчанинг хархашасига қарамай дори ичирдик. Мен шиша тубида қолган ароқни ҳам олиб келган эдим. Шуни дарров гўдакнинг баданига суртиб ташладим. Сўнг кўрпачага ўраб ётқиздик.

— Нега печ ёқмагансан? — деб сўрадим хануз болалари билан андармон Норхолдан.

— Чалма соб бўлибди.

Мен яна ташқарига отилдим. Қоронғиликда тимирскиланиб хас-чўп йиғишга киришдим. Кўча бошида тарвакайлаб ўсган дарахтнинг қурук шохларидан синдириб-синдириб олдим. Шунга ҳам анчагина вақт кетди. Хуллас, бир амаллаб печ ёқдим. Аввалига тутаб-тутаб турган ўтин, охири гуриллаб ёнишга тушди.

Норхол гох болаларига, гох хонтахта устида сочилган китоб-дафтарларига хорғин термилиб ўтирарди.

— Иситмаси тушдими? — сўрадим ундан.

— Ҳа, — хира бир товушда жавоб берди Норхол. — Озгина терлади. Кечирасиз, Боймурод ака, сизни ҳам ташвишга қўйдим.

Теварагимга секин разм солдим. Худди менинг уйимдек шип-шийдам, тўзғиган хона, сочқин китоб-дафтарлар бенихтиёр ўз дарду ташвишларимни яна миямга урди. Ич-ичимда тавбн алам-изтироб қўзғалди. Айни чоғда кўнглимдаги алғов-далғовлар Норхолнинг ҳам юрак-бағрини ўртаб турганини чукур ҳис этдим.

Аёлнинг хушбичим юзида, маъюс кўзларида шамнинг

лип-лип шуълалари ўйноқларди. Беихтиёр уни кучиб эркалагим, овутгим келиб кетди.

— Норхол, — дедим оҳиста унинг қўлидан тутиб. — Куйинма. Бизга ҳам боққан бахтли кунлар бордир, ахир.

Норхол бсадоқ алам-изтироб билан кўзларимга тикилди. Ҳа, бу алам-изтироб менга жуда-жуда таниш эди. Нимадир томоғимга тиқилиб келди.

— Норхол, ўзимнинг жоним, — дедим уни оҳиста бағримга тортиб.

Аёл қўққис ҳўнграб кўксимга бошини қўйди.

Ўша тун тонгга яқин уйга қайтдим. Юрагимда бир ўт ёнар эди, бу муҳаббат ўти эканини сал кейинроқ англадим. Мен Норхолнинг ўзимникидек дард-ғусса қалқкан юз-кўзларини севиб қолдим. Ёш бир ерга бориб етганда погоҳ бунака туйғуга дуч келиш... Аввалига уялдим, ўз-ўзимни койидим, сўкдим. Одоб-ахлоқнинг бутун авлиёлари номидан ўз-ўзимга насиҳатлар қилдим. Бироқ бари бсфойда. Норхолнинг юз-кўзларидаги ўша таниш изтироб-қайғу мени ўзига оҳанграбодек тортар эди.

Ҳурматли терговчи, мени бир чеккага тортиб, аллақандай юмалоқ хат юзасидан сўраганларингизга жавобим шу. Сиз истагандай алоҳида тушунтириш хати ёзмайман. Тўғрироғи, ёзолмайман. Анови Нажот Ғайбулла ҳақида эса истаганингизча сўранг. Керагидан ортиқ қилиб ёзиб бераман.

Худди ўша телбавор хисларга қоришиб юрган кунларим Нажот Ғайбулла пайдо бўлди. Унинг пўрим устбоши, мағрур ва сипо юриш-туришлари аввалига менинг ҳам энсамни қотирди. Сўнг янги муаллимга ҳавас қила бошладим. Бу ҳавас, чукур ўйлаб қарасам, кейинчалик беаёв ҳасадга айланиб қолган экан. Нажот Ғайбулла иккиуч ҳафта ичидаёқ мактаб жамоасининг қалбига, рухига кириб олди. Ўқитувчилар бир-биридан яшириб-яшириб, тортиниб-тортиниб беихтиёр унга тақлид қила бошлашди. Ҳафталаб соқол қиртишламайдиган баъзи бир муаллимлар кунора қиртишлаб, сочларини ораста лаб, хатто енгил-елпи хушбўйлар сепиб келар бўлишди. Айрим ҳазилкаш, ҳушчақчақ ҳамкасблар виқор ва салобат илинжида қош-қовоқ уйиб юришга тиришардилар. (Муаллима хотинларнинг пардоз-андозлари куюқлашганданқуюқлашганини айтмай кўя қолди.) Бироқ буларнинг бари бехуда эди, бехуда! Минг тараниб-минг ясансак-да, минг ғўлдайиб— минг чимрилсак-да, барибир бизда ни-

мадир етишмасди. Ҳатто бир гал Нажот Ғайбулла соқоллари ўсик, одмигина, ғижимтоб кийимда ишга келди. Ҳайҳотки шугина аҳволда ҳам у барчамиздан ўктам, барчамиздан хушсурат кўринар эди. Ҳа, бизларда мактабга ярашиқсиз аллақандай қусур борлигини тобора англаб борардим. Гўё суд курсисига тизилишган айбдорлардек «Ўқитувчилар хона»сида паришон ўтирган ҳамкасбларимга қараб кўпинча ўша қусурларини излаб қоламан.

Ўқувчилар ҳам ўзгариб қолишгандек эди назаримда. Айниқса, Нажот Ғайбулла дарс ўтадиган синф болалари. Унча-мунча муаллимларни туртиб-суртиб кетадиган, ерга урсанг кўкка сапчийдиган безори ўқувчилар ҳам Нажот Ғайбулла кўринганда ипакдек майинлашиб одоб сақлашар эди.

Бир гал катта танаффус пайти биология муаллими Ҳасанов билан ҳовлида суҳбатлашиб турардик. Нажот Ғайбулла ҳам ёнимизга келди.

— Кеча телевизорда футболни томоша қилдингизми? — дея Ҳасанов янги муаллимни суҳбат мавзусига тортди.

Нажот Ғайбулла бош ирғади:

— Ҳа, роса зўр ўйин бўлди.

Ҳасанов ўйинда ютқазган жамоанинг хайрихоҳи экан. Асабийлашган кўйи бўшанг футболчиларни бирин-кетин сўкиб, танқид қила кетди. Шу орада тўққизинчи синфнинг безори ўқувчиларидан бири ёнгинамиздан ўтиб қолди.

— Эй, Жумаев! — дея Ҳасанов муаллим ўқувчини тўхтатди. — Носвойингдан бир отим бер-чи! Миянинг қатиғи чиқиб кетди.

Тиржайганча чўнтак ковлашга чоғланган ўқувчи ногоҳ орамизда турган Нажот Ғайбуллани пайқаб қолди-ю тек қотди. Сўнг жиддий қиёфада биология муаллимига юзланди:

— Кечирасиз, устоз. Мен унақа нарса чекмайман. Бошқа бировга ўхшатдингиз.

Ўқувчи минг бир хижолат билан биздан узоқлашди.

Нажот Ғайбулла бизга эл бўлолмади. Лекин у ўқувчилар тугул ўқитувчиларнинг ҳам кўнглини топишга астойдил интилар эди. Ҳатто, бир гал муаллимларни ўзининг жуғрофия кабинетига йиғиб, дунё ғаройиботларига оид кассеталарни қўйиб берди. Ҳужжатли фильмларнинг кўпи инглиз тилида экан. Янги муаллимнинг ўзи илҳом

билан шарҳлаб, тушунтириб турди. Икки соат мириқиб экранга тикилган жамоа, ниҳоят, Мексика сериалларидан-да ажойиб томошалар борлигига иқрор бўлишди.

Февралнинг бошларида фанлар бўйича туман олимпиадаси бошланди. Саралашган ўқувчиларни марказга олиб боришим керак эди.

— Устоз, менинг машинамда борамиз, — деб колди Нажот Ғайбулла.

Бу таклиф менга ҳам маъқул тушди. Қалқонов муаллим ташаббускор янги муаллимнинг дуои жонини килиб чарчамади.

Эрталаб йўлга тушдик. Яп-янги «Нексия»нинг орка ўриндиғига ястанишган болаларнинг қувончига таъриф йўқ. Гўё билимларига билим, иқтидорларига иқтидор қўшилгандай. Ҳаво совуқ. Тун бўйи ёмғир аралаш ёғиб ўтган қор дала-даштда ола-қуроқ тўшалган. Машина посёлканинг ўйдим-чуқур йўлидан охиста елиб катта трассага чиқиб олди. Нажот Ғайбулланинг жағи-жағига тегмай, иклим, тупроқ ҳақида болаларга алланималарни астойдил тушунтириб борарди. Болалар ҳам завқ-шавқ билан қулоқ солишган. Бироқ менинг негадир кўнглим ғаш, таъбим тиррик эди. Назаримда ўқувчилар мен ва Нажот Ғайбуллани зимдан-зимдан таққослаб баҳслашаётгандай: Нажот «Нексия» ҳайдаб боряпти, мен эса тиришибгина ўтирибман. Қундуз телпак, чарм камзул уники, боғичи шалвираган қуён тери телпак, эскигина плаш меники, Нажотнинг болаларга айтар гапи жуда кўп, мен эса ҳатто дарсда керакли сўзни тополмай гангийман.

Туман марказига етиб келдик. Олимпиада ўтказиладиган мактаб ховлиси гавжум. Болалар, ота-оналар, ўқитувчилар. Машинадан тушиб бир чеккада уймалашиб турдик. Нажот Ғайбулла йўлнинг нариги бетидаги сомсапазни кўзлаб кетди. «Яхшилаб овкатланиб олишларинг керак, — деганди у йўлда болаларга, — эсам калларинг ишламай қолади». Янги муаллимни кута бошладик. Шу пайт пўрим кийинган йўғон бир киши ўтиб колди. Ёнидаги қизи шекилли. Кўзимга жуда иссиқ кўринди. Тикилиб турганимни пайқади хойнахой, йўғон киши мен томон қаради. Қаради-ю жойида таққа тўхтади. Мен ҳам уни дарров танидим.Туманнинг донғи кетган бойларидан бири. Ёзда данғиллама уйининг томини ёпиб берган эдик. Гап орасида у менинг ўқитувчилигимни билиб

қолиб алохида хурмат-эъзоз кўрсатган. Ҳатто келишилган хизмат ҳақига анчагина қўшиб ҳам берган эди.

— Ҳа, домла, ўзларими, — деди йўғон кимса мен томон юриб. Семиз башараси тўла истеҳзо. — Какраз сиз керак эдингиз менга.

Шошма-пиша салом бериб қўл узатдим.

— Бу... томдан чакки ўтиб кетди-ку, уста домилла, — деди у истар-истамас кўришаркан. — Ҳақни ҳалоллаб олиш керак-да. Сизга ишонгандик.

Назаримда унинг товуши гулдираб бутун теваракка эшитиларди. Шу сабаб беихтиёр ўшкириб юбордим.

— Бакирманг, ака! Кар...

Ғаним бўғзимда қолди. Таниш мижоз бир интилиб ёқамга чанг солди.

— Ия, жаҳлимиз ҳам борми ҳали?! Ўх, кўрнамак!

Йўғон кимса бир силтаб тортди-ю, муз қатрон ерга чўккалаб қолдим. Қуён тери телпак бошимдан учиб кетди.

— Мактабдаги болаларни алдайсан, менимас! — ҳануз ўшкирарди эски мижоз. — Сендан бошқа уста мардикорларни ҳам кўрганмиз. Ҳеч бири нонкўрлик қилмаган! Тағин домилла эмиш бу...

Хайриятки, шу пайт Нажот Ғайбулла ўқдек учиб келди. Келди-ю йўғон кимсанинг нақ қаншаримга йўллаган гурзидек муштини ҳавода тутиб қолди.

— Нима гап? Қўйворинг! — халоскор ҳамкасбимнинг товуши босиқ, бироқ алланечук амрона эди.

Эски мижоз орқага тисарила-тисарила Нажот Ғайбуллани бир қур кўздан кечириб чиқди.

— Кечирасиз, катта бува, — деди беўхшов илжайиб. — Озгина қизишиб кетдик. Манави нонкўр, асабимни бузди.

Эски мижоз Нажот Ғайбуллани аллақандай амалдор хаёл қилди, шекилли, узр кетидан узр сўраб биздан узоқлашди.

Мактаб майдонида йиғилганлар ҳангу манг қараб туришарди. Уяту аламдан юзим мисдек қизиб, кўзларим хира тортиб кетди. Ўқувчиларимдан бири сал нарида ерпарчин бўлиб ётган телпагимни олиб узатди.

Ўша куни олимпиадани қандай ўтказиб, қандай уйга қайтганимизни эслаёлмайман. Кун бўйи уяту алам алангасида алахсиб юрдим. Устига-устак, Нажот Ғайбулла жанжал ҳақида бир оғиз ҳам сўрамади, гўё ҳеч нарса

бўлмагандай, ҳамишагидек болалар билан завқ-шавқла суҳбатини давом эттирарди. Мен уни буткул ёмон кўриб қолдим. Кўнглимдаги ҳавас аллақачон ҳасадга айланиб улгурган эди!

Хаёлларим алғов-далғов бўлиб кетди. Эски мижознинг истеҳзоли юзи, муаллақ қолган мушти мени кечаю кундуз таъқиб қилиб юрарди. Юрсам ҳам, турсам ҳам у ҳақида ўйлардим. Ўйлаганим сайин ўзимни ўша бойвачча олдида гуноҳкор санайман. Чин-да, иззат-икром кўрсатиб, қўйин-қўнжимни тўлдириб жўнатганди-ку?! Бир ойлик меҳнатимга берган ҳаки рўзғоримнинг бир йиллик каму кўстини бутлади-ку, бола-чақа бир қур яйради-ку? Лекин астойдил ишлагандик. Нима жин тегди экан томга?

Шундай алғов-далғов хаёллар исканжасида уч кун ўтди. Пайшанбадан жумага ўтар кечаси ёмғир ёға бошлади. Жума куни эрталаб, ёмғир қорга айлана бошлаган бир пайтда мен саккизинчи синфда эдим. Физика дарси. Синфхона хийла совуқ. Ўқувчилар устки кийимларига бурканиб, бесаранжом ўтиришибди: ўзаро пичирлашган, шарақлатиб китоб-дафтар варақлашган, алланималарни талашган... Айниқса, қай бир бурчакда ўтирган ўқувчининг қув-қув йўтали асабларимни баттар эговлайди.

Бир амаллаб йўқлама қилиб бўлгач, дераза тараф хомуш тикилиб ўтирган қизни чорладим:

— Болтаева, ўтган дарс қанақа мавзуни ўрганган-дик?

Қиз норизо чимрилганича ўрнидан турди.

— Ньютоннинг биринчи қонуни.

— Ўтир. Искандарова! — шивир-шивири ҳеч ҳам тугамаётган, озғингина ўқувчини чорладим. — Доскага кел. Ўтган мавзу бўйича би-ир сўйлаб бер-чи.

Искандарова қунишибгина доска ёнига келди.

— Ньютоннинг биринчи қонуни — ҳар қандай жисм унга бошқа жисмлар таъсир қилиб...

Мен дераза ортида чарх уриб ёғаётган қор учқунларига термилганча хаёлга чўмдим: «Анавининг томидан роса чакка ўтган бўлса керак...»

Бир пайт хушёр тортиб ўтирилсам, ўқувчи қиз жимибгина ҳукмимни кутиб турибди. Қулоқларимнинг шанғиллаб туришига қараганда тузук жавоб берганга ўхшайди.

— Яхши. Ўтир, Искандарова, — дедим хижолатланиб.

Сўнг синф журналига қараб, анчадан бери баҳоланмаган Хўжамов Нурматни чорладим. Аммо, бу ўқувчимнинг ҳам жавоблари қулоғимга кирмади, ҳисоб. Бетизгин хаёллар беихтиёр олиб қочарди: «...ҳақни ҳалоллаб олиш керак... тешиб чиқади...»

Охири, чидаёлмадим. Ўқувчиларга навбатдаги саботини шоша-пиша тушунтирган бўлдиму мақсадга кўчдим.

— Болалар! — овозим алланечук титраб чиқди. — Илтимос, тўполон кўтармай, жимгина ўтириб туринглар. Зарил бир ишим бор, бормасам бўлмайди...

Шунда мен... шунда мен кўзимга ҳамдардлик билан термилиб турган йигирма жуфт беғубор содда кўзларни кўрдим!

Эскигина пальтога бурканиб ўтирган синфбоши Алишер ўрнидан турди.

— Устоз, — деди у суяклари бўртган, серқадоқ қўлларини кўксига қўйиб. — Сиз бемалол. Биз жимгина дарс қилиб ўтирамиз. Ишонинг.

Томоғимга алланима тиқилиб ташқарига отилдим.

Аҳдим қатъий эди. Ўша чиқишда тўппа-тўғри уйга бордиму асбоб-ускунани орқалаб туман марказига кетдим. Эски мижознинг уйини топиш осон эди. Чошгоҳга яқин ёмғир-қорда ивиган кўйи данғиллама ҳовлига кириб бордим.

«Ҳаққимни ҳалоллагани келдим» — дедим ҳангу манг қотган ўша йўғон кимсага.

У хижолатланиб мени меҳмонхонага бошлаб кирди. «Э, домилла, аллақачон тузаттирганман уни, — деди, — бекор овора бўлибсиз-да».

Ўша куни азиз меҳмон бўлдим. Бойвачча кун пешиндан оққан бир пайт ўз машинасида мени мактабгача олиб келиб қўйди. «Домилла, шугинани олиб қўйинг, — деди йўл-йўлакай чўнтагимга пул тиқиштириб. — Узр, озгина бўп қолди, биз ҳукумат эмас-да, кўп-кўп узатгани». Қувноқ хайрлашдик. Руҳим енгил, димоғим чоғ эди. Дарслар тугаб қий-чув билан қайтаётган ўқувчилар орасидан синфбоши Алишерни топиб вазият ҳақида сўраб-суриштирдим. Ҳаммаси жойида. Асбоб-ускуна солинган копни ўғлимдан бериб юборгач, мактабга кирдим.

«Ўқитувчилар хонаси»да Қалқонов муаллим, Нор-

хол ва Нажот Ғайбулла ўтиришган экан. Норхол мен томон ташвишланиб кўз ташлади-ю, димоғим чоғлигини кўриб чеҳраси ёришиб кетди. Жилмайди.

Нажот Ғайбулла алланималар ҳақида куйиб-пишиб гапирар эди. Унинг эҳтиросли гап-сўзларидан англадимки, у Самарқанду Бухоро томонларга саёҳат уюштирмоқчи экан. Улов масаласи ҳал бўлар эмиш.

— Яна пул йиғарканмиз-да? — дея хуркибгина сўради директор.

Нажот Ғайбулла енгил кулиб, елка учирди:

— Нега энди? Махсус фонд.

— Нажотжон, — беихтиёр зорланиб юборди Қалқонов муаллим. — Тинч қўяйлик шу ғамхўр фондни! Билдик, кўрдик, жуда мехрибон, таълим-тарбияга жонкуяр экан! Илтимос, болам, оч қорнимиз, тинч қулоғимиз. Шу Самаркандни худо хоҳласа, бир кун томоша қилармиз.

Енгилгина кулишдик. Нажот Ғайбулла ўйчан тўнғиллади:

— Болаларга ваъда берганман-да.

Орадан бир ҳафта ўтиб хушхабар олдик. Физика бўйича олимпиадага борган ўқувчи биринчи ўринни олибди!

— Табриклайман, устоз, — дея ҳаяжон билан қўлимни қисди Нажот Ғайбулла. — Бу сизнинг меҳнатингиз! Кам бўлманг.

Қалқонов муаллимнинг ҳам кувончлари чексиз эди.

— Боймуродбой, насиб бўлса, районнинг навбатдаги фахрий ёрлиғи сизники! Қани, қарз бўлиб тураверингчи, кейинроқ юварсиз.

Мен... мен аввалига жуда қувондим. Шундай тиришқоқ, илмсевар, машаққатларга қарамай, ўз устида ишлайдиган ўқувчиларимиз борлигидан бошим осмонга етди. Сўнг туйқус кўнглим ғашланди: «Устозман деб керилишга ҳаққим борми? Шу ўқувчининг камолига қанча хисса қўшганман ўзи? Синфхонага кириб-чиқиб туриш, мавзуни бир амаллаб тушунтириш етарлимикан?..»

Ўша куни Нажот Ғайбулла қувончдан ял-ял ёниб, биқинимдан нари кетмади. Унинг бировлар ютуғидан бунчалар ҳаяжонланиши жуда ғалати туюлди менга. Гоҳ ажабланиб, гоҳ энсам қотди.

— Устоз, насиб бўлса, вилоят мусобақасига ҳам бирга борамиз, — деди у яна қўлимни қисиб.

Йўқ, Нажот Ғайбулла билан вилоятга бориш насиб этмаган экан. Кўп ўтмай, домла Ҳуррамовичнинг фидокорона меҳнати туфайли янги муаллимнинг сирлари фош бўлди. Ниҳоят, ундан қутилиб енгил тортдик!

Нажот Ғайбулла бизга бегона эди. Биз-чи?! Бу ёғини ўйласам, тўғриси тубсиз жар лабида тургандек ҳис қиламан ўзимни. Бироқ айнан шу савол хаёлимда тегирмон тошидек бот-бот айланаверади. «Биз-чи?! Ишқилиб, биз мактабга бегона эмасми?..»

Ўз қўлим билан ёзганларим шу. Кўнглимдаги туйқус шаррос қуйилиб кетганидан ўзим ҳам ҳайрону лолман. Мана, битикларимни яна бир карра ўқиб чиқдим. Бироқ кўнглимда на қўрқув, на севинч, на афсус, на-да умид. Юрагим, хаёлларим алланечук бўм-бўш.

• • •

(Домла Х.Хуррамовичнинг тушунтириш хати)

Олий тоифали ўқитувчиман. Тарих, ҳуқуқ каминанинг қўлида. «Тарих қўлингдами, демак келажак ҳам сеники», деган пурмаъно ҳикмат бор. Раҳмат, доноларнинг юксак ишончи учун, раҳмат. Халқ номидан, юрт номидан қўлимдан келганини қиламан.

Текширувчилар, кузатувчилар кўп келади мактабимизга. Ҳаммалари каминанинг камтарона фаолиятига юксак баҳо беришган. Тарих, ҳуқуқшунослик ўта мураккаб, ўта масъулиятли. Бу фанлардан сабоқ бериш учун нафақат билим, нафақат тажриба, балки талант ҳам керак экан. Минг шукрлар бўлсинки, бу хислатларнинг ҳеч биридан каминани қисмаган. Менинг ҳар бир дарсим — санъат. Мана, ўқувчиларим гувоҳ. Улар сабоқларимни парталарга қапишиб, нафас олмай тинглашади. Ўзим ҳам беихтиёр дарс дунёсига шўнғиб кетаман-да: гоҳ мисли Темур бобо, гоҳ ҳазрати Жорж Вашингтон бўлиб ҳайқираман. Зарбу зўримдан баъзан доска, баъзан стол-стул шикаст топган пайтлар ҳам талайгина. Менинг сабоқларим таъсиридан жуда кўп ўқувчилар ҳуқуқшунос, қонуншунос бўлмоқни орзу этишади. Бунга ҳам мисоллар кўп.

Мактабимизда пайдо бўлган Нажот Ғайбулла бир гал жуғрофия кабинетида видеокассета қўйиб берди. Аллақайси мамлакатнинг маориф тизими ҳақида экан. Кў-

риб-эшитиб на куларимни, на йиғларимни билмай қолдим. Ўша мамлакатда болаларни ўн саккиз ёшигача қора меҳнатга жалб этиш жиноят экан. Мактаблари нақ жаҳонгирларнинг қасридай. Егулик, ичкилик муҳайё. Ҳатто бемалол уйқуни урадиган хобхоналари бор, гўё у ерга ўқишгамас, дам олишга боришади бу арзандалар. Болаларни кўрдик. Ҳаммаси қоғозга ўралган попук қанддек.

«Йўқ, – дедим ич-ичимда, – бунақа йўл-йўриқ бизга тўғри келмайди». Чин-да, унака тайёрга айёр, инжик болалардан худо сақласин. Биз соғлом авлод учун курашяпмиз. Анавиларникига ўхшаш шарт-шароитларда болаларимиз мўрт, иродасиз, заиф бир тўдага айланиб қолади. Шунинг учун уларни гўдаклигиданоқ ҳаёт хўрликларида, қора-оқ меҳнатларда чиниқтириш зарур. (Бу борада пахта пайкалларимиз хўб қўл келади-да!) Овир меҳнатдан, очлик-муҳтожликдан ҳали ҳеч ким ўлмаган. Мана, масалан биз. Шўро даврининг барча кўргиликларини кўрдик. Бошимизда қилич ўйнаб турарди-я?! Йўқ, ўсиб-улғайдик, ҳеч кимдан камимиз йўқ. Муҳтожлик фаровонликнинг, меҳнат роҳатнинг қадрига етишга ўргатди. Машаққатлар ёшларни курашга чорлайди, иродали, интилувчан авлодга айлантиради. Мана, мисол учун кўп узоққа бормай, куни кеча олимпиада мусобақасида биринчи ўринни эгаллаган ўқувчини олайлик. Шугина ҳам пахта пайкалидан декабрнинг бошларида қайтди. Бутун бошли синф уч-тўрт дарсликни галма-гал ўқишади. Устига-устак посёлкада кечаси соат тўққиздан сўнг электр узиб қўйилади. Қадрдон шам, лампа чироқ ишга тушади. Шундай қийинчиликлар халиги ғолиб ўқувчимизни букиб-енгиб қўймаган-ку?! У илм учун интилди, тиришди. Натижа эса аъло. Мана, сизга соғлом авлод!

Менким, олий тоифали ўқитувчи, Тарих, ҳуқуқ илкида бўлган зот қатъий айтаманки, турмушимизда учраб турган айрим камчилик ва қийинчиликлар эрта-индин барҳам топади. Арзимас хато, арзимас машаққат деб дунёга айюханнос солиш марднинг иши эмас. Майда-чуйда қусурларга чалғимай кўзимизни каттароқ очайлик, ҳушёр ва огоҳ бўлайлик, бошимизда бошқа жиддий хавф-хатарлар айланмоқда. Мустақиллигимизнинг ҳар хил ёвлари теварагимизда изғиб қолган. Динни қалқон қилган ёт унсурлар ўз ғояларига ёшларимизни эргаштириб кетишяпти. Ана ўшаларнинг ғоясига қарши ғоя билан кура-

шиб, пешонасидан дарча очиб қўйишимиз керак. Юрагида ватан туйғуси бор ҳар бир фуқаронинг шарафли бурчи бу. Бунақа туйғу каминага ҳам ёт эмас, албатта. Дарсда ва дарсдан бўш вақтларимда жамоат ишлари билан фаол шуғулланаман. Шу сабаб нафақат мактаб аҳли, балки маҳалла-кўйдагилар ҳам мен яқинлашган дам огоҳ ва ҳушёр бўлиб қолишади. Кўзларида душманга нисбатан нафрат ва ғазаб учқунлари порлайди, теваракка безовта-безовта аланглашади. Мен эса тинчлик-хотиржамлик учун камтарона улуш қўшаётганимдан қувонаман.

Шундай кунларнинг бирида Нажот Ғайбулла — янги муаллим пайдо бўлди. Кўриниб турибди — бирорта бойваччанинг инжиқ эркатойи. Тагида машина, сарупоси қимматбаҳо, юз-кўзида бойваччаларга хос ғурур, ўзига ишонч. Бунақа киёфа мактабдек камтар-камсукумлар масканига мутлақо ёт. Сирли ва хатарли нусха пайдо бўлганини юраккинам дарҳол сезди. Янги муаллим ҳақида зудлик билан совхозимиз хўжайини Чинор Тоштемировични огоҳлантирдим. «Эринмасангиз кузатаверинг уни», — деди хўжайин ижирғаниб. Албатта, бунақа шубҳали нусхалар ҳақида эшитганда ул зот ижирғанади-да. Хуллас, Чинор Тоштемировичдан фатво олиб, енг шимариб ишга киришдим. Нажот Ғайбулланинг ҳар босган кадамини кўздан қочирмай, ҳар айтган сўзини ҳижжалаб мулоҳаза қилдим. Аҳён-аҳён ўзини илмоқли-сиртмоқли суҳбатларга тортиб кўрдим. Йўқ, бу ҳам тулки экан. Осонликча ён берадиганларга ўхшамайди. Кузатиб, тусмоллаб билдимки бошқа муаллимлар ҳам Нажот Ғайбуллага бегонасираб-бегонасираб қарашяпти. Фурсатни бой бермай, дуч келган ҳамкасабани чеккага тортаман: «Ҳушёр бўлайлик... жинсликни қўлдан бермайлик, сал ғалати йигит экан-да, а?!»

Ҳамкасабалар ҳушёрлик билан ҳуркиб кетишади. Қўрқоқлар.

Аммо тан олиш керак, Нажот Ғайбулла болаларга жонкуяр, дарс ўтишга устаси фаранг экан. Ҳеч қайсимизга ўхшамайди-я?! Менким, олий таълимли ўқитувчи ҳам янги муаллимга беихтиёр қойил бўлиб қолган кезларим ҳам топилади. Лекин дарҳол ўз муқаддас бурчимни эслаб, ҳушёрлик калимасини бот-бот қайтардим.

Учинчи дарс қизғин бораётган пайт эди. Тўққизинчи синф билан шуғулланяпман. Зерикиб деразадан мундоқ қарасам, Нажот Ғайбулла ҳовлида. Қўлларини белига

тираб мактаб биносини синчков-синчков кўздан кечирянти. «Бомбага жой мўлжаллаяпти-ёв» — лип этиб ўтди хаёлимдан. Бош оғриғини баҳона қилиб ташқарига чиқдим.

Нажот Ғайбулла тааҗжуб билан қўл соатига кўз ташлади:

— Ия, танаффус бўлдими, устоз?

— Йўғ-е, сал кўнглим айнияпти, безовта бўлдим.

— Бирор ёмон нарса егандирсиз-да.

— Қайдам, — дедим илмоқли гап қилиб. — Уйда тишга босғулик нарса йўғ-у.

Нажот Ғайбулла жавоб бермай мактаб пештоқига тикилиб қолди. Мен ҳам зимдан ўша ёққа кўз ташладим.

— Устоз, — деди у пештоқдаги байроққа имо қилиб. — Байроқни алмаштириш керак, хилвираб қолибди.

Яна гапни илмоқ қилиб отдим:

— Э, хаёл жойидами, ука? Байроқ ҳадеб алмаштирилаверадиган нарсами?

— Ия, эскирса ҳам алмаштирмайсизми? — Нажот Ғайбулла юзимга тааҗжуб билан тикилди. — Топилмас матоҳ эмас-ку, ана, ҳаммаёқда сотилади. Арзимас пул туради ўзи.

Шу пайт танаффусга қўнғироқ чалинди. Ноилож синфхонага югурдим. Нажот Ғайбулла сиртмоқларимдан қутулиб қолди, аммо шу-шу эл қатори мендан ҳуркиб, ҳурматимни сақлаб юрадиган бўлди. Илк зарбаданоқ ёмон натижага эришмадим.

Нажот Ғайбуллага бу овлоқ чўл қўйнидаги овлоқ мактабда пишириб қўйибдими? Мақсади нима унинг? Шунчалар муаллимликни севаркан, ана, катта-катта шаҳарларда, чин бўлмаса, туман марказида мактаб қуридими? Қизиқ, нега айнан хилват жойни танлаган у? Дарвоқе, икки йилча пойтахтда ҳам ишлаган экан-ку, нега *ишдан кетган, қувилганми, қочганми?*

Шундай беадоқ шода-шода саволлардан бошим қовлаб кетади. Тунлари уйқум қочиб юриб чиқаман. Ниҳоят, чуқур-чуқур мулоҳазалардан сўнг ўзимча жумбоқларга ечим топгандай бўлдим.

Нажот Ғайбулла ашаддий нашафуруш! Уни чақмоқдай қилиб қўйган бойлиги ҳам шунинг орқасидан. Қай бир кун телевизорда кўрсатишган эди. Россияда «қора дори» савдоси билан шуғулланадиган тўда қўлга олинибди. Энг даҳшати, улар заҳри қотилни болалар ора-

сида таркатар экан. Аввалига татиб кўриш учун бепул, сўнг арзонроқ, охир-оқибат, чинакамига пуллашга тушишган. Бангиликка мубтало бўлган болалар зиғирдекина захри қотил сотиб олиш учун ота-оналарининг қимматбаҳо нарсаларини оғуфурушларга келтириб беришган, ўғриликлар қилишган.

Нажот Ғайбулламиз ҳам ўшандай ёвуз тўдадан бўлса ажабмас. Ўзини болапарвар, илмпарвар кўрсатиб, мактаб жамоасининг ишончини қозонишга астойдил бел боғлаган! Ҳатто, қай гўрландир дарсликлар олиб келди, кейинроқ аллақандай телеаппаратуралар келтирди. Биламан, буларнинг барчаси ўз харажатидан. Ишонадики, бу арзимас сарф-харажатлари бир куни жарақ-жарақ тилла танга бўлиб қайтади. Аллақандай махсус фонд ҳақидаги гаплари чўпчак. Ҳатто, унинг айнан шу уйдирмаси менда шубҳа уйғотди. Нажот Ғайбулла телеаппаратуралар келтирган куннинг индинига, «махсус фонд» ҳақида сўраб-суриштиргани туман маориф бўлимига бордим.

Домла Эркабоев мени жуда илиқ кутиб олди. Хийла вақт у ёқ-бу ёқдан ҳангомалашиб ўтирдик. Сўнг секинаста мақсадга кўчдим.

— Домла, шу... вилоят марказида мактаблар учун аллақандай махсус фонд бор экан-а? Эшитишимча, муаллимларга жуда ғамхўр эмиш. Нима камчилик, нима зарурат бўлса дарров ҳал қилиб берармиш...

Мен маориф мудирининг хохолаб кулиб юборишини кутиб турардим. Эркабоев дам қизариб, дам бўзариб жаҳл билан ўрнидан туриб кетди.

— Домла Хуррамович! Нима етмаяптими сизга, а, нима?! Энди вилоятга шикоят қилмоқчимисиз?! Олий тоифа дедингиз, бердик, икки-уч марта мукофот дедингиз, тўғриладик, икки марта Чортоққа йўлланма қилиб бердик! Мен сизни сира тушунмадим, домла. Нима керак тағин, жаноби олийлари, а, нима?!

Кутилмаган зарбадан эсанкираб қолдим. Ўзимни оқлаш учун, асл мақсадимни англатиш учун қилган уринишларим бехуда кетди, бехуда! Эркабоев гапирганим сайин тутоқиб, оғзидан боди кириб, шоди чиқиб, мени кўз очиргани қўймади. Охири, бир амаллаб қочиб қутилдим.

Ана шунақа! Лоқайдлик ва қўрқоқлик касридан «махсус фонд» сирини очолмай қолдим. Лекин рухан тушганим йўқ. Арқонни узун ташлаб, кузатув-текширувларни

давом эттирдим. Дарс пайтлари аҳён-аҳён мактаб йўлагига чиқиб, Нажот Ғайбулла шуғулланаётган синфхонанинг тирқишидан мўралаб келаман. Очиғи, янги муаллимнинг дарс ўтиш услубини кўриб, соҳир овозини эшитиб, хузурланган кўйи беш-олти дақиқа эшик ёнида қолиб кетаман. Ҳатто бир гал мени шу ҳолда Қалқонов муаллим кўриб қолди. Бироқ хеч бир шубхага бормай таҳин кабинетига кириб кетди.

Афтидан у ўқитувчиларнинг Нажот Ғайбулла эшиги ёнида тез-тез пайдо бўлишига ўрганиб қолган эди.

*Мен баъзи бир баҳоналар билан юқори синф ўқувчи*ларининг папкаларини текшириб чиқишга ҳам муваффақ бўлдим. Бироқ қотган нон ушоқларидан бўлак хеч қанақа шубҳали кукун тополмай ҳафсалам пир бўлди. Ҳатто айрим ўқувчиларни алдаб-сулдаб ганга солиб кўрдим. Еса, чекса сархуш қиладиган моддаларни татиб кўришга қизиқтирган-қизиқтирмагани ҳақида усталик билан сўраб-суриштирдим. Болалар аввалига ҳеч вақога тушунмай анграйиб туришди, сўнг кескин бош чайқашди.

«Ҳечқиси йўқ, — деб ўйладим мен бўшашмай, — ҳали улгурмаган, ё болаларни қўрқитган».

Бир куни синфхона эшигининг тирқишидан кузатар-канман, Нажот Ғайбулла ўқувчиларга алланималарнидир тарқатиб чиқаётганини илғаб қолдим! Муаллим улашаётган нарсаларни айрим ўқувчилар ажабсиниб, айримлари қувона-қувона олишарди. Бутун вужудимга севинч ва ҳаяжон ўрмалади. «Нихоят...!»

*Мен синфхонага қўққис бостириб киришни мўлжал*ладиму бироқ дархол фикримдан қайтдим. Бунақа олам-шумул тафтишда раҳбарлардан биров-ярим бўлиши керак-да. Қонун шунақа, ҳуқуқ шунақа!

Мен Қалқонов муаллим бақира-чақира дарс ўтаётган синфхона эшигини бориб тақиллатдим. Ҳаял ўтмай, директор пайдо бўлди.

— Чў, такой? — деди у норизо чимирилиб, хойнаҳой, рус тили дарсининг белига тепганимни ўктириб қўймокчи бўлди у. Мен шоша-пиша вазиятни тушунтирдим.

Директорнинг кийик кўзларига тахлика оралади.

— Норхолиям чақирайлик, — деди у ботинмайгина.

Илмий мудира «Ўқитувчилар хонаси»да асабийлашган кўйи Вазирлар маҳкамасининг якшида чиққан Қарори бўйича ўқув режаси тайёрлаб ўтирган экан. Воқеа ҳақида эшитиб ховликканича ўрнидан туриб кетди.

— Қани, кўрайлик-чи.

Узун-қиска Нажот Ғайбулланинг жуғрофия кабинетига яқинлашдик. Аввал мен, сўнг раҳбарлар эшик тирқишидан ичкари мўралади.

Янги муаллим сокин, ширали бир товушда, жуғрофий бир мавзу ҳақида гапирмоқда. Ўқувчилар эса алланималарнидир хузур билан чайнаб, дарс тинглашяпти.

— Чин, бир гап бор-ов, — деб шивирлади директор, — болаларнинг оғзи тўла.

Норхол қатъий имо қилди:

— Кирамиз.

Туйқус синфхонага бостириб кирдик.

Янги муаллимнинг уни ўчиб, бизга ҳангу манг тикилиб қолди. Ўқувчилар чала чайнаган нарсаларини шошапиша ютиб юборишди.

Вазиятни дарҳол кўлга олдим.

— Болаларнинг оғзида нима бор?! Билсак бўладими?

Нажот Ғайбулла қимтиниб-қимтиниб сас берди:

— Банан.

— Банан?! Нима у? — сўради Қалқонов парталар оралаб юраркан.

— Тропик мева, — деб илжайди Нажот Ғайбулла. — Бугунги дарсимиз тропик мамлакатлар хакида, устоз. Болалар мавзуни чуқуррок ҳис қилсин, деб банан улашиб чиққандим. Бу ҳам бир тажриба-да.

— Кўрсак бўладими? — деб сўрадим мен, сир бой бермай.

Нажот Ғайбулла дераза токчасидаги қоғоз қутига интилди.

— Марҳамат. Роппа-роса уч дона қолган. Сизларнинг насибангиз, устозлар.

— Кечирасиз, ҳамкасаба, — дея ўнғайсизликни хайдаган бўлди Норхол. — Ҳамма синфларни текшириб юрибмиз. Юқоридан шундай буйрук келди.

Синфхонадан чиқарканман, чув туширган бўлсам-да ўзимни мардона тутдим. Раҳбарлар муқаррар берадиган танбеҳларга хаёлан жавоб ҳозирладим. Йўқ, хуштаъм мева жонимга оро кирди.

— Раҳмат сизга, домла Хуррамович, — деди Қалқонов муаллим ҳузурланиб банан чайнаркан. — Тез-тез кузатувда давом этинг. Япон сакесидан ҳам қуруқ қолмайлик тағин.

Норхол пиқиллаб кулиб юборди.

Майли масхара қилса қилаверишсин, мен барибир бўш келмайман. Аллақандай кўнгилсизлик, англашилмовчилик олдида чекинаверсак, юрт тинчлик-хотиржамлиги, болалар ҳимояси учун ким курашади, ким?!

Кузатув-текширувларда яна давом этдим. Аммо Нажот Ғайбулла хам илоннинг ёғини ялаганлардан экан. Ҳеч тутқич бермади. Қайтанга обрўси ошиб, жуғрофия кабинетининг шов-шуви юқори идораларгача бориб етди. Тақдирнинг бундай аччиқ хазилига ортиқ чидаб бўлмас эди. Чора-тадбирлар кетидан чора-тадбирлар излаб топишдан чарчамадим. Қани энди қурғур захри қотилнинг кукунидан уч-тўрт чимдим топиб келсангу анавининг чўнтагига солиб қўйсанг, дарров қўлига кишан кийгизсанг?! Хайрли ишнинг эртароқ битгани яхши-да!

Тунларнинг бирида бедор уйғониб ётар эканман, илохий бир сас қулоғимга эшитилгандай бўлди: «Ҳужжатларини текшир, ҳужжатларини...» Худди шу сас тонгга қадар калламда, юрагимда акс-садо бериб турди.

Эртаси куниёқ Қалқонов муаллимни бир чеккага тортдим. Гапни дунёнинг нотинчлигидан бошлаб Россияда қўлга олинган нашафурушлар тўдаси хақида айтдим. Қарангки, рус тили муаллими бўлса-да, жаноб директор Россиядаги воқеалардан бехабар экан.

— Янги муаллимдан шубҳам бор, — дедим, ниҳоят, мақсадга ўтиб. — Ўшанақа гуруҳлардан бўлса ажабмас.

— Яхшигина ишлаб юрибди-ю, — деб тўнғиллади директор истамайгина.

— *Кўза кунда эмас, кунида синади, домилла.*

— Нима қилишим керак, ахир?

— Ҳужжатларини текшириш зарур.

— Синчиклаб қараганман, ҳаммаси биноийдеккина.

— Э, махсус текширув керак, масалан, дипломи хақиқийми? Ростданам ўқиганми ё сотиб олганми?

Қалқонов муаллимнинг энсаси қотиб тўнғиллади:

— *Домла Хуррамович, кимга зарил ортиқча ташвиш.* Ана, зўр ишлаб юрибди-ку?!

— Сиз, ҳушёрликни бой беряпсиз. Бирор кор-ҳол бўлса бошингиз кетади-я?!

Қатор ижтимоий-сиёсий кўрсатмаларни пеш қилиб дадил-дадил талаб қилганимдан сўнг, ниҳоят, Қалқонов кўнди. Нажот Ғайбулланинг ҳужжатларини бир ҳафталик муддат билан қўлимга топширадиган бўлди.

— Домла Хуррамович, сизга ишондик, — деб зорланди директор. — Мени сарсон қилмай, ўзингиз текширтираверинг. Қари одамман...

Албатта-да. Кексаларимиз ҳурмат-иззатда бўлиши керак. Бу ёғини ўзимиз тўғрилаймиз.

Нажот Ғайбулланинг ҳужжатлари солинган сариқ папка қўлга теккач, гўё унинг ўзи чангалимга тушгандек бошгинам мағрур кўтарилди. Кучимга куч, ақлимга ақл қўшилди. Ичимда бир сас текширувни дипломдан бошлаш кераклигини тинмай уқтирарди. Охири қалбимга қулоқ солдим. Бироқ мен ҳужжатни махсус идоралар орқали текширтириш ниятидан воз кечдим. Биринчидан, улар жуда банд, фурсат топиб сўровнома, талабнома қилгунларича хийла вақт ўтади. Иккинчидан, янги муаллимнинг дипломидан кусур топилмаса шов-шув кўтарилиб, шарманда бўламан. Керак бўлса, асоссиз даъволар билан масъул кишиларни чалғитиб, вақтини ўғирлаганим учун бошимда ёнғоқ чақишади.

Мен пойтахтга ўзим бориб келишга қарор қилдим. Атиги беш-олти соатлик йўл. Шу баҳона ҳаво алмаштириб, у ёқ-бу ёқни томоша қилиб келаман. Жўнадим.

Вой-бў-ўй! Ана шаҳару мана шаҳар! Ана пойтахту мана пойтахт! Кўчаларда одам қайнайди. Кенг, текис йўлларда машиналар қатор-қатор, чинқириб елишади. Бозору дўконлар, идора-ю маҳаллалар бир-биридан серҳашам, гўзал. Ишқилиб, пойтахти азим камина кўрмагандан бери жуда ўзгариб, серфайз, жозибадор бўлиб кетибди.

Мен ўтирган автобус кун пешиндан оққан бир пайтда етиб келди. Сон-саноқсиз кираверишларнинг ҳай-ҳайлашига қарамай тушасолиб ўзимни метрога урдим. Нажот Ғайбулланинг дипломида кўрсатилган институтнинг қаерда жойлашганини яхши биламан. Қийналмай топишга кўзим етади. Чин бўлмаса, бировдан-яримдан сўраб суриштираман. Қолган юмушлар осон. Институт раҳбариятига кирамиз. Керакли маълумотларни текшириб оламан. Мабодо, бахтга қарши, ҳаммаси жойида бўлса, гулдир-гул. Қайтиб бораману директорга ҳужжатни қайтиб бераман. «Ҳозирча текширувчининг имкони йўқ экан», деб баҳона қиламан қўяман. Қолганини вақт кўрсатади.

Шундай таскинбахш хаёллар оғушида, одамлар изиҳомига аралашиб метро йўлагига кирган пайтим ким-

дир елкамга нуқиди. Қарасам, юз-кўзлари хушёрлик, салобат балқиб турган милиционер!

— Ака, хужжатларингизни бир кўриб қўяйлик, — деди у эҳтиром кўрсатиб.

— Хўп, командир, хўп.

Чўнтагимдан паспортимни чиқариб узатдим.

Милиционер хужжатимни очиб кўриб:

— Ортимдан юринг-чи, — деди. Ҳайрону лол аҳволда посбонга эргашдим.Стол-стуллар қўйилган, электр чироғидан чароғон бир хужрага кирдик. Ичкарида яна бир милиционер алланималарнидир ёзиб-чизиб ўтирибди.

— Мана, яна биттаси!

Мен бошлаб борган посбон қўлидаги паспортимни шеригининг олдига ташлади.

Кўп ўтмай икки милиционер бири кўйиб бири олиб сўроққа тута кетди. Сўрок-тергов жону дилим бўлса-да, айни чоғ посбонларга малолланиб-малолланиб жавоб бердим.

— Қаердан келдингиз?

— 41-посёлкадан.

— Нима иш қиласиз?

— Ўқитувчиман.

— Нима мақсадда келдингиз пойтахтга?

— Зарил бир иш. Вазирликка маслаҳатга чақирган!

— Вазирликка?! Маслаҳатга! Шикоят билан келганман, деб тўғрисини айтиб кўя қолсангиз-чи. Ҳозир ҳеч ким осонликча пойтахтга оёк босмайди. Ё бировнинг дастидан дод солиб келади, ё ўладиган касал, дўхтурга кўрсатиш керак.

— Мен тўғрисини айтдим.

— Яхши... А, *пойтахтда прописказиз юриш* мумкин эмаслигини биласизми?

— Билмайман. Чет эллик эмасман-ку, мумкиндир-е?

— Чет вилоятдансиз-ку?! Хуллас, гап бундай, биз сизни уч кунлик хибсда тутамиз. Яшаш жойингизга сўровнома жўнатамиз. Жавоб келгунча панжара ичида ўтириб турасиз. Мабодо хаммаси яхши бўлса, сизни шаҳардан чиқариб юборамиз. Кетаверасиз юртингизга.

Қарасам, посбонларнинг юз-кўзида ҳеч бир ҳазилхузул аломати йўқ. Бири дарров қоғоз-қалам олиб аллақандай хужжат тўлдиришга киришди.

Беихтиёр қўлига ёпишдим.

— Укалар, хозирок кайтиб кетаман! Илтимос, коғозпоғоз тўлдириб ўтирманглар.

— Қаршилик қилинмасин ўртоқ! — ёнимда тик турган милиционер қўлларимни силтаб ташлади. — Органга қаршилик қилмоқчимисиз?

Шу пайт эшикдан тағин бир қоп-қора милиционер кириб келди. Унга кўзим тушди-ю кувончдан ирғишлаб туриб кетдим.

— Абрай?! Ўзингмисан, ука?

Ҳа, бу чиндан ҳам Қобил тракторчининг ўғли Абрай! Ўзимнинг шогирдларимдан. Мактабни амал-тақал битиргач, прокурор бўлиш орзусида пойтахтга бош олиб кетган эди. Мана учрашдик. Бошланиши чаккимас — резина таёғи ярашиб турибди, димоғи ҳам баланд.

— Ҳа, домилла, — деб кўришди Абрай мен билан. — Нима қилиб юрибсиз бу ёқларда.

Узоқ ҳол-аҳвол сўрашгач, шогирдимга вазиятни тушунтирдим, аммо сир бой бермай, унга ҳам вазирликка келганимни айтдим.

Абрай норизо чимирилиб турган шерикларидан паспортимни олиб қўлимга тутқазаркан:

— Буларникиям хизматчилик-да, домилла, — деди. — Совуқни совуқ, иссиқни иссиқ демай қўриқчилик қилишади. Иш оғир, масъулиятли. Сиздай тушунган, жонкуяр биров-ярим фуқаролар кўярда-қўймай уч-тўрт танга тамаки пули ташлаб кетишади, меҳнатимизни қадрлашади-да. Баъзи бировлар эса...

— Албатта, албатта, — деб ўз ихтиёрим билан чўнтак ковлашга тушдим. — Биз баъзи бировлардан эмас, ука. Тинчлик-осойишталик учун қилинган хизмат тақдирланиши керак.

Абрай ва унинг шериклари мен узатган чойчақани олишдан қатъий бош тортишди. Бир амаллаб кўндирдим.

Собиқ шогирд билан қуюқ хайрлашдик. У мени метро поездигача кузатиб қўйди.

Ишимнинг бу ёғи осон ва силлиқ кечди. Нажот Файбулланинг дипломида кўрсатилган институтни қийналмай топдим. Ҳойнаҳой фариштa-ю малойикалар мени етаклаб юришган экан. Институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори мени илиқ кутиб олди.

Мақсадимни тушунтирдим:

— ...шуйтиб, дипломни би-ир текшириб келинг, деб

мени бу ёққа жўнатишди. Ўзингизга маълум, замон қалтис, дунё нотинч.

Сочу қош-киприклари оппоқ проректор мен узатган дипломни қўлига олар-олмас бош чайқади:

— Бунингиз қалбаки, ясама, домла. Юз фоиз ишонч билан айта оламан, қалбаки диплом. Бунакасини илгари ҳам кўрганмиз.

Қувончу ҳаяжонда қулоқларим шанғиллаб, томоқларим қурукшаб қолди.

— Йўғ-е... нахотки... — дея оламан зўрға.

Проректор ёрдамчи ходимини чақириб, каминанинг илтимосига кўра, Нажот Ғайбуллага тегишли дипломнинг қалбаки, ясама эканлиги тўғрисида ёзма маълумот тайёрлашни тайинлади.

Бир соатлар чамаси вақт ичида иш битди! Чўнтагимда маълумотнома! Ҳовликканимдан пул бетига бормай киракаш ёллаб вокзалга ошиқдим. Хайрият, биз томонга юрар поезд ҳали кетиб улгурмаган экан. Шартта вагонларнинг бирига чиқиб олдим.

Поезд вилоят марказига эртаси куни чошгох маҳали етиб келди. Хуллас тўппа-тўғри мактаб ҳовлисига кириб келганимда катта танаффусга атиги ўн дақиқача вақт қолган экан.

Шижоат билан «Ўқитувчилар хонаси»га кирдим. Хона тўридаги иш столида аллақандай ҳисоботлар билан овора *Норхол Хушбоқова менга ҳангу манг тикилиб қолди.*

— Тезда ўқитувчиларни йиғинг! — дедим тантана билан. — Анави Нажот Ғайбулланинг сири очилди! Ғирт муттаҳам экан.

Мен ҳаяжону қувонч ичида Норхолнинг, нелар сўраганини, нелар деб жавоб берганимни эслай олмайман. Фақат бир оздан сўнг катта хатога йўл қўйганимни англаб етдим. Мен биратўла орган ходимларини бошлаб келиб, анави муттаҳамнинг қўлига кишан урдиришим керак эди. Ана шу ҳовликмалигимнинг оқибатидан Нажот Ғайбуллани қочириб қўйдик. У сири фош бўлганини сезди-ю, ими-жимида «Нексия»сига ўтириб жўнаб кетди. Шу-шу мактабимиздан унинг қораси ўчди. Эртаси куниёқ бўлиб ўтган воқеалар юзасидан тегишли идораларга ёзма маълумот бердим. Нажот Ғайбулла устидан жиноий иш қўзғашларини талаб қилдим. Ҳақиқат бор, истак ва талаблар инобатга олинибди. Мактабимизга икки марта терговчи келиб-кетди. Охирги тафсифида «тушун-

тириш хати» ёзишимизни буюриб кетган эканлар. Мана, бажону дил битиб қўйдик. Озгина нокамтарлик қилган ўринларимиз бўлса, узр. Мен ўз бурчимни ўтадим, холос. Бир қаллобликни фош қилганимдан, катта фалокатларнинг олдини олиб қолганимдан мамнунман, албатта. Тўғри, ҳамкасабалар орасида биров-ярим менга ғижиниб, ўкрайиб қараётганлари ҳам учрайди. Бунинг ҳаммаси кўролмаслик, ичикоралик окибати. Шундай шарафли вазифани ёлғиз уддалаганим, машаққатларидан чўчимаганим ёкмаганти уларга. Бироқ бошим баланд, кўкрагим тоғ, ғайрли нигоҳларни назар-писанд қилмайман. Чунки мен ўз ишимдан фахрланаман. Чунки мен тарих, ҳуқуқ дарслари, машойихлар таъкидлаганидек, келажак дарслари қўлида бўлган олий тоифали ўқитувчиман.

• • •

(Бошланғич синф ўқитувчиси Эшболта аканинг тушунтириш хати)

Мен бир кекса ўқитувчиман. Тавба, нимани ҳам тушунтиришим мумкин? Ҳаммаси тушдагидек, ё, ширин бир хаёлдагидек. Нажот Ғайбулла деган янги муаллим мактабимизда пайдо бўлди. Тунпа-тузук йигит, одоб-ахлоқи ҳам жойида. Сал кейинроқ ўқитувчиликни ҳам қойилмақом дўндиришини кўрдик. Масалан, мен унинг қаллоблигидан сира хабарим йўқ. Хув, бир гал дарсликлар топиб келтирганда роса хурсанд бўлганман. Кўп хамкасабалар шу йигитнинг дуои жонини қилганмиз. У ташкил этган жуғрофия кабинетини айтмайсизми? Маориф мудири Эркабоев мактабимизга ташриф буюрганида янги муаллим ясантирган хонани кўриб оғзи очилиб қолган. «Эҳтиёт қилинглар, бизга жуда зарур бунақа кабинетлар», — деди. Шунинг учун ҳам мактаб директори жуғрофия кабинетига калладай кулф остирди. Жуғрофия дарслари бошқа синфхоналарда ўтиладиган бўлди. Нажот Ғайбулла махсус жиҳозлаган хонани ундан тортиб олиб қўйганига бир оз таажжубланди, холос.

«Мехнатингизни юксак кадрлаяпмиз», дея уни овунтирган бўлди Қалқонов муаллим. Янги муаллим бошқа синфхоналарда ҳам бинойигина дарс ўта бошлади.

Эртаси куни, домла Хуррамович тарихий тўнтариш ясаган ўша кун директорнинг хонасида Қалқонов муаллим ва Норхол суҳбатлашиб ўтиришган экан.

— Эшболта ака, бу ёққа киринг, — деб чақириб қолди илмий мудира менга кўзи тушиб.

Кирдик. Ўтирдик.

— Домилла, — деб гап бошлади Қалқонов муаллим. — Озгина маслаҳатингиз керак. Нажот Файбуллага беш-олти соат биология дарси берсак, нима дейсиз? Шу *баҳона биология кабинетини ҳам ясатиб олардик-да*!

Норхол ҳам директорни қўллаб-қувватлади.

— Кўриб турибсиз, раҳбарларнинг кабинетларга эътибори кучли.

Уларнинг фикри менга ҳам ёқди. Оқ фотиҳа бердим.

Афсус, режалар барбод бўлди. Катта танаффус пайти Норхол ранги қути ўчганча ўқитувчиларни шошилинч мажлисга йиғиб юрган экан. Мен андак кечикиб кирдим.

«Ўқитувчилар хонаси» хамкасабалар билан лиқ тўла. Кимдир ўтирган, кимдир тик турган кўйи ҳангу манг қотиб қолган. Дераза ёнида Нажот Файбулла бўшашибгина турибди. Ўртада домла Хуррамович, мағрур, тантанавор қиёфада, бир қўлини белига тираб, бир қўлини гоҳ-гоҳо ҳавода қиличдек сермаяпти.

— *Қани, тушунтириб беринг-чи бизга, нега қалбаки диплом билан юрибсиз? Ҳукуматни, соддагина жамоамизни лақиллатишга ким ҳуқуқ берди сизга, ким?! Асл ниятингизни айтинг. Қанақа жиноий гуруҳ билан ҳамкорсиз. Мақсад нима, мақсад?!*

Домла Хуррамовичнинг қаҳрли ҳайқиришидан мактабнинг бетон деворлари ҳам зириллаб кетди. Йиғилганларнинг дами ичида. Хона ўртаси томон юраркан Нажот Файбулла чукур-чукур тин олди.

— Ҳа, менинг дипломим қалбаки, — дея гап бошлади у ўйчан қиёфада. — Мен бу ҳақда ҳеч кимга айтолмасдим. Аввалги иш жойимда виждоним қийналиб сиримни директорга очиб қўйгандим. Балки мени тушунар, деган хаёлда эдим. Йўқ, айюханнос солиб ишдан қувиб юборишди. Лекин, мен... лекин мен мактабсиз туролмайман, болаларсиз яшай олмайман. Биламан, ишонмайсиз, аммо ҳақиқат шундай. Болалар кулгисининг жарангидан завқ оламан, уларнинг кўзлари, сўзлари беғубор. Илмдан болаларгина ҳайратланишади. Мурғак онгига, ўй-хаёлига кириб келган озгина янгилик ҳам жажжиларни чинакамига қувонтиради, чинакамига хаяжонлантиради. Уларнинг севинчига севинч, ҳайрати-

га хайрат қўшишдан-да ортиқ қандай бахт бор? Болаларнинг беғубор қалбида янгидан-янги дунё очувчи, кўнглига илм сеҳрини солувчи инсон — бу муаллимдир. Шу сабаб бу қутлуғ касб менинг эс-хушимни ўғрилаган. Шу сабаб ўқитувчилар сафига интилдим. Афсуски, ҳеч омадим юришмади. Уч-тўрт карра пединститут остонасидан қайтдим. Бошқа соҳа бўйича ўқишга мажбур бўлдим. Лекин барибир муаллимликнинг сеҳрли дунёси мени чорлайверди, охири, қалбаки дипломга куним қолди. Азиз устозлар — Нажот Ғайбулла қўлини кўксига қўйиб ҳангу манг қотиб турган ҳамкасабаларга юзланди, унинг кўзларида жиққа-жиққа ёш айланар эди. — Азиз муаллимлар! Қисқагина фурсат бўлсада сизлар билан ёнма-ён ишлаганимдан, сизлар билан бир ҳаводан нафас олганимдан хурсандман. Сизлардан кўп нарсаларни ўргандим. Ирода, сабр-тоқат нелигини шу ерда билдим. Муаллим ҳаёти батамом жасорат, фидойилик экан! Шунча ташвишу таҳликага қўйганим учун хаммаларингиздан узр сўрайман.

Нажот Ғайбулла хона бурчагидаги илгакдан чарм камзулини, кундуз телпагини олиб кийди-да, эшик томон югурди.

— Насиб бўлса мен ҳали қайтаман, — деди у бўсағада тўхтаб, юз-кўзига синиқ бир табассум ёйилди. — Ҳужжатларимни тўғрилаб яна сафингизга қайтаман. Мени кутинг, азиз биродарлар!

Нажот Ғайбулла шахд билан чиқиб кетди. «Ўқитувчилар хонаси»га оғир жимлик чўкди. Домла Хуррамович ҳануз ўртада керилиб турар, алланеларнидир зўр бериб режалаштирар эди.

— Об-бо, — дея пешонасига шапатилади у бир пайт. — Туллакни қочириб қўйдинг-ку?! Хаммамизни авраб кетди-я!! Мен ҳам бақадек қотиб қолибман!

Хона тўридаги стулида букчайибгина ўтирган Қалқонов муаллим ҳам зўрға тилга кирди.

— Қочиб гўрга борармиди, домилла Хуррамович. Қани, унинг ҳужжатларини бу ёққа беринг.

Бир пайт домилла Хуррамович типирчилаб қолди. Дераза токчаларига, стол устига жонсарак-жонсарак аланглади.

— Ия, қани унинг ҳужжатлари?! Ҳозиргина стол устида турганди-ку?! Ким кўрди сариқ жилдли папкани?

Ўқитувчилар орасига ғала-ғовур, безовталик оралади.

— Нажот Ғайбулла олиб чиқиб кетди-ку! — овоз берди қай бир муаллим. — Рост, кўрдим. Ўзининг папкасидир деб ўйлабман.

Домла Хуррамович гоҳ манглайига, гоҳ сонларига шапатилаб ҳануз хона бўйлаб чарх урарди.

— Ах, туллак! Ҳужжатларини опқочиб кетибди-ку?! Энди нима қиламиз-а? Қочиб қутилиб кетди-я! Из қолдирмай кетди-я!

— Домла, — дея уни жеркиб ташлади Норхол. — Ўзингизни босинг. Ана, қўлингизда дипломи қолибди-ку, намунча чирқиллайсиз?

Чиндан-да Нажот Ғайбулланинг сохта дипломи домла Хуррамовичнинг қўлида. Домла бир зум айюҳанносдан тийилиб, ўзича алланималарни чамалади-да, қалбаки ҳужжатни шоша-пиша чўнтагига солиб қўйди. Теварагига сирли бир кўз ташлаб тиржайди.

— Бўлари бўлди, бўёғи кўчди, — деб яна тилга кирди Қалқонов муаллим. — Шармандамиз чиқди. Энди у ер-бу ерда гапириб юрманглар бу воқеаларни. Бировярим қизиксиниб сўраса, янги муаллимга иш ёқмади, бошқа соҳага ўтиб кетди, деб қўяверинглар.

Ҳеч кимсадан садо чиқмади. Навбатчи шоша-пиша дарсга қўнғироқ чалди-ю ўқитувчилар бирин-кетин тарқашди.

Аммо домилла Хуррамович чидаёлмай барибир органга хабар берган экан. Мана шу баҳона тушунтириш хати ҳам ёздик. Бор гап шу. Ҳаммаси тушдагидек, ҳаммаси хаёлдек...

• • •

— Қалай, Дело билан танишиб чиқдингизми? — деб сўради терговчи шоша-пиша хонага кираркан.

— Ҳа, ғирт қаллоб экан-ку, бу Нажот Ғайбулла деганлари.

— Э, нимасини гапирасиз, ҳаммани боплаб лақиллатган. Давлат ҳужжатини қалбакилаштиргани учун унга жиноят иши қўзғадик. Ким билади, тағин қанча ҳунари бор, аста-секин очилаверади-да. Менимча ҳам у бирор бир жиноий тўда одами, беҳуда бу ерларга санғиб келмаган.

— Ҳали ўзи топилмадими?

— Ҳозирча йўқ. Анави муаллимларнинг лақмалигидан фойдаланиб, ҳужжатларини ҳам гум қилган. Жуда айёр экан, қойил. Оғзаки маълумотлар бўйича излаб юрибмиз ҳозирча. Қочиб қаерга ҳам борарди, барибир топамиз.

— Балки унинг паспорти ҳам қалбакидир? Балки Нажот Ғайбулла умуман бу ернинг одами эмасдир?

Терговчининг кўзига хавотир оралади.

— Йўғ-е, нафасингизни иссиқроқ қилинг-е, у ҳолда иш тоза чигаллашади.

• • •

Пойтахтга қайтдим. Бутун шууримни ғалати бир кайфият чулғаб олган эди.

«Нажот Ғайбулла қайтади, — деб ўйлардим нафасимни иссиқроқ қилиб. — Ҳужжатларини тўғрилаб, албатта қайтади. Ахир, у болаларсиз, болалар шундай муаллимсиз яшаёлмайди!..»

Мен автобус ўриндиғига ястаниб, ҳорғин кўз юмдим.

ҚИДИРУВДАГИ ҚИЗ

Бўйдоқларга хос турмуш тарзи уфуриб турган тўзғин хона. Хона деворларига катта-кичик, ранг-баранг фотосуратлар илиб ташланган. Бурчакдаги стол устида ҳам суратқашлик анжомлари сочилиб ётибди. Стол биқинидаги стул суянчиғига (апил-тапил ечинилган, шекилли) устки кийимлар тўзғин ташлаб қўйилган. Уй тўридаги дераза ёнидаги каравотда оқ чойшабга бурканиб, бўйдоқларга хос хаёл билан ёстиқ қучганича Малик ётибди. Ҳойнаҳой, уйғоқ — чойшаб тагида бел-биқинлари, соноёқлари қимирлаб-қимирлаб турибди.

Туйқус эшик қўнғироғи жиринглади. Малик сергак тортди: «Қатиқчи-патиқчи, шекилли». У йўлакма-йўлак, уйма-уй юриб сут, қатиқ сотадиган семиз, қоп-қора аёлни ногоҳ, эслади.

Бир гал ғалати бўлган. Ўша хотин сут-қатиқ тўла идишларини кўтарганча, юқори қаватга аранг ўрлаб борар эди. Кўчада бадантарбия қилиб қайтаётган, майкачан, калта шортик кийган Малик уни зимдан кузата бошлади. Аёлнинг қалқиб бораётган кенг-дўнг орқалари бсихтиёр йигит хаёлини олиб қочди. Қизиқишми-ей, орзиқишми-ей, ишқилиб, шундай бир ажиб туйғу бутун вужудини камраб олди унинг.

— Эй, кеннойи!

Қатиқчи оғир бурилиб, пастки қават майдончасида турган, сапча юз, ярим-яланғоч қоматлари чайир йигитга қаради.

— Ҳа-а.

Малик сирли илжайган кўйи икки-уч хатлаб унга етиб олди.

— Кечирасиз, сут-қатиғингиз... хаммаси неча пул бўлади?

— Шу... — қатиқчи хануз хансираб тураркан идишларга бир-бир кўз ташлаб чамасидаги нархни айтди.

— Яхши. Ҳаммасини сотиб оламан. Бўпти, сут-қатиғингиз хам ёнингизга қолади.

Аёл хануз сирли илжайган кўйи савдолашаётган йигитнинг юзига ажабланиб тикилди.

— Нима истайсиз ўзи, ука?

— Бўйдоқ йигитлар нимани истаса шуни-да.

Қатиқфуруш хотин йигитни бош-оёқ синчков кўздан кечирди-да, алланечук қувлик билан илжайди, сўнг бутун йўлакни тўлдириб хохолади.

— Об-бо-о, укагинам-е, жа шўхсиз-ку, а?

Малик эил-замбил идишларни кўтариб аранг хужрасига киргунча кафтлари қийилиб, пай-мускуллари узилиб кетгудек бўлди.

— Вой-бу-уй, — дея хона ичига аланглади аёл, Маликнинг ортидан бамайлихотир кириб келаркан. — Сураткашмисиз дейман-а?

— Ха, — зўрға сас берди йигит, оғир идишларни бир чеккага қўйиб.

Қатиқфуруш аёл йўлакда солланганича туриб қолди.

— Қани, укагинам, аввал келишилган пулни чўзинг.

Малик унга саросима билан кўз ташлади. Оғир юк азобиданми, ё қатиқчининг безбетларча туришиданми, ичқилиб, халигина товонидан тепасигача чулғаган ёлқин сўнибгина қолган эди. «Биққилигини қара-я, — ўйлади у енгил ижирғаниб. — Қайгўрданам илакишдим... Об-бо, энди қайтиш йўқ, бир амалларман».

— Нега бўшашиб қолдингиз, йигит? — сирли кўз қисди аёл.

— Қани, марҳамат, — дея сас берди Малик, зўраки илжайиб. — Ичкари кириng-чи, ўша гапим гап, айтганингизни бераман.

— Йў-ў, аввал беринг, шер йигит.

Малик ноилож ичкари кирди-ю кийим жавонида титкилана бошлади.

— Тезроқ қимирланг-да, ўргилай, — дея минғирлаб қўйди аёл, йигит томон мўраларкан. — Тор жойда нафасим қайтади.

Малик хануз зўраки илжайган кўйи қайтиб чиқди. Қатиқфуруш унинг қўлидаги пулни деярли юлқиб оларкан, ҳафсала билан санади. Сўнг кўйлаги ёқасидан аллақайгадир тиқиб юборди.

— Кўнглингиз жойига тушдими? — Малик қувноқлик билан аёлни бағрига тортган бўлди.

— Қочинг-е, — силтаб ташлади уни аёл, гўштдор

қош-қобоқлари уюлиб.— Тезроқ идишларни бўшатиб беринг. Бўғилиб кетяпман бу каталакда.

Малик ҳангу манг қотди.

— Ахир... менга сут-қатиғингиз керакмас, ахир, бошқача келишган эдик-ку?

— Қани, — деди аёл бепарво ичкарига интиларкан. — Ошхонага бошланг-чи, ўзим бўшатиб оламан.

Қатиқфурушнинг хатти-ҳаракати шу қадар қатъий ва жиддий эдики, саросима ичидаги Малик ортиқ қаршилик қилолмай қолди.

Кўп ўтмай ошхонадаги бор-йўғ идиш-товоқдан тортиб, турли ичимликлардан бўшаган елим «бакалашка»ларгача сут-қатиққа тўлиб кетди. Қатиқфуруш филдек ҳайбатли бўлса-да, кийикдек чаққон экан. Бир зум ичида бўшаган идишларини ювиб-чайиб олишга ҳам улгурди. Хатто, хужранинг у ёқ-бу ёғини саришталаган ҳам бўлди. Аҳён-аҳён кенг-дўнг думбаларини атай билқиллатиб, уй эгасига маккорона илжайиб қўяр эди. Унинг гоҳ у, гоҳ бу ёнида типирчилаб турган Малик аёлнинг тағин билагидан тутишга ботинолмади.

— Яхши қолинг, — дея хиринглади хотин, хужрани тарк этаркан. — Тағин сут-қатиқ тусаб қолсангиз, бемалол, хизматга тайёрмиз.

Малик тобора узоқлашиб бораётган қадам товушларини, бир-бирига урилаётган бўм-бўш идишларнинг такир-тукурини хийла вақт эшитиб турди. Сўнг сут-қатиққа лиммо-лим идиш-товоқларга термилди. Бир кўнгли хамма-хаммасини деразадан пастга тўкиб юбормоқчи ҳам бўлди. Бироқ пулига ичи ачидими, ё, кўпирибгина турган оппоқ сут, оппоқ аёл баданини эслатдими, ишқилиб, ботинмади. Ботинмагани яхши бўлган экан — уч-тўрт кун бошқа егуликка чиқимдор бўлмай, сут-қатиққа бўкди. Шунчалар бўкдики, шу-шу кўча-кўйда сут-қатиққа кўзи тушса, кўнгли айнийдиган бўлди. Қатиқфуруш аёллардан-ку филга йўлиққандай хуркиб қочишни одат қилди.

Эшик қўнғироғи тағин устма-уст жиринглади. Малик каравотини ғижирлатганича ўрнидан турди-ю апил-тапил шимини кийди, кўйлагини эгнига ташлади.

— Ҳозир.

Эшик ортида гулдор галстук таққан, пўримгина костюм-шимли, қуюқ сочлари ораста таралган, хушбичим, хушсурат бир йигит турар эди.

— Санъаткор суратқашга саломлар бердик, — деди у эшикни таажжуб билан қия очган Маликка. Алланечук амалдорларга хос салобат қалққан юз-кўзларида нимтабассум ўйноқлади.

— Уў-ў, — Малик ҳам эшикни, ҳам кучоғини кенг очди, — Нусратбек, чапдаст чиновник! Азиз дўстим!

Улар бир-бирларини бағриларига босиб, кўришишди. Сўнг хиринглаганча бир-бирларини турткилашган бўлди.

— Қани, бисмилло, — деди Нусратбек илтифотларни кутмай ичкари кираркан.

— Узр, чиновник, ҳаммаёқ ивирсиб кетган, бўйдоқчилик қурсин.

Нусратбек дўстининг гапларига бепарво, аланглаганича девордаги суратларни бир-бир томоша қилишга тушиб кетди.

— Суратга олишни ҳам қийворасан-да, а, Мак, — деб қўйди у қойил қолганнамо бош чайқаб.

Улар хар хил фотоанжомлар сочилиб ётган стол ёнидаги стулларни нари-вери суриб, ўтиришди. Ўзларича юзларига енгилгина фотиҳа тортган бўлишди. Бир-бирларига термилиб илжайдилар.

— Хуш келибсиз, жаноб Нусратбек, қанақа шамоллар учирди?

— Шамолмас, бўрон, соғинч бўрони.

— Ў-ў, шоирона гап қилдинг-ку, сал пастга туш, амалдорлик ҳам етади сенга.

— Рост, жўра, соғиндим. Нега бизникига бормай қолдинг? Дадам ҳам кўп сўрайдилар.

— Кўриб турибсан-ку, — деди Малик суратқашлик анжомларига енгилгина имо қилиб. — Иш кўп, вақт тиғиз. Аммо икки-уч марта ишхонангга борганман. Қайгўргадир йўқолган экансан, тополмадим сени.

Нусратбек айбдорона елка учириб қўйди.

— Балки... У ёқ-бу ёққа иш билан чиққандирман.

Малик дўсти кириб келгандан бери уч-тўрт марта қўл соатига ўғринча қараб олганини пайқади. «Вақти зиқ, зарил иш бор, шекилли, эсам келармиди» — лип этиб ўтди унинг хаёлидан.

— Мак, сени тўйга айтгани келдим, — дея мақсадга кўчди Нусратбек, тағин анча пайт лақиллашгандан сўнг. — Лекин таклифнома қоғозим йўқ.

— Тўйга?!

— Ҳа, тўйга, уйланаяпман, — деди Нусратбек алланечук ўйчан.

Маликни саросима босди. Ахир, бу Нусратбекнинг иккинчи бор уйланиши-ку?! Дўстининг олдинги хотини — Феруза бир йил аввал аллақандай дард туфайли туйқус ўлиб қолганидан ҳам хабардор. Хўш, тўй хабарига жавобан энди нима десин? Дўстини қутласинми, ё...

— Э, шунақами, — дея минғирлади Малик ияк қашлаб. — Тузук, тузук...

— Тўйга курсдошлардан яна Карим билан Баҳодирни айтдим. Уччовлашиб ўтказиб берасизлар. Тушунасанку, Мак, ортиқча шов-шув бўлмасин деб, ўртоқлардан бошқа хеч кимга хабар бермадим, ўзинг тушунасанку...

— Тушундим, Нус, тушундим, — дея қизғин бош иргади Малик. — Дабдабага ҳожат йўқ.

Ҳа, Малик дўстининг паришон чайналишини ўзича тушунган эди: «Ферузасини унутолмаяпти... Балки бу гал ота-онасининг қийин-кистови билан уйланаётгандир...»

Малик Нусратбекни ортиқ сўроқ-саволга тутишга қисинди. Кейинчалик, хамма-ҳаммасини бафуржа гаплашиб олишни дилига тугиб қўйди.

— Тўй качон, Нус? — деб сўради у охиста.

— Индин. Кеч соат олтида. Ҳув, «Нур» ресторанини биласан-ку, ўша ерда ўтказамиз.

— «Нур» ресторанида?

— Ҳа, — деди Нусратбек тағин паришон, алланечук безовта хаёлларга чулғанар экан. — Дабдабали, тўғрими? Нима қилай, келин тараф шуни хохлади. Энди... уларники ҳам орзу-ҳавас-да, ўзинг тушунасан... Менга қўйиб берса-ку...

Нусратбек оғир сўлиш олиб бош чайқаб қўйди.

• • •

Тағин бир оз ўтиргач, Нусратбек чиқиб кетди. Бироқ унинг маъюс, ўйчан қиёфаси Маликнинг кўз ўнгида туриб қолди.

Улар бир пайтлар жуда яқин, сирдош дўст эди. Бир майизни тенг бўлиб ейишмаган бўлса-да, хар нечук талабаликнинг тотли ва тахир дамларини бирга бахам кўришган. Ўша кезлар кўпчилик уларни бир маҳаллада туғилиб-ўсган қариндошлар деб, ўйлашарди. Аслида Нус-

ратбек шахри азимнинг Оқтепа маҳалласидан, Малик эса Сирдарё бўйидаги Қоратепа қишлоғидан эди.

Қоратепалик йигирма яшар йигитча техника университетига кириш имтиҳонларини топшириб, натижасини илҳақ кутиб юрган кезлар эди. Кун иссиқ. Йигитча юрагидаги орзулар олови ундан-да иссиқ. Бу олов, айниқса, у ён-бу ён ўтиб-қайтаётган қизларни кўрганда баттар аланга олади.

Хуллас, шундай ҳароратли кунлардан бирида, университет биқинидаги хиёбонда коратепалик абитуриент жўшқин хаёллар суриб ўтирар эди. Туйқус унинг ёнидан сарвқомат, қош-кўзлари попукдеккина бир қиз таманно билан ўтиб қолди. Қизнинг енг-ёқасиз, калтагина кўйлаги баъзи бир нозик жойларини аранг-аранг яшириб турар эди. Малик унинг оппоқ, силлиқ сонларига суқланиб тикиларкан, бутун борлиғини лаззатли бир ҳаяжон чулғади. Қулт-қулт ютинди. Сўнг ўз завқ-шавқини бахам кўрмоққа шерик излагандек бсихтиёр ёнверига кўз ташлади. Ажабки, андак нарида тағин бир йигитча қизни анграйганча кузатар эди. У ҳам туйқус Малик томонга ўгирилди. Эҳтирос, завқ-шавққа тўла кўзлар бир лаҳзагина тўқнашиб икковлари ҳам баб-баравар жилмайишди. Баб-баравар лаб қимтиб, баб-баравар бош чайқашди. Сўнг баб-баравар ўринларидан туриб бир-бирига яқинлашдилар.

— Зўр-а!

— Зўр!

Икковлоннинг илк салом-алиги, такаллуфлари ана шу биргина сўз қатига жо бўлди. Қиз кўздан йўқолиб, эҳтиросдар андак босилгач, танишдилар.

— Малик.

— Нусратбек.

Ажабки, Нусратбек ҳам Маликни илҳақ қилиб турган ўша факультетга абитуриент экан! У ҳам имтиҳон натижаларини билиш илинжида куймаланиб юрган экан.

Ўша куни уларнинг ичу ташидан завқу шавқ, қувончу ҳаяжон аримади. Ахир, имтиҳон жавобларига кўра иккиси ҳам университет талабасига айланган эди-да! Хойнаҳой, хиёбонда ёнларидан шунчаки гўзал хилқат эмас, омад фариштаси табассум қилиб ўтган экан.

Малик ва Нусратбек, юлдузлари тўғри келган қалиғлардек, илк учрашувдаёқ фикри зикрлари бир-бирига

мос-монанд бўлганиданми, хар қалай, шу-шу дўстлашиб кетишди. Малик Нусратбекларникига, Оқтепа маҳалласидаги шинамгина ҳовлига тез-тез бориб турар эди. Бироқ дўстининг ота-онаси қанчалар қийин-қистовга олишмасин, ётоқхонани ташлаб, уларникига кўчиб ўтишга унамади. Тўғрироғи, тенг-тўшларининг шовқин-суронига, қақажон қизларнинг қаҳқаҳаларига тўла талабалар шаҳарчасини кўзи қиймади.

Нусратбек ҳам Қоратепа қишлоғида кўп бўлган. Қишлоқ этагидаги дарёда чўмилиб, балиқ овлашлар, ширкат хўжалиги боғига кириб мева-чева ўғирлашлар унда унутилмас хотиралар қолдирган. Шу алфозда, гоҳо қиқир-қиқир кулгилар, гоҳо маъюс-маҳзун хаёллар билан талабалик ўтди-кетди. Сўнгги курснинг охирларида Нусратбек уйланди.

Ўқишни битиргач, Малик қишлоғига қайтди, Янгийўлдаги консерва заводида бир оз ишлагач, тағин шаҳарга келди. Ижарага мана шу ҳужрани топди. Ҳар ким ўз ташвиши билан бўлиб қолгани учунми, ҳар қалай, икки дўст бир-биридан тобора узоқлаб боришаётганини пайқамадилар. Аҳён-аҳёндагина дийдорлашар бўлиб қолишди. Дийдорлашган чоғларда ҳам гап-гапга қовушмай, сохта такаллуфларга кўмилишар, бирор-бир баҳона топиб, хайрлашиш пайига тушишар эди.

Мана, бугун хам Нусратбек амал-тақал қилиб қутулиб кетди.

«Хўш, ўзим-чи, — дея ўйлади Малик, енгил-елпи нонуштадан сўнг кўчалик кийимларини кияркан, — унинг тезроқ чиқиб кетишини истамаганмидим? Ахир, шошиб тургандим-ку?!»

Малик стол устидаги қўнғироқли соатга кўз ташлади. Соат сураткашнинг зарур учрашувга аллақачон кечикканига имо қилаётганидан пушаймондай, «чуқ-чуқ»лаб, миллари титрабгина турар эди.

Жинси шим, енгил чарм камзул кийган Малик елкасига фотоанжомларини осганича ҳужрасидан чиқди.

• • •

Шаҳар марказидаги хиёбон ҳамиша гавжум. У ён-бу ён ўтиб-қайтаётган одамлар оқими бир зум ҳам тинмайди; ёшлар-кексалар, аёллар-эркаклар, биров қайларгадир шошилади, биров бепарво, шунчаки томошаталаб, писта чақиб, тамаки тутатиб ивирсийди.

Малик анча енгил тортди. Кенг, сершовқин кўчалар, иссиқ-совуқ чеҳралар овутдими, ҳарқалай, ҳалигина тор, ҳувиллаган ҳужрасида сиқувга олган маъюс-маҳзун кайфият тарқалиб кетди. У фотоаппаратини чоғлаб, ҳамишаги иш жойи — хиёбон ёнида тураркан, ҳамишаги қувноқ сўзамол суратқашга айланди-қолди.

— Кеп қолинг, суратга тушиб қолинг. Ҳуснингизга ҳуснқўшилишини истасангиз, марҳамат, кеп қолинг. Бизнинг фотоаппарат сизни ўн ёшга яшартириб юборади.

Ўтиб-қайтувчилар гоҳ чинқириб, гоҳ минғирлаб чорлаётган Маликка деярли эътибор беришмас эди. Баъзиларгина унинг афтига ажабланган-дек анграйиб қўйишади, холос.

— Кеп қолинг...

Қўлтиқлашиб бораётган икки хушрўйгина қиз маҳмадана суратқашга кўз қири билан қараб, жилмайиб қўйишди. Чақира-чақирдан чарчаб зерика бошлаган Маликка жон кирди.

— Йў-ў, — деди у қизларга қарата, — сизларни суратга туширмайман. Бунақа ҳусн, бунақа табассум билан юрак-бағримни кул қилганларинг етмагандай, плёнкани ҳам куйдириб юборасизлар.

Суратқашнинг гапира-гапира эргашганини пайқашган қизлар чопқиллашди. Маликнинг шундоққина биқинидан ўтиб бораётган тўнг бир кампир унинг сўзамоллигидан энсаси қотдими, суратқашга зардали-зардали кўз ташлади. Малик ҳам кампирга ёлғондакам чақчайиб фотоаппаратини қаратди.

— Бир зум сабр қилсинлар, хоним. Бизнинг анжом тиришган башараларни силлиқлаб қўйишда устаси фаранг.

Кампир алланима дея ғудранганича узоқлашди.

Малик ҳам толиқиб, бир зум чакаги ўчди. Негадир бугун омади чопмаяпти. Одатда куннинг бу маҳалигача хечқурса беш-олти қалр сурат олар эди.

У сал наридаги бўёқлари кўчиб қолган ёғоч ўриндиққа бориб ўтирди. Ўтиб-қайтаётганларга хаёлчан тикилди.

Малик Янгийўлдаги заводдан кетгач, мутахассислиги бўйича ишламади. Яқин бир танишининг қутқусига учиб ўзини суратқашликка урди.

«Инженерликни қўй, ука, — деганди ўша меҳрибон акахон. — Бу соҳада коса оқармайди. Оти улуғу супра-

си қурук. Сен яхшиси кўпчилик назар-писанд қилмайдиган ишнинг бошини тут...»

Акахон фотографиянинг афзалликлари ҳақида, айнан шу сохада тер тўкиб афсонавий бойликка эришганлар ҳақида тағин хийла вақт жавради. Малик унинг гапларини анчайин бепарво, киноямуз тинглаган бўлсада, бу қизғин маслаҳатда ҳарҳолда жон борлигини пайқади. Қолаверса, ўзи ҳам болалик чоғларидан бери суратқашликка қизиқар эди. Талабаликнинг илк кунлариёқ ихчамгина фотоаппарат сотиб олди. Дўстининг бу харидидан аввал энсаси қотган Нусратбек, кейинчалик кадрдан нари кетмай қолди. Малик уқувлигина эди. Тез орада суратқашликнинг анча-мунча ҳадисини олди. Ҳатто, фотоаппаратни бўлаклаб, унча-мунча носозликларини ўзи эпақага келтирадиган бўлди. «Устоз кўрмаган уста», — деб хирингларди Нусратбек.

Ўша яқин танишнинг оқ фотиҳасидан сўнг, Малик бу ишга қатъий киришди, бироқ керакли фотоанжомларни тайёрлагунича, маъмурият билан тил топишиб, хиёбонда илдиз отгунича хийла чиқимдор бўлди. Лекин чидам ва қунт билан ишлади. Ўша акахон башорат қилгандек, чиндан ҳам тузуккина пул топа бошлади, ҳатто доимий мижозлар орттирди. Кўпчилик Маликни тўйҳашамларга атай-тўтай олиб кетадиган бўлишди. Бироқ қурғурнинг топган-тутганида барака йўқ эди. Ахён-ахён отасига узатганларини айтмаса, бор-йўғини ишратга совуриб қўяди. Бирор бир таннозга илакишган тунлари, эрталаб туллаган мушукдеккина бўлади-қолади. Ҳатто, айрим чоғлар, арзимас йўлкирага ҳам зориққанини айтмайсизми?

— Кечирасиз, уч кун аввал суратга тушгандик.

Малик хаёлдан чалғиб, илкис ўгирилди. Ёнгинасида бакалоққина бир йигит унга саволчан тикилиб турарди. Андак нарида одмигина кийинган, сарғиш сочли қиз. Малик уларни танигандек бўлди.

— Қани, тўлов қоғозини беринг-чи.

Йигит бир парча варақни суратқашга узатди. Малик варақка бир кўз ташлаб олгач, ёнидаги чарм сумкани титкилаб бир даста сурат чиқарди.

— Мана, марҳамат, — деди у йигит ва қиз ёнма-ён тушган расмни топиб узатаркан. — Жанжаллашиб қолганда шу суратга каранглар, тағин Лайли-Мажнунга айланасизлар. Биз шунақа сехрли суратлар ишлаймиз.

Расм мижозларга ёққани шундоққина юз-кўзларидан сезилиб турарди. Улар Маликка бот-бот миннатдорчилик билдиришгач, одамлар орасига сингиб кетишди.

Малик эринибгина у ёп-бу ён юра бошлади.

— Кеп қолинг, лахзаларни мангуликка мухрланг!

Сўзларга тўн кийгизиб гапиришига, гохо Маликнинг ўзи ҳам қойил қолар эди. Бу хислат, ҳар нечук, отасидан юққан бўлса керак.

Отаси — тақа мўйлови остидан ҳеч кулги аримайдиган, ҳангомаю латифалари билан давраларга жон киргизадиган одам. Қувноқлиги боисми, ёши етмишни қоралаб қолган бўлса-да, хали тетик, дўпписини дол қўйиб, жундор тўшларини яланғочлаб юради. Онаси Маликни уйлантириш ҳақида бот-бот куйиниб гап бошласа, отаси ўзича бепарво, эснаб қўяди. «Шошма-чи, кампир, ана, уч ўғилни эрта уйлантириб нима топдинг, кунора ғавғо жанжал...»

Бироқ отаси овлоқ-овлоқда Маликни гап билан чимчилаб-чимчилаб олади.

«Тўй қачон, болам, бизлар бехабар қолмайлик-да? Бирортасининг қўйнига қўл солиб кўрдингизми, ишқилиб?»

Малик отасининг кочиримларига жўяли жавоб тополмай чайналади. Отаси эса баттар буровга олади:

«Кўзингизга қаранг, болам, вақтида уйланмаган йигитни, кейин, эрга бериш керак бўлади».

Малик отасидан бир амаллаб қочиб қутулади.

Уйланиш, рўзғор, деган тушунчалар унинг кўнглига ғулғу солади, алланечук қўрқув қўзғайди. «Йўқ, хали эрта, — деб ўйлайди Малик юраги орқага тортиб. — Нима зарил...»

Унингча уйланиш, рўзғор тузаш — қариликни бўйнига олиш, ўйин-кулги, серзавқ эркинликдан буткул ажралиш, эътибордан қолиш билан баробар.

Малик ҳаммасидан кўра қиз-жувонларнинг эътиборидан қолишдан чўчир эди. У қизларнинг келишган, хушбичим йигитларга айрича интиқлик билан боқишини жуда яхши билади. Эҳ, бу сирли-сирли нигохларда қанчалар лаззат, қанчалар ҳаловат бор! Гўзал жононлар орқасидан «бу хушсурат йигит кимга насиб қиларкан?», дея пичирлашаётганини яққол эшитиб тургандай бўлади Малик. Бу орзуманд шивир-шивир, бу сирли энтикишлар,

ҳамма-ҳаммаси уники! Лоп этиб уйланиб қўйса, давраларнинг гули бўлиб юриш қайда? Каталакдек уйида ўтиради-да, хотиннинг қош-қовоғига қараб! Ундан кўра ўйнаб-кулгани, қизларнинг кўзини куйдириб юргани маъқул эмасми?! Қолаверса, ҳали чинданам кўнгилдаги қизни учратгани йўқ. У уйланадиган, жуфти ҳалоли бўладиган хилқат алланечук сирли, алланечук жозибали бўлиши керак. Малик унга қараб тўймасин, ҳар ўйлаганида юрак-бағри сел бўлиб, уйга қараб чопсин. Бироқ қани ўша малика? Қани ўша париэод?

Суратқаш хиёбон йўлаги бўйлаб юраркан теварагига маъюс кўз ташлаб қўйди.

— Кеп қолинг, суратга тушиб қолинг. Лаҳзаларни мангуликка мухрланг.

• • •

Малик хиёбондан андак паридаги ошхонада апил-тапил тушлик қилиб қайтди. Чиндан ҳам бугун негадир омади юришмаётир. Эртадан бери атиги уч кадр сурат олибди-я?!

Хиёбон одатдагидек гавжум. Теварак куз офтобининг алланечук хира, илиқ нурларига чулғанган. Андак наридаги йўлда автоуловлар у ён-бу ён ғиз-ғиз елиб ўтмоқда.

Малик тили билан тиш ораларини тозалай-тозалай тағин фотоаппаратини шайлади.

Шу пайт телефон буткаси ёнида ўзига ўктин-ўктин кўз ташлаб қўяётган қизни пайқаб қолди. Негадир Маликнинг юраги «шув» этиб пастга тушиб кетгандай бўлди.

Қизнинг тўлқин-тўлқин, қўнғиртус сочлари нозик елкаларида чулғаниб турар эди. Енгил, кузлик костюми, сарғиш узун кўйлаги ўзига ярашган. Оппоқ, лўппи юзларида алланечук хаёл, саросима.

— Суратга тушмоқчимисиз? — деб сўради Малик унга яқинлашиб. Овози хеч кутилмаганда алланечук титраб, бўғиқ чиқди.

Қиз хижолатли жилмайиб, ерга қаради. Қуюқ қошлари туташиб, узун-узун киприклари пир-пир учди.

— Кечирасиз, манави матох қанақа ишлатилади? Озгина ўргатворинг, илтимос.

Малик шундагина қизнинг қўлида жажжигина фотоаппарат борлигини пайқади.

— Қани, беринг-чи, янги экан-ку?

— Ха, ҳозиргина дугоналарим билан сотиб олдим.

— Бу ер жуда сершовқин, — деди Малик ботинмайгина, — илтимос са-ал нарироқ чиқайлик.

Улар хиёбон ўртаси томон юришди.

— Узр, сизни ҳам безовта қилдим, — деди қиз баттар хижолатланиб.

— Ҳечқиси йўқ. Ўзим ҳам бекорчиликдан зерикиб тургандим.

Улар баҳайбат бир чинор панасида тўхташди. Ўзига бор-йўғи беш қўлидек аён бўлса-да, вақтни чўзиш илинжида Малик жажжи фотоаппаратни обдон кўздан кечирган бўлди.

— Фотографияга қизиқасизми, дейман-а?

— Оз-моз... Бугун бир дугонамизникида қиз базми бор, эсдалик суратларга тушмоқчи эдик.

— Тушунарли... Демак, дугонангиз турмушга чиқаяпти.

— Ҳа, эртага тўйи.

Малик шошилмасдан, ҳижжалаб-ҳижжалаб фотоаппаратга плёнка, батарейка жойлашни, ишлатиш тартибини тушунтира бошлади. У ора-чора қизнинг тиниқ юзига, алланечук ғусса қалқиб турган кўзларига маҳлиё-маҳлиё термилар эди.

— Тушундингиз-а?

Қиз маъюс жилмайиб бош ирғаб қўйди.

— Мана, қизил чироқчаси ёнди, — деди Малик фотоаппаратни қизга тутқазиб. — Энди манави шиша ичига қараб, кадрни тўғри мўлжалга оласиз-да, манави кнопкани босасиз, вассалом. Қани, бир синаб кўринг-чи...

Малик қиздан икки-уч қадам йироқлашиб, ўзини суратга тушишга чоғлади. Қиз қисиниб-қимтиниб уни расмга олди.

— Энг муҳими, — деди йигит илжайганча яна қизга яқинлашаркан. — Квитанция ёзиб беришни унутмаслик.

Улар енгилгина кулиб олишди.

— Энди танишсак ҳам бўлар, исмингиз нима?

— Ҳабиба.

Малик одатда қизлар билан танишган чоғлари исмлари ёқса-ёқмаса ўзича ҳайратланган бўларди: «О-о, нақадар фусунко-ор...» Бироқ кўкламги япроқдеккина мана бу қизга негадир сўзамоллик қилолмади.

— Исмим Малик, — деди у қўлини кўксига қўйиб. — Сиз билан танишганимдан жуда хурсандман.

Ҳабиба жилмайиб, бош ирғаб қўйди.

— Талаба бўлсангиз керак-а? — деб сўради Малик суҳбатни чўзиш пайида.

— Йўғ-е, ўқишни битирганимга икки йил бўлди.

— Қайси институтни битирдингиз?

— Миллий университетни, фалсафа бўйича...

Улар беихтиёр ёнма-ён юра бошлашди.

— Ҳали ишга кирмадингизми?

— Ишлайман.

— Қаерда ишлайсиз?

Ҳабиба суратқашга норизо бир чимирилиб қўйди.

— Ҳозирча сир.

Малик қовун тушириб қўйган бўлса-да, чимирилган чоғи қиз янада сулув бўлиб кетишини пайқади. «Зўр кадр чиқади-да», — хаёлидан ўтказди у уста суратқашлардек чамалаб.

— Ҳабибахон, — деди у фотоаппаратини зимдан шайлаб. — Суратқаш энг аввал ўзи суратга туша билиши керак. Қани...

Қиз йигитнинг ниятини пайқаб улгургунча Малик бир ҳатлаб олдинга ўтди-ю, Ҳабибани суратга олди.

— Э, қўйинг-э, керакмас, — дея эътироз билдиришга уринди қиз.

Бирок шу орада Малик қизнинг гоҳ у ёнидан, гоҳ бу ёнидан тағин икки-уч бор суратга олди. Суратқашнинг ўз бошига куйиб-пишиб типирчилаши Ҳабибанинг завқини келтирди шекилли, шараклатиб кулиб юборди. Маликка айнан шу лаҳза керак эди. У бутун ҳунарини ишга солиб, яна устма-уст фотоаппаратини шиғиллатди.

Ҳабиба гўё алланима ёдига тушиб қолгандай, туйқус жиддий тортди. Теварагига ҳуркак кўз ташлаб оларкан:

— Бўлди етар, — деди чимирилиб.

Малик ҳам анчагина суюлиб кетганини пайқади.

— Кечирасиз, Ҳабибахон. Мен шунчаки, — йигит жўяли гап тополмай чайналаркан, ногоҳ қизнинг чарм сумкачасидан пул чиқарганини кўриб қолди. — Ия, нима қилмоқчисиз?

— Харҳолда квитанция ёзиб беришни унутмассиз?

Малик кулиб юборди.

— Қойил, ўгитларни дарров қулоғингизга қуйиб оларкансиз, сиздан жуда яхши шогирд чиқади.

— Рост, ҳаққини олингу квитанция ёзиб беринг, мен суратларимни албатта олишим керак. Агар... агар ило-

жи бўлса негативни ҳам. Қўрқманг, ҳаммаси учун тўлайман.

— Қўрқаман. Демак менга эсдалик қолдирмас экансиз-да?

Ҳабиба жилмайишга ҳаракат қилди.

— Кечирасиз, мен... мен суратларнинг негативларини коллекция қиламан, шунинг учун.

— Яхши, — деди Малик негадир кўнгли ғашланиб. — Келишдик. Агар малол келмаса, менга телефонингизни қолдирсангиз, суратлар тайёр бўлди дегунча сизга хабар қиламан. Беҳуда овора бўлиб юрмайсиз.

Ҳабиба бир зум саросимада қолди. Йўлак чеккасида ўсган чечаклар атрофида чарх ураётган капалакка ўйчан тикилди. Сўнг, бир қарорга келди, шекилли, чарм сумкасидан бир парча қоғоз, ручка чиқарди.

— Мана, — деди қиз телефон рақамлари битилган қоғозни узатаркан. — Уч-тўрт кун ичида қўнғироқ қиларсиз.

— Яхши, ҳозирча пулингизни чўнтагингизга солиб қўйинг, суратларга келган кунингиз берарсиз.

— Раҳмат, Малик ака, — деб жилмайди Ҳабиба. — Энди мен борай, дугоналарим кутиб қолишди. Сизни безовта қилганим учун яна бир карра узр.

— Қўйсангиз-чи, Ҳабибахон.

Малик учишга шайланган ҳуркак қушчадек бу қизга ўғринча тикилди.

• • •

Тун ярмидан оққан бўлса-да, ҳали Маликнинг ҳужрасида чироқ ўчмаган эди. Хона одатдагидан баттар тўзғиб кетган. Қуюқ тамаки дуди ҳужра бўйлаб бўғоз булутлардек сузиб юрибди.

Ниҳоят, ҳув, шомда бошланган иш охирлади. Торгина кулба Ҳабибанинг ҳар хил ҳолатда тушган, Малик бор-йўқ маҳоратини қўллаб ишлаган суратларига тўлиб кетди. Майкачан, сочлари тўзғин йигит стулга ҳорғин чўкаркан, расмларга завқ билан тикилди: «Ҳабиба!»

У қошлари кундуз, кўзлари юлдуз қизларни кўп кўрган. Неча-нечасини қучиб-ўпиб, керак бўлса, тўшакка тортган. Бироқ, ҳеч бири мана шу баҳорги чечакдеккина қизчалик юрагига титроқ сололмаган, ҳеч бирини ўйлаганда, мана шу ҳуркак кабутар монанд қизчалик ичу ташини нурга тўлдиролмаган. Қизик, туйқус учраб

колган бу сулувнинг нимаси унга бунчалик ёқиб колди экан? Ё севги деганлари шуми?

Малик илгари ишк-муҳаббат деган нарсани тан олмас эди. Ўзларича ошиқ-маъшуқ, Лайли-Мажнун бўлиб юрганларни учратса энсаси қотиб, ғаши келар эди. Хатто дўсти Нусратбек талабаликнинг сўнгги йилида, Миллий университетнинг филология факультетида ўқийдиган қизни севиб колганда, унинг устидан хўп кулган. Ўша тўладан келган, бўшангтоб қиз Феруза эди. Нусратбек унга канадек ёпишди-колди. Хатто Малик билан баъзи бир хуфёна харамларга бориб туришни ташлаб, оғир-вазмин, мулоҳазакор йигитга айланди. Кўп ўтмай, ўша Ферузага уйланди. Ферузанинг отаси қўли узун амалдорлардан экан. Эндигина дипломини қўлига олган куёвни «Электр жиҳозлари» заводига, туппа-тузук ишга жойлаб қўйди. Тез орада Нусратбек завод директорининг таъминот ишлари бўйича ўринбосарига айланди. Дўстининг ишдан-ишга, амалдан-амалга читтакдек учиб-қўнишини кўриб-билиб турган Малик ўзича доҳиёна фикрга келди: «Севги эмиш... Жа-а, хаммасини хисоб-китоб қилиб қўйган экан-ку, бу шаҳарлик тулки?! Қизимас, отасига уйланган экан-да...»

Аммо Нусратбек дўстини хар гал учратганида ҳамишагидек дўстона муносабатда бўлишга уринар, ўз ёнига ишга таклиф қилар эди. Бироқ дўстининг мулозаматларидан негадир Маликнинг кўнгли ғаш тортар, назарида, Нусратбек устидан кулаётгандек туюлар эди. Шу сабабли, ҳар нечук, Малик «шаҳарлик тулки»нинг таклифларини рад этиб келган. Бироқ тез-тез хуруж қилиб турадиган ўша таниш ғашлик, хиралик дастидан ҳеч қутулолмади. Кунларнинг бирида кечки пайт Нусратбекларникидан қайтаркан ич-ичида чарх ураётган ўша таниш алам-изтироб сабабларини англаб етгандай бўлди. Ҳув, илк танишган кунларидан буён ўзича дўсти билан зимдан пойгага киришган экан! Ўқишда, ишда, севгида...

Севги деганда Малик, албатта, қизларнинг кўзини куйдириб, орқасидан умидвор-умидвор қаратиб юришни назарда тутади. Бу масалада у Нусратбекдан анча ўзиб кетганини хис этар, бу ҳиссиётдан ичи илиб, ўз-ўзича қувониб юрар эди. Нусратбек хушсурат-хушбичим, чин шаҳарликларга хос дид-фаросатли йигит бўлса ҳам, негадир қизларни ўзига кераклича мафтун этолмасди. (Ҳарҳолда Маликка шундай туюлган.) Ўқиш бўйича, хойна-

хой, дуранг. Бироқ иш масаласи чатоқ, бу соҳада шубҳасиз Нусратбек икки ҳатлаб ўзиб кетди. Малик энди уч ҳатлаб уни доғда қолдириши керак! Аммо қандай қилиб? Албатта, Нусратбекнинг кўмагисиз, битнинг оёғига, итнинг қуйруғига илашиб бўлса-да, бу пойгани ҳам ўз фойдасига ўнгламоғи шарт.

Ўша тун дўстиникидан қайтаркан, Малик ўзича шундай қарорга келди. Келди-ю яна ўз-ўзидан уялиб кетди. Назарида кўча чироқларининг ёғдуси кўксини тиғдек ёриб ўтиб, бор-йўғини баралла ёритиб юборгандек, барча-барча унинг хиёнаткор ўй-хаёлларини кўриб-билиб тургандек туюлди. «Ҳечкиси йўқ, — хаёлан ўз-ўзини овутган бўлди Малик, теварагига олазарак қараб оларкан, — одоблигина кўриниб юрган билан Нусратбекда ҳам шундай ҳисоб-китоб бор».

Ўша кунлари ошиғи олчи Нусратбек кўкрак керган сайин хотини Ферузахон аллақандай хасталикдан қуриб борар эди. Ана шу дард ёшгина жувоннинг жонига зомин бўлди. Малик марҳуманинг маъракасида қатнашаркан, дўст бошига тушган айриликдан чинакам ғам-кайғу чекиб, ўкириб йиғлашни истади. Бироқ Нусратбекни шунчаки бағрига босишдан, куп-курук кўзларига рўмолчани теккизиб-теккизиб қўйишдан нари ўтмади. Бу ҳол учун у уч-тўрт кун ўз-ўзидан нафратланиб юрди. Ўша кунлари Нусратбек озиб-тўзиб, кўзлари киртайибгина қолган эди. «Ростдакам севаркан-да», хаёлидан ўтказди Малик, дўстини зимдан кузатаркан.

Шу-шу «ростакам севги» ҳақида тез-тез ўйлайдиган бўлиб қолди. Кўча-кўйда бир-бирини қўлтиқлаб юрган жуфтларга, гоҳо, бир-бирига эркаланиб суратга тушаётган йигит-қизларга қизиқсиниб-қизиқсиниб қарайдиган бўлди. Бироқ ҳеч бирида хаёлидаги «ростакам севги»ни тополмади. Ҳатто, бир гал хужрасига бошлаб келган кўча қизини дабдурустдан саволга тутди: «Мени севасанми?»

Қиз аввал кулди, сўнг йигит кўксига юзларини яшириб пичирлади: «Қўйинг, пок сўзларни тилга олмайлик...»

Мана, бугун хиёбонда Ҳабибани учратди-ю, юрагида ғалати бир ҳислар уйғонди. Кунбўйи ўша сирли туйғулар туғёнида жўшиб, қувониб юрди. Хужрасига қайтаркан тезроқ қизнинг суратларини ишлаб, унинг чеҳрасига тағин тўйиб-тўйиб боқишга ошиқди.

Малик Ҳабибанинг турли ҳолатларда тушган суратларини хона деворининг кўримли-кўримли жойларига осиб чиқди. Атай катта хажмда ишлагани — қизнинг кулиб тушган расмини эса нақшинкор рамкага солиб, каравот тепасига — дераза токчасига қўйди.

Тонг якин эди. Маликнинг руҳи тетик, жисми енгил. Улуғвор бир ишни қойиллатиб қўйгандай, алланечук хуш кайфиятда ўрнига чўзилди. Ҳабиба ҳақида ўйлай-ўйлай уйқуга кетаркан, жилмайди: «Қарияпман, шекилли...»

Йигитнинг юзида табассум қотиб қолди.

• • •

Малик «Нур» ресторани ёнида шоша-пиша таксидан тушди. Устида хипча сумбатига ярашиб тушган охорлигина костюм-шим, ҳаворанг галстук, сочлари орасталанган. Елкасида эса сураткашлик анжомлари.

У аслида эртагирок Нусратбекларникига ўтиб, тўй хизматига бел боғламокчи эди-ю, бирок улгурмади. Хиёбонда эски бир мижоз учраб, қўярда-қўймай тоғасининг мучал тўйига етаклаб кетди. «Маликжон, уч-тўрт кадр оласиз, тамом, сўнг айтган жойингизга элтиб қўяман», — дея тантанали ваъда берди мижоз, дўстининг тўйига бориши кераклигини айтиб, тайсаллаётган сураткашни қўлтиқлаб. Малик ноилож кўнди. Бирок уни ҳар хил баҳоналар билан кечгача қўйиб юбормади.

«Ишқилиб, тўй бошланиб кетмаган бўлсин-да» — хаёлидан ўтказди Малик, ресторан томон аланглаб юраркан.

Қатор-қатор неон чирокларининг ёғдусидан теварак сутдек ёришиб турар эди. Ресторан майдончасига тизибгина қўйилган машиналар бойвачча мехмонларнинг кўплигидан дарак бермокда.

Серхашам ресторанниг кўш табақа, нақшинкор эшиги ланг очик. Ичкарида у ён-бу ён жонсарак югургилаб юрган хизматчилар кўзга ташланади. Малик туйқус Нусратбекка кўзи тушиб, такка тўхтади. Дўсти ресторан биносининг бикингинасида, пештокдаги чирок нуридан ола-чалпок ёришган дарахт соясида асабий юриб, сигарет тутатар эди. «Нахотки мени бетокат кутиб турган бўлса, хаёлидан лип этиб ўтди сураткашнинг. — Намунча безовта?!»

— Нусратбек, — дея сас берди Малик.

Дарахт тагидаги шарпа «ялт» этиб ўгирилди. Паришон юзига енгил табассум ёйилди.

— Ҳа, сенми Мак. Хуш келибсан.

Улар кучоқлашиб кўришган бўлишди.

— Табриклайман, — деди Малик ботинмайгина. — Ишқилиб, бахтли бўлинглар.

Нусратбек туйқус дўстини итариб ташлаб, елкасидаги фотоанжомларига нуқиди.

— Ўв, галварс, нега манави матоҳларингни кўтариб юрибсан? Нима ташвиш бу?

Малик тўппа-тўғри бир мижозникидан келаётганини, бу дардисар ашкол-дашколни уйга ташлаб чиқишга улгурмаганини айтиш учун оғиз жуфтлади-ю, сўнг шаштидан қайтди.

— Нима, тўйингда қўл қовуштириб ўтираманми? — деди у гўё аразлаган қиёфада. — Ҳечқурса, эсдалик учун уч-тўрт кадр оларман. Тўйингда би-ир хизмат қилайин-да.

— Мен сени хизматга чақирганим йўқ, Мак. Ебичиб, дам олибгина ўтир. Агар фотоаппарат билан ўралашаётганингни кўрсам, адабингни бераман.

— Ў-ў, шунақа гўзал пўписа учун бир кадр олай-а, — дея Малик фотоаппаратини шайлашга тушди.

Шу пайт ресторан ичкарисидан Миролим ака — Нусратбекнинг отаси лапанглаб, хавотирли бир қиёфада чиқиб келди.

— Нусрат, бу ерда нима қилиб турибсилар?

— Чеккани чиққандим, — деб тўнғиллади Нусратбек.

— Қани, ичкари кир, сени анави янгалар чирқиллаб излашяпти. Бора қол, келин тайёр бўпти.

Малик бошига омонатгина дўппи кўндирган, қовоқ-ёноқлари салқи Миролим ака томон юзланди.

— Ассалому алайкум.

— Ия, Маликжон, ўзингми болам? — Миролим ака суратқашни қувонч билан бағрига тортди. — Сизни ҳам кўрар кун бор экан-ку, қочоқ.

Юзларга енгилгина торгилган фотиҳадан сўнг, Малик ҳам узуқ-юлуқ ҳол-аҳвол сўраган бўлди. Миролим ака эса баттар авжланди.

— Қалайсиз энди, ўғлим, соғлиқларингиз яхшими? Қоратепага ҳам тез-тез бориб турибсизми? Ота-онангиз ҳам бардамгинами? Илоё, эсон-омон бўлишсин...

— Дада, мен кирай, — деди Нусратбек отасининг гапини бўлиб. — Маликни қўйворарсиз.

Миролим ўғлини жеркиган бўлди.

— Сен киравер, Маликжонни ўзим бошлаб кираман. Бор, боравер.

— Э-э, хозир, — деди Малик фотоаппаратини чоғлаб. — Бир минут. Бир чиқиллатиб олай.

Нусратбек алланима деб астойдил эътироз билдирмоқчи бўлди-ю, бирок улгурмади. Дўсти уста суратқашларга хос чаққонлик билан ота-болани расмга олди. Нусратбек ўзича норизо тўнғиллаб ичкари кириб кетди.

— Қани, Маликжон, — деди Миролим ака суратқашга кулимсираб тикилганича. — Бизникига ҳеч бормай қўйдингиз, ё, биздан хафамисиз.

Малик шоша-пиша бош чайқади.

— Йў-ў, нималар деяпсиз, Миролим ака. Турмуш шунчаки ҳаммамизни ҳар томонга сочиб ташлади. Ўзингиз яхши тушунасиз-ку, хозир ҳамма ўзи билан ўзи овора. Бош қашлашга кўл тегмайди. Мен ҳам сизлардан бир хабарлашиб чиқай дейману, аммо ҳеч фурсат тополмаяпман-да.

— Тушунаман, ўғлим. Хозир ҳаммага қийин. — Миролим ака Маликнинг елкасига хазиломуз қоқди. — Хойнахой, хозир ҳаммага қийин, деб бизларни тўйга чақирмай уйланиб ҳам олган бўлсангиз керак-а, а?

— Йўғ-е, ўлибмизми сизларни тўйга таклиф этмай. Тўғриси, ҳали уйланмадим.

— Ия, нега? Ёш ҳам ўттизга қоралаб қолди-ку?!

— Пешона шундай экан-да, — хижолатли елка қисди Малик. — Ҳали кўнгилдагини учратмадим.

Миролим ака пихиллаб кулди.

— Э, ўзимизга са-ал шипшиб қўймапсиз-да, нафақат кўнглингизга, биратўла қўйнингизга ҳам солиб қўярдик.

— Худо хоҳласа, яқинда бўлиб қолар. У ёғда қариндошлар ҳам холи жонимга қўйишмаяпти. Сизларни албатта тўйга айтаман.

— Ило-ё, қўшгани билан қўша қаринг, болам.

Миролим ака ўйчан қиёфага кириб, чуқур тин олди. Малик ҳам ресторан боғининг коронғи бир бурчагига тикилди.

— Нусратбекнинг са-ал кайфияти бузуққа ўхшайди-я, — деди у орага тушган жимликни бузиб. — Тинчликми, ишқилиб.

Миролим ака Маликни қўлтиқлаб коронғилик қуюқроқ томонга бошлади.

— Билмадим, Маликжон, билмадим, негадир дўстингизнинг беш-олти ойдан бери қовоғи очилмайди. Устига-устак, бу келинимизга, Нафисахонга кўнгли йўқдай. Нафисахон раҳматли Феруза хонга жиян, шундан хабарингиз борми?

— Йўқ, — дея бош чайқади Малик — хабарим йўқ. Аммо Нусратбек хужрамга борганида Нафисахон билан бирга ишлашларини айтган эди.

— Ҳа, шунака, Нафисахон хам ўша зовудда ишлайди. Раҳматлик Феруза хонинг дадалари билан маслахатлашиб, Нусратбек билан Нафисахонни қовуштиришга келишгандик. Биласиз, Маликжон, марҳума келинимиздан бир қизча ёдгор қолган. Қудаларим хам, хойнахой, неваралари бегона аёлнинг қўлига қараб қолмасин, дейишган, Нафисахон учун ҳам ўзлари совчи бўлишди.

— Яхши тадбир, яхши, — деб қўйди Малик ўзича кўпни кўрган кайвонилардай. — Ишқилиб, Нусратбек индамай кўна қолдими?

— Ҳа, биласиз-ку, дўстингиз жа кўнгилчан, бўйни бўш. Ўзларингиз биласизлар, деб кўя қолди.

Шу асно ичкаридан бўғиқ карнай-сурнай садолари эшитила бошлади.

• • •

Малик бир зум анграйиб қолди. Баҳайбат-баҳайбат кандиллар осилган хайҳотдек емак залининг ҳашамидан кўз қамашар эди. Оппоқ дастурхонлар ёйилган узундан-узун столлар усти турли-туман нозу неъматларга лиммо-лим. Дастурхон атрофида турнақатор тизилиб ўтирган меҳмонлар бетоқат, карнай-сурнай шовқини тезроқ тиниб, келин-куёв тезроқ ўз ўринларига ўтиришса-ю, базми жамшид бошланса.

Малик созу ноғоралар суронида қулоқлари батанг бўлган кўйи бамайлихотир ён-верини суратга ола бошлади. Шу пайт янгаю дугоналар даврасида келин-куёв кириб келди. Куёвлик сарупоси ўзига ярашган Нусратбекнинг юз-кўзида алланечук саросима. Оппоқ фатасига бурканиб оппоқ булутдек сузиб келаётган келин ён-веридаги дугоналарига аҳён-аҳён жилмайиб қўяди. Малик шоша-пиша уларни суратга ола кетди. Суратга ола-ола ногоҳ келин дугоналари орасидаги Ҳабибага кўзи тушди.

Юраги алланечук орзиқиб, беихтиёр гурс-гурс ура кетди. Бу орада суратқашни Ҳабиба ҳам илғаб-таниган шекилли, йигит томон енгил бош ирғаб, табассум қилган бўлди.

Туйқус хаёллари алғов-далғов бўлиб кетган Малик карнай-сурнай садолари қачон тиниб, келин-куёв қай тарзда ўз ўринларини эгаллашганини пайқамай қолди. Малик бир амаллаб, киши билмас, Ҳабибанинг қаршисидаги *жойни эгаллаш дардида эди.*

— Ассалому алайкум, азиз меҳмонлар, — дея сўз бошлади новча, олифтагина даврабоши микрофонни у ён-бу ён судраклаб. — Бугунги шодиёнамизга хуш келибсиз. Бугун Нусратбек ва Нафисахонларнинг никох тўйи... Фурсатдан фойдаланиб базм кечасини очиқ деб эълон қиламан. Қани, дастурхонга марҳамат.

Давра бўйлаб енгил-елпи қарсаклар чалинди. Малик пайтдан фойдаланиб дастурхоннинг нариги тарафида, шундоққина рўпарасига хижолатомуз ўрнашган Ҳабибага гап отди.

— Салом, Ҳабибахон, сизни кўриб турганимдан хурсандман.

— Ассалом, — деди қиз манглайидаги тўзғин сочларини орасталаган бўлиб. — Сизни бу ерда учратаман, деб сира ўйламагандим.

— Қисматдан қочиб қутулиш қийин-да.

Ҳабибанинг у ён-бу ёнига жойлашган дугоналари иккаласининг гап-сўзларидан сергакланиб, гоҳ қизга, гоҳ йигитга қизиқсиниб, синовчан-синовчан кўз югуртирди. Дугоналарининг маъноли қарашларини пайқаган Ҳабиба баттар хижолатланди.

— Малик ака, булар дугоналарим, Гули... Нури.

— Танишганимдан хурсандман, — деди суратқаш қизлар томон енгил бош ирғаб. — Менинг исмим Малик.

Гули сочлари қизғиш тусга бўялган, озғингина қиз гапни илиб кетди.

— Сизни таниймиз, хиёбонда ишлайсиз-а?

— Ҳа, очиқ ҳавода.

Ҳаммалари енгилгина кулиб олишди. Аллакимнингдир табригидан сўнг, ресторанининг жажжигина саҳнасини эгаллаган созандаю хонандалар куй-қўшиқ бошлаб юборишди.

Олов экан боқишларинг,
Билурсанми ёқишларинг...

Малик чаққонгина интилиб шампан виносини очида қадаҳларга ичкилик қуйиб чиқди. Қизларга мулозаматлар қилди.

— Қани, дугонажонлар, марҳамат. Ҳеч бир торгиниш, уялиш бўлмасин.

Қизлар ортиқча тихирликсиз қадаҳларни бўшатишди. Дастурхон устидаги салатлардан газак қилишган бўлишди.

— Узр, — деди Малик ўрнидан қўзғала-қўзғала бўйнидаги фотоаппаратига ишора қилиб. — Мен буни икки-уч чиқиллатиб келай.

Қизлар енгилгина бош ирғаб қўйишди.

Оппоқ костюм-шим кийган, қизлардек нозик-ниҳол хонанда йигит ҳануз чираниб хониш қилар эди.

Олов экан боқишларинг,
Билурсанми ёқишларинг...

Малик гоҳ еб-ичиб ўтирган меҳмонларни, гоҳ давра ўртасида чарх ураётган раққосани, гоҳ келин-куёвни ўз майлича суратга олди. Нусратбек худди азага келгандек, хомуш ва паришон ўтирибди. Ҳатто, рўпарасида қилпиллаётган сураткашга икки-уч ўқрайиб қўйгандай бўлди. Келин — Нафисахон ёнидаги дугонасининг алланелар дея пичирлашларига қулоқ тутиб, кўзларини пирпиратар эди.

Малик жойига қайта бошлади. Шу пайт елкасига видеокамера қўйиб олган барзанги сураткашни қўполлик билан туртиб юборди. Малик унга аччиқланиб бир кўз ташладию, бироқ тезгина хушмуомалага ўтди.

— Кечирасиз, — деди илжайиб.

Бироқ видеотасвирчи қалин қошлари остидан Маликка нафратомуз тикилди.

— Жа хирапашшадай ўралашдинг-да оёғим остида. Тўйга келган бўлсанг, тинчгина ўтирсанг-чи жойингда.

Ўз айбини ҳануз англаёлмаган Малик ҳангу манг қотди. Шу пайт туйқус видеокамера биқинидаги миттигина чироқча қизил тусда ёниб-ўчаётганини пайқаб қолди. Бу матохнинг ҳам сиру синоатини туппа-тузук биладиган Малик чироқчага ишора қилди.

— Ёниб қолибди-ку, менга ўшқиргунча видеони тузатиб олинг, акагинам. Йўқса, бирорта ҳам тасвир тиник чиқмайди.

— Маслаҳатингга зормасман. Обрўйинг борида жойингга ўтир.

— Об-бо, — деди Малик масхарабозларча илжа-

йиб, — сизни суратга олмаганимдан хафасиз чоғи, а? Кечирасиз, эътибор бермабман, мана...

Видеочи қаршилик кўрсатишга улгурмади. Малик уни чаққонгина суратга олди-қўйди.

— Ҳали гаплашаман сен билан, — тўнғиллади барзанги тиш қайраганча рақибидан узоқлашаркан.

Малик зимдан теварагига кўз ташлаб олди. Хайрият, куй-қўшиқнинг шовқин-суронида ҳеч ким даҳанаки жангни сезмади. Барча еб-ичиш, ғала-ғовур билан овора эди. Икки-уч ширакайф меҳмон даврага чиқиб, раққосанинг теварагида шох ташлаб ўйноқлай бошлади.

— Қалай, зерикмадиларингизми? — деб сўради қизлардан Малик, жойига ўтираркан.

— Зерикдик, — деди Гули қақажонлик билан. — Айниқса Ҳабиба.

Ҳабиба чимирилганича дугонасини туртиб қўйди. Хийлагина тўзғиб қолган дастурхон усти қизларнинг иштаҳаси чакки эмаслигидан дарак берар эди. Аллақачон бўшатилган шекилли, хизматчи аёл шампан виноси шишасини олиб, ўрнига конъяк қўйиб кетди.

Малик зимдан Ҳабибага кўз ташлади. Қизнинг ёноқлари дугоналариники каби ичкиликдан қизариб турган бўлса-да, негадир хомуш ва ўйчан ўтирарди.

— Айтганча, қиз базми қандай бўлди? — дея уни гапга тутган бўлди Малик, қадаҳларга конъяк қуяркан. — Плёнкаларни ҳам тўлғизиб ташлагандирсиз?

Дугоналар пиқ-пиқ кулиб юборишди.

Малик таажжубланди:

— Ҳа, тинчликми?

— Ўша куни кўзингиз тегди, — деди Ҳабиба.

— Нега? Қанақа қилиб?

— Йўлда фотоаппарат тушиб кетиб, чил-чил синди.

Қизлар яна қиқир-қиқир кулишди.

— Бунинг хаёлини кимдир ўғирлаган, — деб гап ташлади Нури — юзларига қуюқ бўёқ чаплаган, тўлагина қиз. — Паришонлик курсин.

Малик қизларнинг қочиримларини ўзича тушуниб алланечук қувонч ҳисларига чулғанди.

— Об-бо, чакки бўпти-да, — деди у афсусланганнамо бош чайқаб. — Ҳа, майли, кўзим теккан бўлса, айбдорман. Демак, янги бир фотоаппарат мендан. Аммо... — Малик шўх кўз қисди, — фақат менинг суратимни олиб юрасиз, шартим шу.

Ҳабиба нозли чимирилиб қўйди.

— Бир марта олдим-ку суратингизни, етар.

Гули ва Нури қийқириб кулишди. Малик ичу таши тобора қувончга тўлиб қадаҳларни қўлига олди.

— Қани, шундай ажойиб гаплар, шундай дилкаш дугоналар учун!

Сал-пал қийин-қистовдан сўнг қизлар бирин-кетин қадаҳларини бўшатишди. Шу аснода дастурхонга норин тортилди. Барчалари сукут билан овқатга интилишди.

Ҳаммаёқни бир-бирига урилаётган идиш-товоқларнинг, санчқи ва қошиқларнинг жаранг-журунг саслари босиб кетди.

— Келин яқин дугоналаринг экан-да, — деб гап ташлади Малик, жимликни бузиб.

— Ҳа, — енгил чайналганича бош ирғади Ҳабиба. — Институтда бирга ўқиганмиз. Жуда ажойиб қиз, афсуски, сафимизни тарк этяпти.

Малик сирли илжайди.

— Сиз ҳали сафни бузишни ният қилганингиз йўқми?

— Йўғ-э, — уялганнамо чимирилди Ҳабиба.

Шу чоғ бўш идиш-товоқларни йиғиштириб юрган хизматчи сураткаш томон энгашди.

— Сизни ошхонада Миролим акам чақиряптилар.

— Хўп, ҳозир бораман, — деди Малик, сўнг Ҳабибага юзланди. — Бир минут. Дарров қайтаман.

— Тезроқ қайтинг, ҳали бизни суратга туширмадингиз, — дея гап ташлади Гули қақажонларча.

Шу орада дуррачасини таннозларча қия қўндирган яшга дугоналарга яқинлашди.

— Қани, қизлар, би-ир шўх-шўх ўйнаб беринглар-чи, келин бола илтимос қиляпти.

Дугоналар чуғур-чуғур ва кулгилар билан ўринларидан силжишди.

• • •

Тўй қизигандан-қизиб борар эди. Куй-қўшиқ садоларига мастона қийқириқлар, гулдурос кулгию чапаклар аралаш-қуралаш бўлиб кетди.

Миролим аканинг илтимосига кўра хизматчилар тўпини ҳам суратга олган Малик тағин зал томон шошилди. Бироқ ошхона йўлагига қўйилган стол устидаги шишалардан бирини қўлга олган Миролим ака жажжи қадаҳларга ичкилик қуйди.

— Қани Маликжон, икковимиз жиндек-жиндек, а, лаббай.

— Бажону дил Миролим ака, сиз билан албатта ичаман.

Улар қадаҳларни бўшатиб, газак тишлашди.

— Нусратбекнинг бу тўйи аввалгидан ҳам данғиллама бўлиб кетди-ку, а? — деди Малик зал томон имо қилиб.

Миролим ака лоқайд қўл силтади.

— Келин тараф шуни талаб қилишди. Менга қолсаку, ҳовлида ими-жимида ўтказардим.

— Ҳа, энди... уларники ҳам орзу-ҳавас-да.

— Маликжон, — деди Миролим ака тағин қадаҳларга ичкилик қуйиб, — тўйдан кейин уйга келинг, хўп? Бир яйраб ҳангомалашамиз. Буниси ҳисобмас, хе-хе...

Улар кулишганча қадаҳларни чўқиштиришди. Ичкилик ортидан шошa-пиша шўр бодринг чайнаркан Малик зал томон бетоқат кўз ташлади. Афтидан, кетишга баҳона қидирарди.

— Амаки, залдан ҳам бир-икки кадр олай, айни тўйнинг қизиган пайти.

— Биламан, болам, биламан. Илоё, барака топинг. Нусратбекка ҳам сизнинг тўйингизда хизмат қилиш насиб этсин. Малик сархуш, енгилгина чайқалганича тантана қизиб турган зал томон юрди. Созу чилдирмаларнинг гумбур-гумбури, мастона қийқириқлар ресторан томини қўпоргудек эди.

Нимқоронғи йўлакдан чиққан суратқаш, залнинг ёруғидан кўзи қамашиб бир зум тўхтади. Шу пайт дугоналари билан диркиллаб рақс тушаётган Ҳабибани кўриб қолди. Қиз ахён-ахён бўй чўзиб, аланглаб кимнидир нигоҳлари билан излар эди. Маликнинг юрагига ажиб бир қувонч, ҳаяжон ёпирилиб кирди: «Мени қидиряпти, мени!..»

У завқ-шавқ қўйнида Ҳабибага бир зум термилиб тургач, даврада ўйноқлаб юрган ширакайф меҳмонлар тўпини оралаб қиз томон ошиқди. Худди суратқашга далда бергандай хонанда чираниб куйлар эди:

Кел, кел, келақол,
Юрагимни олақол...

— Жуда чиройли рақс тушаркансиз, — деди туйқус қизга яқинлашган Малик. — Чарчамадингизми?

Ҳабиба суратқашга худди чўчиб кетгандек кўз ташлади-ю рақсдан тўхтади:

— Қўйинг-е.

Малик пайтдан фойдаланиб қизнинг билагидан тутди-да, дастурхон томон бошлади.

— Юринг, бир оз дам оламиз.

— Хў-ўп.

Шу чоғ суратқаш манглайини қоплаган тўзғин сочлари остидан хўмрайганча тикилиб турган Нусратбекка кўзи тушди.

— Зерикмайгина ўтирибсанми, чиновник?

— Чидаса бўлади, — деди куёвтўра зўраки илжайиб. — Ўзинг-чи, адашмасам, зерикишга сира вақтинг йўқ, шекилли.

Малик Ҳабиба билан етаклашиб ўтаркан интилиб Нусратбекни елкасига дўстона нуқиб қўйди-да, сирли кўз қисди.

— Сенинг шарофатингдан, жўра.

Гули ва Нури қандайдир йигитлар билан жуфт-жуфт бўлиб ҳамон рақс тушишмоқда. Улардан андак нарида ўша барзанги видеокамерачи ивирсиб турибди. Куй-қўшиқ, тала-тўп авжида.

— Куёв-почча дўстингиз экан-да? — деди Ҳабиба жойига ўтираркан.

Малик ҳам ичимликдан қуйиб қизга узатди.

— Ҳа, эски қадрдон курсдош.

— Ўх-ў, билмаган эканман.

— Ҳабиба, — деди Малик ботинмайгина. — Тўйдан кейин сизни кузатиб қўйсам майлими?

— Йў-ў... Илтифот учун раҳмат, Малик ака. Узр, ҳозир акам келиб олиб кетади мени.

— Эсам... — баттар чайналди суратқаш. — Эртага бир учрашсак қалай, айтганча, суратларингизни тайёрлаб қўйгандим.

— Ўйлаб кўрай-чи, дарров бирор нима дейиш қийин.

Малик темирни қизиғида босгиси келди.

— Ҳабиба, эртага кечки соат бешда сизни Анҳор бўйидаги «Чинор» ошхонаси ёнида кутаман. Келасиз-а?

Ҳабиба мужмал елка учириб, жилмайди.

— Ҳаракат қиламан.

— Ана бу бошқа гап, — дея шодон кафт ишқалади Малик, гўё, қиздан қатъий ваъда олгандай. Сўнг қадах-

ларга конъяк қуя бошлади. — Илтимосимни рад этмаганингиз учун рахмат.

— Қойил, ичкиликка бесуяк экансиз.

— Келинг, шу мақтовингиз учун ичайлик.

Малик авраб-авраб қиз қўлига қадаҳ тутқазди.

Иккиси бир-бирига термилиб бир зум жим қолишди.

* * *

Ярим тун. Кўча бўйлаб тизилиб кетган неон чироқларининг ёғдуси алланечук хира. Машиналар қатнови сийрак. Малик хийлагина сархуш, ширакайф. Келинкуёвга эзмаланиб бахту иқбол, тағин алламбалолар тилагач ресторандан чиқиб кетди. Барибир тўй охирлаб қолган эди.

Малик фотоаппаратлари солинган чарм сумкасини гоҳ елкалаб, гоҳ орқалаб, гандираклаганича катта йўл бўйлаб юра бошлади. Димоғи чоғ, лабида хиргойи. Ахён-аҳён ғизиллаб ўтиб қолган машиналар томон шоша-пиша қўл чўзиб ўзича тўхташга ундаб қўяди. Шу аснода ресторан ичидан отилиб чиққан икки шарпа сураткаш томон илдам-илдам юришди. Кўзлари аланг-жаланг. Бирининг қўлидаги узун тиғли пичоқ чироқ ёруғида ярқираб кетди.

— Тезроқ, — бўғиқ ғулдиради иккинчиси, — кетиб қолади.

Бироқ улгуришмади, йўл бўйида қўл силкиётган Маликнинг ёнида милиция-патрул машинаси тўхтади.

— Ўтиринг, ўртоқ, — деди олд ўриндикда ўтирган, лейтенант мундиридаги барваста милиционер.

Малик бир зум саросималаниб тургач, уловнинг орқа эшигини очиб ўзини салонга урди. Машина шитоб билан олға интилди.

Маликни таъқиб қилиб чиққан шарпалар кўча бўйида депсинганча тўхташди.

— Ах, лаънати, қўлдан чиқардик-ку?!

— Тфу-у...

— Давай, машина тут! Орқасидан пойлаб бораверамиз. Тез бўл, барибир уйининг олдида тушиб қолади, шартта ишни саранжомлаймиз.

— Эсинг жойидами, ким айтди сенга, патруль уни уйигача элтиб қўяди, деб?

— Ну?..

— Энди уни шаҳарнинг бирорта хушёрхонасидан излаш керак.

— Ҳа-а, тфу-у...

— Кетдик, боссга вазиятни тезроқ айтайлик.

— Юр.

Машина елиб борарди.

Лейтенант оркага бош буриб йўловчига синчков-синчков тикилди.

— Тўйдан чиқибсиз шекилли, а?

— Худди шундай, командир, — деб кулди Малик. Машина ёнида тўхтагандан бери ичидан қиринди ўтаётган бўлса-да сир бой бермасликка харакат қиларди.

— Ҳужжатлар жойидами, ишқилиб? — сўради лейтенант йўловчининг чарм сумкасини сиртдан пайпаслаб кўраркан. — Қаерда яшайсиз?

— Олатўн кўчаси, 15-уй, 3-хонадонда. 2-қават чап томондаги эшик.

— Ўҳў-ў, кайфингиз ҳам оби-тобига келибди-ю, а?

— Ҳа, ўрток командир. Лекин мен кўпроқ муҳаббат майидан мастман.

Лейтенант Маликнинг башарасига бир зум тааҗжубланиб тикилиб тургач, ҳайдовчи шеригига юзланди.

— Эй, энди нима қилдик?

— Нима қилардик, Олатўнга ташлаб қўямиз, — деди ҳайдовчи милиционер йўлдан кўз узмай. — Мен уни танийман, кунбўйи хиёбонда кўкаради, сураткаш. Зарилман шахс.

Милиционерлар қувноқ кулишди. Малик ҳам илжайиб жўр бўлди.

— Ҳамиша хизматларингизга шайман, акалар.

• • •

Ғира-шира шом пайти. Сокин, хаёлчан оқаётган анҳор қирғоғидаги ўриндиқда ўтирган Малик қўл соатига яна бир карра кўз ташлади. Келишилган вақтдан тағин роппа-роса бир соатча ўтди, бироқ Ҳабибадан дарак йўқ!

Йигитни кунбўйи ҳаволатиб юрган ҳаяжон, қувончдан асар ҳам қолмади. Ич-ичида алланечук изтироб, ғусса қўзғалди. Теваракка маъюс-маҳзун кўз ташлади.

Анҳор эшилиб-тўлғониб оқмоқда. Қирғоқ бўйлаб ястаниб кетган сийрак дарахтзор сарғиш қизғиш хазонларга бурканган. Шохдан-шохга учиб-қўниб ўйноқлаётган қушлар чуғури бир зум тинмайди.

Малик оҳиста ўрнидан турди. Андак нарида, «Чинор» қаҳвахонасида ҳаёт қайнайди. Ошпазу хизматчилар у ён-бу ён зир-зир қатнамоқда. Хўрандалар мўл.

Талабалик чоғлари Малик Нусратбек билан бу ерга тез-тез келиб туришар эди. Сув бўйида, сўлим дарахтзор қўйнида мириқиб овқатланишга нима етсин?! Аммо бир гал хўб ғаройиб саргузашт бўлган.

Худди шундай илиқ куз кечларидан бири эди. Стипендиядан чўнтаклари қаппайган икки дўст «Чинор»нинг хўракларини қўмсаб келиб қолишди. Иштаҳаларни баттар қитиқловчи хидлар анқиб турган кенггина залда одам сийрак экан. Жимир-жимир оқиб ётган анҳор яккол кўзга ташланадиган жойга ўтиришди.

Бир пайт қаҳвахонада икки хурлико пайдо бўлди. Тор кофта, калта юбка қадди-қоматларини сириб турибди. Юз-кўзлари тўла табассум, нозу карашма. Улар шундоққина икки дўстнинг ёнидаги столга минг бир таманно билан жойлашишди.

Маликнинг тили танглайида қотди. Нусратбек ҳам ўктин-ўктин қизларга анграйиб қолар эди. Малик секин дўстининг биқинига туртди. Ҳайрату хаяжонга тўла кўзлари бир зум тўқнашди.

— «Зўр-а!»

— «Зўр!»

Қизлар гўё ҳеч нарса пайқамагандай ўзаро чақчақлашиб гоҳ оёқ чалиштириб, гоҳ эгилиб-букилиб бутун гўзалликларини намойиш этишар эди. Нусратбек сулувларга суқланиб термилиш беҳудалигини англади, шекилли, халигина хизматчи келтириб стол устига қўйган шўрвага ташланди. Малик ҳам ноумид қошиқни қўлига олди. Шўрва мазалигина экан. Талабалар гўзалларни бир зум унутгандай бўлишди. Бироқ энди қизлар улар томон ишвали-ишвали кўз ташламоқда эди. Ҳатто, ўзаро шивирлашиб пиқ-пиқ кулиб ҳам олишди.

— Эй, йигитлар, соат неча бўлди, билмайсизларми? — дея туйқус гап ташлади гўзаллардан бири.

Йигитлар баб-баравар, ялт этиб қизларга қарашди. Баб-баравар қўл соатларига кўз ташлаб, баб-баравар вақтни айтишди. Сўнг ҳаммалари баб-баравар кулиб юборди лар.

Кўзлари катта-катта, қорамағиз қизнинг номи Надя экан. (Кейинчалик аслида Норхол экани маълум бўлди.) Бодомқовоқ, сочлари калта кесилган қизнинг исми Са-

нам экан. (Кейинчалик аслида Светлана экани аниқланди.)

Қиска танишувдан сўнг Надя-Норхол Маликнинг, Санам-Светлана Нусратбекнинг биқинига кўчиб ўтди. Кутилмаган омаддан талабалар аввалига хўп довдиради, сўнгра, бир-бир қадаҳ ароқ сипқоришгач, тил жағлари чархланиб, қўллар югуриккина бўлиб қолди. Айниқса Нусратбек Надя-Норхолга канадек ёпишиб олди. Ҳаш-паш дегунча қизнинг ярим яланғоч сонларидан тортиб, бўлиқ сийналаригача бир-бир силаб чиқди. Ютоқди.

Улар шу алфозда еб-ичиб, ялашиб-юлқашиб алламаҳалгача ўтиришди.

— Энди турамиз, кеч бўлиб кетди, — деб қолди бир маҳал Надя-Норхол, Маликнинг кўмагида ўрнидан тураркан.

Санам-Светлана ишва билан Нусратбекнинг бўйнига осилди.

— Балки жентелменлар кузатиб қўйишар.

Йўқ, йигитлар кузатиб қўйишмади. Такси ёллаб қизларни уйларигача элтиб қўйишга аҳд қилишди.

Қизлар аэропорт томондаги эскигина ҳовлида ижарагир экан. Киракаш «Жигули» уларни бир зумда етказиб қўйди.

— Энди бизнинг бир пиёла чойимизга марҳамат, — дея артистларча кулоч ёйди Санам-Светлана.

Надя-Норхол хиринглаганича пастаккина дарвоза эшигини очишга киришди.

Теварак тун чодирасига бурканган. Тахта деворлар билан амал-тақал ўралган, айқаш-уйқаш, ташландиқнамо уйлар алланечук хурпайиб, ваҳимали кўринади. Тор, қинғир-қийшиқ кўчадан кандайдир қўланса анқийди.

— Қани, марҳамат, йигитлар, — деди Надя-Норхол, бир амаллаб темир эшикни очаркан.

Теваракнинг тунги манзараларидан туйқус хушёр тортди шекилли, Нусратбек қизлар билан секингина хайрхўшлашиб, қайтиб кетиш пайига тушиб қолди.

— Бошқа сафар, бошқа... — дея ғулдирарди у, тирғалганча ичкарига қистаётган қизнинг қучоғидан чиқишга уннаб.

Уй бир даҳлиз, бир ошхона ва икки пастаккина хужрадан иборат экан. Ҳаммаёқ исқирт, тўзғин. Хирагина олтмишлик лампочка, чанг-ғубордан баттар хира торт-

ган. Ошхонада ювуқсиз идиш-товоқлар қалашиб ётибди. Атир-упанинг ўткир иси зах ва қандайдир кириндн иси-га қоришиб кетган.

Қўлга тушган тутқундай қунишибгина ўтирган Нусратбекни Надя-Норхол тағин қистовга олди.

— Нусрат ака, орқа тугмамни бўшатворинг, жа-а қадаляпти, — деди у йигитни хужралардан бирига бошларкан.

Нусратбек дўсти томон нажот сўрагандай ҳасратли кўз ташладию ноилож қизга эргашди. Малик ўз гўзали билан овора эди. Санам-Светлана йигитнинг тиззасига ўтириб олиб, гох ўпиб, гох нозик бармоқлари билан сочларини тароқлаб хирингларди.

— Сизни орқа тугма қийнамаяптими? — сўради Малик аллақандай ҳислардан тобора жўшаркан.

Санам-Светлана йигитга кўксини тутди.

— Йў-ў, мани кофтам қийнаяпти.

Улар чойшаблари кирланиб кетган ёток-диван устида ўтиришган эди. Икковлари ҳам алланечук энтикканча бир-бирларини ечинтира бошлашди.

— Сизга ёқаманми? — сирли шивирлади қиз, оппоқ бўлик сийналарини йигит юзига тегизаркан.

Малик эҳтиросдан бўғриқиб аранг сас берди.

— Ҳа.

Икки ташна вужуд бир-бирига чирмашди...

...Малик илкис кўзини очганда дабдурустдан қаерда ётганини англаёлмади. Дахлиз чироғининг ёғдусидан ғира-шира ёришиб турган хона, ерда сочилиб ётган кийимлари аста-секин йигит хаёлини жойига келтирди. Диванниг бир четида шир яланғоч Санам-Светлана қунишибгина ухлаб ётар эди. Малик оёқ учидаги кўк жилдли адёлни қиз устига ташлаб қўйди. Шу пайт қўшни хужрадан ғўнғир-ғўнғир сас қулоғига чалинди. Сергак тортиб ўрнидан турдию охиста дахлизга чиқди. Ошхона ёқда тимирскиланиб юрган сичқон шувиллаб ўтиб, ўзини йўлакка урди. Малик чўчиб тушди. Сўнг хануз ғўнғир-ғўнғир товуш келаётган хужра эшигидан мўралади.

Ярим яланғоч, сочлари тўзғин, аразлаган боладек қошқовоқлари уюлган Нусратбек ёток-диваннинг бир четида паришон ўтирарди.

— Қўрқманг, хечқиси йўқ, — дея мехрибон онадек уни овутарди Надя-Норхол, полга тиз чўккан кўйи йигитнинг сонларини уқаларкан. — Биринчи марта кўпин-

ча шунақа бўлади. Озгина суст босди сизни, қаттиқ хаяжондасиз. Қўрқманг, қани, яна бир ҳаракат қилиб кўринг-чи...

Малик ўзини шартта панага олди. Оҳиста изига қайтди.

Эрталаб тунги ҳамма саргузаштлар, муҳаббатли боқишлари, эҳтиросли ўпишишлар шунчаки тушга ўхшаб қолди. Қизлар худди банк хизматчиларидек совуққон ва жиддий қиёфада бўсағада туриб олишди.

— Бизларникиям тирикчилик, — деди Санам-Светлана хурпайиб. — Ҳисоб-китобни тўғрилаб қўйинглар. — Сўнг соч тараётган Надя-Норхолга шикоятомуз минғирлади. — Тағин нақ эрталабгача-я?! Ўлар бўлсам ўлиб бўлдим.

Икки дўст баб-баравар бир-бирига тикилишди. Баб-баравар бош чайқашиб, баб-баравар чўнтакларини қоқиштира бошлашди. Хайрият, буларда ҳам талабалар учун чегирма бор экан! Бир амаллаб қутулишди.

Атиги ўн-ўн беш дақиқадан сўнг икки дўст автобус бекати томон шалвирабгина келишар эди.

Малик хаёлчан одимлаётган Нусратбекнинг елкасидан дўстона тутди.

— Қалай! Зўр-а!

— Зўр!

Бироқ анҳор бўйида нақ икки соат беҳуда ивирсиган Маликни бундай ғаройиб хотиралар ҳам овутолмади. Таъби тирриқ, ичига чироқ ёқса ёришмайди.

У бўшашганча зим-зиё йўлак зинапоясида ўз хужраси томон ҳорғин кўтарила бошлади. Шу асно унинг эшиги ёнида ивирсиб турган аллақандай шарпа қадам товушларини эшитдию, лип этиб юқориги қаватга чиқиб кетди. Бироқ уни Малик пайқамади. У хувиллаб ётган хужрасига кириб, чироқни ёқди. Хонада ўнлаб Ҳабибалар мийиғида кулиб, йигитга айбдорона тикилиб турар эди. Айниқса, дераза токчасига қўйилган каттакон сурат яққол кўзга ташланади. Малик ўртаниблар кетди. Асабий бир тарзда ўзини каравотга ташлади: «Нега келмади, нега?!»

Йигит юзига ёстиқ босганича хийла вақт сулайиб ётаркан, ногоҳ, Ҳабибани соғиниб кетганиданмас, беҳуда қизни кутиб, иззат-нафси топталганидан изтироб чекаётганини англаб етди. Ахир, не-не қизлар унинг изидан соядай эргашган! Малик шунчаки, ҳазиллашиб учрашувга таклиф этган чоғлар, йигитдан олдин келишилган жойга

хозиру нозир бўлишган. Малик атай ўзини панага олиб, бетоқат кутаётган гўзалларнинг интиқ-интиқ аланглашини ҳузур билан кузатган. Хўш, бу ёғи неча пулдан тушди энди? Ҳабиба нега келмай қолди? Наҳотки, уни писанд қилмаган бўлса?! Ё...

Малик ёстиқни бир чеккага улоқтириб, ирғиб ўрнидан турди. Стол устидаги телефон аппаратига хаёлчан тикилди. Телефон гўё ҳаммаси учун хижолат чекаётгандай, алланечук ғужанак тортиб турар эди.

«Қани, бир сим қоқиб кўрай-чи» — ниҳоят бир қарорга келди йигит, девордаги сурат чеккасига ёзиб қўйилган Ҳабибанинг телефон рақамларига синчков кўз ташларкан.

Суратқаш шашт билан аппарат гўшагини кўтардию, бироқ анчайин ботинолмайгина рақам терди. Сўнг гўшакдаги узун-узун чақирув гудогига тек қотган кўйи қулоқ солди. Қулоқ сола-сола беихтиёр яна алоқани узиб қўйди: «Э, нима зарил менга?!»

Малик хона бўйлаб у ён-бу ён асабий бир тарзда юрина бошлади. Бир оздан сўнг лабларини қатъий қимтиб тағин телефонга ташланди: «Еб қўймас, қани, нима гаплигини билай-чи?»

Бу сафар илк узун гудок таралар-таралмас у тарафда гўшак кўтарилди.

— Алло-о, алло-о, ким бу? Алло-о, кимсиз, эшитаман сизни! — деди аллақандай эркак ҳовлиқиб.

Алланечук асабий, хаяжонли товушдан чўчиб кетган Малик беихтиёр трубкани жойига қўйди. «Бошқа ёққа тушиб қолдим, шекилли?» — ўйлади у ғижиниб. Тағин бир оз хаёлчан, бўшашиб тургач, яна рақам терди. Бу сафар у тарафдан аёл кишининг баттар асабий, йиғлоқи товуши эшитилди.

— Алло-а, эшитаман. Гапирсангиз-чи?!

— Алло, бу... бу Ҳабибаларнинг уйими? — дея аранг сўради Малик. Сўрадию ўзининг алланечук бўғиқ, титроқли товушидан ғашланиб, тарақлатганча трубкани жойига қўйди. У тарафда ҳовлиқма аёл «ҳа» дейишга зўрға улгурди. Бироқ ўз хаёллари билан андармон йигит бунга эътибор бермади. Депсиниб, ғудраниб ўрнидан турдию ечинишга тутинди. «Би-ир, ювиниб олай, енгил тортаман, тупурдим ҳаммасига», — хаёлидан ўтказди у.

Малик тизиллаб отилаётган душ тагида ҳузурланиб узоқ чўмилди. Дарҳақиқат, енгил тортгандай бўлди.

Юмшоқ патли сочиққа обдон артинаркан, кўзгуга кўз ташлаб, ўзининг чайир, бақувват қоматидан, аллақандай ўктамлик, қатъият ёғилиб турган хушбичим юзкўзидан ғурурланди. Илжайди. Сўнг ивирсиб, енгил уй кийимларини кийди. Хонанинг у ёқ-бу ёғини йиғиштирган бўлди.

Бир пайт эшик қўнғироғи устма-уст жиринглади. Ҳар хил олди-қочди хабарлар, яланғоч аёлларнинг суратлари босиладиган газетани эндигина қўлига олган Малик чўчиб тушди.

Қўнғироқ тағин устма-уст жиринглади.

«Ким экан бемаҳалда?» — ўйлади сураткаш, у ёқ-бу ёғини орасталаган кўйи бўсағa томон юраркан.

Жаҳл билан эшикни қия очди. Шу пайт тўппонча ўқталган чарм камзулли уч барваста киши баб-баравар ичкарига интилди.

— Қимирлама! Милиция! — дея қичқирди калта соч-лари тиканакдек, ялпоқ юз киши, Маликни бурчакка қисаркан.

Шерикларидан бири ваннанинг, бири ошхонанинг эшигини тепиб очди. Ҳангу манг қотган Маликнинг юраги қинидан чиққудек бежо урар, тиззалари қалт-қалт титрар эди.

— Ўрток капитан, — дея ичкаридан бўғиқ овоз берди улардан бири, — объект топ-тоза, хеч ким йўк.

Тиканак соч Маликнинг биқинидан тўппончасини олди.

— Қани, қўлни туширинг, ичкарига марш!

Малик довдир-совдир ёток томон юрди. Ёнма-ён, эҳтиёткорона одимлаётган тиканак соч, девордаги суратлару токчадаги портретга синчков-синчков тикилди.

— Тинчликми, ўртоқлар? — сўради аранг ғулдираб Малик.

— Капитан Акромов, — деди тиканак соч, хизмат гувоҳномасини чиқариб, йигитга нуқиркан. — Жиноят қидирув бўлимиданмиз.

Изқуварлардан бири — сап-сариқ, қирғийбурун йигит дераза ёнида, мўйловлари қалин, дўнгпешона шериги эса йўлакда тек қотган эди.

— Тинчликми, ўртоқлар? — тағин ғудраниб сўради Малик, бошқа гапга тили айланмай.

— Нотинчлик, — деб пўнғиллади капитан, сўнг каравотга ишора қилди. — Қани, ўтиринг-чи.

Малик довдираган кўйи каравотнинг бир чеккасига омонат чўкди. Капитан фотоанжомлар сочилиб ётган стол ёнидаги стулни ғижирлатиб ўтирди.

— Исми шарифлари? Иш жойингиз?

— Мен... Ҳасаниф Малик. Суратқашман, оддий. Иш жойим хиёбон.

Капитан девордаги суратларга ишора қилди.

— Бу қиз ким?

— Танишим... Ҳабибахон.

— Жуда яхши танийсизми уни?

— Тўғриси... — хижолат билан чайналди Малик. — Тўғриси... жуда яхши танишни истайман. У билан атиги икки марта учрашганмиз. Биринчи гал, шанба куни хиёбонда. Ўшанда сал-пал танишдик. Сўнг кеча «Нур» ресторанида... бир дўстимнинг тўйида учрашиб қолдик. Бор-йўғи шу.

Капитан шубҳаланган бир қиёфада хонанинг у ён-бу ёнига ҳануз кўз югуртирар экан, телефон аппаратига имо қилди.

— Бундан бир соатча аввал бирор ерга қўнғироқ қилмадингизми, мабодо?

— Ҳа, — кўзларини пирпиратди Малик. — Қўнғироқ қилдим.

— Қаерга?

Малик тик қотишган кўйи ўзига синчков-синчков тикилиб турган изкуварларга уялганнамо кўз ташлаб олди.

— Шу... Ҳабибахонларникига.

Капитан ўзича бепарво стол устидаги суратларни титкилай бошлади

— Нима мақсадда?

— Нима десам экан... ҳалиги... Ҳабибахон билан бугун учрашмоқчи эдик. У... у келмади. Сўнг хонамга келдиму хавотирланиб уларникига қўнғироқ қилдим. Трубкани аввал бир эркак, кейин... бир аёл олди. Уялиб гаплашолмадим. Шу... А, тинчликми, командир?

— Айтдим-ку, нотинчлик! — деди капитан столни асабий чертганча суратқашга синовчан тикиларкан. — Бу қиз ўтган тунда, ўша «Нур» ресторанидаги тўйда йўқолиб қолган.

Малик беихтиёр ўрнидан ирғиб турди.

— Йўғ-е?! Қандай қилиб?!

— Ҳа, ахвол шунақа, — деди капитан ўрнидан ту-

раркан. Излаяпмиз. Сизнинг қўнғироғингиз қизнинг ота-онасида шубҳа уйғотиб дарҳол бизга хабар қилди. Мана, учрашиб турибмиз.

• • •

Малик кунни аранг кеч қилди. Кўча-кўйни ёритиб юборган катта-кичик, хира-ёруғ чироқлар, гўё бутун зулматни унинг ичига қувиб, қамагандек эди. Юраги ғаш, эзғин. У бугун одатдаги қувноқ, беғам киёфага киролмади, одатдагидек сўзамоллик билан мижозларни чорлаёлмади. Ахён-ахён минғирлабгина хиёбоннинг бир четида бўшашиб турди. Иттифоқо, бир пайт ёнгинасидан хув, ўша кунги тажанг, тўнг кампир ўтиб қолди.

— Ҳа, болам, — деди у сураткашга киноялн кўз ташлаб, — бугун чақагинг ўчган? Нима жин тегди сенга? Қани, ўзингни-ўзинг би-ир суратга опқўй-чи, зора, буришган аптинг сип-силлиқ бўлиб қолса.

Малик ўша кунги хазили учун кампир боплаб ўч олганидан яйраб-яйраб кулди. Бироқ барибир бу шилимшиқ ғашлик, алланечук безовталикдан қутулолмади. Хатто уч-тўрт мижозни у-бу баҳона билан суратга тушпрмай, қуруқ қайтарди.

Унинг жуда-жуда ичгиси келар эди. Ароқ ичидаги бор-йўғ аламни ювиб кетадигандек туюлди. Шу сабаб хиёбон биқинидаги таниш қахвахонага кирди. Қахвахона ёруғ, шинам. Хўрандалар сийрак. Аллақандай майин, маҳзун мусиқа таралиб турибди. Зал пештоқидаги сонсаноқсиз, ранг-баранг митти чироқчалар жозибали-жозибали жимирлайди.

Малик оқ, қизил ичимликларга лиммо-лим, катта-кичик шишалар териб қўйилган, баланд пештахтали бўлма томон юрди. Пештахта ортида сураткашга тузуккина таниш бўлган Рашидхон куймаланиб турибди. Рашидхон жуда ғалати нусха, қизларга ўхшаб қош учириб, кўз ўйноқлатиб, муқом билан гапиради. Бироқ қўли очиқ, хушмуомала йигит. Бир-икки марта Маликка ҳам яхшигина қарз бериб кўнглини топган. Мана, кутилгандек, сураткашни тағин очиқ чехра билан қарши олди.

— Ассалому алайкум, Маликжон акажон! Намунча шаштингиз паст? Совлиқлар жойидами?

— Э, нимасини айтасиз, — сураткаш пештахтага ҳорғин суянди. — Чарчадим. Ўзларинг қалай? Савдо авжми?

— Тузук, акажон!

Малик фотоанжомлар солинган сумкасини пештахта устига қўйди.

— Рашидхон, мана шу ашқол-дошқол эрталабгача сизда тура турсин, хўпми?

— Бемалол, Маликжон акажон. Ву-уй, намунча оғир бу ўлгур.

— Суратқашликка тегишли ҳамма нарсани кўтариб юрибман. Бу ҳам бир лўличилик-да.

— Ҳечқиси йўқ. Хоҳласангиз, ҳар куни ташлаб кетинг. Шу ерда тураверади, шкафчамга солиб қўяман. Хоҳласангиз, — Рашидхон қош қоқиб, илжайди, — ўзингизга ҳам жой топилади, хе-хе...

Хизматчининг завқ билан кулишидан Маликнинг бир зум энсаси қотиб турди.

— Раҳмат, Рашидхон. Тўғрисини айтсам, бугун бир тўйиб ичмоқчиман. Ичволиб манавиларни судраклаб юриш малол келади-да.

— Вой, ичмоқчимисиз? — беадоқ таажжуб билан кўз ширпиратди Рашидхон. — Қўйинг-е, Маликжон акажон, сизга ярашмайди.

— Озгина, хўпми?

— Озгина бўлса, хўп. Аммо-лекин ҳаддингиздан ошмайсиз, мен буни истамайман.

Дарҳақиқат, ичкилик Маликнинг дард-ғуборини ювиб кетгандай бўлди. У залнинг бир чеккасидаги столга бағрлаб ўтираркан, иккинчи қадаҳдан сўнг, ҳалигина хизматчи аёл келтириб қўйган овқатга иштаҳа билан ташланди. Ақл-идроки алланечук тиниқлашиб, ўтган тунги ташриф тафсилотлари тағин бир-бир хаёлида жонлана бошлади.

Қизиқ, тиканак соч изқувардан Ҳабибанинг йўқолиб қолганини эшитдию туйқус севиниб кетди. Ҳатто, қувончдан қийқириб юборишига сал қолди. «А-ҳа-а, сабаби бу ёқда экан-да, — лип этиб хаёлидан ўтди унинг, — атай келмай, масхара қилди, деб юрибман-а?!»

Бироқ унинг афт-ангорида бир дамгина ярқ этиб ўтган қувонч шарпаси зийрак изқуварларнинг пигоҳидан четда қолмади.

— Ия, — деб луқма ташлади дераза ёнида турган ходим. — Биров ўламан, деса, сиз куламан дейсиз-ку?! Тинчликми?

Малик жўяли жавоб тополмай талмовсираб қолди.

Шу баҳона бўлдию тиканак соч изқувар уни аёвсиз сўроққа тута кетди. Сураткаш ўша кун патрул машинасига илашиб қолганидан тағин бир карра хурсанд бўлди. Изқуварлар олдида ўзини оқлаб олди. Ниҳоят, улар жўнаб қолишди.

— Шаҳардан уч-тўрт кун чиқиб кетмай туринг, — деб тўнғиллади тиканак соч, ҳануз шубҳа билан хонани тарк этаркан. — Керак бўлсангиз чақиртирамиз.

Изқуварлар кетишди. Бироқ алланечук таҳлика, таҳдид ҳужра бўйлаб изғиб қолди. Малик хийла вақт гангиб, ивирсиб ўтиргач, қўрқув ва вахима билан тўшакка кирди. Ана шу шилимшиқ қўрқув ва вахима уни бугун кунбўйи таъқиб қилиб юрди.

Малик чуқур тин олиб, галдаги қадаҳни бўшатди.

• • •

У тун чироқлари хира бўзарган кўчалар бўйлаб узоқ тентигач, ниҳоят, ўзи яшайдиган кварталга бурилди. Кўп қаватли уйлар сархуш йигитга жавдирабгина тикилиб тургандек туюлар эди. Шу дам Ҳабибанинг маъсум юзи, пирпираётган кўзлари Маликнинг яна бир карра хаёлида жонландию юрак-бағри ғалати сирқираб кетди. Ана шу сирқираш, ширин изтироб узоқ-узоқ чўзилишини истар эди у. Шу сабаб илк ҳомла шарпасидан энтиккан аёлдай, бетон ариқ лабидаги дарахт танасига бехол суянди. Ғариб бир кувонч оғушида беихтиёр пичирлади: «Ҳабиба...»

Малик Ҳабибани чиндан ҳам севиб қолганига шу дамдагина рўй-рост ишонди. Ҳув, хиёбондаги илк учрашувдаёқ юрагига силқиб чиққан илиқлик, тобора қайноқ ҳисларга айланиб келаётганини яққол ҳис этди. Беихтиёр ўкириб-ўкириб йиғлагиси келди.

Малик яна довдир-совдир юриб кетди. Тун салқин. Енгил эсаётган куз эпкини дарахтларнинг қовжироқ барглариии шитирлатади. Сураткаш қадрдон тўрт қаватли уй биқинига етган жойда тахтадай қотди. Ҳатто бутун сархушлиги ҳам тарқаб кетгандай бўлди. Кўзларини ишқалаб яна сергак-сергак тикилди. Йўқ, аниқ, иккинчи қаватдаги, ўзига тегишли деразада лип-лип ёнғу ўйноқлар эди. Ҳужра ичидан таралаётган бу тарам-тарам нур шубҳасиз қўл фонариники.

«Ичкарида кимдир тимирскиланиб юрибди!» — вахима билан ўйлади Малик, жон-жаҳди билан уй йўлаги

томон югураркан. Йўлак зим-зиё эди. У ҳансираб, пайпасланиб иккинчи қаватга кўтарилди. Чиндан-да, хужрасининг эшиги қия очиқ!

— Кимсан?! Жилма жойингдан! — бўғиқ овоз берди Малик, қўрқа-писа уйга кириб бораркан.

Тимирскиланиб юрган шарпа шашт билан қад ростлаб, кўл фонарининг ўткир нурларини Маликнинг юзига қаратди. Малик кўзлари қамашиб, довдираганича кафтларини юзига босди. Шарпа пайт пойлаб, йўлак томон отилди. Малик илкис интилиб унинг кийимининг аллақаеригадир чанг солди. Бироқ туйқус гарданига тушган муштдан ихраб қулади.

Шарпа аввал йўлакни, сўнг зинапояларни тарақлатиб қочдию кетди. Малик оғриқ ва аламдан тўлғониб бирамаллаб ўрнидан турди. Пайпасланганича чироқни ёқди. Ёқдию ичкаридаги алғов-далғовни кўриб ҳангу манг қотди. Ерда рўзғор буюмларию ҳар хил фотоанжомлар, тайёр суратлар сочилиб ётар эди. Девордаги, дераза токчасидаги Ҳабибанинг расмлари ҳам юлқиб ташланган. Малик юрагининг гурс-гурс уришига қулоқ солганча, деворга беҳол суяниб қолди. Шундагина чап қўлини хануз мушт қилиб турганини пайқаб, бўшашибгина кафтини ёйди. Ҳойнаҳой, ҳалигина шарпага ташланган чоғ, юлқиб олган бўлса керак, кафтида бир дона йирик тугма бор эди. «Қизиқ, ким бўлди бу?! Ўғрими?» — хаёлидан ўтказди Малик, тугмани чўнтагига солиб қўяр экан. Сўнг кийим жавонининг ичини титкилашга тушди. Йўқ, бир даста пул яшириб қўйган жойида турибди. Сўнг уй ичини, иш столининг тортмаларини бир-бир кўздан кечиришга тушди. Кўп ўтмай у дўсти Нусратбекнинг тўйида кадрлар билан тўлдирилган плёнка ўрами йўқолганини пайқади. «Об-бо, чатоқ бўлди-ку» — лип этиб хаёлидан ўтказди Малик, стул устига ҳорғин ўтириб қоларкан.

Бир пайт эшик қўнғироғи устма-уст жиринглади. Малик сапчиб жойидан туриб кетди. Юз-кўзига таҳлика, хаяжон оралади. У йўлакка чиқди. Шундагина эшик хануз ланг очиқлигини, бўсағада ўзига таниш уч ғўдайган қиёфа — ўша изқуварлар турганини кўрди.

— Киришга мумкинми, ўртоқ сураткаш, — деди ўша тиканак соч, ялпоқ юз капитан, ичкарига бош суқиб. — Меҳмон келишини билибсиз-да, а, эшикни ланг очиб қўйибсиз.

— Ассалому алайкум, кир... киришгизлар, — деб ғулдиради Малик, ранг-кути ўчиб.

Изқуварлар сипогарчилик билан ичкари киришди. Киришдию ҳужрадаги алғов-далғов манзарани кўриб дарҳол сергак тортишди.

— Нима гап? — Маликка таажжубли тикилди капитан. — Кўчиб кетяпсизми?

— Йў-ў, ишдан қайтсам, эшик очиқ, ичкарида аҳвол бу... ўғри тушибди.

— Ўғри?! Ўғри тушганини қаердан билдингиз? Бирор қимматбаҳо нарсангиз йўқолибдими?

— Йў-ў, — тағин чайналди Малик, — пулим, нарсаларим жойида, лекин...

— Хўш, нима, «лекин?» — бетоқатланди капитан.

— Кечаги... дўстимнинг тўйида кадрлар туширилган плёнка ўрами йўқолибди.

— Плёнка?!

Изқуварлар тезгина кўз уриштириб олишди.

— Ҳа, плёнка, — бўшашибгина такрорлади Малик.

Тиканак соч суратқашни синчковлик билан бош-оёқ кузатаркан.

— Ўша плёнка бизга ҳам керак, — деб пўнғиллади, — шунинг учун бу ерга келдик.

— Рост... айнан ўша плёнка ўрами гум бўлибди. Адашаётганим йўқ, устига Нусратбекнинг тўйи, деб ёзиб қўйгандим.

Шу пайт ҳужра ичини синчиклаб текшириб юрган дўнгпешона изқувар қичқириб юборди.

— Ўртоқ капитан, буни қаранг!

Зийрак изқувар имо қилган жойда, каравот чеккасидаги ёстиқ устида узун соч толаси ястаниб ётар эди.

— Аёл кишининг сочи, — деб қўйди изқувар, топилдиқни рўмолчаси билан йиғиб оларкан.

Буткул ҳангу манг Малик гангиганича изқуварларга бир-бир анграяр эди.

— Тушунарли, — пўнғиллади капитан, — соч толасини текширувга олинг. Бошқа нарсаларга тегмай туринглар. — Сиз эса... — у Маликка киноялн илжайди, — биз билан юринг.

Малик беихтиёр орқага тисарилди.

— Қаёққа?! Мен...

— Ҳозирча тушунтиришга ҳожат йўқ, — тиканак соч суратқашнинг тирсагидан тутди, — шундоқ ҳам анча-

мунча масала ойдин. Кетдик, ўша ерда бафуржа гаплашамиз.

Малик илкис силтаниб изқуварнинг тутимидан қутулдию ташқарига отилди. Саросимада қолган тиканак соч қочоқнинг ортидан ташланди.

— Тўхта! Отаман!

Бирок Малик зинапоялардан фавқулодда эпчиллик билан сакраб-сакраб тушиб кўздан йўқолди.

• • •

Бир кечада ғижимланган қоғоздай бўлиб қолибди: соқоллар ўсик, қовоқлар салқи, кўз киртайган.

«Ўн ёшга қариб кетдим-ов» — вахима билан ўйлади Малик, йўл чеккасида турган машина ойнасига ўзини солиб кўраркан.

У тунни бир амаллаб Рашидхонникида ўтказган эди. Рашидхон кеча ичкилик илинжида кирган сураткашга қош қокиб, «ўзингизга ҳам жой топилади» дея лутф этган пайт, ҳойнаҳой, фаришталар «омин» дейишган экан. У ташвишу тахликада титраб-қақшаб, аҳён-аҳён тевараккa олазарак кўз ташлаб қўяётган Маликни ортиқча саволга тутиб ўтирмади. «Қўшнимизникида тўй бўлаётган экан, биласиз-ку, чарчаганман, ортиқча шовқин-суронга тобим йўқ...» — дея ғудраниб, илжайиб сир бой бермасликка ҳаракат қилди Малик.

Суратқаш ҳансираган кўйи етиб борганида эндигина кетишга шайланиб турган Рашидхон:

«Марҳамат, — деди машина эшигини очиб. — Одам ғанимат, азиз меҳмоним бўласиз, Маликжон акажон».

Малик ўзини «Жигули»нинг олд ўриндиғига ташпа ташлади. Ич-ичидан силқиб келаётган титроқ, тахлика хануз-хануз босилмаган эди. Шу боис Рашидхоннинг гоҳ хиринглаб, гоҳ шанғиллаб гап чайнашларини лоқайд ва паришон тинглади.

«Хитойликлардан тибет массажини ўрганганман, — дея мақтанарди сертакаллуф мезбон. — Ун беш дақиқада чарчоғингиз тарқаб, тоғ такасидай ирғишлайдиган бўп қоласиз, Маликжон акажон, хе-хе...»

Шу тун уйқунинг тайини бўлмади. Устига-устак, алоқчалоқ тушлар кўриб чиқди. Эрталаб кечагидан-да зиёд завқ-шавққа тўлган, хушхандон Рашидхоннинг бепарда латифалари куюнида тағин хиёбонга етиб келди. Омонатга қўйган фотоанжомларини олиб, елкасига осди. Би-

рок одатдагидек хиёбон оралаб, мижоз чорламай, ўғри мушукдек тевараккa аланглай-аланглай хилватроқ жойдаги узун ёғоч ўриндиққа бориб ўтирди. Рашидхоннинг жон бериб-жон олиб кўнглини топишга уннашлариданми, ё чарақлаб чиққан қуёш тафтиданми, ё тобора гавжумланаётган хиёбон файзиданми, хар нечук, унинг тунги таҳликалари хийла босилгандек эди.

Малик қизғиш-сарғиш хазонлар тўшалиб қолган дарахт пойига ўйчан термиларкан, тунда туйқус қочиб бекор қилганини чуқур англади. Қочиб гўрга борармиди, барибир, топиб олишади-ку?! Аммо энди бари бефойда, то қиз топилиб, хақиқат ойдинлашгунча пусиб юриши керак. Агар қўлга тушгудек бўлса...

Малик тор, қўланса ислар анқиган бетон камерани хаёлига келтирдию юраги орқага тортиб кетди.

«Йў-ўқ, бирор чорасини топишим керак, — тиззаларига тирсак тираб, бош чангаллаганича ўйлади суратқаш. — Ё... таваккал қилиб ўзимни топширсаммикан органга? Йў-ўқ, барибир ишонишмайди, дарров тиқибгина қўйишади. Эх, нима қилсам экан-а? Маслаҳатгўйим борми менинг? Ия, Нусратбек-чи?! Кайвони йигит, бирор маслаҳат берар...»

Малик бир кўнглида Нусратбекка бош уриб боришни истамаётган бўлса-да, бироқ бошқа иложи йўқлигини чуқур англади. У оғир қўзғалиб, ўрнидан турди.

• • •

Малик кенг кириш йўлаги ойнабанд, тевараги баланд ғиштин девор билан ўралган «Электр жиҳозлари заводи»га етиб борганида қуёш тик келиб қолган эди. У автобусдан тушиб, елкасига осиб олган ҳамишаги чарм сумкасининг боғичидан сиқимлаганича серқатнов йўлни кесиб ўтди. Завод қаршисидаги кенг, текис майдончада турли-туман автоуловлар қантариб қўйилган эди. Малик улар орасидаги Нусратбекка тегишли яшил «Жигули»ни таниб, кувониб кетди: «Ростданам шу ерда экан».

У хиёбондан дўстининг уйига сим коққанида майингина аёл товуши (хойнаҳой, келин) Нусратбекнинг ишхонада эканини айтди. Бироқ Малик ишонқирамади, ўзича ҳазиллашган бўлди: «Чиллалик куёвга ишда бало борми?» Бироқ майин товуш соҳибасининг ҳазилга хуши йўқ шекилли, индамай гўшакни қўйиб қўйди.

Малик аланглаганича завод йўлагига кирди. Ҳар тарафи ойнабанд, кичкина туйнукли бўлмада ҳурпайиб ўтирган коровул кампир сураткашга нохуш кўз ташлади.

— Товариш, пропуск.

— Я из редакции, — минғирлади Малик имо-ишора билан. — Нусратбек Миролимович чақиртирганлар.

Кампир йигитнинг фотоанжомларига синчков-синчков кўз югуртириб, ишонч ҳосил қилди, шекилли, ичкарига имо қилди.

— Второй этаж, третий кабинет.

— Спасибо.

Малик чаққонгина иккинчи қаватга чиқиб, аллақандай бўёқлар ҳиди анқиган узун, тор каридор бўйлаб юраркан, Нусратбекка тегишли хонани қийналмай топди.

— Юлдузни бенарвон урадиганларга саломлар!

Малик кабинет эшигини бетакаллуфлик билан очиб, ўзича дўстона, ўзича қувноқ қийқирди.

Кенггина хона тўрида, ўз иш столи тортмасини титкилаб турган Нусратбек чўчиб бош кўтарди. Бўйинларини сириб турган кўк «водолазка» устидан қийган кулранг пиджаги ўзига хўб ярашиб турарди. Бироқ кўзлари киртайиб, ранг-рўйи синиққан.

— Малик? Ўзингми, нима қилиб юрибсан бу ерда?

— Мен-ку бир саёқ, ўзинг-чи, икки кунлик куёв, чимилдикда ўтириш ўрнига... бу ерда бало борми сенга?

Икки дўст енгилгина бағирлашиб кўришган бўлишди.

— Э, сўрама, — деб кўл силтади Нусратбек, жойига бўшашибгина қайтиб ўтираркан, — чақиртириб олишди, заводда ишкал...

— Ишкал?!

— Ҳа, буюртмамиз бўйича немис бирodарлар ноёб ускуналар юборишган экан. Бир хафта олдин темир йўл базасига келиб тушганди. Ана шу қимматбаҳо молимиздан айрилиб қолдик. Нақ юз миллион сўмлиг-а?!

— Йўғ-е, қандай қилиб йўқолади?

— Э, — ғижинганнамо кўл силтади Нусратбек, курси суянчиғига ястаниб. — Сохта ҳужжат билан юк машинасига босишгану гум қилишган-да. Ўзларини завод вакилларидай тутишган.

У ўзини бемалол, хушхандон тутишга уринаётган бўлсада, тез-тез гапдан чалғиб паришон ияк қашлаб колар, ўқтин-ўқтин кўрқув билан эшик томон кўз ташлар эди.

— Хўш, ўзларини қанақа шамол учирди бу ёққа? — савол назари билан тикилди Нусратбек дўстига.

Малик гапни нимадан бошлашни билмай чайналиб қолди. Ахир, йиғлаб борсам ўкириб чиқди, деганларидай, дўстининг ташвиши ҳам ўзиникидан камга ўхшамаяпти.

— Ўзим шунчаки, — минғиллади сураткаш, — йўлим тушиб қолди, коровулдан сўрасам, шу ерда экансан, бир, ҳол-аҳвол сўраб қўяй дедим-да.

Нусратбек дўстининг гапларини деярли эшитмади, у ялтироқ стол устидаги тахлам-тахлам қоғозларга паришон тикилиб қолган эди. Туйқус Маликни электр тўк ургандай, бутун аъзои бадани нохуш жимирлаб кетди. Қошлари чимирилиб, тили танглайида қотди. Дўсти кийган кулранг пиджакнинг пастки тугмаси йўқ эди! Тугма ўрнида чувалиб турган иплар унинг қўполларча юлқиб олинганидан дарак бериб турибди.

— Нус... — аранг сас берди Малик.

— Нима?! — чўчиб унга юзланди Нусратбек, бироқ дўстининг ўкрайиб турганини кўриб, беихтиёр яна кўзини олиб қочди.

— Нус... — тағин дўстини чорлади Малик. — Нега типирчилайсан?

— Қўйсанг-чи, нималар деяпсан?

— Нус, пиджагинг чиройли экан-а?

— Ҳа-а, тоза турецкий... хоҳласанг, сенга ҳам топилади.

— Нус, — Малик ўрнидан туриб дўстининг тепасига келди. — Бунақа зўр пиджакни эҳтиёт қилиш керак. Қарагин-а, бегона аёлнинг соч толаси илашиб қолмасин, келиндан нақ таъзирингни ейсан-а?

Стол қиррасига қўл тираб, киноямуз тикилиб турган дўстига Нусратбек қўрқа-писа кўз ташлаб, илжайди.

— Нималар деяпсан Малик? Қанақа аёл, қанақа соч?

— Шунчаки айтдим-да. Ну, тугмаларингга эҳтиёт бўл, дўстим. Ана, қара, ҳалитдан битта тугманг тушиб қолибди.

Нусратбек баттар ранг-кути ўчиб, аввал тугма ўрнига, сўнг пастдан юқорига — дўстининг юзига анқайиб тикилди.

— Нега бақадек бақрайиб қолдинг? — киноямуз хирингланди Малик. — Жа-а ноёб тугма эдими? Истасанг, менда битта бор, шуни қадаб ол.

Сураткаш жинси камзули чўнтагидан, хув, тунда кафтида қолган тугмани чиқариб дўстига кўз-кўз қилди, сўнг тағин ҳавога бир ирғитиб илиб олдию тағин жойига солиб қўйди.

– Макс, – қулт-қулт ютинганича аранг сас берди Нусратбек. – Сенга... сенга ҳали ҳаммасини тушунтираман. Олдингда заррача айбим йўқ.

– Биламан, фариштасан, қулфбузар, – дея аччик хирингларди Малик эшик томон йўналаркан.

Шу аснода у бўсағада қўлларини кўксида чалиштирганча сақич чайнаб турган ҳайбатли, қоракўзойнак таққан нусхага кўзи тушди. Бу тўй оқшомидаги ўша барокқош видеотасвирчи эди. Бироқ Малик ўзини танимаганга олиб унинг ёнидан сирпанибгина ўтиб кетди. Туйқус юз берган учрашувдан юраги гурс-гурс уриб ётганини эшикни чала ёпиб, йўлак бўйлаб югургилаб кетгандан сўнггина пайқади.

• • •

У ўлгудек очиққан эди. Ахир, кечадан бери томоғига урвоқ ҳам солмаган, гўё ичига ўт тушгандек гоҳ у, гоҳ бу ерда коса-коса сув сипқориб юрган эди-да. Ҳойнаҳой, кутилмаган воқеа нафақат жиноят илдизини, балки сураткашнинг бўғилган иштаҳасини ҳам очиб юборди.

«Худо хоҳласа қутулдим, – хозирок органга хабар бераман» – дея хаёлидан ўтказди Малик, йўлнинг нариги тарафидаги ошхонага кириб бораркан.

Ошхона заводга қарашли, шекилли, ичкари ишчи, хизматчи коржомасидаги эркагу аёл хўрандалар билан тирбанд. Малик қулт-қулт ютинганича навбатда тизилиб овқат олди. Дераза тубидаги стол атрофидан аранг бўш жой топиб ўтирди. Бу ердан заводнинг ойнабанд кириш даҳлизи, машиналар қантарилган майдонча тузуккина кўриниб турар экан.

Малик иштаҳа билан хўракка ташланди.

Дўсти унинг кўзига чўп суқди. Насиҳатгўй аҳли қаламлар ўгитига кўра, бу ҳолдан у юрак чангаллаб йиқилиши, бевафо дўст жабридан чун абру навбаҳор йиғлаши керак эди. Бироқ Маликнинг димоғи чоғ. Бирламчидан, орган таъкибидан қутулар бўлди, иккиламчидан, дўсти билан пинҳона пойгага киришиб, андак-андак хасадга берилиб юрганидан ўзини алланечук гуноҳкор ҳисоблаб юрган эди, билдики, Нусратбек ҳам фариштa эмас...

— Кечирасиз, ёнингиздаги бўш жойга ўтирсам майлими?

Туйқус чиннидек жаранглаган қиз товушидан хаёллари бўлиниб, сураткаш илкис бош кўтарди. Патнис тутган, семиз юзлари, қошу кўзлари сербўёқ қиз кўзига иссиқ-иссиқ кўринди: «Бу тўйдаги халиги... Нури-ку?!»

— Марҳамат, — дея илжайди Малик, тантанавор хўрак чайнашдан бир зум тўхтаб.

Қиз патнисни апил-тапил стол устига қўяркан, сураткашни таниб, таажжубланган бўлди.

— Ву-уй, Малик ака, ўзингизми? Нима қилиб юрибсиз биз томонларда?

— Сизни соғиндим, би-ир суратингизни олай деб...

— Қўйинг-е, хазиллашманг, — дея қўл силтади Нури, бетакаллуфлик билан овқатлана бошларкан, — сизнинг кўзингиз бор, қўрқаман.

— Нега? Ҳеч кимга кўзим тегмаган хали.

— Бекор. Ана, Ҳабибахон-чи?

— Ҳабиба?!

Бу исм йигит юрагининг қайбир ёғ босган торларини чертиб, аъзои баданини жимирлатиб ўтди. Шундагина у тунги тахликалар титроғида бу қиз хаёлидан хийла узоклашиб ишқ изтироблари тумандек тарқаб кетганини англади.

— Ҳа, нега анқайиб қолдингиз? — деб сўради Нури босиб-босиб шарбат хўпларкан.

— Хўш, Ҳабибахонга нима қилибди?

— Вуй, хали бехабармисиз? — дея шивирлади Нури, семиз юзига сирли тус бериб. — Дугонам ўша тўйда йўқолиб қолди-ку?!

Малик ўзини хайратланганга солди.

— Йўғ-е?!

— Ҳа, терговчилар бизларни ҳам роса обориб-опкелишди.

— Об-бо, чакки бўпти-ку, — минғирлаб қўйди Малик, ўзича бош чайқаб.

— Тўй охирида туйқус кўринмай қолганини сездик. Лекин... одатда бирор ерда йиғилишсак, Ҳабибани хамиша акаси олиб кетади, тўйда ҳам шунақа бўлган, деб ўйлабмиз-да, қайдан билибмиз йўқолиб қолишини.

Дарҳақиқат, Малик ҳам қизнинг тўй охирларида кўринмай қолганини эслади. Ўшанда у ҳам «акаси олиб кетди, шекилли» деган хаёлга борган эди.

— Тўйнинг видеотасвирини кўриш керак, — дея эҳтиёткорона гап ташлади Малик, қўққис барокқош нусхани эсларкан. — Бирор шубҳали одам топилиб қолар.

— Э, уни терговчилар аллақачон текшириб бўлишган. Айтишларича ола-чалпоқ, чанг босгандай хира эмиш... Ана, дугонам Нафисахон *ҳам соч юлиб йиғлаб ётибди*, тўйимдан эсдалик қолмади, деб

— Қизиқ... балки атай шундай қилишгандир?

— Балки, — қиз овқатдан бош кўтармай елка учириб қўйди. Афтидан, дугонасининг кулфатидан кўп ҳам қайғурмаётган кўринади.

— Сиз ҳам шу заводда ишлайсизми?

— Ҳа, — Нури суратқашга ажабланиб кўз ташлади. — Билмасмидингиз? Биз ҳаммамиз шу ерда ишлаймиз-ку, Гули ҳам, Ҳаби ҳам.

— Сиз нима иш қиласиз?

— Оператор. Гули бошлиқнинг котибаси, Ҳаби кадрлар бўлимида ишларди.

— Ҳабибахоннинг хонадонидан хабарлашиб қўйиш керак, — ўзича насиҳат қилган бўлди Малик.

— Гули билан икки марта бордик. Ойисининг қон босими ошиб, тўшакда ётибди. Дадаси куну тун телефонга қоровул.

— Бирор шубҳали қўнғироқ бўлмабдими?

Қиз аввал елка учириб қўйди, сўнг оғзидаги хўракни шоша-пиша ютиб, теваракка олазарак кўз ташлаб, шивирлади.

— Биламан, бу мафиянинг иши, Ҳабибанинг дадаси ким, биласизми?

— Йўқ, — деди Малик ошкора қизиқсиниб. — Ким?

— Қозоғистон чегарасидаги 3-постнинг бошлиғи. Жа-а қаттиққўл, анақа... анақа ҳалол одам. Қинғирликларга йўл қўймайди, деб эшитганман. Бирор бойвачча бизнесменнинг жиғига теккан бўлиши мумкин.

Малик овқатдан бўшаган косани бир чеккага суриб қўйиб, шарбат хўплашга тушди.

— Заводда тинчликми, ишқилиб?

Қиз овқатдан бўшамай бош ирғаб қўйди. Афтидан, ноёб ускуна машмашасидан бехабар. Сўнг туйқус сўради.

— Сиз Нусратбек акамларнинг ўртоғими?

— Ҳа, — бажону дил бош ирғади Малик. Сўнг минғирлаганча дўстлик тарихини қисқача айтиб берди.

Бироқ Нури унинг хикоясини фавқулоддда қизиқиш

билан, ҳатто чайналмай тинглади. Хойнахой, Нусратбекка эҳтироми баланд эди.

— У киши жа-а зўр инсон, — деди қиз шарбатдан ҳўплаб.— Заводдаги ҳамма қизларга ёқади.

— Биламан, — деб кулган бўлди Малик, — қизлар бойваччаларни ёқтиришади.

Нури суратқашга ажабсиниб тикилди.

— Нусратбек акамлар бойвачча эмас. Ҳатто, бўйинларида ка-атта қарзлари бор.

— Йўғ-е?!

— Ву-уй, сиз қанақа ўртоқ, бехабар бўлсангиз? Сизни биласиз, деб оғзимдан гуллаб ўтирибман-а?!

— Энди... менга айтмаган-да, — деб чайналди Малик. — Ўзи шунақа... мағрур йигит... осонликча бировга ёрилмайди.

Худди ўзини мактагандай Нурининг кўзлари чақнаб кетди.

— Рост, жа-а мағрурлар. Тўғриси, ўша қарзни ҳам мендан бошқа ҳеч ким билмаса керак. Мен ҳам... тўсатдан билиб қолганман...

Қиз иккилана-иккилана, бир ойча аввал туйқус гувоҳи бўлган жанжални узук-юлуқ айтиб берди. У маъмурият йўлагидан ўтиб кета туриб, ногоҳ Нусратбекнинг кабинетидаги тўс-тўполонни пайқаб қолиб беихтиёр эшикни қия очибдию ичкарига мўралабди. Уч барзанги Нусратбекни ўртага олиб, дўппослашаётган экан! Узук-юлуқ гап сўзларидан англабдики, Нусратбек ёғоч олди-соттиси учун қачонлардир улардан катта қарз олган, Россияга қатнайдиган шерики чув тушириб кетибди. Анови нусхалар ўша қарзни фоизлари билан талаб қилишаётган экан. Нури сўнг нима воқеа содир бўлганидан бехабар, у ўтакаси ёрилиб, эшикни ҳам ёпмай, ура қочган.

— Тағин бу гапларни бировларга айтиб юрманг, — дея астойдил ялинди Нури, Маликка жавдираб. — Худо ҳақи, сиздан бошқа ҳеч кимга айтмаганман.

Қиз беихтиёр катта сирни очиб қўйгандай чинакамига қизариб-бўзарди. Малик уни овутган бўлди.

— Хотиржам бўлинг, Нури.

• • •

Ҳам кўнгли, ҳам қорни тўқ Малик ошхонадан бамайлихотир чиқди. «Яхшиси таксида бора қолай, хийла узоқ-ку», — ўйлади у шаҳар ички ишлар бошқармаси-

нинг манзилини хаёлан чамаларкан. Худди суратқашнинг фикру ўйини укишгандай йўл бўйида машиналари тизилибгина турган киракашлар унга қизиқсиниб-қизиқсиниб, умидвор-умидвор тикилишди.

— Йўл бўлсин, ука? — деб сўради бақ-бақалоқ, қопқора киши нописанд писта чақиб «Тико» автомашинасига суяниб тураркан.

Малик жавоб беришга улгурмади. Йўлнинг нариги тарафига ойнабанд завод дахлизидан шоша-пиша чиққанларга анграйиб қолди. «Нусратбек билан анави-ку?! — лип этиб хаёлидан ўтди суратқашнинг. — Қизиқ, қаёққа отланиб қолишди улар?!»

Анави — ўша кора кўзойнак таққан бароққош, афтидан, Нусратбекни кийин-қистовга олиб, зимдан таҳдид кўрсатиб келар, Нусратбек эса зорланганча алланелар-нидир тушунтира-тушунтира, довдир-совдир қадам ташлар эди.

— Такси керакми ука? — бетоқат сўради тағин ўша бақ-бақалоқ киракаш.

— Ҳа, — бош ирғади Малик.

— Марҳамат, ўтиринг, қаёққа юрамиз?

Малик завод майдончасида қантарилган автоуловлар сафидан тисарилиб чиқаётган Нусратбекнинг машинасига ишора қилди.

— Ҳув, яшил «Жигули»ни кўряпсизми? Шунинг орқасидан юришимиз керак. Ҳақига гап йўқ, ака.

Ҳайдовчи ҳам олди-қочди киноларни хўб томоша қилса керак, тушпа-тузук саргузашт талаб чиқиб қолди.

— Қувиб ўтайми? Ё, бирор ерга қисиб тўхтаттирайми?

— Йў-ў... орқасидан қолмай юрсангиз бўлди.

Ҳайдовчи илҳом билан ўз жойини эгаллади.

— Ё, бисмилло-о...

• • •

Киракаш бир коп курук ёнғоқдай шалдир-шулдур экан. Йўл-йўлакай гоҳ ҳангома, гоҳ латифа айтиб шеригидан ҳам кўра ўзи қотиб-қотиб кулди. Таъқибдаги «Жигули» шаҳарни тарк этиб, дала йўлига бурилдию қувноқ киракашнинг дами чиқмай қолди.

— Укагинам, — деди у анчадан сўнг, тевараккa хавотирли аланглаб. — Жа-а юрвордик-ку, а?! Ҳадемай 3-постга етамиз, нарёғи Қозоғистон.

Малик Нусратбекнинг машинасидан кўз узмай минғирлади.

— Қўрқманг. Қанча кўп юрсангиз, шунча кўп ҳақ оласиз.

Йўлнинг ҳар икки тарафида катта-кичик экин пайкаллари, қуюқ-сийрак боғ-роғлар ястаниб кетган. У ербу ерда, тўп-тўп қишлоқ уйлари кўзга ташланади. Йўлда қатнов хийла сийрак.

— Энди бу ёғлари жа-а хилват... — минғирлаб қўйди хайдовчи, тобора ташвиш-таҳликаси ошиб.

— Хилват бўлса, нима, бизни бўри ермиди?

— Анави «Жигули»дагилар бўридан баттарга ўхшаяпти, бекорга кузатиб юрмагандирсиз, ахир?!

Малик хайдовчининг елкасига ҳазиллашиб қоқиб қўйган бўлди.

— Қўрқманг, иккимиз ҳам тарашадай озғинмиз. Бўрининг тиши ўтмайди.

Дарҳақиқат, йўл тобора хилват ва сирли гўшага кириб борар эди. Ниҳоят, яккам-дуккам дала ҳовлилар учрай бошлади. Шарқираб оқиб ётган канал кўпригидан ўтишгач, яшил «Жигули» туйқус сертупроқ, торгина йўлга бурилди. Йўл бошида қуюқ дарахтзорга бурканган чорбоғ кўзга ташланар эди.

— Сиз қайрилманг, — дея хайдовчига кўрсатма берди. Малик, «Жигули» ёнига бориб тўхтаган чорбоғ дарвозасидан кўз узмай. — Секин-секи-ин ўтиб кетаверинг.

Хайдовчи ҳам «Жигули» ортидан қизиксиниб-қизиксиниб аланглаганича «Тико»га енгилгина газ берди.

Кўп ўтмай чорбоғ дарвозаси очилиб, «Жигули» ичкари кириб кетди.

— Пана жой топиб тўхтанг, — деб пўнғиллади Малик.

Хайдовчи муюлишдаги дарахтзор оралатиб машинани тўхтатди.

— Бу ҳозирча... — Малик унга бир сиқим пул узатиб. — Мени бир... ўн-ўн беш дақиқа кутиб турасиз.

Афтидан узатилган ҳақ чамадагидан кўпроқ бўлса керак, киракаш мамнун бош иргади.

• • •

Малик бутун сураткашлик уқувини ишга солди. Аввал дала йўлини, чорбоғнинг умумий кўринишини шошилмай суратга олди. Сўнг ёвқур ҳиндулардай дарахтдан-дарахтга, бутадан-бутага паналаб, дала ҳовлига яқин борди. Чорбоғ баланд пахса девор билан ўралган эди. Малик бир зум саросималаниб қолди. Ўзича ичкарига

ошиб ўтиш мумкин бўлган жойни чамалади. Сўнг шу илинжда чорбоғнинг орқа томонига айланиб ўтди. Хайрият, орқа девор биқинида тарвақайлаб ўсган чинор бор экан. Малик юраги гурс-гурс урганича дарахт танасига тирмашиб, амал-тақал билан йўғон шохлардан бирига чиқиб олди. Бу ердан чорбоғ ичи хийла кўзга ташланиб турар эди. Ҳатто, шохдан-шохга осилиб, сирпаниб бемалол девор ошиб ўтса ҳам бўлади. Бироқ Малик ичкари киришга ботинмади. Шохга қулайроқ ўрнашиб олиб, чорбоғ ҳовлисини кузата бошлади. Кузата-кузата фотоаппаратга керакли мосламаларни ўрнатди.

Чорбоғ хийла кенг. Баланд-паст дарахтлараро хув, этакда баланд пойдеворли, серсавлат уй ғира-шира кўзга ташланади. Ҳовлининг ўнг биқинида халигина Нусратбекнинг машинаси кириб кетган баланд, кенг дарвоза. Дарвоза ёнида ўша «Жигули», тағин бир «Волга» ва бир «Нексия» қантариб қўйилган. Улардан андак нарида улкан юк машинаси савлат тўкиб турибди. Ҳовли жим-жит. Малик шоша-пиша кўрган манзараларини суратга олди. Шу пайт уй эшигидан уч кора чиқиб юк машинаси томон юришди. Малик Нусратбек ва бароқ қошни дарров таниди. Бироқ улар икки тарафида тавозе билан турган нусхани танимади. Баланд бўйли, серсавлат, устига чарм камзул кийган бу кимсада алланечук амалдорлик аломатлари сезилар эди.

Бароққош чаққонлик билан юк машинасининг орқа томонини қоплаб турган брезент матони кўтарди. Автоулов усти аллақандай юкка лиқ тўла эди.

— ...Гаплашдим, рози, — ўша амалдорнамо кимсанинг сўзлари суратқашга ғира-шира эшитилди, — роппароса, соат тўртда пост ёнида кутади. Энди бу ёғига ўзи бош-қош бўлади-да, хе-хе...

Унга жавобан бароққош ҳам алланималардир деди. Кулишди. Нусратбек аҳён-аҳён ҳозиргина чиқишган иморат томон кўз ташлаб қўяр эди.

Малик ҳамма-ҳаммасини шошилмай суратга олдию дарахтдан сидирилиб тушиб, ортига қайтди.

Киракаш уни бетоқат кутиб турган экан.

— Келдингизми-ей, — деди у енгил тортиб. — Жа-а кеч бўлиб кетди-ю.

— Шошилманг, — деб тўнғиллади Малик машинага ўтириб. Сўнг қўлига бир парча қоғоз ва ручка олдию, чукур-чукур мулоҳазаларга чўмиб, кўрган-билганларини

қисқача ёзиб чиқди. Сўнг ҳалигина фотоаппаратдан чиқариб олган плёнка ўрамини ўша қоғозга ўради.

— Нима бу, ишқий хатми? — сўради уни энсаси қотганча кузатиб турган ҳайдовчи.

— Ҳа, буни ҳозироқ шаҳар ички ишлар бошқармасига етказасиз.

— Йў-ў, — дея кескин бош чайқаб, гапни бўлди киракаш.— Қайгўргадир ҳайда дедингиз, ҳайдадим, кут, дедингиз, кутдим, йў-ў... энди бир камим мелисахонамамелисахона юришми, йў-ў...

Малик чўнтакларини қоқиштириб хийлагина пул йиғди.

— Мана, буни олинг, кам бўлмади. Сиз ҳали қандай тарихий воқеа олдида турганингизни тасаввур ҳам қилолмайсиз. Бугунги саргузашт учун сизни катта мукофот кутяпти.

— Йў-ў, гап пулда эмас, — дея ожизгина қаршилик қилган бўлди киракаш, суратқаш узатган хизмат ҳақини тезгина санаб чўнтагига тиқаркан. — Просто... ҳа йўқ, бе йўқ балчикка ботмай, дейман-да.

Нихоят хайдовчи кўнди. Малик унга керакли кўрсатмаларни қайта-қайта тайинлади.

— Айтганларимни қилинг, — дея зорланди у, нихоят, гап охирида. — Эсам бу ерда мени чиндан ҳам бўри еб кетади.

• • •

Қуёш ўз ётоғига ҳорғин бош қўйди. Қип-қизил шафақ осмон этагига қип-қизил қондай сачраб кетди. Чор атрофдаги дарахтзору бутазорларда қушлар кечки нағмаларини авжи пардасига кўтарган.

Қуюқ буталар панасида ўйчан хас чайнаганича ёнбошлаган Маликнинг юраги тошар эди. Ахир, ҳазил гапми, тонг отгунча қўрқоқ қочоқдан фидойи қахрамонга айланади қолади! Ҳамма иш пишган. Энди анави киракаш панд бермай, хат ва плёнкани керакли жойга етказса, тамом.

Малик илгари бунақа саргузаштлар фақатгина олди-қочди китобу киноларда юз беради, деган хаёлда эди. Ишонмасди. Мана, ўзининг рангсиз ва зерикарли ҳаётида ҳам антика ҳодисалар содир бўлди.

У кўргану билганларини ўз-ўзича бир-бир ипга тизиб, мулоҳаза кила бошлади.

Демак, тўй кечаси машҳур 3-пост бошлиғининг арзанда қизи ўғирланган. Ўша куниёқ заводга тегишли ноёб ускуналар қалбаки ҳужжатлар билан гум қилинган. Ҳаммасида Нусратбек ва анави бароққошнинг қўли борлиги шубҳасиз. Нусратбек, хойнахой, сувдан қуруқ чиқиш учун барча қинғирликни тўй кунига белгилаган кўринади. Нахотки, ҳаммасига бош-қош ўзи бўлса?! Йў-ўқ, ишониш қийин, Нусратбек бунга ботинмайди, ҳар нечук унга соябонлик қилган, пишанг берган бирор бир қўли узун акахони бор. Демак, калава учи хозирча мана шу чорбоққа илашган. Чорбоғдаги юк машинасида ўта ноёб мол борлиги шубҳасиз. Хойнахой, қизни ҳам шу ерда ушлаб туришибди. Анавиларнинг гап-сўзига қараганда, режа пишган, қайсар бошлиқ кўнган, ярим тундан сўнг юкни Қозоғистон томонга ўтказиб кетишмоқчи! Афтидан, энг яқин ўтиш жойи бўлгани боис 3-постни танлашган. Ё шунчаки ортиқча чиқим, ортиқча шов-шувдан қочишган. Балки, ўша халол бошлиқ илгари хўб бурунларини қонатган бўлса, шу йўсин ўч олиб, кўзини қўрқитиб, кейинги қинғирликлари учун ҳам ийдириб олмоқчи бўлишган. Қизиқ, Нусратбек нега бунақа ваҳимали қароқчиликда қатнашиб юрибди? Жуда бўйни бўш, саргузаштларга тоби йўқ йигит эди-ку. Ё, хув, ошхонада Нури айтгандай... Эх, қарздорлик не бир балоларга дуч қилмайди?!

Тавба, бу машмашаларга ўзининг ўралашиб қолганичи?! Демак, тўй кечаси олган суратларида шубҳали кадрлар ҳам бор экан-да?! Қизиқ, нега айнан Нусратбекнинг ўзи ўғриликка кирди? Мажбурлашганми? Бирор бахона билан бошқа бировни тайинлаши мумкин эди-ку?!.

Малик туйқус завод идорасида бароққошнинг ўшқирганини эслади: «Барибир из қолдирибсан-да, а?! Адресини бизга беришга унамадинг, манави ишрисқини аядинг...»

Суратқашнинг баданидан совуқ тер чиқиб кетди: «Нусратбек манзилимни айтганда, аллақандай плёнка учун қўйдай бўғизланар эканман-да?!»

Бироқ ич-ичида пусиб ётган ғалати бир ғайирлик дўстининг олийжаноблигини тан олишга йўл қўймас эди. Малик тағин уч-тўрт дақиқа мулоҳазаларга берилса, яна Нусратбекнинг олдида бўйин қисиб қолишдан қўрққандек илкис ўрнидан туриб кетди.

Қоронғилик хийла қуюқлашган. Дов-дарахтлар аллақачук сирли ва ваҳимали шитирлаб тебранишади. Малик

яна кузатувни давом эттириш ниятиёкида теваракка сергак-сергак аланглаб чорбоғ томон юрди. «Отряд кўринса отилиб олдига чиқаман», — хаёлидан ўтказди у, шаҳар йўлига интик-интик кўз ташлаб. Чорбоғ ичкарисидаги электр ёғдуси дарвоза теграсини ҳам ғира-шира ёритиб турар эди. Малик туйқус Ҳабибани эслади. Назарида қиз дала ҳовлининг қай бир ертўласида азобланиб ётгандек эди. «Озгина чида, Ҳабиба, озгина» — хаёлан астойдил илтижо қилди сураткаш юраги ўртаниб. Сўнг ўзининг халоскорлик хизматидан боладек қувонди. Тез орада Ҳабибанинг чексиз миннатдорчилик билан боқиб туришларини ўз-ўзича тасаввур этиб, энтикиб кетди.

Пусиб-пойлаб чорбоғ деворининг тубига етиб олган Маликнинг ногоҳ шаҳар томондан чайқала-чайқала келаётган машинага кўзи тушди. Машина фараларининг ўткир нури дов-дарахтлар узра безовта йўрғалар эди. Сураткаш деворга қапишган кўйи юраги гурс-гурс уриб кузата бошлади. Машина чорбоғ томон бурилиб, дарвоза ёнида тўхтади. Бу ҳув, киракаш жўнаб кетгач, анчадан сўнг, чорбоғдан чиқиб, шаҳар томон елиб кетган «Волга» эди. Ҳайдовчи дарвоза очилишини кутмай, негадир моторни ўчирди. Теваракка сирли бир сукунат тушган. Дарвоза кия очилиб, кимдир ҳовлиққанча чиқди. Ҳайдовчи уни имлади. Кимса ғўддайганича яқин келди. Ғира-шира ёруғда Малик уни таниди: «Бароққош!»

— Тинчликми? — пўнғиллаб гап қотди ҳайдовчи, сигарет тутатаркан.

Бароққош ҳам ғудраб қўйди.

— Тинчлик.

— Куёвтўрани тинчитиш керак, Галстук шуни хоҳлади.

— Йўғ-е?! Гуноҳи нима? Энди кераги йўқми унинг?

Ҳайдовчи хирингланди.

— Эрта-индин ишкал чиққудек бўлса, айбни кимгадир ағдариш керак-ку, ахир. Галстукнинг талаби қатъий, анавини орадан чиқариш керак.

— Ўзиям, жа-а латта чайнар экан-да, — деб пўнғиллади Бароққош, лоқайд керишиб. — Қилган ишидан из қолдиради. Анави сураткаш дўстини бизнинг чангалдан қутқараман, деб...

Бароққошнинг гапи бўғзида чала қолди. Дарвоза яна кия очилиб тағин бир шарпа мастона қийқирганича пайдо бўлди.

— Э, нега кирмай турибсила-а?

— Ҳозир.

Ҳайдовчи шоша-пиша ўзини кабинага уриб, моторни ўт олдирди. Бароққош дарвозани ланг очишга ошиқди.

Малик чинор томон қоқила-сурила юраркан, ҳансираганича ўйлар эди: «Галстук?! Ким у? Афтидан, ҳаммасига бош-қош амалдор!.. Нусратбекнинг шўри қуриди! Эҳ, тезроқ отряд стиб келса-чи...»

Сураткаш қоронғида ҳурпайиб турган чинорга тирмашиб чиқа бошлади. Шу пайт девор ортидан аёл кишининг ҳиқиқираб йиғлаганими-ей, кулганими-ей қулоғига чалинди. Малик бир зум тек қотди. Энди эркак кишининг ғулдирагани ғира-шира эшитилди. Малик юрак ҳовучлаганича юқорилаб, баланд, бақувват бир шохга чиқиб олди. Ичкаридаги иморат пештоқидаги чироқ ёғдусидан ола-чалпоқ ёришган чорбоғ ғира-шира кўринар эди. Малик товуш келган томон мўралаш илинжида шохдан-шохга сидирилиб ўтди. Шу пайт дарвоза тарафдан, ҳалигина кириб келган «Волга» ёнидан мастона қийқириқ, *бўғиқ кулги эшитилдию, девор тубидан бир шарпа* илкис қўзғалиб ўзини дарахтлар панасига урди. Тағин бир кўланка уст-бошини қоққанича дарвоза томон ошиқди. У чироқ нури мўлгина тушиб турган жойга чиққан пайт, Малик бу шарпани таниди: «Нусратбек!»

Нусратбек бўшашибгина дарвоза томон юрди.

— Ия, куёвтўра, бу ёғда нима қилиб юрибсиз? — деб гап қотди унга «Волга» эгаси.

Нусратбек ғудранди.

— Ўзим... чорбоғнинг у ёқ-бу ёғига кўз ташлаб...

— Об-бо, хушёр-ей, — дея ҳиринглади Бароққош, йигитни кўлтиқлаб. — Буниси амалмас, юринг, икковимиз би-ир айланиб келамиз.

Нусратбек алланима, дея ғудранганича қаршилик қилган бўлди. Бироқ Бароққош уни судраклай бошлади.

— Юрсангиз-чи, бир гап бор.

Улар кўлтиқлашиб, ҳалигина Нусратбек тарк этган жойга қараб кела бошлашди. «Волга» эгаси уларга эргашди.

Малик томоқлари қуриқшаб, дағ-дағ титраганича уларни кузатар эди. «Нусратбек!» — дея баралла қичқирмоқчи бўлдию бироқ ботинолмади. Ич-ичидан илондек ўрмалаб чиққан аллақандай шилимшиқ хис товушини буткул бўғиб қўйгандай бўлди.

Бир пайт Нусратбек икки букланганча бўкириб юборди.

— Ва-ахх, единг-а, ифлос!

Қутуриб кетган Бароққош чироқ нурида ярқираб кетган пичоғини иккинчи зарба учун баланд кўтардию тахтадай қотди. Нусратбек ингранганича ерга қуларди. Шаҳар йўлидан милиция машиналарининг чинқириғи баралла эшитилмоқда эди!

— Ментлар! — бўғиқ қичқирди Бароққош орқага тисарилар экан. Сўнг ҳангу манг қотган шеригига ташланди. — Сен айтиб келгансан, сотқин!

Шериги унинг пичоқ тутган қўлини қайириб, итқитиб ташлади.

— Ўчир! Ундан кўра тезроқ бўл, қочдик!

Шу чоғ ҳалигина девор тубидан дарахтлар панасига яширинган шарпа отилиб чиқию чинқириб юборди.

— Нусратбек ака! Нусратбек!

Дарахт шохида чувалчангдай ёпишиб турган Малик чўчиб тушди: «Ҳабиба-ку, бу?!»

Ҳабиба қоқила-сурила чўзилиб ётган Нусратбек томон югурди.

— Ия, анови қиз-ку бу?! Хонадан ким чиқарди уни? — ўшқирди «Волга» эгаси шеригининг ёқасига чанг солиб.

— Мен билмайман, — дея хиркиради Бароққош уни силтаб ташлаб. — Қўйсанг-чи уни, қочдик!

— Ичкаридан пулларни олчиқ! Мен машинани ўнглай, тез бўл!

Улар ҳансирашганича дарвоза томон ошиқишди.

Ҳабиба Нусратбекнинг бошига энгашди.

— Нусратбек ака, — дея ҳиқ-ҳиқ йиғлай бошлади у, — кўзингизни очинг, бу мен, Ҳабибангизман.

— Ҳабиба, — аранг сас берди Нусратбек, тўлғониб. — Жонгинам... мен учун шундай кўйларга тушдинг-а... кечир...

— Йўқ! Йўқ! — қиз Нусратбекнинг юзига юз босди. — г-а... кечир... ...гизни очинг...

— Йўқ! Йўқ! — қиз

— Ҳаёй... меҳрибоним, хонанга бор... икковимизнинг сиримизни ҳеч ким...

Нусратбек бир тўлғониб жим бўлди.

Шу аснода милиция машиналарининг шовқин-сурони, фараларнинг ўткир ёғдуси бутун теваракни тутиб кетди.

Малик дарахт хазонларига қоришиб пастга тушди...

ҲИКОЯЛАР

ЧЎЛДАН КЕЛГАН ТАШВИШ

Ўз маърузалари билан аҳли Оврўпони бирқур анграйтиб ташлаб Париждан қайтган рухшунос олим жаноб Дўланов олқишу таҳсинларга кўмилиб кетди. Турқи-таровати газета саҳифаларию, телеэкранлардан нари кетмай қолди. Таниш-нотаниш дўсту ёронлар бир-биридан ўзиб қутлашгани-қутлашган.

Жаноб Дўланов деганлари ўша маълуму машҳур чўл қўйнидаги 41-посёлкада туғилиб ўсган ўзимизнинг Самад, Дўланов Самад Эргаш ўғли. Бироқ айни чоғ уни дабдурустдан «ўзимизники», «чўллик» дейишга биров ботинолмайди; афт-ангорига, юриш-туришига шаҳар нуқси сингиб кетган, келиштириб-келиштириб пойтахт лаҳжасида сўйлашади. Баъзи бир шаҳарлик қишлоқиларга ўхшаб ижарама-ижара кўч-кўронини ортмоқлаб юргани йўқ, нак марказдаги қўшқаватли гўшада уч хонали уйи бор. Болалари йўргакдан чиққандан бери инглизча боғчаю мактабга қатнашади. Ишқилиб, жаноб Дўланов, жаноб Самад деса дегулик.

Самад ўзини муборакбод этгали келган, юқори идоралардан бирининг масъул ходими саналмиш дўстини иззат-икром билан кузатиб қўйиб изига қайтди.

Кеч кузнинг совуқ бир оқшоми. Шаҳар аллақачон коронғиликка қоришиб кетган. Теваракдаги баланд-паст уйларнинг дераза ларидан сон-саноқсиз электр чироқлар порлайди. Қай бир хонадондан қувноқ қийқириқлар, олатасир мусиқа садолари эшитилмоқда.

Самад муздек ҳаводан яйраб-яйраб керишди. Димоғи чоғ. Ҳалигина дўсти иккови ўртасида кечган сирлигина суҳбат хануз қулоқларини қиздириб борар эди. Дўстининг масъул ходимларга хос мужмаллик ва эҳтиёткорлик билан шипшишига қараганда, Самад илм бобида кўрсатаётган кароматлар ҳукумат раҳбарларининг хам диққат эътиборида экан! Худо хоҳласа, яқин кунлар ичида бирор бир унвон ё нишон жаноб Дўлановга насиб этар эмиш!

Самад учқур хаёллар қанотида қандай қилиб ўз дахлизида пайдо бўлганини сезмай ҳам қолди. Хотини Ширина ҳалигина жўшқин кечган зиёфат асоратларини бартараф этиш билан банд. Сўлдаги чоғроқ хонада ўн икки яшар ўғли компьютер ўйинига шўнғиган. Ёнида сингилчаси сақич чайнаб бетоқат кутиб турибди.

Самад залга ўтиб, юмшоқ курсилардан бирига ўтирди-да, ҳузур билан кўзларини юмди. У ўзини мукофотларга қизиқмайдиган, илму фан учун холис, фидойиларча хизмат қиладиганлар қаторига қўшиб юрса-да, айни чоғ дўсти келтирган муждалар ҳақида беихтиёр ўйларди: «Қизиқ, қанақа сийлов кутяпти мени? Бирор бир орден тақиб қўйишса-я?! Ё... ё «фан арбоби» унвонини беришармикан?! Эх, жа-а зўр бўларди-да, бунақа омад, бунақа бахт ҳар кимга ҳам насиб этавермайди...»

Самад енгил бир шарпадан сергакланиб, кўзларини пирпиратганча очди. Думалоқ стол устига чойнак-пиёла келтириб қўйган хотини унга мулойимгина термилиб турарди.

— Ухлаяпсизми, домулло? Қўйинг-е, қани, бир пиёла аччиққина чой ичиб олинг, ҳордиғингиз чиқади.

Ширинанинг юз-кўзлари тўла табассум, мамнуният. Гўёки, аҳли Оврўпани қойил қолдириб келган эри эмас, айнан ўзгинаси, гўёки, эри энтикиб кутаётган мукофотни у аллақачон кўлга киритиб, сандиққа тиққан. Тоғни уриб талқон қилгудек бир кайфиятда дуррачасини қия-қия кўндириб, гулдор халатининг енгларини шимариб юрибди. Қадду басти тўлагина бўлса-да, саъй-ҳаракатлари дадил ва чаққон.

— Чарчамадингизми, хоним? — деб сўради Самад, хотини назокат билан узатган бир пиёла чойни оларкан.

— Ву-уй, домулло, нега чарчарканман? Шунча илм қилиб қўйган сиз-у, бизларни чарчашга ҳаққимиз йўқ.

Ширина ўз сўзини исботлаб қўймоқчидек ирғиб ўрнидан турди-да, яна ошхона томон қувноқ йўрғалади. Самад унинг ортидан бош чайқаб, истеҳзоли илжайиб қўйди. Хотинига бу қадар жўшқинлик, бу қадар илмпарварлик ато этган тилсим унга жуда яхши аён: Самад, ҳув, Парижда майда-чуйда харажатлар учун берилган пулнинг хийлагинасини қисиб-қимтиб, тежаб-тергаб қайтган, бўсағадаёқ талай совға-саломлар ила хотинининг қўлига тут-

қазган эди. Шу-шу Ширина ял-ял яшнаб қолди. Ахир, бу пуллар мўмайгина даромад бўлишидан ташқари, «домулло» олис юртларда хеч бир қинғир-қийшиқ йўлларга юрмай, вафодор эр сифатида, қати бузилмай уйга қайтганидан далолат хам эди-да!

Самад иссиқ, хуштаъм чойдан босиб-босиб хўплади. Шу пайт столнинг бир чеккасида ғужанак тортиб турган телефон устма-уст жиринглаб юборди. Самад эринибгина узалди-да гўшакни кўтарди.

— Ал-ё.

Нариги томондан хаяжонга тўла, бўғиқ бир сахройи товуш эшитилди.

— Ол-а, ола-а! Бу ким, Самад, ўзингми?

— Ха, мен, — аранг сас берди навқирон олим, юраги алланечук нохушликни сезиб.

— Ола-а-а, бу мен, Улаш акангман, танимадингми-а, ола-а? Шахрингга би-ир кеп қолдик-да, хайрият уйда экансан...

Самаднинг таъби тиррик бўлди. Бу вайсақи, ичкиликбоз нусха шаҳарда пайдо бўлибдими, демак муқаррар уникига дорийди! Ёлғиз ўзи эмасдир? Соғиниб кетдик сени, деб уйга уч-тўрт кун танда қўйиб олса борми?! Йўқ, бирор-бир силлиқ бахона билан бу дахмазанинг йўлини тўсиш керак, эсам, Ширинадан балога қолиши тайин. Кейин минг бир Парижнинг минг коп пулини орқалаб келса хам бу гуноҳини юволмайди. Ана, чўл исини олди, шекилли, хотини хурпайган кўйи бир-икки ёнига келиб кетди. Самад жеркиганнамо қўл силтаб уни ошхона томон хайдаган бўлди. Сўнг:

— Ха, гапираверинг, Улаш ака, қулоғим сизда, — дея телефон гўшагига тўнғиллаб қўйди.

Ҳолбуки, бусиз хам Улаш ака деярли нафас олмай, хаяжон билан гапириб ётар, гоҳ аллакимнинг саломини етказса, гоҳ чўл янгиликларига узуқ-юлуқ кўчар эди. Хамюртининг бу қадар тўлқинланиб, шоша-пиша гапириши Самадга ёқиб, кўнглида умид уйғотди: «Харқалай, телефонда гаплашиб, хайр-хўш қилмоқчи-ёв...»

Бироқ лахза ўтмай ҳафсаласи пир бўлди.

— Ола-а-а, ол-а, — деб қолди бир пайт сахройи сўхта. — Самад, сенинг вақтингни олиб, тилфонда гапириб ётганимни кара-я, уйингга боргач бемалол...

Самад шоша-пиша тилга кирди:

— Йў-ў, йў-ў, гапираверинг, Улаш ака, овозингизни

эшитиб турганимдан жуда хурсандман, гапираверинг, бемалол. Қасрдан қўнғироқ қиляпсиз ўзи?

— Билмайман, — дея шарақлаб кулди Улаш ака. — Бир тилфонхонадан-да. Ҳозир шу ерга автобус тушириб кетди.

Таъби тобора тиррик тортиб, энсаси қотаётган Самад вайсақи, ароқхўр нусхани бир амаллаб уйига йўлатмаслик учун хаёлан баҳона изларкан, атай гапни чўзди.

— Қандай ташвишлар билан юрибсиз ўзи, Улаш ака?

— Э, хали кўришганда айтаман. Ташвиш эмас, хайрли иш, Самадбой, хайрли иш.

— Са-ал учини чиқаринг-да, ака, ичим қизиб кетяпти.

Саҳройи сўхта тағин шарақлатиб кулди, сўнг томоқ қириб-қириб тилга кирди.

— Қўймайсан-да, Самадбой. Мен тилшуносликка илмида бир кашфиёт қилдим.

— Кашфиёт?!

— Ҳа, хали икковимиз тоза машҳур бўб кетамиз. Сен мени тил билан шуғулланадиган жойларга олиб борасан.

— Қанақа кашфиёт, Улаш ака?

— Ҳозирча сир.

— Об-бо, айта қолинг, хеч курса, андак имо-ишора қилинг.

Улаш ака тағин яйраб-яйраб кулди.

— Барибир илм одамисан-да, Самадбой, кашфиёт деган нарсани эшитсанг, қулоғинг динг бўлади. Хўп, майли, сал-пал сиримни шамоллатай, хў-ўш-ш... мен «қахрамон» сўзининг антонимини топганман.

— Нима? «Қахрамон» сўзининг антоними?! Бунинг нимаси кашф...

Шу пайт алоқа туйқус узилиб, телефон гўшагидан «дут-дут»лаган қисқа-қисқа сас эшитила бошлади. Биркур енгил тортган Самад гўшакни жойига қўйиб, ошхона ёқдан бош кўрсатган хотинига ташвишли тикилди.

— Ким экан, жа-а апоқ-чапоқ гаплашдингиз? — сўради Ширина. Эрининг биқинига қадалгудек авзойда яқинлашаркан. — Бирор чет эллик оғайнингизми, исмлари хам ғалати экан.

— Чет элликдай ган, чўлдан келган. Гирт алкаш, жинни одам. Агар унинг қўлига тушар бўлсам, нак бир хафта тинкамни қуритади. Бир бошоғриқ билан шахарга

келганга ўхшайди. Уйингни ҳам пайтава қўлансасига бўктириб юборади.

— Ву-уй, — дея ёқа ушлади Ширина, мусичадек беозор киёфага кириб.

— Ҳозир жирингласа сиз трубкани кўтарасиз: Мени сўраса... мени сўраса... — Самад ҳам чўлликни ранжитмайдиган, ҳам унинг олдида обрўсини бир карра кўтариб қўядиган баҳона излаб обдон бош қашлади. — Кароче, чет эл элчихонасига чақиртириб қолишди, денг.

Ширина димоғида илжайди.

— Хўп, хў-ўп, домулло.

Бироқ қайта қўнғироқ бўлмади. Ширина эри ёнида беш-ўн дақиқа солланиб, ҳозиру позир тургач, тағин уй юмушлари билан куймалана кетди. Самад эса юмшоқ курсисига бемалол ястанган кўйи хаёлга толди. Ҳалигина қулоқ-чаккасига болғадай урилган дағал товуш эгасининг қоп-қора, туршакдек афт-ангори бот-бот кўз ўнгига қалқиб чиқар эди.

Ҳа, ўша Улаш деганлари чиндан ҳам Самаднинг ҳамқишлоғи. Асли касби агрономлик. Аммо қурмағурнинг кўнгли шеъриятга шайдо. Ҳув, бир замонлар бир чимдимгина ғазали туман газетасида босилган. Шу-шу ўзини ахли қаламлардан санайди, донгдор-донгдор битикларни у-бу давраларда худди ўзиникидай ихлосу эъзоз билан ўқиб бериб, донг таратиб юради. Шу боис бировлар чиндан, бировлар масхараомуз уни агроном-шоир, деб аташади. Аллақандай Шуркор Ҳобил отлиғ ёзувчи 41-посёлкага борганида Улаш ака билан танишиб, хўб ичкиликбозликлар силсиласида бир-бирларини ялаб-юлқаб, қиёматли оға-ини тутинишган экан. Оқибат шулки, оға ёзувчи кейинчалик агроном-шоир хақида «Жазирамадаги одам»ми, «Жазодаги одам»ми, деган асар битиб, унинг устидан сурбетларча кулган, маддоҳ, кўчирмачи сифатида таърифлаб агроном-шоирни ўзича ерпарчин айлаган. Аммо май шишаларига маҳкам таянган экан, шекилли, Улаш аканинг қаддини бу янглиғ таҳқирлар хуружи буколмаган.

Самад бултур баҳор адоғларида 41-посёлкага борган чоғи Улаш ака билан туйқус учрашиб қолишди. Агроном-шоир дала йўл ёқасидаги каллаклаб кесилган каттакон тут танасига орқа тираб, хомуш ўтирган экан. Эгнида жулдур камзул, оёғида йиртиқ ўн биринчи калиш, сийрак, тиканакдек соч-соқоли ўсиқ.

Улар қуюқ салом-алик қилишгач, Самад ўзича агроном-шоирга мойдек ёкар мавзуга кўчди.

«Ижодлар қалай, шоир ака, бошқасини қўйинг, шундан гапиринг».

«Ҳарна... бўляпти». — деди Улаш ака истамайгина, кулимсираб.

«Э, бўшашманг-да, хув, илгари достонлар ёзиб ташлайман ҳали, деб кариллаб юрардингиз, ваъдалар қани, шоир ака?»

«Самадбой, мен достон битсам, анови Шунқор Ҳобилларнинг нонини яримта қилиб ташлайман-да».

«Э, яримта қилманг, ош-нонини буткул тортиб олинг қўлидан, ҳе-ҳе-ҳе, сиз шунга арзийсиз, шоир ака».

«Самадбой, — деди Улаш ака олис-олисларга хорғин тикилиб.— Шу... шоир бўлиш учун шеър-достонлар ёзиш шартми?»

«Ия, афандичалиш гап қилдингиз-ку, ака, албатта, шарт-да. Сиз зинғиллатиб ёзиб ташланг, «Жаҳон адабиёти» деган журналга чиқаришга ўзим гарантия бераман. Асарни тайёр қилинг-у, дарҳол шаҳарга кўтариб боринг. Мана, сизга менинг визиткам...»

Самад уй манзили, телефон рақамлари зарҳал ҳарфлар билан битилган бежиримгина қоғоз парчасини агроном-шоирнинг қўлига тутқазди.

Ўшанда у ака Улашнинг достон тугул икки қатор ўлан тўқишига-да ишонмаган, шунчаки, ичкилик касридан чувринди чолга айланиб қолган ҳамқишлоғига хазилмазах билан пишанг берган эди. Қарангки, шаҳарлик олимнинг ишонмаганини пайқагандай, агроном-шоир, ниҳоят, шеъру достонларни тинч қўйиб, ўзини тилшуносликка илмига урибди! «Қаҳрамон» сўзининг антонимини топган эмиш...

Самад беихтиёр кулиб юборди. Аллақачон юмушларини тиндириб, телевизорга локайд термилиб ўтирган Ширина эрига, хайрон кўз ташлади.

— Тинчликми, домулло? Ё ухлаб туш кўрдиларми?

Самад «Э, шунчаки», дегандай енгил қўл силтади-да, чойи совиб қолган пиёлага интилди.

Мана, тағин анчагина вақт ўтди. Бироқ телефон ҳануз жим. «Қизиқ, нега қайта қўнғироқ қилмади», — андак хавотир билан ўйлади донгдор олим, — ё, хафа бўлдимикан?»

Самад уйига саҳройи сўхтанинг келишини нечоғли

истамаётган бўлса, уни хафа қилиб қўйишдан ҳам шунчалик чўчиётган эди. Ахир, гап чувалашса ёмон-да! Эргашбойнинг шаҳарлик эркатойи бечора ҳамқишлоғини уйига киритмабди, деган шивир-шивир сассиғига чидаб бўладими?

Самад хотинига алланечук мутеълик билан термилди.

— Хоним, анови озиб-ёзиб би-ир шаҳарга кеп қолибди, уйга таклиф қилиб қўяверайлик-а, сахар азонда бир амаллаб жўнатиб юборамиз.

— Ихтиёрингиз, — Ширина лоқайд елка учирди. — Ана, телефон қилса ўзингиз бемалол жавоб бераверинг.

Самад бир кур енгил тортиб, мамнун илжайди. Сўнг тўзғиб ётган болалар хонаси томон кўз ташлади. Қизи диван устида аллақандай газетани юзига қоплаганича мусиқа тингламоқда. Ўғли эса ҳануз компьютер билан андармон.

— Эй, болалар, — деб жеркинди Самад, — етар энди, ухлаларинг.

Гоҳ мудраб, гоҳ хомуза тортиб ётган Ширина ҳам телевизорни ўчирди.

— Чарчадим, мен ҳам ётаман. Қилар ишим қолмади, — шекилли.

У эринчоқлик билан ўрнидан қўзғалди-да, бир оз ивирсиб тургач, ётоқ томон юринди.

— Айтганча, хоним, — деб қолди хотинига анчадан бери паришон тикилиб турган Самад, — кип-қизил дипломли филологсиз, қанақа сўзлар антоним сўзлар дейиларди, сал унутибман.

Ширина узун бир хомуза тортиб оларкан.

— Қарама-қарши маъноли сўзлар, антоним сўзлар, — деди билағон ўқувчилардек, — масалан, аччик-чучук, паст-баланд.

— «Қаҳрамон» сўзиники-чи?

— «Қаҳрамон...» — мужмал елка қисди Ширина, — «кўрқоқ», шекилли.

«Қаҳрамон-кўрқоқ» — хаёлидан ўтказди Самад, ётокка кириб кетган хотини ортидан қараб қоларкан. Бирок бу жавоб уни сира қониқтирмади.

Кўп ўтмай бутун хонадон чукур сукунатга чўмди. Самад чойнакдаги яхна чойдан пиёлага қуйиб, паришон ҳўпларкан, ҳануз «қаҳрамон» сўзига антоним излар эди: «Қаҳрамон-номард», «Қаҳрамон-қочоқ», «Қаҳрамон-балойи баттар»...» Бирок ҳеч бир топилдиққа кўнгли

тўлмай, асаблари чатнай бошлади. «Йўқ, хеч ўхшамаяпти-да, ух, уккағар агроном-шоир, жа-а бошини қотириб қўйди-ку?!»

Телефон жимигандан-жимиб кетди. Аммо арзанда антоним сўз қўйида бир ўтириб-бир туриб, гох бош қашлаб, гох лаб тишлаб тўлғонаётган Самад қўнғироқ кутаётганини аллақачон унутган. У бетокатлик билан ўз иш хужрасига ўтди-да, баланд, кенг жавонга териб қўйилган жилд-жилд китоблар орасидан бирини суғириб олди.

— Қани, изоҳли луғатга қараб кўрай-чи, — дея ўзўзига тўнғиллади Самад, семиз китобни шоша-пиша варақларкан. (Одатда у қизғин ижод чоғлари шундай ўзўзига гапириниб қолади.) — Та-ак... мана... Қахрамон — жамиятда ёркин фаолияти билан ажралиб турувчи шахс; жангда жасорат кўрсатган аскар...

Самад тағин анча пайт ўз-ўзига пўнғиллаб китоб титкилади. Аммо барибир зорманда антоним сўзни тополмай, қайта баттар хуноби ошди.

«Сўраб кўриш керак, бирортасидан сўраб билиш керак, — дея шитоб ўйларди навқирон олим, гох у, гох бу хонада бетокат кезинаркан. — Хўш, кимдан сўрай?»

Туйқус эсига таниш бир профессор тушди. Ўз имзолари биқинига, «фил.фан док.» деб ёзишни хеч унутмайдиган бу серсавлат зот, у-бу йиғинларда гумбаздек қорнини қашлаб, «Тил илмини еб-ичиб юборганман» дея мактанишни хуш кўрар эди.

Самад иш столи устидаги чарм жилдли дафтарчасини варақлай-варақлай тилшуноснинг телефон рақамларини топди-да, қўнғироқ қилишга чоғланди. Аммо телефон гўшагидан хануз ўша «дут-дут» — қиска-қиска сас эшитилмоқда эди. «Нима бало, бузукми бу?» — хаёлидан ўтказди Самад, қизғиш аппаратнинг у ён-бу ёнига нукилаб. Сўнг димоғида сўкинганича ошхонага ўтди. Ана, холос, худди ўйлаганидек — уй тармоғига жуфтлаб уланган телефон гўшаги ўз ўрнидан андак силжиб, қийшайибгина турарди!

«Хойнахой, Ширинанинг қилмиши бу! — аччиғланиб ўйлади Самад. — Шунинг учун анови қайта қўнғироқ қилолмаган. Ана энди чўлга бориб сасийди, Эргашбойнинг ўғли атай телефонини узиб қўйди, деб айюҳаннос солади. Эх, шарманда қилди-да бу хотин...»

Бироқ Самаднинг бутун қахру ғазаби телефон гўшагини зарда билан ўз ўрнига қўндиришга етди, холос.

Одатдаги эрлардек қони қайнаб, тишлари ғижирлаб ётоқ томон чопиб кетмади, хотинини судраклаб турғизиб, беаёв калтакламади. Ҳамма-ҳаммасига олимона мушоҳада-мулоҳазалари панд берди, шаштини синдириб, қўлларини қайирди.

«Аввало асос керак, — хаёлидан ўтказди у, бир зум ошхонада сўнарибгина тураркан, — гўшакни атай кўтариб қўйганини исботлаш зарур, балки Ширинанинг шунчаки тирсаги тегиб кетгандир, балки сим-пими қаттиқроқ тортилган бўлса, гўшак ўз бошига қўзғалиб қолгандир? Хўп, ёлғон гапиришдан қочиб шундай қилган бўлса-чи?! Уни алдовга ундаган ўзинг-ку?! Элчихонага чақириб қолган эмиш...»

Ниҳоят, навқирон олим ётоқда беозоргина ухлаб ётган хотинидан ҳаш-паш дегунча енгилиб залга қайтди. Айни чоғда у ўзини ёв қуршовида қолган жангчидек ҳис этарди: бир тарафда телефон машмашаси, бир ёнда Улашнинг муқаррар маломати, кок қаршисида эса аллақандай антоним сўз жумбоғи.

«Қаҳрамон-қўрқоқ», «каҳрамон-қочоқ», «каҳрамон-бўшанг» — антоним сўзлар ғаласи тағин хаёлига ёпирилди Самадпинг. У юмшоқ курсисига хорғин чўккан кўйи хийла вақт бош чангаллаб ўтирди. Сўнг шашт билан таниш тилшуноснинг телефон рақамларини теришга киришди.

— Ал-лў-ў, — эшитаман, — деди нариги тарафдан телефон гўшагини кўтарган киши.

Бир зум жим қотган Самад профессорнинг киноатли товушини таниб жонланди.

— Ассалому алайкум, домла. Узр, бевақт безовта қилдим, бу мен...

Самад ўзини танитгач, икковлон бири қўйиб-бири олиб, қайта-қайта хол-аҳвол сўрашишди, бир-бирини олқишлашди.

— Бир маслаҳатингизга муҳтожмиз, домла, — дея ниҳоят мақсадга кўчди Самад пайт пойлаб. — Ёрдамингиз керак.

Тилшунос дарҳол хушёр тортди.

— Хўш...хўш-ш...

— Бир жиянимиз аллақандай илмий иш ёзаётган эди. Кечадан бери «каҳрамон» сўзининг антонимини тополмайди, денг. Мендан сўрагани-сўраган, охири, чумчук сўйса ҳам қассоб сўйсин, деб сизни безовта қилдим.

Тилшунос, пихиллаб-пихиллаб кулди.

— Самад Эргашевич, «қаҳрамон»нинг антоними бўлмайди. Масалан, сиз юрт довруғини хорижда ёйиб юрган қаҳрамон олимсиз, сизга ҳеч қанақа антоним йўқ.

— Раҳмат, домла, раҳмат, — дея минғиллади Самад, профессорнинг аскияси ёғдек ёқиб, — аммо-лекин... анақа... тилшунослик илми нуқтаи назаридан...

«Фил.фан.док.» тағин ҳазил-ҳузул билан жавобдан тайсаллади. Сўнг туйқус гап мавзусини буткул бошқа ёққа буриб юборди.

«Падарлаънати, тўнка» — ич-ичида сўкинди Самад, анча пайт профессорнинг тийиқсиз латифаларини паришон тингларкан. Ниҳоят, куюқ-суюқ хайрлашувдан сўнг телефон гўшаклари жой-жойига қўнди.

Самад стол устидаги чойнакни шашт билан кўтариб яхна чойдан сипқорди. Бироқ ич-ичидан тошиб келаётган алланечук ташналик барибир босилмади. «Роса тинкамни қуритди-да бу бошқотирма, — деб ўйларди у, гарангсиб ошхонага кираркан. — Аммо ўша арзанда антоним сўзни топишим шарт».

Самад «ғир-ғир»лаб бир маромда ишлаб турган музлаткични очди-да, ҳув, оқшомги зиёфатда чала ичилган фаранги конъяк шишасини қўлга олди. Шу пайт телефон туйқус устма-уст жиринглаб кетди. Туйқус чинқириқдан чўчиб тушган Самад, бир зум гангиб турди-ю, сўнг илдам бориб гўшакни кўтарди.

— Ал-ё-ё.

— Самадбой ака сизми? — деб сўради йўғон бир товуш бетакаллуфлик билан.

— Ҳа, мен.

— Улаш деганларини танийсизми?

Самад саросимада қолди. Таҳдидли товушга қарағанда, гапираётган кимса орган одамига ўхшайди. Афтидан, агроном-шоир бирор ишкал чиқаргану қўлга тушган, ўзича Самаднинг номини сотиб, қутилиб чиқмоқчи бўлган.

— Негадир ҳеч бунақа одамни эслолмаяпман, — деб мужмал минғиллади Самад. — Тинчликми? Сиз кимсиз?

— Мен учинчи касалхонада навбатчи врачман. У кишини машина туртиб юборган.

— А, нима?! — дея беихтиёр чинқириб юборди Самад, аммо бу чинқириқда ташвишдан кўра тантана, қайғудан кўра кувонч мўлроқ эди. Чунки у аллақандай алкашни деб орган одамларига чалкашиб қолганига бут-

кул ишонган, ич-ичидан бу балодан қутулиш йўлларини излаб ётган эди-да.

— Ташвишланманг, ака, — дея юпатган бўлди навбатчи врач, навқирон олимнинг чинқириғини ўзича тушуниб. — Ҳайдовчи яхши инсон экан, дарров бизнинг касалхонага келтирибди. Улаш аканинг ёнидан визиткангиз чиқди, шунинг учун қўнғироқ қилиб сизни огоҳлантириб қўймоқчи бўлдим, узр.

Эс-ҳушини анча-мунча йиғиб олган Самад энди чинакам ташвишланиб сўради.

— Ахволи тузукми, ишқилиб?

— Тузук-ку-я, ну...

— Нима гап, гапирсангиз-чи?!

— Билмадим... эрталаб рентген қилиб кўрсак, аниқ бирор нима дейиш мумкин. Ҳозирча... назаримда Улаш аканинг мияси чайқалган...

— Мияси чайқалган?

— Менимча шундай, бир йиғлаб, бир кулади, ўзича алланималар, деб алжирайди. Кашфиёт дейдими-ей, антоним, дейдими-ей...

Самад туйқус сергак тортди. Ич-ичини тағин ўша сурбет қизиқиш қитиқлай бошлади.

— Кашфиёт қилдим, деб мақтангандир-да.

— Худди шундай, ака, — қийқириб юборди навбатчи врач. — Топдингиз. Аммо нимани кашф қилганини билмадим. Аввал ўзакка боқ, кейин ноғора қоқ, қахрамон-мехрибон, мехрибон-қахрамон, деб шеърлар ўқийдими-ей...

Самаднинг бутун вужуди бўйлаб ҳузурбахш ҳарорат югурди: «А, ха-а, қахрамон-мехрибон! Рост, аввал сўзнинг ўзагига қараш керак экан-ку?! Қахр-мехр... А, ха-а, мана сенга ҳақиқий антоним сўзлар, қахрамон-мехрибон, мехрибон-қахрамон! Шу жўнгина жумбоқни ечолмай эсим кетди-я?!»

— Ал-ё, ал-ё, — дея навбатчи врач у ёқда ҳануз бўғилиб ётарди. — Нега жимиб қолдингиз, ака? Ал-ё, гапиринг, эй, ухлаб қолдингизми?

— А, нимани гапирай?

— Ия, сизнинг ҳам миянгизни чайқаб қўйдим, шекилли, а кўп гапириб. Ахир қаерда ишлайсиз, деб қачондан бери сўраб ётибман.

Навбатчи врачнинг бу сўрови Самаднинг алланечук ҳамиятига тегди.

— Ўв, биродар, — деди у овозини бир парда кўтариб. — Ўзингизнинг миянгиз чайқалмаганми, ишқилиб. Ана, қўлингиздаги визиткада ҳаммаси ёзиб қўйилган-ку?

— Кечирасиз, — деб бўшашибгина минғиллади навбатчи врач, — бу қоғозга Улаш аканинг қони теккан, ёзувлари анча чапланиб кетибди.

— Газет-пазет ўқиб турасизми ўзи? — виқор билан қўшиб қўйди донгдор олим.

— Э-э, Самадбой ака, энди сизни танидим. Лекин... лекин Улаш ака кимингиз бўлади?

Самад томоқ қирганча тараддудланиб қолди.

СЎНГГИ ИҚРОР

Қаршимда ўрта ёш, ўрта бўйли, қоп-қора қуюқ сочлари қиялатиб-қиялатиб силлиқ таралган, ҳаворанг костюм-шими, парча-парча гулли бўйинбоғи тик қоматига ярашиб турган, чиройли бир киши сипогарчилик билан боқиб турарди. Бу одам унча-мунча олғирларнинг ҳам етти ухлаб тушига кирмайдиган довруғли бошқармaнинг бошлиғи. Ҳайҳотдек хонадаги қимматбаҳо, антиқа-антиқа жиҳозлар ҳам шундан дарак бериб турибди. Бошлиқ узундан-узун чўзилган қуюқ бир зиёфатдан хозиргина кекириб қайтди. Кўз тегмасину, сўнгги пайтларда унинг ошиғи олчи, бошқарма-ку бир четда турсин, керак бўлса, вазирликдаги баъзи керилмажонлар ҳам у билан чўчинқираб гаплашадилар.

Эшик қия очилиб, котиба қизнинг саросимали юзи кўриндию тошойна олдидан беихтиёр чекиндим, ҳатто, ўз-ўзимга маҳлиё-маҳлиё термилиб турганимдан уялгандек бўлдим.

Котиба алланечук айбдор овозда деди: «Анови, иш сўраб келган аёл кетиб қолди».

«Нега?» сўрадим совуқ бир оҳангда, лекин жавобини кутмай, тўрдаги юмшоқ курси томон юрдим.

Бошқармамиз қошида баъзи ходимларнинг кўнглига қараб бир дардисар тикув-бичув цехи очгандим. Бироқ у ерда ёлчитиб ишни ташкил этадиган етакчи йўқ, жахлим чиқиб ўтган ҳафта газетага эълон бериб юбордиму балога қолдим, ҳар куни, ҳечқурса, икки-учтаси етакчиликка даъвогар бўлиб, саҳарлаб бўсағада уймаланишгани уймаланишган, лекин бирортаси ҳам кўнглимга ўтиришмаяпти, тўғриси, улардаги аллақандай хокисорликми-ей, ялтоқиликми-ей таъбимни тирриқ қиляпти. Мана, эрталаб ҳам зиёфатга шоша-пиша отланаётганимда телефон аччиқ-аччиқ жиринглаб қолди. Бу орада тошойна ёнида ўзимга оро бериш билан овора эдим. Бош ирғаб изн берганимдан сўнг, котиба трубкани олди.

«Бир аёл халиги иш масаласида...» деб ахборот бер-

ди котиба. «Тушликдан сўнг келсин, гаплашамиз» дедим эшик томон йўналиб. Мана, тушликдан кейин эса...

«Нега кетиб қолди? Сиз билан гаплашдими?» — деб сўрадим тобора қизиқишим ортиб.

«Ҳа, озгина гаплашдик, сизни таниркан...»

«Таниркан?» — ажабланиб қайта сўрадим.

«Ҳа, зерикиб коридорда юриб-турганда, ҳалиги... хурмат тахтасидаги суратингизни кўриб, вой, бу кишини танийман, дедию югуриб олдимга келди, сўнг пича ўйланиб турди-да, синглим, бу ер менга тўғри келмайди шекилли, деб чиқиб кетди. Мен ҳам ҳайрон қолдим...»

«Илгари қатта ишлаган экан?» — сўрадим таниш аёлларни бир-бир кўз олдимга келтиришга тиришиб.

Котиба андак ўйланиб тургач минғиллади:

«Бахор кўчасидаги қайсиди «Ателье мод»да деди-я, адашмасам...»

Ичимда нимадир гуриллаб қўзғалгандай бўлди. Гўё тубсиз бир бўшлиққа чўкиб кетаётгандек тирсакларим билан курси суянчиғига таяниб қолдим. Котибанинг сўнгги сўзлари қулоғимга кирмади. Хаёлимдаги бир овоз «ўша!» «ўша!» дея шанғиллар, кўз олдимда йирик-йирик қоп-кора кўзлар, оппоқ, лўппи юзлар липлип кезинар эди.

«Хўп, бораверинг, — дедим билинар-билинмас титроқ овозда, котибага тик қараёлмай. — Бораверинг, илтимос, ҳозирча олдимга ҳеч кимни қўйманг».

Котиба илдамгина чиқиб кетди. Бироқ, ўрнига эзгин-эзгин хотиралар сўзсиз-сўроқсиз ёпирилиб кирди. Таниш, инжиқ ва қадрли хотира... ҳа, бу гал ўзи довулдек бостириб келди, одатда, мен унинг хузурига бош уриб борардим. Титроқ қўллари билан идишдан дори излаган бемордек, мен ҳам эсдалик кунлар бағридан ҳашаматли ҳаётим икир-чикирларидан зада кўнглимга нажот ва таскин ахтарардим. Ўткир дори ачиштириб-ачиштириб, куйдириб-куйдириб яраларни тузатгандек, ўша хотиралар ҳам юрагимни азоблаб-азоблаб, ўртаб-ўртаб, сўнг, алланечук ҳаловат ва юпанч бағишларди. Лекин кўнглимнинг туб-тубига яширинган бу эсдаликларни ҳеч кимга ҳеч қачон гапириб бермаганман. Қолаверса, унинг бировларга тўлиб-тошиб ҳикоя қилиб берадиган, юракларга ғулғула соладиган жойи ҳам йўқ, бор-йўғи, бундан ўн йилча бурун, жазирама ёз кунлари бир шаҳарлик қизга ошиқ бўлиб, изидан эргашиб юрганман, холос...

Ўшанда узоқ бир овулдан «ўқиб одам бўлиш» ниятида бу улкан шаҳарга келиб қолгандим. Баҳор кўркини кўз-кўз қилиб, хайрлашаётган кунлар эди. Ҳаво гоҳ салқин, гоҳ иссиқ, дов-дарахтлар ям-яшил, ҳаммаёқда ҳаёт қайнайди. Эндигина ҳарбий хизматдан қайтган, қони қайноқ, бўз йигит бўлганлигим сабаблими, ё, табиатимдаги серғайратлик, уддабуронлик боисми, ҳарқалай, теварагимдан ўтиб қайтувчиларнинг, таниш-нотанишларнинг барчаси ҳам очиқ кўнгил, яхши ниятли кишилардек кўринарди кўзимга, назаримда, дунёда ҳеч қийинчиликлар, чигалликлар, ёлғончиликлар йўқдек туюлар эди. Ҳатто, икки йил ҳарбийда юриб, мактабда ўқиб-ўрганганларим анча унутилган бўлса-да, негадир имтиҳонларни қойиллатиб, хоҳлаган институтимга талаба бўлишимга қаттиқ ишонардим. Бироқ, қабул имтиҳонларига ҳали бир неча ой вақт бор эди, шунинг учун ҳам бир қурилиш ташкилотига амал-тақал билан оддий қурувчи сифатида ишга жойлашганман. Маоши кўнгилдагидек, тағин, кўп қаватли ётоқхонадан бошпана ҳам беришганди. Хуллас, корним тўқ, ғамим йўқ эди.

Шундай кунларнинг бирида ётоқхонамиздан унчалик узоқ бўлмаган тикув-бичув цехига шим буюртма қилиш ниятида кириб қолдим.

Бўсағадан оёқ оширишим билан турли газламаларнинг, аллақандай бўёқларнинг ҳидлари димоғимга, тикув машиналарининг ғириллашлари, қиз-жувонларнинг шанғиллаб сўзлашишлари, кулгилари қулоғимга урилди. Тикув-бичув артели катта-кичик уч хонадан иборат экан. Кираверишдаги залнинг тўрига тикилган кийимлар, кўрган кўзни қуйдирадиган ранг-баранг газламалар кўргазма сифатида осиб қўйилганди.

Мен кириб борган пайт залда ҳеч ким кўринмасди. Қаёққа юришни, кимга дардимни айтишни билмай пича саросималаниб тургач, каршимдаги эшиги қия очиқ хона томон юрдим.

«Сизга ким керак?» — деб сўради шу пайт майин бир товуш, буюртмачилар буюртмаларини кийиб кўрадиган парда ортидан.

«Шим заказ қилмоқчи эдим...» — дея тўнғилладим ўша томон юзланиб.

Бошқа сўров бўлмади. Андакдан сўнг, узун парда бир титраб кўзғалдию орқасидан... У чиқиб келди! Билмадим, қат-қат парда чеккага сурилганиданми, ё, шу

лаҳза биров чироқ ёқиб юбордими, ногоҳ зал ёришиб кетгандай бўлди.

Унинг оппоқ, лўппи юзларида, узун-узун киприклар соя солган йирик-йирик кўзларда алланечук беғуборлик ёғилиб турар, силлиқ тараб-ўриб нозик елкалари ўртасига ташлаб қўйган куюқ, қўнғиртоб сочларида, бир четига озгина ип илашиб қолган сал қалин лабларида қандайдир жозиба ўйнар, нимаси биландир ўқувчилар кийимини эслатиб юборадиган оддийгина кўйлаги, қўлидаги қайчиси, газмол ўлчагич тасмаси бош-оёқ сирли бир назокатга чулғаб турар эди.

«Вой, гапирсангиз-чи, ўзингиз газмол опкелдингизми, деб сўраяпман?» — унинг майин товуши қулоғимга элас-элас эшитилдию бирдан сергак тортдим.

Баланд шипда ел қўзғар паррак ғувуллаб айланиб турарди. (Балки, бошимдир?) Жуда таниш, жуда қадрдон бир ҳид димоғимга урилгандек бўлди. Қаршимдаги эшик инграб кенг очилди-да, уч-тўрт ғалтак кўтарган семиз бир хотин биқинимдаги хонага ўтиб кетди. Шундагина бир қадам нарида юзма-юз турган қизга тикилиб анчагина қотиб қолганимни, бутун борлиғимда ғалати бир титроқ кезиниб юрганини сездим. Бироқ ўша маъсума кўзлар мени андак қизиқсиниб, андак ажабсиниб, андак... андак эркаланиб кузатаётганини кўрдиму яна ақлим учди. Хойнаҳой, қўлимдаги эски бир газетга ўроғлик газмолга қўшиб гурс-гурс уриб ётган юрагимни, эсҳушимни, бутун вужудимни унга топширган эдим.

Бир пайт машиналар шовқинидан ҳушим жойига қўниб англадимки, аллақачон ташқаридаман. Қўлимдаги икки қатланган бир парча қоғоз буюртма қилиб чиққанимдан дарак бериб турарди. Аммо чевар қиз билан нелар ҳақида сўзлашганим, шимни қандай қилиб тиктирмоқчи бўлганим ўзимга ҳам қоронғи. Лекин, ичу ташим ёп-ёруғ эди! Ҳув, чевар қиз қаршимда пайдо бўлган чоғ зални тўлдириб юборган ёруғлик афтидан, мен билан ташқарига ёпирилиб чиққан эди!

Негадир шу лаҳзада жимжитликни, ёлғизликни истардим. Юрагим тошарди, сал-пал каловланиб ётоқхонага йўл олдим.

Мен ивирсиб юрган бу жой шаҳарнинг энг серқатнов, энг гавжум бўлакларидан бири эди. Икки қирғоғи бўйлаб баланд-паст иморатлар, дов-дарахтлар чувалашиб кетган кенг-мўл асфальт йўлда зувуллаб-гувуллаб елаётган ав-

тоуловлар оқими бир зум ҳам тинмайди. Йўлаклар, бекатлар одамлар билан гавжум.

Ҳа, шу кундан, шу соатдан бошлаб сокин умримга тошқинлар кириб келганди. Мен эса кўнглимда кечаётган ғалаёнларни тан олгим келмас, тўғрироғи, тан олмоққа ботинолмас эдим. Аммо вақт ўтган сайин, касални яширсанг, иситмаси ошкор этади, деганларидек ўша энтиктирувчи пўртаналар бағрига баттар ботиб бораётганимни ҳис этардим. Айниқса, ўша шим буюртма қилиб чиққан куним, ғалати-ғалати туйғулар силсиласида силлам қуриди. Кунни бир амаллаб «ҳазм» қилдиму, лекин тун томоғимга тиқилиб қолгандек туюлди. «Тарс» этиб ёрилгим келарди. Аксига олиб, ҳамхонам — Тошболта исмли дўстим ҳам бир сабаб билан қишлоғига кетиб қолган, тор ва дим хона баттар ҳаловатсизлантирар эди.

Мен фақат у ҳақида ўйлардим! Ўзимни минг бор чалғитсам-да, ўша йирик-йирик чақноқ кўзлар қоп-қора тунни ёритиб тағин қошимда пайдо бўлар ва узо-о-оқ-узоқ туриб қолар эди. Бир маҳал тўлғониб ётган жойимдан ширин бир илинж силтаб турғизди.

«Наҳотки, — ўйладим энтикиб, — наҳотки, У ҳам мен ҳақимда ўйлаётган бўлса?!». Бундай илиқ-илинж ипига илашиб қолишимга сабаб, бир пайтлар қандайдир журнал саҳифасида ўқиганим — «бирор киши тўғрисида қаттиқ хаёл сурсанг, демак, у ҳам сен ҳақингда ўйлаётган бўлади», деган файласуфона фикр «лоп» этиб эсимга тушиб қолганди. Ана шундан кейин худо берди, лаб-лунжимни илжайишдан тиёлмай қолдим. Ҳатто, тонг олдидан, чўчиб уйғонганимда ҳам юзларимда алланечук табассум қотиб қолганини ҳис этдим...

Дунёда кутишдек азобли, кутишдек лаззатли машғулот бормикан? Магнит парчаси барча темир бўлакларини ўзига тортиб олгандек, кутиш ҳам одамнинг барча туйғуларини, хаёлларини, керак бўлса, инон-ихтиёрини ўзига қаратади-қўяди, киши фақатгина унинг қудрати измига бўйсуниб қолади, бирор эзма «яшашдан мақсадинг нима?» дея сўраб қолгудек бўлса, ҳеч иккиланмай «кутиш» деб жавоб беришга шайланади.

Мен ҳам шим тайёр бўладиган ўша буюртма қоғозида кўрсатилган кунни интиқ-интизор кутдим. Қурол-яроғ, озиқ-овқат ғамламаси кўплигидан кўнгли тўқ қўшиндек, уч-тўрт кун ўтгач, шим баҳонасида Уни кўришим мум-

кинлиги мени тўлқинлантириб, ҳузурлантириб юрарди. «Эҳ, ландавур, — дея ўйлардим баъзан кулгим қистаб, энсам қотиб, — ўша «Ателье мод» ётоқхонанинг якинида-ку, нега ҳар куни, керак бўлса, ҳар соат у ерга бирор баҳона билан кириб боравермайсан? Нима, еб қўйишадими улар? Тентакка ўхшаб аллақандай муддатни кутиб юрибсан-а?»

Ўша «нега», «нега»ларга юрагимнинг бир бурчида миттигина жавоб чўғдек милтиллаб турарди-ю, бироқ уни пуфлаб алангалатишга ҳеч журъатим йўқ эди.

Мен Уни тавин бир карра кўришга қанчалар интиқ бўлмай, лекин, барибир, ўша маъсум кўзлар билан яна тўқнаш келишдан чўчирдим, ҳа, чўчирдим. Назаримда, унинг нигоҳлари юрагимнинг энг тубсиз, энг қоронғи бурчак-бурчакларини ҳам ёритиб юборадигандек, у ерда пусиб ётган, ҳатто, ҳали ўзимга ҳам номаълум чиркин-чиркин ҳисларни суғуриб чиқариб мени шармандаю шармисор қиладигандек эди. Бу азобли ҳақиқатга ўта илҳақ куттирган кун етиб келгач, яна бир бор амин бўлдим.

«Ателье мод» бўсағасидан ҳатларканман ҳавонинг иссиқлигиданми, ё, юрагимнинг ҳаддан ташқари гурсиллаб уришиданми бутун вужудимни лоҳаслик, ҳолсизлик қоплаб олди. Айниқса, ўша таниш манзаралардан, таниш ҳидлардан бошим айланиб, кўзим тиниб кетди. Бироқ... бироқ, қўлида қайчи, ўлчагич тасма ушлаб турган бошқа бир тунд қиёфали аёлга кўзим тушдию беихтиёр енгил тортдим. Ҳа, елкамдан тоғ ағдарилгандек бўлди! Шундагина залда мендан бошқа уч-тўрт буюртмачи ғўддайиб турганини, уларнинг баъзиси чеккадаги устол устидаги «Мода» журналларини эринчоқлик билан варақлашаётганини, айримлари эса кўргазмадаги газламалар атрофида уймаланишаётганини кўрдим.

Менинг навбатим етгач, ўша бичиқчи аёл қўлимдаги анчайин унниқиб, ҳилвираб қолган буюртма қоғозини оларкан, «Нима бало, ёстиқ қилиб ётдингизми буни?» деб сўради аччиқланган товушда.

Мен бирдан сергак тортдим. Ҳатто, «ҳа» деб юборишимга оз қолди. Чунки, бу бир парча қоғозни неча бор хижжалаб-хижжалаб ўқиб чиққанларим, кечалари ҳидлаб-ҳидлаб бош остига қўйиб ётганларим чин эди, агар яна икки-уч кун кутганимда, балки эзиб ички каби ютиб юборишдан ҳам қайтмасдим. Ахир, ундан ҳув, олис болалик йилларим овулимиз биқинидаги яланғликда са-

ҳарлаб-саҳарлаб улоқ-қўйларни ўтлатиб юрганимда димоғимни қитиқлаб-қитиқлаб, кўнглимни яйратиб-яйратиб ўтадиган барра оққуврай исини туйгандим.

Қоғознинг унниқиб кетганлигидан бичиқчи аёл ёзувларни ўқиёлмай, исми-шарифимни ўзимдан сўраб қолди. Шунчалар паришон турган эканманки, савил қолгур, исми-шарифимни эслаёлмай анча гаранг бўлдим.

«Нима, ўз исмингизни ҳам унутдингизми?» — деди бичиқчи аёл бир аччиқланиб, бир ажабланиб. Залда ивирсиб турган буюртмачилар хирингласшди. Мен ҳам синиқ илжайиб уларга қўшилдим.

Ниҳоят, тайёр шимни қоғозга ўраб, қўлтиққа қисиб кўчага чиқарканман, барибир, ичкарида ниманидир унутиб қолдираётгандек эдим. Кирар чоғим бўсағада қолган ўша таниш кўнгилғашлик яна чиппа ёпишди. Боя ичкарида унинг кутилмаганда пайдо бўлиб қолишидан қанчалар чўчиб, тезроқ кетишга ошиққан бўлсам, энди дадилланиб, хечқурса, ичкари хоналарга бир-бир кўз ташлаб чиқмаганим учун, Унинг бор-йўқлигини аниқламаганим учун ўзимни-ўзим койий бошладим.

Мен негадир унинг номи Феруза бўлса керак, деган хаёл билан юрар, ҳатто, ўз тахминимга буткул ишонар эдим. Феруза... Бу сўз, назаримда, дунёдаги энг тиниқликнинг, назокат ва маъсумликнинг атамаси эди. Агар бирор ерда шу сўзни эшитсам, ўша болалигим ялангликларида қолган барра оққуврайлар баргида саҳар чоғлари осилиб турадиган шудринглар, беихтиёр, олмосдек товланиб, кўз олдимга келар, олис бир соғинч, олис бир ташналик энтиктириб юборар эди.

Мен Уни кейинчалик уч-тўрт марта учратгач, Унга фақатгина Феруза исми мос эканлигига буткул иқрор бўлдим.

«Ателье мод»нинг иш вақти соат еттида тамомланарди. Мен эса анча олдин серқатнов кўчанинг нариги бетидан, чеварларнинг уй-уйларига қайтишларини хормай-толмай кузатиб турардим. Мен учун энди Ферузани учратишнинг, имкони топилса, икки-уч оғиз сўзлашишнинг бошқа йўли қолмаганди.

Биринчи галдаги пойлоқчилигим омадли бўлмади. Феруза анча эрта «Ателье мод»дан чиқиб, йўлак бўйлаб кета бошлади. Ҳақиқатан ҳам У эканлигига аввал кўзим ишонмади, ақлим бовар қилмади, лекин, юрагим дарров иқрор бўлди, муҳаббат мамлакатининг нурдек тез, нур-

дек покиза элчилари аллақачонлар юборган ажиб сезгидан у гурсиллаб-гурсиллаб уриб ётарди!

Феруза йўлак бўйлаб озроқ юргач, серқатнов кўчани кесиб ўта бошлади. У чинқириб елаётган автоуловлар орасидан оҳуларгагина хос зийрак ва ҳуркак қарашлару, нозик бир чаққонлик билан юриб келардики, назаримда, бир парча оппоқ ҳарир булут парчаси шовқинли кўча бўйлаб сузиб ўтаётгандек туюлди.

Феруза йўлнинг мен турган бетидаги йўловчилар уймаланиб турган бекатга келиб оёқ илди. Билдимки, у шаҳарнинг кун ботар тарафига қараб кетар экан.

Мен ўзимнинг нақ бир ойлик ҳамроҳим — вужудимдаги ғалати-ғалати титроқ билан бекатга яқин келдим. Шу пайт Феруза мени кўриб қолди! Ўшал йирик-йирик сеҳрли кўзлар... Ўшал мен тик тикилишдан чўчийдиган маъсума кўзлар юзимга хиёл қадалиб қолгандай бўлди. Ўзимни беихтиёр серрайган одамлар панасига урдим. Ногоҳ, қуёшга бокиб кўзи қамашган киши, яна кайта қарашга журъат этолмаганидек, мен ҳам У томон кўз ташлашга ботинолмасдим. Яхшиям, шу орада бекатга троллейбус келиб тўхтадию, йўловчилар сергакланиб, унинг эшиклари томон ёпирилди. Талатўпдан фойдаланиб кўз қирим билан Феруза турган ёққа қарадим, кўрдимки, у ҳам троллейбусга чиқиш учун тараддудланиб, уймаланаётган йўловчилар тўдасига қўшилганди. Ич-ичимдан пусиб ётган аллақандай куч мени ҳам ўша тараф итариб юборганини сезмай қолдим.

Қуёш ҳорғинлик билан баланд-баланд иморатлар оркасига юмалаб кетган бўлса-да, ҳаво ҳамон иссик ва дим эди. Йўл бўйлаб тизилишган алланечук паришон киёфадаги дарахтлар ҳам ҳолсизлангандек тек қотгандилар. Тўхтаб турган троллейбус тандирдай ўзидан ховур пуркар, бир-бирини қистаб тиқилишаётган йўловчиларнинг ҳансирашига ҳансираш, нолишига нолиш қўшар эди.

Йўловчиларнинг ур-сури, ич-ичимда қайнаб турган тизгинсиз хоҳиш тезгина мени Ферузага ёнма-ён келтириб қўйди. Ҳатто унинг икки нозик елкалари оралиғидан беллари томон илондек тўлғаниб интилаётган ўша йўғон соч ўрими шундоққина бурним олдида хуш атир ва яна аллақандай кўнглимга жуда таниш, жуда азиз бир ҳид уфуриб турарди.

Ўша куни ётоқхонага анча кеч қайтдим. Танишбилишларнинг, дўст-оғайниларнинг хиссиз-туйғусиз дав-

раларига, латифабозликларига сира тоқатим йўқ эди. Мен фақат ёлғизликни, жимжитликни истардим. Ҳатто, хийла сийраклашган машиналарнинг ғиз-ғизию, узоқ-узоқлардан қулоғимга аранг етиб келаётган аллақандай вайсақи қўшиқ товуши ҳам асабларимни эговларди. Мен неон чироқлари олақуроқ ёритган кўча чеккаси бўйлаб далли девоналарча ивирсиб келарканман, улоқ-қўзиларни ўтлатган ўша адирларимни қўмсардим, оққувайларимни қучоқлаб, бир ойдан бери оромимни ўғирлаган қайғую қувончларимни айтиб хўнг-хўнг йиғлагим келарди. Мен... мен Ферузани буткул севиб қолгандим! Унинг маҳалласига довур кўланкадек эргашиб бориб эвазига худди шу икрорни олиб қайтдим. Юрагимга қувонч қалдирғочлари қўнди. Қувончларимнинг боиси Ферузанинг озгина лутфи марҳамати эди. У айғоқчидек тиркашиб юрганларимни сезди, ҳатто, яёв кетаётган чоғ етиб олишим учун қадамларини киши билмас секинлатди, йўл бўйидаги дўконларга бош суқиб ўзича нималарнидир излагандек бўлди, бироқ унга ёнма-ён келиб дадиллик билан кўзларига тикилмоққа, икки оғиз сўз сўзламоққа журъатим етишмади. Журъат етишган тақдирда ҳам нима дейишим мумкин унга?

Ферузанинг кўйида куну тун босган ҳар қадамимни ҳар гал қайта-қайта хаёлдан ўтказарканман, унга айтар ҳеч бир сўзим йўқлигини ҳис этардим. Мен фақатгина унга яширин-яширин термилмоққа ярардим, холос. Баъзан Ферузани ранжитадиган бирор қўпол хатти-ҳаракат қилганимни сезсам, алам ва пушаймон ўтида куйиб, кўнглим ғаш тортиб қолар, мабодо унинг ҳам юрагим майлига мойиллик билан жавоб этаётганини пайқасам, қувончдан энтикиб кетар эдим. Айниқса, хув, ўша бекатда панага қочишимга мажбур этган нигоҳлари ҳар гал ёдимга тушса, офтоб кўрган ниҳолдек яшнаб қолардим. Чунки, одатда кимнидир, ненидир узоқ кутган ва ногоҳ кўриб қолган кишигина шундай термилади.

Бироқ... бироқ ошиқ эли жиноятчининг ўз оғзидан эшитмагунча тинчимайдиган терговчилар каби шубҳакор ва инжиқ бўлар экан. Мен ҳам Ферузанинг интиқликларимга интиқлик билан жавоб бераётганини шунчаки тасодифга йўяр, ўзимни-ўзим шубҳаю гумонлар тиғига тутиб азоблар эдим.

Орадан йиллар ўтиб ўша тароватли кунларни лаззат-

ли бир оғриқ билан неча бор эслаганимда барча гумонларим бекор эканлигига амин бўлдим. Мана, ҳозир ҳам юмшоқ курсимга оғир тошдай чўкиб, ялтироқ столимга бағримни бериб, ўша нотаниш қизнинг имолари тасодиф эмаслигини, у чиндан ҳам меники бўлишини истаганини етмиш икки томирим билан ҳис қилмоқдаман.

Бир куни, одатдагидек, кечки пайт иш вақти тугашини кутиб тургандим У «лип» этиб «Ателье мод» эшигидан чиқди-да, алланечук хаяжонли чеҳрада мен турган томон қаради, қарадию яна ичкари кириб кетди. Феруза-нинг мени кўрганлигига шак-шубҳам йўқ эди. Чунки у соядек эргашиб юришларимга ўрганиб қолган, хатти-ҳаракатларимни аллақачон билиб олганди. Шу боис, назаримда, у мени масхаралаётгандай, гўдак каби лақиллатаётгандай туюлдию ички бир ғурурим илкис қўзғолиб, турган жойимдан кетишга чоғландим. Бироқ кўнглимда бир овоз «узоқлашиб кетма», дея тинимсиз уқтирар, қадамларим тобора секинлашиб борар эди.

У яна пайдо бўлди! Йўқ, адашмасам, бу сафар кўкдан тушди, эгнидаги аввалари мен ҳеч қачон кўрмаган, ҳойнаҳой, ҳозиргина ўзи тикиб бўлгану кийиб чиққан, кенг-узун, ҳаворанг кўйлаги шундан дарак бериб турарди.

Мен одатдагидек, гўё айб устида қўлга тушгандай, ўзимни йўл четида анчадан бери тўхтаб турган юк машинаси панасига олдим ва бир лаҳза тин олгач, яна секин мўраладим.

Феруза, ҳамкасби бўлса керак, бир қиз билан хушчақчақ кайфиятда сўзлашиб турар, ўқтин-ўқтин «жанговар постим» томон қараб-қараб қўяр эди. У сўзсиз мени изларди!

Феруза! Ҳа, янги кийган кўйлагида у чиндан ҳам кўкдан тушган, бу ғубор ва қурум босган тош шаҳарга гўзаллигу нафосат олиб келган ҳурга ўхшарди. Унинг кулгиларидан бутун теварак файзланарди, бутун олам нурга чўлғанарди ўша маъсум қароқларидан! Ана, чинқириб елаётган автоуловлар ҳам бир зумга тизилиб-тизилиб тўхтаб қолдилар. Йўқ, улар қизил чироқ бўйруғига бўйсуниб эмас, шундоққина йўл ёқасидан ғир-ғир эсаётган нажот ва ҳаловат эпкинини сезишиб, шовқин-суронсан, мой ва дуднинг қўланса ҳидидан энди вужудларига бир лаҳза ором бериш иштиёкида тўхташди. Баланд-паст бинолар ҳам, қатор-қатор дарахтлар ҳам, гўё

кўринмас қўлларини силкитиб У томон талпинаётгандек, уни олқишлаётгандек эди...

Шу учрашувдан сўнг нақ бир хафта шаҳардан қорам ўчди. Ишбошимиздан ялиниб-ёлвориб, улуш келтириш ваъдасини қуюқ қилиб, ниҳоят изн олгач, яқин бир қариндошимизнинг тўйига қатнашиш учун қишлоққа жўнаб кетдим. Ўша дабдабали тўй нимаси биландир ҳеч ёдимдан чиқмайди. Мен қариндошларни, таниш-билишларни ҳайрон қолдириб, энг инжиқ, энг серташвиш хизматни, чойхоначиликни бўйнимга олгандим. Чунки самовар тагида чирсиллаб-чирсиллаб ёнаётган оловга термилиб узоқ шаҳардан хаёлларим қучоғида етиб келган Феруза билан шивирлашиш иштиёқида ўзга ҳою ҳавасларни, ўйин-кулгиларни кўнглимдан кувиб чиқаргандим. Ҳатто, бўй етиб қолган сулув-сулув қишлоқ қизларининг сирли-сирли, ишвали-ишвали боқишларию, гапга солишлари ҳам кўп малол келар, ғашимни қўзғар эди.

Тўй тугаб, бошқа юмушларим ҳам битгач, кечки поездни кутишга сабрим чидамай, йўл ҳақи анча қиммат бўлишига ҳам қарамай, эрталабки автобусга ўтириб шаҳарга қайтдим. Бахтга қарши, қон юрагимни баттар қон қилиб, йўлда кўлигимиз бузилиб қолди, шунинг учун ҳам шаҳарга мўлжалдагидан анча кеч етиб келдик.

Мен ётоқхонага кириб борганимда соат миллари етти рақами атрофида айбдорона титраб турар, аламимга тағин алам қўшар эди. Тарвузим қўлтиғимдан тушди, чунки, кузатишларимдан яхши билардимки, бу вақт «Ателье мод»дан ҳамма кетиб бўлади.

Бироқ барибир, хонамда ҳам ялпайиб ўтиролмасдим. Ўз-ўзимдан хўрлигим келиб, юрагим тошар, бир ёқларга бош олиб, дайдиб кетгим келар эди. Охири, йўлакларда учраб қолган таниш-билишларга сохта ва омонат табассумлар улаша-улаша ташқарига отилдим.

Ҳаво одатдагидай, иссиқ ва дим эди. Гўё қуёш кўкдан нур эмас, хорғинлик ва ланжлик ёғдирар, теграмдан ўтиб-қайтаётганлар норози қиёфада бўшашиб-бўшашиб қадам ташлашар, нажот излашаётгандек оёқлари остига термилишар эди.

Мен «Ателье мод» томон узоқроқдан қўрқа-писа кўз ташладим, кўз ташладиму эшикдаги калламдек қулфни кўриб гурс-гурс уриб ётган юрагим тагида нимадир «чирс» узилиб кетгандай туюлди. Ўша нимадир, мени

шу ёкка судраб келган, «зора, бугун кўпроқ ишлаб, ушланиб қолган бўлса...» деган ожизгина илинж ипи эди.

Аччиқ бир аламдан, ички бир хўрликдан хира тортган кўзларимни қайга яширарimни билмасдим. Елкаларимга, қўл-оёқларимга тоғдек чарчоқ инди. Назаримда, қайғу-хасрат кўпчиб ётган, мени тобора домига тортиб бораётган йўлакдан тезроқ узоқлашиш учун теграмдан ўтиб-қайтаётганлар чопқиллашаётгандай, асфальт кўчани тўлдириб елаётган автоуловлар илдамлигига илдамлик, чинқириғига чинқирик қўшилгандай туюларди.

Шу пайт... шу пайт... қорачиғларимни қоплаб келаётган кирчил туман тиркираб-тиркираб тарқаб кетди. Бағримнинг бир бурчида бекиниб ётган қувонч қўшинлари шиддат билан аввал юрагимни, юз-кўзимни, сўнгра бутун борлиғимни ишғол этди. Мен уни кўриб қолгандим! Умидсизлик билан теваракни кузатиб турганимда, ногоҳ, ўша қадрдон бекатда Ферузага кўзим тушди. У йўловчилар тўдасидан андак четлашиб, аллакандай журнални ўзича варақлаб турар, ўқтин-ўқтин атрофига қараб-қараб қўяр эди.

Наҳотки, у кимнидир кутаётган бўлса? Ё, шунча вақтдан бери унинг маҳалласидан ўтадиган ўша таниш рақамли троллейбус келмадимикан? Ё, шу атрофдаги бирор дўкон-пўконга кириб ушланиб қолдимикин? Наҳотки...

Қай йўсинда серқатнов йўлни кесиб ўтганимни билмай қолдим. Аммо шу орада ўша таниш рақамли троллейбус мендан илгарироқ ингиллаб бориб бекатда тўхтади. Беихтиёр йўрғалаб югурдим. Бироқ унинг троллейбус томон лоқайд бир кўз ташлаб яна журналга термилганини кўрдиму яна қадамларим ўз-ўзидан секинлашди.

Троллейбус эшиги олдида йўловчилар одатдагидек уймаланиб қолдилар. Тушувчилару чиқувчилар ўртасидаги беллашув авжи пардасига чиқди.

Шу пайт у мени кўриб қолди. Кўрдию беихтиёр юзкўзини журнал орқасига яширди, сўнгра, троллейбус етиб келганини эндигина сезиб қолгандай, хуркак оху каби ўзини йўловчилар тўдасига урди. Бу ёқда эса унинг кўзи тушганини пайқаганданоқ мен ҳам йўл ёқасидаги дарахт панасига беихтиёр яшириниб олгандим.

Бекинишлар, пайт пойлашлар бошқа насиб этмаган экан. Шундан сўнг Ферузани ҳеч учратолмадим. Орадан кўп ўтмай, институтга кириш имтихонлари бошланиб

ташвишу ғалвадан бошим чиқмай қолди. Сўнгра «лоп» этиб студент бўлдиму неча йиллардан бери интиқ кутган орзуим амалга ошганиданми, анчайин, босар-тусаримни билмай, ҳаволаниб кетдим. Изидан ўқиш, пахта ҳашари, қишки синов, ёзги синов деган талабаликнинг ўзига яраша қайғу хасратлари севги савдоларини кўмиб юборди. Тўғри, қиш кунларининг бирида ўша томонларга йўлим тушиб қолиб, «Ателье мод»га кирдим. Бироқ, шошапиша кўз ташлаганим учунми, негадир у кўринмади. Ичкари хоналарда тикиб-бичиб ётган қизлардан сўрашга чоғландиму, лекин унинг ҳатто исмини ҳам билмаслигим эсимга тушиб ҳафсалам пир бўлди.

Бу кечинмалар кимнингдир кулгисини қисташи, кимнингдир энсасини қотириши тайин, бироқ, мен учун у хайрат қасридир. Бу қасрга ҳар гал кирганимда, гоҳо аччиқ, гоҳо ширин туйғулар оғушида яйрайман.

Мана, ҳозир ҳам хайҳотдек ишхонамда эмас, гўё, ўша улуғвор қасрим ичида узоқ ва қадрдон ҳисларга қоришиб кезинарканман бир қайсар ҳақиқатга қайта-қайта иқрор бўлаяпман. Мен... мен уни аягандан, бирор хатти-ҳаракатим, тўпори гап-сўзларим билан унга озор етказишдан чўчиганман, дея илгари ўз-ўзимга берган таскинларимнинг барчаси ёлғон, мен ҳамиша журъатсизлигим қалқони панасида ўз муҳаббатимни асраганман!

Қизиқ, ўша аёл ҳузуримга кирганда, кўзлар тўқнашганда не ҳол юз бериши мумкин эди?! Тўғриси, буни тасаввур этиб кўришни ҳам истамайман. Сабаби... Балки у буткул ўзгариб кетгандир? Балки... Котиба қиз у ҳақида менга маълумот берганда, кўз олдимда йирик-йирик кўзлари маъсум порлаган ўша ўн саккиз яшар беғубор қиз жонланиб, титраб кетдим. Бироқ иш сўраб келган аёл экан-ку? У бундан ўн йилча аввалгидек юрагимга ўт сола оладими, тўғрироғи... Тўғрироғи, уни кўргач юрагим ўша ёз кунларидагидек ёна оладими? Мен... мен шундан қўрқаман? Ия, шошма, шошма...

Мен яшиндек «ярқ» этиб миямга урилган, бутун хаёлотимни ёритиб юборган фикрдан қалқиб, андак ўзимга келдим. Шундагина ёнимни пайпаслаб анчадан бери чеким излаб ётганимни пайқадим. Шоша-пиша бир дона сигарет олиб лабларимга қистириб тутатдим. Тамакининг аччиқ тутуни ҳалқаланиб-ҳалқаланиб тераккa ёйила бошлади.

Шошма-шошма, нега у ҳузуримга кирмай қайтиб кет-

ди? Ё, таниб қолишимдан қўрқдими? Ия, нимасидан қўрқади, қайтам, ўша эски саргузаштларни эслатиб, кўнглимни эритиб, ишини битириб олса бўларди-ку, ахир, «ҳа» йўқ, «бе» йўқ ҳузуримда минг хил товланиб, минг хил нағмалар кўрсатиб, баъзи бир илтимосларини бажартиб олаётган бекалар қанча? Ё, мени ҳам қийнаган, қўрқитган ўша ҳислар Унинг ҳам юрагини тилка-пора қилдимикан? Наҳотки? Чиндан ҳам шундай бўлган, ичичимдан сезаяпман, худди шу ҳол Уни кетишга ундаган.

Маҳмадона котиба боя тафсилотларни чала айтди-ёв, мен, ахир, ҳозир ўша манзарани кўзгудан кўраётгандек кўриб турибман: ана, у коридорда осиғлиқ суратларни бир-бир кўздан кечиряпти. Ногоҳ менинг суратимни кўриб қолди. Йўқ, аввал, кўзларига ишонмади, сўнг, хотира кўзи билан, юрак кўзи билан чақнаб тикилдию... Котиба қиз айтгандек, «вой», «вой»лаб қабулхона томон югурмади, балки «вой» дедию, хув, ўша бекатда журнал панасига бекингандек, беихтиёр юзини лўппи қўлчалари билан яшириб қолди. Шу алфозда уч-тўрт лаҳза тошдек қотди, хаёллар қуюни ўша олис ёз оқшомлари томон бир зум учириб кетди. У шу қуюн чирпирагида югуриб ташқарига чиқиб кетардию, лекин котиба қизда шубҳа уйғотишни истамади. Шунинг учун ҳам «менга тўғри келмайди, шекилли» деб икки-уч оғиз гапиришди. Сўнгра, кетди. Йўқ, у қочиб кетмади, балки... юрагининг аллақаеридадир яширинган алланарсани бу ҳайҳотдек идорада йўқотиб қўймаслик учун ўзини-ўзи опқочиб кетди.

Мен чуқур тин олиб курсимга чўкдим. Қўлимдаги чала чекилган сигарет аллақачон ўчиб қолганди. Унинг кулга айланган қисмига бир зум паришон тикилиб турдим-да, чиқинди челагига ташладим. Қўл-оёқларимга эзгин бир чарчоқ инди. Қўнғироқ тугмасини босиб котибани чорладим. Зум ўтмай хонада котибанинг доимги саросимали юзи пайдо бўлди.

Мен осмон парча-парча бўлиб, кўриниб турган дераза томон юзланиб дедим:

— Буйруқ тайёрланг, тикув-бичув цехи ёпилди...

АЛДОҚЧИ ТУНЛАР

Шом қоронғиси қуйилиб келаётган бир пайтда Нур қўрбоши харсанг тошлар панасидан бош кўтариб, кенг яланглиқдаги қишлоғи томон маъюс-маҳзун термилди.

Ё, раб, хувуллаб ётган манов харобазор наҳот унинг ота маскани?! Қани, кир бағрида ёйилиб юрувчи сурув-сурув қўй-қўзилар? Қани, бутун қишлоқни қий-чувга кўмиб юборадиган болалар? Сув бахона, булоқ бошига қимтиниб-қимтиниб йиғилувчи қиз-жувонлар қани?

Нур қўрбоши ўз қишлоғига уч баҳору уч қишдан бери бу қадар яқин келмаган, ҳувв, ўша илиқ кўклам саҳарида ўн байталга бир дунё қоракўл тери юклаб, қаршилик савдогарлар билан Қашқар тарафларга отланганида сафарининг бунчалик узайиб кетишини сира-сира кутмаган эди. Ўшанда, отаси — кекса чорвадор бой, кўзларидан ўт чақнаб турган йигирма беш яшар ўғлини, одатдагидек, ишонч билан фахрлана-фахрлана кузатиб қолганди.

Аммо атиги бир йиллик бу сафар қайроқдек Нур бойваччага ҳам, нақ бир аср чўзилгандай бўлди. Ҳайбатли-ҳайбатли тоғлардан ошиб, қаҳратоннинг совуқ шамолларига қоришиб, олис Қашқар бозорларига ҳам етиб келган аллақандай инқилоб тўғрисидаги миш-мишлар ҳамма мусофирлар қатори уни ҳам ташвишлантириб қўйганди. Айниқса, кетар пайти орқасида чирқираб қолган бир яшар ўғилчасини ўлардай соғинганидан кўнглига қил сиғмасди. Шу сабаб, гоҳо, савдони ҳам йиғиштириб, ўтар-кайтар болакайларни томошалаб ўтирар, уларга кўп-кўп совғалар улашар эди. Охири, сабр косаси лиммо-лим тўлиб, илк кўклам кунларидан бирида, шерикларини қистай-қистай йўлга чоғланди. Соғинчу интизорликда бойваччадан ками йўқ, дўстлари ҳам жон-жон дея отларга қамчи босдилар.

Улар йўллар айрилар сархадда узоқ-узоқ хайрлашишди.

Ўша йили кўклам хийла иссиқ келиб, қор-музлар

хил-хил эриб окар, кенг қир бағирларию сайхонликларда кўм-кўк ўт-ўланлар гуркираб ётар, гул-чечакларнинг товусдек таровати кўрган кўзни қувонтирар эди. Аммо соғинчини ичига сиғдиролмаган Нур бойвачча орқа-олдига қарамай, шошиб-шошиб йўл босарди.

Бир пайт, қадрдон қишлоғига ярим кунлик йўл қолган бир маҳал, тор бир яланглиқда бир тўп отлиқлар олдини тўсиб чиқишди. Нур кўрбоши чавандозларнинг важоҳатидан ўтакаси ёрилса-да, улар ичидаги хамқишлоғини, қишлоқ оқсоқолининг арзанда боласини таниб, ҳаяжон билан отидан сакраб тушди.

— Ассалому алайкум, — деди қучоқ очиб кўришувга чоғланиб. Лаб-лунжи қувончдан ёйилиб кетганди.

Аммо хамқишлоқ Сулаймон арғумоғини чир-чир айлантираркан қуруққина саломлашди:

— Яхши етиб келдингми?

Нур бойвачча анграйди-қолди: ё, Оллох, қишлоқ оқсоқолининг муллавачча ўғли Сулаймонми шу? Ё, ажаб, нозиккина, сипогина, қўй оғзидан чўп олмаган йигитча эди-ку? Мунча қаҳру ғазаб, мунча шиддат қайдан келди унга?! Елкасида антиқа милтиқ, уст-боши кирчил, соч-соқоли ўсиқ, бу не хол?!

— Оғир бўл, Нур, — деди Сулаймон от жиловини тортиб. — Кўргулик! Ҳаммаёқда инқилоб балоси!

Эмишки, уч ойча илгари қишлоқни қизил қўшин мўри малахдек босибди. Мол-мулкка кўз олайтирибди, занғарлар. Қишлоқ оқсоқоли номусига чидаёлмай, ҳовлисида амирлардек кезиниб юрган аскарларга ўроқ олиб ташланган чоғ қизил қўмондон какликдек отиб ташлабди уни! Сулаймон эса деразадан чиқиб қочганмиш. Нурбекнинг отасидан уч хум олтин талаб қилиб, уни отхонага қамаб қўйишибди. Бечора чолни ёзилгани ҳам олиб чиқишмабди. «Отхона кенг, билганингни қилавермайсанми, аҳмоқ» дея қах-қах уришибди. Эртасига, ковуғи ёрилиб ўша кечаёқ тинчиган қарияни ўлган хачирдек ташқарига судраб ташлашибди.

Бошидан тўкмоқ егандек, аллақачонлар ялпайиб ётган Нур бойвачча, бир маҳал, гўё тўсатдан уйқуси ўчган инжиқ гўдакдай увв тортиб юборди.

— Отажо-о-он, уввв, ота-а...

У тошлоқ ерни алам билан муштлар, ғужанак бўлиб типирчилар эди.

Бойваччанинг жазавасидан асов тулпорлар ҳам хай-

ратлангандай кўзларини чақчайтиб, бошларини силкитарди. Чавандозлар бирин-кетин отлардан тушиб, лекин жиловларни қўлдан қўймай, ерга тиззалаб ўтиришди.

Сулаймон қисқагина мунгли тиловат қилди.

Фотиҳадан сўнг, тўдабоши ҳамон ўзини босолмай, ҳиқиллаб ётган аламзаданинг елкасига жундор қўлини қўйиб:

— Исломнинг турк навкарина кўз ёш ярашмас, — деди хиёл бошқа лаҳжада.

Нур бойвачча «эса, нима қилай, дегандек, ёшли кўзларини унга қаратди. Атрофдагилар, худди шуни кутиб турган каби чувиллай кетдилар:

— Қонга-қон «Ал-қасос!»

— Хеч кимнинг дарди сеникидан кам эмас, — деди Сулаймон қамчи сопи билан йигитларга ишора қилиб.

Нур бойвачча чангга беланиб қад тиклади, хўрсинди. Сўнг, тоғлар ортидаги қишлоғи тараф ғамгингина қараб тураркан пичирлади:

— Менга ҳам ярог беринг...

Унинг нақ икки йилга чўзилган қонли сафари худди шу тошлоқ сойдан бошланди.

Улар ўша куниёқ Анвар пошшонинг буюк лашкарига қўшилиш ниятида Бойсун тоғлари томон йўл олдилар.

Кечга яқин бир тубсиз жар лабидаги сўқмоқдан ўтиш арафасида Нур бойвачча ёнма-ён от йўрттириб бораётган Сулаймонга ботинмайгина кўз ташлаб, ўғли ҳақида сўради. Сўради-ю, гўё, яна нохуш хабар эшитадигандай, дами ичига тушиб юраги бежо ура кетди.

— Ўғлинг, — деб гап бошлади Сулаймон, сочқин ўйларини бир зум йиғиб, — ўғлинг Нишон хизматкорнинг қарамоғида, хотининг... ўшанга тегди, қанжик.

У гапини тугатар-тугатмас, Нур бойвачча отига аччиқ қамчи тортди...

Эртасига, намозидан сўнг, бойвачча ғўдайган ёшгина навкардан бир кулоч тасма топиб, ўғлига атаб келтираётган, ёғочдан устакорлик билан ясалган ўйинчоқ тойни бўйнига дурбиндай осиб олди. Ўша ғаройиб кийимли савдогарнинг лаби-лабига тегмай таърифлашича бу матоҳ нақ Фарангистонда ясалган эмиш.

Қаҳрли, суронли дамлар... Жангу жадал — Қашқар бозорида мол сотиш эмаслигини Нур бойвачча лаҳза сайин ҳис қила борди. Ўғлининг хидига зор

димоғи, қон иси, ўқ-дори исига кўникди. Ҳатто, бу исларсиз туролмайдиган, кўзи тиниб, боши айланадиган азобга йўлиқди. Шу сабабданми, ҳар қалай, у савашларда шердек олишар, сачраётган қонни кўриб телбаларча хоҳолар эди.

Бир оқшом, сийрак арчазор устида адашиб чарх ураётган тўрғайга ҳаёлчан термилиб турган Нурбек, шундоқ ёнгинасида, бўйнидаги ўйинчоқ тойга ошуфта тикилаётган сардорни сезмай қолди.

— Ўғлонимизни Оллоҳ паноҳ этсин! — деди сардор жилмайиб.

Бойвачча ҳайратланиб унга юзланди.

Ўғли борлигини у қайдан билди?» Сулаймон айтдимикин, ё? Унда «ўғлонимиз» демоқнинг боиси не? Ё, сардорнинг ҳам ўғли бормикан?

Нурбек тўда бошининг меҳрли тилагидан бўшашиб, қўлини кўксига қўйди.

— Ташаккур, афандим...

Уларнинг сардори Истанбул тарафлардан келган бўлиб, Анвар пошшонинг ишонган ноибларидан бири экан. Қизиллар орасида «Қари қоплон» лақаби билан донг чиқарган бу саксон яшар чолнинг ғоят тетиклиги ҳаммани ҳайратга соларди. Ҳатто, харбларнинг бирида оғир яраланиб ётса ҳам хийла вақт кўзлари чақнаб турди. Ниҳоят, «Оллоҳга шукурлар... боболар юртида шаҳид бўлмак насиб этмиш...», дея энтика-энтика жон берди.

Ўшанда Нур бойваччанинг қилич тутганига роса бир йил тўлган эди. «Қари қоплон»нинг мурдаси совимай туриб, кўрбошилик даъво қилмиш бир чакчайган ғаламисни у қоқ оғзидан отиб ташлади. Сўнг, ўша чоғгоҳ улуғ қарияни иззат-икром билан кўмишгач, Нурбекнинг ўзи усталик билан йигитларни савашга бошлаб кирди. Энди, у — Нур қўрбоши эди!

Кўп ўтмай, Анвар пошшо ҳам дайди ўққа учди-ю, «буюк лашкар» тўзғиб қолди. Беклар, понсодлар хокимлик талашиб бир-бирларига тиғ кўтардилар, анчадан буён саросимада юрган қизил қўшиннинг елкасига офтоб тегди.

Нур қўрбоши эса эси борида этагини йиғдию юзтача навкарини бошлаб, яна изига — ўз қишлоғи ёққа қайтди. Улар йўл-йўлакай — Оқтош овули атрофида катта бир тўдага йўлиқишди. Учраган тўда сардори Нурбекни

менсимай, унинг бўйнидаги фаранги ўйинчоқни яйраб-яйраб мазах қилди.

«Ҳали гўдак экансан-ку, ота ўғил, йигитларни менга топшир, ҳаққи учун бошқа зўр ўйинчоқ топиб бераман», дея қах-қах отди. Бироқ ўша тунда, унинг ўзи саксон азаматни «гўдак»ка мерос қолдириб, заҳарланган қовурдоқдан тил тортмай қулади.

Ўша йили Нур қўрбоши Бойсун тоғ этакларида ивирсиб қолиб кетди. Лаънати қизил қўшин деганлари дақиқа сайин кучайиб борар, ҳар учраган сайхонлик, ҳар учраган довонда милтиқ ўқталиб турар эди.

Нурбек йигитларини зимдан кузатаркан, улар ҳам ўзидан баттар хориб, эзилиб бораётганини, милтиқлар гумбуридан, қиличлар жарангидан безиб бўлганини ҳис қиларди. Қайсидир кеч, полвон йигитлардан бири ўзини жардан ташлаб юборди. Раҳматликнинг изидан ҳавас билан қараб қолмиш навкарларнинг шивир-шивирича, ҳувв, қир этагида бечоранинг ўйнаб-ўсган овули қолиб кетаётир экан.

Шундай қақшаган кунларнинг бирида, улар кенг яланглиқда бемалол чувалашиб, еб-ичишаётган ёғий устидан чиқиб қолишди!

Аввалига, Сулаймон уч азаматини ёнига олиб, қайбир арча панасида, босмачилардан кўра командирларидан бекиниб, хотиржам қартабозлик қилаётган тўрт соқчини қўйдай бўғизлаб келди.

Андан сўнг, қонсираб, тўлқинланиб турган юз йигирма нафар чавандоз баб-баравар отлар жиловини бўшатишди. Кенг яланглиқни ваҳший қийқириқлар қоплаб кетди.

— Ўқ отилмаси-иин! Фақат бурдала-анг, бурдаланг! — дея ўкирарди кўзи қонга тўлиб, қуюндек чарх уриб бораётган қўрбоши Унинг бўйнидаги ўйинчоқ той шиддатдан афсунгардек силкинар, гўё сардорини тортқилаб-тортқилаб қирғинга ундаётгандай кўринар эди.

Буткул ваҳимада қолган ҳангу манг қизиллар палапартиш ўқ уза-уза дуч келган ёққа тумтарақай қоча кетдилар. Жанг хидини сезган отлари эса аччиқ-аччиқ кишнар, қозиқлари атрофида чир-чир айланар эди.

Урхо-ур ичида калхатдай шўнғиб келмиш қўрбоши иккала қўлини ҳам жони борича кўтариб жавдираётган аскарнинг бўғзини тилиб юборди. Ариқдай очилиб қолган кекирдакдан шариллаб иссиқ қон отила кетди. Уп-

дан сал нарида кимдир аллақачон иккига бўлиб ўтган гавда типирлаб ётарди.

Ғолиб қийқирикларга бир зумда доду фарёд, ингроқ саслари қоришиб кетди. Отлар туёғидан кўтарилаётган чанг-тўзон кенг яланглиқни кирчил пардадек қоплади.

Кўз очиб юмгунча, чавақланган юзга яқин ёғий аскари қуюқ қон буғи таратиб, дўппайиб-дўппайиб қолдилар.

Чиндан ҳам, бугун тўймисан тўй экан. Асирлардан бирининг тутила-тутила тушунтиришича улуғ инқилобнинг нечадир йиллигини тантанали нишонлашаётган экан.

Ғолиблар қаҳ-қаҳ отиб кулдилар. Асирлар эса ўйчан кезаётган қўрбошининг бўйнидаги фаранги ўйинчоққа ноумид термилиша-термилиша ўз тақдирларини кутишарди.

Нурбек, ниҳоят, ҳорғин-ҳорғин кўзларини олис-олис чўққилар томон олиб қочаркан буюрди:

— Отиб ташлансин!

Орадан ойлар ўтиб, қизилларнинг бешафқат таъқибларидан қоча-қоча, кишнинг қаҳрли аёзларида ғормағор бикиниб дийдирашаркан, ўша охирги ғалабани лаззат билан эслаб юришди.

Нур қўрбошининг кўнглига қил сиғмасди. У ҳарбларнинг бирида дайди ўқ ярмини юлиб кетган ўйинчоқ тойни бағрига босганича қаҳратондан бир амаллаб чиқиб олиш режаларини ўйлаб ўтирарди.

Ҳеч қаердан таъминотнинг йўқлиги, устига-устак, теваракдаги бошқа тўдаларнинг, худди душманига қарагандай, ғижиниб олайишлари йигитларнинг кўнглини буткул чўктириб юборганди. Яратганга шукурким, баланд-баланд қоялар орасидан манови — қўй қумалоқлари бўйрадай тўшалиб ётган ғорлар топила қолди. Ҳар нечук бошпана.

Йигитлар теварак-атрофда ғиж-ғиж ўсиб ётган арчалардан келтириб ғорлар ўртасида гулханлар ёқишар, сўнгра ловуллаб ёнаётган олов теграсида тўп-тўп ўтириб, турли-туман хаёлларга ғарқ бўлишар эди.

Ғорлар ичида бўртиб-бўртиб чиққан тош бўлаклари, аллақандай дарахт илдизлари тез орада қора қурум билан қопланиб кетди.

Бир куни аср намозидан сўнг ўнбоши Сулаймон секин пичирлади:

— Нур, қишлоқлардан ўлпон йиғайлик, йигитлар оч!

Қўрбоши ялт этиб унга юзланди:

— Шунча йил қон кечмоқдин мақсадинг шу эдими, кори?!

Сулаймон унга гап уқтириб бўлмаслигини англаб оғир тин олди. Қўрбоши эса кўзларини чала юмиб, «ярадор» ўйинчоқни силаганича яна хаёлга чўмди.

Сулаймоннинг ғаши қўзғалди:

— Ўйинчоқ ўйнагунча, — деб димоғидан кулди у, — навкарлар ғамини е.

— Сулаймон, Оқтошдаги сардорни унутма! — деди Нурбек ўзини аранг босиб, аммо югурик қўллари, беихтиёр, ёнидан маузерни суғурдию тиззасига қўйди.

Ўнбоши шарт туриб, энгашганча ғордан чиқиб кетди ва ўша тунда гумбурлаган ўқ товушидан ҳамма оёққа қалқди. Изидан, Сулаймоннинг алам-изтиробли мазахга лиммо-лим хайқириғи тоғлардан-тоғларга, даралардан-дараларга урилиб янгради:

— Э, хе-хе-хе-хе-ей, — (овоз қайдан келаётганини ҳеч ким илғаёлмасди) — Нурбекка ишонмангла-ар, у ўғлини қутқариш пайида юрибди-и-и, барибир сизларни сотади-и-и!

Нур қўрбошини титроқ босди: «Ё, оллоҳ, бу не кўргулик...» лекин шу лаҳзаёқ, гапга чечан навкарлардан бирининг жавоби кўнглини тоғдай ўстирди.

— Ҳей, — деди у бутун зулматни ларзага келтириб. — Сен хезалакда йўқ бўлса йўқдир, биз ҳаммамиз ўғилли-и-и! Ҳамманинг нияти би-ир!

Навкар гапини тугатар-тугатмас, чийиллаб келган ўқ орқадаги қояга урилди.

Тўданинг ярмини Сулаймон авраб, эргаштириб кетган экан. Отишма бошланди.

Қарийб икки йилдан буён ўқ ёмғири остида изғиган Нур қўрбоши, илк бор, шу ерда елкасидан яраланиб инграганича қулади... ва зор-зор кутилган кўкламнинг ўрталарига довур турмади.

Тоғларда қорлар эриб, дарёлар шовуллай бошлади, қушлар чуғурлашиб, кўкатлар бўй тараб қолишди.

Бироқ аламзада тўданинг юрак-бағри муз эди.

Қўрбоши туну кун алаҳлаб, мулозимлар қуршовида ётар, гоҳо ўғлини чақира-чақира сапчиб туриб, ғор оғзини кидириб қолар эди. Мулозимлар ҳай-ҳайлашиб, қўли-

га ўша... «ярадор» от ўйинчоқни тутқазишгач, қалтирай-қалтирай, ўз-ўзидан тинчиб яна чўзиларди.

Нихоят, навкарларидан ҳам баттар озиб-тўзиб кетган Нурбек оёққа турди. Эртаси куни садоқатли мулозимлар кўрқа-писа гап бошлашди:

— Бек, бу ерларда энди кунимиз битганга ўхшайди, ўзга юртларга бош олиб кетайлик...

— Сиз Қашқар тарафларни хўб билармишсиз...

— Иншооллоҳ, яна қайтармиз...

Қўрбоши сесканиб-сесканиб тушди, аммо, озғин қўллари бу гал тўппончанинг совуқ дастаги томон узалмади.

Мулозимлар ҳақ эди. Буткул ҳолдан тойган йигитлар арзимаган ҳужумга ҳам дош беролмасдилар. Худога шукур, қизиллар негадир йўқлаб келишмаяпти, ё, «аёзда қирилиб битган», дея ўйлашаяптимикан?! Устига-устак, Тоштуёқдан — Нурбекнинг суюкли тулпоридан бошқа ҳамма отларни сўйиб ейишганди...

— Сафарга тахт эмасмиз ҳали, — деди қўрбоши оҳиста, унинг гап оҳангидаги розилик аломатларини пайқаган мулозимлар енгил нафас олдилар.

Олис ва оғир йўлга тараддуд роса бир ойга чўзилди. Ўқ-дори, озиқ-овқат ғамладилар. Ҳатто, шу атрофда қўй боқиб юрган чўпонни ишга солиб, яна ўн беш нафар от ҳам топишди.

Аммо сафар соатлари якинлашган сайин йигитлар алланечук каловланиб, паришон кезинадиган одат чиқармоқда эдилар. Айниқса, кўзларида битмас-туганмас карахтлик қотиб қолган Нур қўрбоши кундан-кунга букчайиб борарди. У баъзан кунбўйи туз тотмай, корни оғриётганини баҳона қилиб, қирма-қир дайдиб юрар, чиркиллаб учаётган қушларга, асрий арчаларга, хайбатли қояларга соатлаб тикилиб ўтирар эди. Лекин отдан тушсаям эгардан тушмайдиган бу қайсар навкарларга тез-тез аччиқ-тизиқ буйруқлар қилар, гоҳо ўзича ҳазил-мутойибачига айланар, ишқилиб, ҳеч кимга сир бой бермаслик илинжида бўлар эди.

— Эртага отланамиз! — деди Нурбек, ниҳоят, май ойининг охирларида.

Ўша кеч хуфтон намозини ҳаддан ташқари эзиб ўқидилар. Фотихалар кетидан фотихалар, илтижолар кетидан илтижолар жаранглади.

Ибодатдан сўнг, бошлари тагига эгар-жабдуқларини қўйиб, ҳамма жим-жим чўзилди.

Тун... Тақдиридек қоп-қора тун. Юксак чўққилар тарафдан совуқ шамол эсмоқда. Шошқин сой шовуллайди. Тун хашаротлари тинмай чирқиллайдилар.

Нур қўрбоши сачраб кетган учқунлардек кўк тўла юлдузларга термиларкан, хувв, ажойиб ёз кечаларидан бирини эзилиб эслади. Ўшанда, чорбоғлари ўртасидаги супачада ағанаб ётар, хотини илондек тўлғониб унинг қўл-оёқларини уқалар, ўғилчаси эса осмонга қўл чўзиб «юлдуз обберинг», деган маънода хархашалар қиларди.

«Катта бўлсанг, ўзинг оласан» дейишарди эру хотин гўдак инжиқлигидан баттар завқланиб.

Ҳозир ўғли роса еттига тўлган! Уни кўрса танирмикан? Танийди, танийди! Ахир, Нур уч яшарлигида олис савдо сафаридан қайтувчи отасини таниб, олдига югуриб чиққанди-ку?!

Қўрбоши аёл ва гўдак исини димоғида туйиб бесаранжомланди. Шу чоқ сал нарида ётган йигитлардан бири:

— Юлдузлар йиғлаяпти, — деди шивирлаб.

Нурбек ялт этиб унга юзланди. Аммо навкар бутун борлиқни унутиб, кўкдан кўз узмас, хатто илкис қўзғалиб, юзига бақрайиб тикилаётган сардорни ҳам сезмас эди.

Қўрбоши яшин тезлигида ўн беш навкарнинг барига бир-бир анграйиб чиқди. Не кўз билан кўрсинки, унингча аллақачонлар донг қотиб ухлаётган йигитлар... мўлтиллабгина қараб ётар, гўё, алланечук ғаройиб мусиқани қилт этмай, нафас олмай, қайта-қайта тинглар эдилар.

Қўрбошининг ғимирлаб қолганидан сергак тортган ўнг мулозими оҳиста ёнбош бўлди, лекин ҳамишагидай, «Э, нега безовтасиз, бек?!» дея сўранмай, тубсиз коронғиликка тикилиб тураверди.

— Бек, — пичирлади у, — сой мунчалар шовуллади-я?!

— У ҳам соғинади, — деб юборди Нурбек беихтиёр.

— Ҳа, соғинади, — деди аллаким туриб ўтираркан.

Қолганлар ҳам бирин-кетин қўзғалиб қолдилар:

— Ҳа, соғинади.

— Ҳа, соғинади.

— Соғинади...

Навкарларининг ҳар бирига мўлтираб-мўлтираб тикилаётган Нур қўрбошининг ўз-ўзидан ўпкаси тўлиб келарди. Бир маҳал у шартта чўкка тушди:

— Йигитлар...

Бироқ бўғзига муштдек тиқилган хўрлик гапирмоққа қўймади.

— Йигитлар...

У шундай дедию ортиқ бардоши етмай, ўкириб, ёнидаги мулозимининг тиззаларига ўзини ташлади.

Ҳеч ким уни тинчлантирмасди. Гўё кўпдан интиқ кутилган ёмғирда ивиётган ишқибозлардек, маъюс энтика-энтика жим ўтирардилар.

— Азизларим, — деди Нур қўрбоши кўз ёшларига қоришиб бош кўтараркан, аллақандай хиркираган, хириллаган товушда. — Рухсат беринглар, биродарлар, ўғлимни опкелай, Оллоҳ ҳақи, ортиқ тоқат қилолмайман...

У жавоб ҳам кутмасдан сапчиб қўзғалди-да, эгар-жабдуғини ердан супуриб кўтарди.

— Бек, — деди ўнг мулозим туриб-туриб, — Ёлғиз кетманг...

— Йўқ-йўқ, ўзим... У ёқда қизиллар қароргоҳи...

Эгасининг шарпасини сезган Тоштуёқ қиска-қиска кишнаганича депсиниб турарди.

— Бизни кутинг, — деярди Нур қўрбоши орқа-олдига қарамай, отни чоғлар экан. — Эртан саҳар шу ерда бўламиз, иншооллоҳ!

Кўп ўтмай учқур тулпор туёқларининг гумбур-гумбури бутун тоғу тошни тутиб кетди.

* * *

Шомдан сўнг теварак-атроф зулмат чодрасига буркандию, Нур қўрбоши аланглай-аланглай харсанг панасидан чиқди. Улкан арча тагида пишқира-пишқира ўтлаб турган Тоштуёқ қулоқларини диккайтирганича орқасидан қараб қолди.

Нур қўрбоши бу ерларни бешқўлдай биларди. Аммо, айни пайтда, тошдан-тошга кийикдек сакрай туриб тўрт тарафни эҳтиёткорлик билан кузатар, тик этган ҳар товушга, нафас олмай, сергакланиб қулоқ тутиб турар эди.

Қишлоқ итлари бири қўйиб, бири олиб узлуксиз ҳургани-ҳурган. Унда-мунда милтиллаган чироқлар кўзга ташланди. Ҳувв, қир этагида адашиб қолган бузоқ мўрамоқда. Аллақандайдир чала куйган тезак ҳиди анқийди.

Нур қўрбоши зум ўтмай сойга тушиб, нафас ростлаш

дардида ер бағирлаб ётди. У пухта режалар тузиб олганди ўзича:

...Боради, Ҳовлининг қоронғи бир бурчида биқиниб лаънати Нишоннинг ташқари чиқишини кутади. Албатта, чиқади у ебтўймас. Ўша пайт, шартта бўғзига тўппонча тираб: «Ў, харомн, — дейди. — Жонингдан умидинг бўлса, ғингинг чиқмасин, мен ўғлимни оламану кетаман!»... Ёки тўппа-тўғри бориб, эшикни тақиллатади, ичкаридан анови нонкўрнинг саси чиқди дегунча, бир зарб билан эшикни қўпоради-ю бостириб киради. Агар гапга кўнмай, хунар кўрсатгудек бўлса...

Нур қўрбоши қовжироқ лабларини қимтиб, мушукдек писа-писа илгарилаб бораркан, югурик қўллари беихтиёр яроғ излаб пайпасланди.

Мана, бостирмалари хурпайиб турган, биринчи ҳовлидан ҳам ўтди. Анови қорайиб кўринаётган жой, собиқ қайнотаси — тегирмончининг уйи! Унгаям, кизигаям минг лаънат. Наҳотки, уч талоғини олмай туриб, бошқанинг қўйнига кириш шунчалар осон? Яна келиб-келиб Нишон ислиқига теккани-чи?

Нур қўрбоши тўнғиздай эт-сўлли Нишоннинг тузсиз кўзларини хаёлида жонлантираркан, нафрат ва жирканчдан бўғриқиб кетди. У, бир вақтлар, катта шаҳар бозорида гадойлик қилиб юрган кезлари қоқсуяк нарса эди. Нурнинг отаси ачина-ачина уни бу ерга эргаштириб келди-ю, йил ўтмай новвосдай семириб кетди, занғар. Аммо бўрдоқи боқиш, отларга қарашиш, деган хизматларни дўндирарди. Балки шунинг учун ҳам уни халиги... нима эди, ха, шўро раиси этиб тайинлашгандир? Балки, анови мегажин шу мансабига учгандир? Эх, барибир, таги пастлигига борибди-да, қанжиқ?! Туф, хаммасига туф, унга ўғли керак, ўғли! Ўғлини оладию, Тоштуёқни тўпирлатиб йўқолади бу ерлардан.

Қўрбоши аламли хаёллар гирдобида хамон шарпадек сирғаниб борар, хар уч қадамда теваракни аланглаб-аланглаб кузатар эди.

Ҳувв, тепаликдаги ҳашаматли бино-бечора оқсоқолнинг уйи. Қўрбошининг қачонлардир эшитишича, ҳозир у ер аллақандай шўронинг идораси эмиш. Шу гап тўғриёв, ана, атрофида бир аскар паришон айланиб юрибди. Шу орада Нурбекнинг кўз олдида Сулаймон қори жонланди-ю, ич-ичини изтиробли қўмсаш тимдалаб ўтди: «Эх, дўстим...»

Бир маҳал қўрбошининг хаёллари хазондек тўзғиб, бутун вужуди титраб кетди. Ахир, қирқ-эллик қадам нарида унинг уйи мунғайибгина турарди. Ана, ота макон.

У бир пайтлар анови қўшқанотли дарвозадан, ингичка мўйловини силаб, оҳорли кийимларда, чақмоқдай бўлиб чиқиб кетганди.

Мана қайтди...

...бошида салла қийиқча, соч-соқоли ўсиқ, кир-чир, эгнида юпқариб кетган олача тўн, белида «Қари қоплон»дан қолган қўрбошилик камари.

...бўйнида ўша антиқа ўйинчоғу ёнида яроғ билан қайтди!

Ҳовли атрофи тошлоқ билан ўралган. Сал пастда ястаниб ётган чорбоғ, гўё кимнидир йўқлагандай, маҳзун шовуллайди.

Нурнинг отаси дабдабаю ҳашамга сира қизиқмасди. Шу боис ҳовлилари кенг бўлса-да, аммо кўримсизгина эди. Яхшиям шундайлиги, эсам уларникиям ҳалигидақа шўро-тўраларга ин бўлиб кетган бўлармиди? Лекин, барибир, ҳовлининг Нишонга қолгани Нурбекни алам ўтида қовурарди. Берса, ана, Эрмат чўпонга берсин эди, ана, Мирзо боғбонга берсин эди.

Айниқса, қай бир шаҳарда ҳам отасининг хайҳотдай уй-жойи, бола-чақаси бор, деб эшитувди, уларнинг аҳволи нима кечди, экан?! Эҳ, бу дунё!

Нур қўрбоши тош девордан ошиб, ичкари тушди. У тобора сутдек кўпира бораётган ҳаяжондан қалт-қалт титрар, юраги гурс-гурс уриб, нафаси қайтар эди.

Қўрбошининг назарида, ҳозироқ, югурдаклар пешвоз келиб хизматига илҳақ турадигандек, отаси айвонда ёнбошлаб чой ичаётгандек, бош ирғаб, Нурни ёнига имлаётгандек туюларди. Унинг ўй-хаёлида ажойибдан-ажойиб манзара лоп-лоп жонлана бошлади.

...Ана, ана дераза ойнасидан кузатиб турган хотини, кўз-кўзга тушгач, нозлана-нозлана ўзини панага олди. Зум ўтмай, ичкаридан завқ-шавқ билан ўғилчаси пилдираб чиқди...

Нурбек, ҳатто боласининг шодон қийқирганини эшитгандай бўлди.

Бироқ ҳовли қабристондек хувиллаб ётарди. Фақат нариги чеккадаги ҳужра деразасидан чироқнинг хира ёғдуси липиллаб турарди.

Ишком тагида серрайиб қолган Нурбек, қалт-қалт титраб ўша ёққа юрди. Шу тобда у қай ниятда келганини буткул унутган, шомдан бери пишитиб юрган режалари кераксиз бир хаёлга айланиб қолганди.

Қўрбоши журъатсизлик билан хужра эшигини тақиллатди. Шу лаҳзадаёқ, ёш боланинг «отам келди, отам», деган қувноқ овози ва дуп-дуп югургилагани эшитилди.

— Ўғлим!

Нурнинг зор қақшаган бўғзидан, юраги тубида зардобдек йиғилиб ётган соғинчу илҳақлик, ўкинчу севинч биргина шу сўз тусида отилиб чиқди:

— Ўғлим!

Аммо ичкаридан бошқа садо чиқмади. Нурбек эса ўзўзидан қайнаб тошаётган кўз ёшини арта-арта эшикка қапишганича турарди. У шу чоғда, қоча-коч, қува-қувлардан буткул зада бўлганини, ҳеч қаёққа ошиқмаётганини, ҳеч қачон энди ортга қайтолмаслигини чуқур ҳис қилди. Қанийди, дунёда ёғий зоти бўлмасаю, у бир умр мана шу кўпол эшикка суяниб турса?!

— Ўғлим, — деди Нурбек яна ботинмайгина эшикни тақиллатаркан.

Ичкаридан аёл кишининг жон ҳолатда пичирлагани қулоққа чалинди-ю, қўрбоши бир сесканиб ўзига келди, аллақачон уни тарк этган нияти, режалари яна қайта миясида чарх ура бошлади.

Демак, ичкарида ўғли ва анови!.. Нишон қайгадир йўқолган! Афтидан, анови болани эшикка йўлатмаяпти!

Шу пайт, гўё Нурбекнинг фикрини тасдиклагандай ўктам болакайнинг чарс-чарс овози эшитилди:

— Отам мажлисда, сиз — босмачи! Кетинг! Кетинг!

Қўрбошининг кўз олди қоронғилашиб, эшикни зарб билан итариб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Бир бўлак занжири учиб кетган эшик қарсиллаб очилиб кетди. Очилдию ичкаридан аёл кишининг «Вой!» деган ожизона саси, ёш боланинг вахимали чинқириғи ташқарига отилди.

Қадрдон хужра ҳиди, кўзга таниш манзаралар ғоят довдиратиб қўйган Нурбек, бир зум карахт бўлиб турди.

Токчадаги чироқнинг хира ёғдусидан вассажуфтлар, тахмонлар, девордаги уч-тўрт қозиққа илинган кийим — бошлар андак ёришиб турарди.

Ана! Ана унинг ўғли! Унинг арслони! Э-хе, катта йигит бўлиб кетибди-ку?

Нурбек бўсағага секин чўнқаяркан:

— Ўғлим, — деди энтикиб.

Аммо бир бурчакда тошдек қотган, кўзлари ола-кула хотинининг этакларига маҳкам чирмашиб олган болакайдан ҳеч бир садо чиқмади.

— Ўғлим, бу мен, — деди Нурбек аранг, — танимаяпсанми, болам?!

Сўнгра у хўрлиги келиб, қучоғини кенг ёйганича ўғли томон судрақланди.

Болакай эса ҳиқ-ҳиқ йиғлаб, оркага тисарилаверди.

Ё, Оллоҳ! Бу не кўргулик? Уч йилдирки, хаёлида зор-зор кутган, чопқиллаб йўлига чиққан, бўйнига эркаланиб осилган ўз ўғли танимаса-я?!

— Бу мен-ку, ахир, болам! — деб қақшади қўрбоши кўз ёшларини тиёлмай. — Кел, бир бағримга босай, кел!

Шу чоқ орқа тарафдан дўриллаган буйруқ янгради:

— Қимирламанг, қўрбоши!

Нурбек тиз чўккан жойида шарт ўгирилиб ортга қаради: «Нишон!»

У бўсағада тўппонча ўқталиб турар, изидан яна ўн чоғли навкар милтиқларини шайлаб ичкарига мўралашарди.

— Хуш келибсиз, — деди Нишон димоғидан кулиб. — Биз сизни ёлғиз кутмагандик, қолганлар қайда, бек?

Қўрбоши сийрак қошларини чимириб, қакроқ лабларини қимтиб яна ўша қирғин дунёсига қайта бошлади. Соғинчу илинжнинг, ўкинчу севинчнинг омонат дунёси яна тўзғиб кетди.

— Ота-а-а!

Онасининг пинжида биқиниб турган болакай Нишон томон ҳайқириб югурди. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини энтикиб кузатаётган Нурбекнинг ич-ичида нимадир узилиб кетгандек бўлди ва...

Кўз очиб юмгунча варанглаган ўқ товуши ҳовлининг ичу ташини зириллатиб юборди. Изидан, ўз ўқи ўз бўғзини тешиб ўтган Нур қўрбоши гурсиллаб қулади. Бўйнида осиғлиқ ўша ғаройиб ўйинчоқ той конга беланганча сирғалиб ерга тушди...

Ўша тун Тоштуёқнинг аччиқ-аччиқ кишнаши бутун тоғу тошни титратди. Қадрдон отхона ҳидини олиб келган бу тулпор ўз чавандозини излаб тошқолоқ теварагида гир-гир айланарди.

СИНОВ МУДДАТИ

Олди ойнабанд, серхашам бино эшигидан отилиб чиққан Жасур аланглаганича Собирни излади. Дўсти йўлакча бўйидаги ёғоч ўриндиқда ўйчан ўтирган экан.

— Собир! — деб қичқирди Жасур мармар зиналардан сакраб-сакраб тушаркан. — Суюнчи бер, мен ўтдим, сухбатдан зўр ўтдим!

Собир кувончдан ял-ял яшнаб турган дўстининг қўлини самимий сиқиб, жилмайди.

— Табриклайман, жўра, омадингни берсин.

Собир ва Жасур болаликдан қалин дўст. Бир маҳаллада ўсиб-улғайишган, синфдош. Жасур хийла махмадона, Собир эса анчайин оғир-вазмин.

«Хечқиси йўқ, — дея ҳазиллашарди адабиёт муаллими, — икковлашиб бир-бутун одам бўласизлар».

Аммо тақдир уларни аста-секин ажратиб бормоқда эди. Собир мактабдан сўнг институт эшигига осилиб кўрди. Бироқ туппа-тузук билими бўлса-да, омад бўлмаса қийин экан. Собир кетма-кет икки йил «йиқилди». Сўнг ҳарбий хизматга чоғланди. Қарангки, бу хаёлчан йигитчадан омад яна юз ўгирди; тиббий кўрик пайти Собирнинг соғлигидан аллақандай қусурлар топишди. Кўзи андак хирароқ эмиш. Аскарликка ҳам арзимаган Собир анча пайт ўз-ўзидан хафа бўлиб юрди, қўли ишга бормади. Бироқ ич-ичидаги аллақандай аланга ҳали-ҳали сўнмаган эди. Собир қандайдир буюк, қандайдир эзгу ишлар қилишни истарди. Шу орзулар уни оёққа турғазди. Ўзини анча-мунча қўлга олган Собир тағин китобларга ёпишди, бўш вақтлари томорқада куймаланди. (Ахир тирикчилик ҳам керак-да.) Шу орада Жасур ҳарбийдан қайтди. У мактабни амал-тақал битиргани учунми, харқалай, қадрдон жўрасига ўхшаб институтлар бўсағасида кўз ёш тўкиб юрмади. Ўзини савдога урди. Ҳаракатчан, тилли-жағлигина бўлгани учунми, харнечук, топиш-тутишдан ёлчиди. Бироқ туйқус ҳарбийликка ишқи тушиб қолди.

«Ўша ёқда қолиб, катта қўмондон бўлиб кетаман», — деб мақтанганди Жасур жўраларига, аскарликка жўнаётган пайт. Аммо муддати тугадию негадир ими-жимида қайтиб келди. «Нега қолмадинг, мақтанишинг бошқача эди-ку!» дея биров сўрамади, Жасурнинг ўзи ҳам ёрилиб ҳеч кимга ҳеч нарса демади. Пишиққина-да, курмагур.

Ҳарбий хизматдан қайтган Жасур икки ой ялло қилиб юрди. Бир куни Собир иккови туман марказидаги клубга кинога тушишди. Роса қизиқ, ур-сур, қувди-қучди кино қўйилаётган эди. Фильм чўкаётган кемани қутқаришга отланган бир жанговар отряднинг саргузаштлари ҳақида экан. Отряд аъзоларининг жасорати, чапдастлиги икки дўстни обдон энтиктирди. Улар томошадан сўнг ҳам хийла вақт хаяжонларини босолмай, кино тўғрисида гаплашиб кўчаларни кезишди. Бир пайт катта йўл ёқасидаги панодаги ёзувлар Собирнинг диққатини тортди. Андак оёқ илиб, битикларни ўқишга тутинди.

— Нималарни ёзибди? — деб бетокат сўради Жасур, чарс-чурс писта чақаркан.

— Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг туман бўлими хизматга таклиф этибди.

— Йўғ-э?!

— Ҳа... агар хоҳласанг сени олишса керак, шартларига какраз тўғри келасан. Ҳарбийда бўлгансан, қадди-қоматинг ҳам зўр.

Жасур ҳам ҳовлиққанича ёзувларни ҳижжалаб-ҳижжалаб ўқишга тутинди. Ҳалигина кўрилган кино таъсиридами, ё ҳамишаги жўшқинлиги сабабми, ҳарнечук, унда қутқарув хизматига иштиёқ уйғонган эди.

Эртаси куни икковлон тағин туман марказида пайдо бўлишди. Жасур тегишли жойга ҳужжатларини топширди.

— Сиз-чи, сиз хизматга киришни хоҳламайсизми? — деб сўради Собирдан кул ранг мундир кийган, баланд бўйли, дўнгпешона киши.

Собир елка қисиб, ерга қаради.

— Шартларингизга тўғри келмайман.

— Армияга бормаган, сал-пал соғлиги чатоқроқ, — шошa-пиша қўшиб қўйди Жасур ҳам.

Масъул киши алланечук таажжубланиб дўстларга бир-бир кўз югуртириб чиқди.

Мана, ўша кундан бери ҳам роппа-роса икки ой ўтди. Жасурни минг бир чиғириққа солишди, ҳарқалай, у «бутун» чиқди.

Бугун эса бир талай хизматга киришга чоғланган ёшяланглар қатори Жасурни ҳам суҳбатга чорлашган экан. Икковлон эрталаб етиб келишди. Ниҳоят...

— Роса қойил қилдим-да ўзиям, — деб мақтанарди Жасур, ҳануз қувонганидан қайнаб, — суҳбат олаётган бошлиқларнинг оғзи очилиб қолди.

Ҳа, Жасур чиндан ҳам суҳбат чоғи гапни эшиб ташлаган эди. Хатто узун стол орқасида қатор ўтириб бўлғуси ходимни кетма-кет саволга тутаётган масъуллар ҳам анчайин шошиб қолишди.

— Яхши, — деди ниҳоят тўладан келган, тепакал бошлиқ, Жасурнинг ҳужжатларига аллансларни қайд этиб, — чиройли гапларнинг яримгинасини амалда кўрсатсангиз ҳам сиздан тузук хизматчи чиқади. Хўп, ҳозирча синов муддати билан ишга оламиз. Душанба куни эрталаб шу ерда бўлинг.

Жасур хушхандон ташқарига чиқди.

Мана, хушхандон дўсти билан уйга қайтмоқда. Уларнинг қишлоғи туман марказининг шундоққина биқинида эди. Атиги тўрт-беш чақирим келади. Шу сабаб яёв кетишмоқда.

— Ҳозир бизникига бориб ювамиз, — деди Жасур Собирнинг елкасидан қучиб. — Лекин жўра... шартларга тўғри келмаслигинг ёмон бўлди-да, эсам, иккимиз...

Собир жилмайди.

— Қўявер, мен яна ўқишга уриниб кўрмоқчиман.

Теваракка ғира-шира шом қоронғиси инмоқда эди. Икковлон катта йўл ёқалаб боришмоқда. Марказ ҳам ортда қолди. Бир пайт ёнгиналаридан елиб ўтган эскигина «Жигули»нинг олд ғилдираги «пақ» этиб ёрилиб кетди. Машина мувозанатини йўқотиб, ўнгу сўлга кескин чайқалдию йўл ёқасидаги арриққа ёнбош қулади. Чанг-тўзон кўтарилди.

Икки дўст таҳлика ичида бир зум ҳангу манг қотди.

— Югурдик! Ёрдам берамиз! — деди Собир, энг аввал эс-ҳушини йиғиб олиб.

Бироқ кўзлари ола-кула Жасур унинг енгидан силтаб тортди.

— Гарангмисан?! Ҳозир портлайди, бензини тўкилиб кетган! Ундан кўра кочдик... эсам гувоҳ бўлиб қоламиз.

Аммо Собир дўстининг кўлини силтаб ташлади-да, автохалокат томон югурди.

— Эй, тўхта, тўхта тентак! — дея қичқирди унинг ортидан Жасур. — Ўргилдим сендай қахрамондан!

У шартта ўгирилиб қишлоқ томон чопди: «Тезроқ, тезроқ даф бўлиш керак. Хозир портлаб кетади! Бир камим органма-орган сўроқ бериб юришми?!»

Жасур ҳаш-паш дегунча шом қоронғисига қоришиб кўздан йўқолди.

Собир ҳансираганча етиб борганда «Жигули»нинг ердан узилган ғилдираклари аста-секин айланиб турар эди. Кабина ичидан узуқ-юлуқ товушлар, инграшлар эшитилди.

Собир машинанинг орқа эшигини бир амаллаб очди. Ичкарида тўрт киши бор экан. Ҳайдовчи ва олд ўриндиқдаги киши афтидан бехуш кўринади. Машинанинг пешойнасига қон сачраган.

— Раҳмат,ука, — аранг сас берди орқа ўриндиқда тиқилиб ётган йўловчилардан бири, — қани, қўлимдан тортиб юбор. Кейин икковлашамиз.

• • •

Жасур орқа-олдига қарамай, қоқила-сурила уйига етиб олди.Оёқ-қўллари дағ-дағ титрар, юраги бежо урар эди. У ўзини босиш учун ховлидаги жўмракдан ховучлаб-ховучлаб сув ичди. Юзини ювди. Шу пайт ичкаридан онаси отилиб чиқди.

— Жасуржон, келдингми болам, шўримиз қисиб қолди!

— Ҳа, тинчликми?!

Онаси шўрк-шўрк йиғлаб юз-кўзига рўмолини босди.

— Даданг таксида келаётиб авариянга учрабди. Хозир касалхонадан телефон қилишди. Юра қол, тезроқ борайлик. Айтганча, Собир жўранг ўша ерда экан. Барака топсин.

— А, нима?!

Ҳангу манг қотган Жасурнинг бўғзидан аранг шу сас чиқди. У кўз ўнги қоронғилашиб деворга елка тираб туриб қолди.

КУТИЛГАН КУН

Мен сенга келтирдим
бўм-бўш қучоқлар.

Доғларжа

...Бойхон бу кунни илҳақ кутган эди. Узоқ даштда улоқиб қолган, бирор ўткинчи улов шарпасига умидвор кўз тиккан йўловчидек у ҳам шу кунга муштоқ эди.

Бойхон танаси тарам-тарам бўлиб кетган дарахтга бехол суяниб, чуқур-чуқур нафас олди. Кул ранг қоронғиликка чўмиб бораётган катта-кичик дарахтлар, баланду паст иморатлар, кенг йўлда ғиз-ғиз ўтиб қайтаётган машиналар кўз ўнгида бетиним чайқаларди. Оёқлари остида бўм-бўш арақ шишалари, колбаса бурдалари-ю, ғижимланган қоғоз парчалари сочилиб ётибди.

Бойхоннинг юраги увушди. Барча қилмишлари кўз олдидан айқаш-уйқаш бўлиб ўтди-ю кўнгли ғашланди. «Энди ҳеч ўнгарилмаслигим тайин, охирги умидим ҳам кул бўлди, тамом», деб ўйлади у рухсизланиб.

...Бойхон бу кунни ихлос билан кутганди. Гўё бу кун у бир юмалаб бошқа хил одамга айланиб қоладигандек, жиккак, тажанг Бойхоннинг ўрнида этли-сўлли, келишган Бойхон талтайиб турадигандай эди. Эҳ, бу кун, бу кун...

У бир кучоқ совға келтириб, хотинини туғилган куни билан қутламоқчи, унинг лабларида ширин бир табассум кўрмоқчи, сўнгра эса ўзи орзу қилган ўша ўрик гуллари ифорига бурканиб, ҳамма-ҳаммаси — ҳаётини, турмушни қайтадан бошламоқчи эди. Шул боисдан тонг бўзармасданоқ шошилиб, аммо тетик ва алланечук хуш кайфиятда кўчага отилган, хотини — икки ойлик келинчак орқасидан ажабланиб қараб қолганди.

Бойхоннинг касби бетайин эди. У бир вақтлар мотор заводида хизмат қилар, ишга ширакайф келса-да, берилган топшириқларни тузуккина дўндирар эди. Бироқ бу орада арақхўрликка қарши кураш бошланиб кетдию, намуна сифатида унинг ковушини тўғрилаб қўйиш-

ди. Бойхон шу-шу хеч жойдан иш тополмади. Охири мардикорликка куни қолди.

У лаънати шу ичкиликбозликни ташлашга неча марта сўз берар, лекин уч-тўрт кун ўтмасданоқ, «ўзи билмай» яна эчки қасамга айланиб – уйига одатдагидек чайқалганича кириб келар, бошини хам қилган кўйи кекса онасининг беозоргина нолишларини тинглар эди.

Бойхон яқинда уйланди. Тўғрироғи, уни уйлантиришди. Ака-опалар қўлни-қўлга бериб, оналари билан обдан маслаҳатлашиб келин топдилар. Келин янги даҳа томонда яшовчи аммасининг қизи бўлди. Аммаси тўйдан сўнг уларникига тез-тез келиб турар, бироқ хар ташрифида куёвини таънаю танбеҳлар тош бўронида эзиб ташлар эди: «Хой, жиян, соқол-поқолни мундоғ киртишлаб юрсангиз бўлмайдими? Хой, йигит, қачон сиз хам мундоғ одамга ўхшаб уйга ойлик кўтариб келасиз? Рахматли акамнинг арвоҳлари ҳурмати, гулдай қизимни бир яланг-оёққа қўшдим, эсам...»

Амманинг узундан-узоқ оҳ-вохини Бойхон тоқат билан эшитарди-ю, бироқ келин, «Ойи, бўлди, бас!» дегандай овозсиз илтижо қиларди.

Аммасининг қизи сарғишдан келган, юзлари чўзинчоқ, қошлари сийрак, қўнғиртоб кўзлари ўйчан бўлиб, ишқилиб, гулдай эмасди. Лекин тилло экан. У келин бўлиб келди-ю, харобгина ховличага файз кириб қолди. Аммо Бойхонда хеч бир ўзгариш сезилмасди. У хар эрта бир ёқларга гум бўлар, аллакимларгадир ёлланиб, ишлаб топган беш-олти сўмини кечқурун хотинининг олдига уялиб, авайлабгина қўяр эди. Бироқ хар уч-тўрт кунда гандираклаганича ғўддайиб бўсағада пайдо бўлишини хам ташламасди.

Бойхон маст чоғлари, негадир, кўпроқ ийманар, хотининг айюханнос солишини, «кетаман», дея пўписа қилишини, уввос тортиб йиғлашини жуда-жуда истар эди. Хотини эса хеч бир жирканмай, ҳайиқмай, эрининг ифлос кийимларини ечар, ювинтирарди.

Бойхон кўпинча кечки емакдан сўнг муздай дераза ойнасига манглай тираб, махзун коронғиликка чўмган торгина ховлидаги совуқ урган ўрик дарахтига сўзсиз тикиларди. Неча-неча баҳорлардан бери гулламайдиган, ғуж-ғуж япроқлари кузнинг оловли дами етмасданоқ сарғайиб, қовжираб битадиган бу дарахт, сертомир қадоқ қўллардек шохларини кўкка чўзиб, неларнидир фалак-

дан сўраётгандай совуқ шамолда дийдираб, чайқалиб турар эди.

«Барибир мени ташлаб кетади», деб ўйларди у хотини ҳақида, деразадан ҳорғин кўзларини узмай.

Лекин хотинида кетиб қолиш нияти йўққа ўхшарди. У эргаю кеч ҳовлида куймаланар, супуриб-сидириб, ювиб-тарар, кекса қайнонасига гирдикапалак бўлар эди. Унинг ғимир-ғимирлари, айниқса Бойхон уйда пайтлари авжига чиқар, ҳойнаҳой, эри билан юзма-юз, бекорчи ўтиришдан, ган тополмай қийналишдан бениҳоя чўчир эди. Шу сабабли харқалай Бойхон хотинига тик қарамоққа ботинолмасди. Баъзан Бойхоннинг ўз-ўзидан завқи жўшар, келинчакни эркалагиси, мехрибонликлар кўрсатгиси келар, лекин бунга журъат этолмас, тўғрироғи, бу хил якшанбликка ўзини мутлақо ҳақсиз, деб ҳисоблар, бутун бор-йўғи, юриш-туриши билан хотини олдида ўзини муттаҳамдай хис этарди!

Аммо кунлар кетидан кунлар ўтаркан, юрак-бағрида тош бўлиб ётган муз қатламлари аллақандай англаб бўлмас олов тафтидан аста-секин эриб кетаётганини Бойхон пайқаб борарди. Мардикорликдан қайтишда уй томон ихтиёрсиз катта-катта қадам ташлаши, тез орада рўй берадиган кўзлар тўқнашувини ҳис қилиб энтикиши, уйида юмшоқ ўринга сўзсиз чўзилишаркан, саҳарнинг яна уч-тўрт баробар узаймоғини исташи, хуллас, шу антиқа иликликларидан далолат бериб турарди. Лекин жамики ноумид ва ношукур бандалар каби Бойхон ҳам кўнглида алангаланиб келаётган оромбахш оловга шубҳаю гумонлар сувини беаёв пуркар, ўзини-ўзи тушкунлик, руҳсизлик тиғига тутиб берар эди.

«У барибир мен билан яшолмайди, — деб ўйларди Бойхон. — Яна беш-олти кундан сўнг опасиникига жўнаворади...»

Бироқ уч кунча бурунги бир ҳодиса уни буткул бошқа ўзанга буриб юборди.

Ўша куни омади юришмаган Бойхон тушдан сўнг шалвирабгина уйига қайтганди. У ҳовли эшигидан оёғини оширди-ю, ажойиб манзаранинг гувоҳи бўлди.

Сочини чиройли турмаклаб, дуррача билан танғиб олган хотини ўша ўрик дарахтининг шохларига кир ёймоқда эди. Дуррачаси тагидан чиқиб турган, шамол хилпиратаётган узун-узун соч толаларига дарахтнинг нурдек ингичка бир шохи гўё ўпмоқчидай оҳиста-оҳиста

суйкалар, келинчак эса ширин-шакар хаёллар оғушида завқланиб бетиним илжаярди.

Бойхон бу хушманзарани тўрт-беш дақиқа — то унга хотинининг кўзи тушгунича томоша қилиб тураркан, ногоҳ, димоғига гуп этиб ўрик гулларининг ифори урилгандек туюлди. Боши айланиб кетди.

Хотини у томон илкис назар ташлади-ю, икковлари баравар илжайдилар. Бу уларнинг бир-бировига биринчи самимий табассуми эди.

Ўша куни кечки таомдан сўнг Бойхон одатдагидек деразанинг совуқ ойнасига юзма-юз бўларкан хаёлга чўмганди. «Йўқ, бундай яшаб бўлмайди. Одамсифат бўлишим керак, одам...»

У дераза ёнида узоқ турди. Бир пайт миясига келган ажойиб фикрдан севиниб, қалқиб кетди. Алланималарни тикиб-бичиб ўтирган хотини бу ҳолни сезмади.

«Наҳотки, уч кундан сўнг унинг туғилган куни?! Балки адашаётгандирман?»

Бойхон зўр диққат билан хотирасини титкилаб чиқди ва адашмаганига яна бир бор амин бўлди.

Ўша чоштоҳ — ҳукумат никоҳидан ўтказувчи танноз ходима ўз қалин дафтарига ёш келин-куёвларнинг исм-шарифларию туғилган йил, ойларини қайд этаётган чоғи, у ўз қаллиғининг таваллуд кунига негадир қизиқсиниб қараган ва яхшигина эслаб қолганди.

...Бойхон бу кунни энтикиб кутган эди. Миясига ажойиб фикр урилган ўша оқшомдан бошлаб уч кун бетиним ўзича турли-туман режалар тузди. Ҳаяжонланди. Ҳовликди.

Ниҳоят, ўша арзанда кун ҳам етиб келди-ю тонг қоронғисида икки ойлик келинчакни саросимада қолдириб кўчага отилди. Аммо кўча эшиги орқасида хотини ювиб-дазмоллаган шимни обдан ғижимлашни унутмади, унда-мунда учраб қоладиган ўзига ўхшаш бетайин оғайниларининг «пўрим куёв бола» дея масхара қилишидан уялди.

...Бойхон бу кунни ширин хаёллар оғушида кутган эди. Шунинг учун ҳам нак тунга довур қора терга ботиб сувоқ қиларкан, чарчаш ўрнига тобора ғайрати қайнаб, юз-кўзидан табассум аримади. Ниҳоят, мардикорининг антиқа хатти-ҳаракатларидан лол бўлган тепакал хўжайин қайта-қайта санаб узатган пулни чангаллаганича ҳовликиб кўчага отилди.

У хотинига қандай совға олишини хув ўша оқшомдаёқ дилига тугиб қўйган, ҳар эслаганда тўлқинланиб-тўлқинланиб юрганди. Кўз остидаги бу тортиқ — с о п о л кўзача эди. Бойхон уни илк марта, бир ойча аввал, ароқ қаҳатчилиги сабаб арзон атир илинжида машҳур дўкон бўйлаб хўб изғиб юраркан, тепасига «Подарки» деб ёзилган бўлинма сотувчиси иддао билан кўргазмага қўяётган пайт кўриб қолганди. Ўшанда у сопол кўзачанинг бежирим ва ялтироқлигига, шунчаки, қизиқсиниб қараб турган, сўнгра бирданига сарғиш бўёқ билан тасвирланган бир жуфт қушга сийрак киприкларини пирпирата-пирпирата узоқ вақт анграйганди.

Унинг назарида қушлар қоп-қора тун аро ҳорғин учиб боришар, митти кўзларида шубҳа-ю ҳадик, умидсизлик ва аламзадалик қалқиб турар, чор-тарафда ҳеч бир қўналға белгиси кўринмас эди.

Бойхон ўшанда сопол кўзачага тикилиб тураркан тизза ларига, бармоқ учларига титроқ инаётганини, юраги алғов-далғов бўлиб кетаётганини сезди. Беихтиёр қушларнинг оёқчалари тагига оппоқ гуллаган ўрик шохи тасвирини туширгиси ва қушларни шу ерга қўндириб чек-чегарасиз парвозни буткул тугатгиси келиб кетганди.

Шу-шу бўлдию, у бу мўъжаз дўконга тез-тез келиб турадиган, ғоят антиқа туюлган ўша сопол кўзачага хийла вақт ҳайратланиб тикиладиган ташвиш орттирди. Бироқ унинг дайдиларча ивирсиши дўкончиларни шубҳалантириб қўйди, шекилли, куни кеча Бойхон пештахта ёнида пайдо бўлиши биланоқ, «хизмат, укагинам» деб сўради сотувчи аёл пардоз-андоздан андак тўхтаб.

— Анави кўзачангиз... — ғўлдиради Бойхон, — жуда зўр экан.

У, негадир сотувчининг «ҳа, жудаям ажойиб, менга ҳам ёқади», дейишини, сўнгра ўзи тасвирдаги учиб бораётган қушлар ҳақида тўлиб-тошиб гапириши, хотинига шу кўзачани совға қилмоқчи эканлигини айтиб маслаҳатлашишни жуда-жуда истаган, ҳатто, шундай бўлишига қаттиқ ишонган эди.

Аммо сотувчи аёл аллақандай ғашланган киёфада ҳеч гап-сўзсиз у ишора қилган матоҳни олиб узатмоққа шайланди.

— Йўқ-йўқ, хозирмас, — деб юборди шошиб-пишиб Бойхон, худди қўққис ширин уйқудан уйғонгандек. — Эртага оламан.

Сотувчи аёл елка учирди:

— Ихтиёрингиз, лекин шу охиргиси...

...Бойхон бу кунни интиқ кутган эди. Шунинг учун ҳам хотинининг кечқурун қувонч ва меҳрдан лов-лов қизаришини хаёлида жонлантира-жонлантира энтикканча кетиб борарди. Аммо...

Аммо катта чорраҳа бикинидаги ҳар бир тош-кесагигача ўзига таниш бўлган ичимликлар дўкончаси ёнидан ўтаётганида қадамлари беихтиёр секинлашди. Ахир у ерда бақалоқ сотувчи турли ичимликларга лиммо-лим ёғоч қутиларни ғайрат билан ичкарига таширди-да.

«Об-ба, зап устидан чиқибман-у» деб юборганини Бойхон ўзи ҳам сезмай қолди. Лекин дарров сергак тортди. Қайга, не сабабдан кетаётганини эслади.

Ичимликлар дўкончаси ёнида одамлар дақиқа сайин кўпайиб, ғала-ғовур билан навбат талашардилар.

Бойхон чўнтагидаги пулларни кафтида сиққанча йўлида давом этди. «Кўпроқ пулим бўлганда, икковгина олиб қўйсам яхши эди-да», деб ўйлади пулларини янада махкамроқ сиқимлаб.

«Озгина ютиб олганимда чарчоқларим таркаб бир ҳузурланардим-а», деб тағин ўйлади Бойхон негадир асабийлашиб. Унинг қадамлари ўз-ўзидан сусая-сусая, ниҳоят, ҳаракатдан тўхтади. Уч-тўрт шиша арақ қучоқлаб шодон кетаётган ур-тўполон билан навбат талашаётган кишиларга саросималаниб термилди.

«Бир шишага-ку қурбим етар-ов», деб ўйлади Бойхон оломон томон беихтиёр уч-тўрт қадам ташлаб. — «Бир донагина атиргул олсам ҳам бўлади-ку, ахир совғанинг катта-кичиги, яхши-ёмони йўқ».

Бойхон чўнтагига қўл солди. Ютоқди. Лекин, шу лаҳзаёқ хотинининг ҳувв, ўша ўрик дарахти тагидаги табассуми «лоп» этиб кўз олдига келди-ю, шаштидан қайтди.

«Йўқ, бугунча ичмайман», деб ўйлади у қўлларини мушт қилиб. Бойхон изига қайрилди-да, йўлига равона бўлишга чоғланди. Шу пайт оломон орасидан сирғалиб чиқаётган икки саёқ оғайнисига кўзи тушди-ю кўнгли равшан тортиб кетди.

Бойхон дарҳол гум бўлиш ўрнига беихтиёр одимлаши сусайди, анавиларнинг назарига тушиш учун пинҳона ҳужум бошлади.

«Дўстлардан қочиш яхши эмас», дея ўйлади ўз-ўзини алдаб. Ниҳоят, орқадан таниш ҳуштак овози янгради.

Шусиз хам тоқати тоқ бўлиб турган Бойхон «ялт» этиб ўгирилди.

Ур-тўполонда терлаб кетган, соч-соқоли ўсиқ, кўзлари қизарган оғайнилар етиб келишди. Қисқагина ҳолаҳвол сўрашдилар.

— Бу дейман, томоқлар қуриб битибди-ёв, а, — деди шерикларидан бири Бойхонга қарата.

Бойхон айбдорона илжайди.

— Юр, биз билан, — сирли кўз қисишди оғайнилар.

Бойхон ботинолмайгина минғиллади:

— Йўғ-э, ишим бор-да.

Икковлон баравариға хоҳолашди.

— Ҳа, энди, — деди арақ қўлтиқлагани, — уйлангандан сўнг қийин-да.

Шериги луқма ташлади:

— Айниқса, хотинидан қўрқадиганга.

— Мен ҳеч кимдан қўрқмайман, — деди Бойхон қўрслик билан. Шу тобда бари ширин ўй-хаёллари-ю, совға олиш йўлида ҳаллослаб юришлари ўзига эриш туюлиб кетди.

— Қўрқмаслигингни хали исботлаган эмассан, — деди оғайнилар олдин-кетин.

Бойхон бу қочириқни деярли эшитмади, чунки у айни пайтда ғоят паришон туриб хотинидан қўрқар-қўрқмаслигини ўзича, ростакамига ўйлаб кўрмоқда эди.

Оғайнилар бетоқатланди:

— Юрасанми, йўқми?!

Бойхон бир чўчиб тушди-да, индамай уларга эргашди. «Озроқ ичсам ўлмасман», деб ўйлади ўз-ўзидан ғазабланиб. «Хотинни табриклаш қочмас...»

Улар ўзларига қадрдон дарахтзорга йўл олишди.

Бойхон бошқа ҳеч вақони рўйирост эслай олмайди. Агар адашмаса, у боши сал қизигач, одатдагидай сахийлиги тутиб чўнтагидаги бор пулни ўртага ташлаган, оғайнилардан чаққонроғи шартта олиб яна дўконга югурган.

...Бойхон бу кунни зор-зор кутган эди. Энди эса кўнгли айниб, қақшаб-титраб, дарахтга мадорсиз суяниб турар, кимгадир тинмай алжирагиси, хўнг-хўнг йиғлагиси келар, боягина нафрат ва масхарага лиммо-лим юраги яна қуриб-қовжираб, ҳалим тортиб борар эди.

«Кетгин, мени ташлаб кета қолгин. Шунча хорлик, шунча зорлик сенга зарилми? Юзимга мириқиб туфла, дунёни бошингга кўтариб қарға, лекин мени ташлаб кет».

Бойхон хотинига хаёлан мурожаат қиларкан, ўша ўрик дарахти ёнидаги меҳрли табассум, ҳовли бўйлаб сассиз куймаланишлар кўз олдидан лоп-лоп ўтди-ю, ўз-ўзидан ўпкаси тўлиб хўрлиги келди. Лекин ҳўнграб юбормаслик учун гандираклаганича юриб кетди.

Кеч кузнинг эрта қоронғилиги қуйилиб келар, бироқ кўча-кўйда одамлар хали гавжум, машиналар вағиллаб ўтиб-қайтар эди. Ёғин-сочиндан дарак бўлмаса-да, хаво хийла совуқ.

«Йўқ, мен барибир ўшани обераман, — деб ўйлади Бойхон гандираклаб юриб бораркан, совға қиламан, совға...»

У қулаб тушмасликка тиришиб, бир тўхтаб, бир юриб борар, унда-мунда учраб қолувчилар шоша-пиша ўзларини четга суришар, баъзилари ғижиниб, сўкиниб қолишар эди.

Бойхон бир амаллаб ўша дўконга етиб келди. Ичкари кирди. Дўконнинг чароғонлигидан кўзлари қамашиб, бир зум нафас ростлаш дардида четроққа тисарилди.

Ичкарида одам гавжум. Сотувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Ғала-ғовур авжида.

Бойхон бир амаллаб пештахтага яқинлашди. Юраги нечукдир, ўз-ўзидан гурс-гурс ура кетди.

«Хов, қушлар, — деди хаёлан у, — шошманг, биз сизларга кўналға чизиб берамиз. Биз ҳам...»

Бойхон сотувчи хотин ва харидорларнинг ўзига ажабланиб-ажабланиб тикилаётганини кўриб сал сергак тортди. Афтидан, у хаёлида эмас, ташида ғулдираганди.

Бойхон беўхшов ишшайиб яна тасвирга суқланиб тикила бошлади.

— Хизмат, укагинам, — деб сўради сотувчи хотин, шекилли, у «укагинасини» таниган эди.

Бойхон илжая-илжая:

— Опа, анави... — деди зўрға.

Сотувчи у гапини тугатмасданоқ ўша сопол кўзачани дўқиллатиб пештахтага қўйди.

Бойхон ишшайиб уни ўзига имлади:

— Опа, қулоғингизга бир гапим бор эди.

Сотувчининг энсаси қотди:

— Айтаверинг...

— Шу... илтимос, — деб ғўлдиради Бойхон кўзачани қўли билан силаб туриб, — шунингизни насияга бериб туринг, жо-он опа, эртан пул опкеламан, хўп.

Сотувчи Бойхонга қайрилиб ҳам қарамай, кўзачани кўтарди-ю, жойига қўйди.

Шу чоғ бошқа бир харидор энтикиб турган Бойхонни туртиб юборгудек бўлиб ўтди-да:

— Ие, кўзачани бу ёққа узатинг, — деди сотувчига карата. — Кўрайлик-чи...

Бойхон сергакланиб тилга кирди:

— Ўв, бу... меники...

Харидор ҳеч вакога тушунмай бир Бойхонга, бир сотувчига ҳайрон тикилди.

— Сал кайфи тарак, эътибор берманг, — деди сотувчи қўл силтаб.

Харидор оқилона бош чайқаб пул санаркан, Бойхон пештахта устида турган кўзачага чанг солди.

— Бу меники... меники...

Харидор одоб билан ёпишқоқни орқага суриб қўйди.

— Қандай тузсиз одамсиз, — деди у Бойхоннинг тирсаги теккан костюмини қоқа туриб.

Бойхон шаштидан қайтмади.

— Меники... Совға қиламан...

Унинг ёшдан хира тортган кўзлари сопол кўзачадан бошқа ҳеч нимани кўрмас, қулоқлари ҳеч қандай ҳайҳайлашни эшитмас, айни чоғда, тинмай алжирашни, жанжал-тўполон кўтаришни жуда-жуда истар эди.

Бўлинма олдида томошаталаблар тўплана бошладилар.

Шу пайт аллақаердан айиқдай бақувват эркак сотувчи пайдо бўлди-да, Бойхонни осонгина қўлтиқлаб ташқари томон судраб кетди. Бойхон жон аччиғида типирлаб қаршилик қилишга уринди. Аммо зум ўтмай ўзини ойнабанд эшик орқасида кўрди. Совуқ ҳавода эти жунжикди.

— Йўқол! — деди сотувчи оёғи билан ерни тапиллатиб, гўё ёш болани ҳайдагандай. — Йўқолмасанг ҳозир мелиса чақираман...

Барзанги мушти билан яна бир бор пўписа қилди-ю ўзини ичкари олди.

Бойхон қаёққа юрарини билмай анча вакт эшик олдида гарангсиб туриб қолди. Унинг қулаб тушгудай чайқалаётганини, ғулдираб, тушунуксиз сўкаётганини кўрган ўтиб-қайтувчилар ўзларини дарҳол четга тортишарди.

Қоронғилик тобора қуюқлашарди...

ҚЎЛГА ТУШГАН ҚОРБОБО

Шаҳарнинг қоқ киндигига ўрнатиб безатилган баҳайбат арчани кўрдию Собир бенхтиёр уф тортиб юборди. Ям-яшил игна барглар нақ юрагига санчилгандай бўлди. Ичида армонгинаси бор-да, ҳар йили ваъда берадию бироқ болаларини мана шу арча атрофида бўладиган томошаларга олиб келолмайди. Озгина чиқим ҳам кисса қурғурга малол келади. Янги йил бўсағасида ҳамиша бир дунё сарф-харажат кутиб туришини айтмайсизми тағин?

Собир аллақандай амалдорнинг шаҳар четидаги чала битган ҳовлисида яшайди. «Ука, ижара ҳақи керакмас, кулбачага кўз-қулоқ бўлиб, чироқ-фироғига пул тўлаб қўйсангиз, бас», деган ўша баланд бўйли, серсавлат бойвачча. Собир бажонидил рози бўлган. Аммо кенг-мўлгина ҳовлининг «чироғи-фироғи»га тўланадиган ҳақ ҳам кенг-мўлгина бўлар экан. Гоҳ газ, гоҳ сув идорасининг ходими кунора эшик қоқиб келади. Тунов куни тажанг бир хизматчи ер солиғи учун хийла чиқимдор қилди. «Йил охири, тўламасаларинг бўлмайди» деди у қатъий қилиб. Ишхонаси минг бир миннат билан берган «картошка» пулини минг бир жойидан тугиб, Арча байрами учун аяб юрган Собир минг бир саросимада қолди. Охири, хукумбардор соликчининг қатъий пўписаси, уй эгасининг ғойибона қош-қобоғи устун келди.

Хуллас, бу машмашаларнинг бировга айтгилиги йўқ. Эшитганлар ичида бети қолиб кети билан куладиганлар кўп. «Ўл, бу кунингдан, илмий ходим» дейишади. Йўқ, Собир таниш-нотанишнинг пичингларига эътибор бермайди, турмушнинг бундай ўткинчи машаққатларига чинакам сабр-тоқат билан чидайди. Фақат... болалари...

Собир алғов-далғов хаёллар оғушида ижара уйининг дарвозаси ёнида пайдо бўлганини сезмай ҳам қолди. Тевараккa ғира-шира оқшом чўкмоқда. Ҳаво совуқ. Кечагина ёғиб ўтган қор аралаш ёмғир касридан йўл-йўлаклар шилта-шалаббо. Кўчанинг у ер-бу еридаги чала ярим иморатлар маҳалланинг яғилигидан, бир махмадана таърифлагандай, хали ой куни тўлмаганидан дарак бериб турибди.

Собир дарвозадан бош суқди. Кутганидек, болалари ҳовлида аллақандай ўйин билан овора экан. Тўнғичи қиз — Орзигул, учинчи синфда ўқийди. Ҳасан-Ҳусан ўғилчалари бу йил мактабга чиқишган. Умидбек эса эндигина икки ёшга тўлди, юришлари ҳали атак-чечак.

Собир йўлак бошида бир зум оёқ илди. Хотини — Ҳалима электр чироғидан чароғон ошхонада куймаланиб юрибди, бошида қия-қия қўндирилган дуррача, белида оқ пешбанд. Юз-кўзлари тўла хаёл.

— Дадам келдилар! Дадажон!

Туйқус Собирга кўзи тушиб қолган Ҳусан қийқирганича дарвоза томон югурди. Изидан Ҳасан чопқиллади. Орзигул довдир-совдир билан имиллаётган Умидбекни чинқиртирганича қўлтиқлаб олди.

— Дадам ишдан қайтдилар! Ур-а!

Собир бир зумда болалари қуршовида қолди. Бири бўйнига, бири этагига осилди. Ҳовлидаги қий-чувдан сергакланган хотини ошхона дарвозасини очиб қаради. Унинг юзидаги табассумданми ё ошхона чироғининг ёғдусиданми бутун теварак чарақлаб кетгандай бўлди.

Собир Умидбекни опичлаб уй томон юрди. Чарм жилдли папкани Ҳасан зўриққанича қўлтиқлаб олди.

— Дадажон, арча байрамига олиб чиқасиз-а, бизни? — деди Орзигул қувонч билан ирғишлаб.

— Ур-е! — қийқириб юборди Ҳусан. — Давлат Арчага борамиз, Давлат Қорбобони кўрамиз!

Собирнинг кулгиси қистади. Телевизорда нимаики кўрсатишса болалари «давлат бу» дейишади. Бувилари — Собирнинг ойиси шунга ўргатган. Ҳатто бир гал неваралар қуршовида ўтирган чоғ, «Дадангиз хам мешинг ўғлиммас, давлатники», деб ҳазиллашган. Шу-шу болалари Собирни тез-тез сўроқ-терговга тутиб туришади: «Сиз давлат боласими? Ҳали телевизорга кириб кетасизми? Сиз ростакам дада экансиз-да! Сиз жуда зўр экансиз-да?!..»

Собир уч-куйруксиз саволларга кулганича «ха» деб жавоб беради, арзандалари эса қувноқ қийқириқлар билан унинг бўйнига осилишади.

Қизиқ, болаларнинг назарида «давлат» — бу «ростакам», «жуда зўр», «жуда ёқимли» дегани. «Ростакам», «жуда зўр», «жуда ёқимли» нарсалар, яъни «давлат» эса телевизорга кириб олган.

Собир болалардаги бунақа ғалати тасаввурни бузишга бир-икки енг шимардию тағин шаштидан қайтди.

«Майли, — дея ўйлади у хатто қувониб. — Давлат, Ватан деган сўзлар уларда шунақа гўзал тасаввурлар уйғотсин...»

Катта бир институтнинг катта илмий ходими онасининг тарбия усули нечоғлик содда, таъсирчан эканидан ажабланди.

Собир болаларининг қий-чуви остида кийимларини алмаштирди. Ювиниб-тараниди. Сўнг оқ-қора жилоларда порлаб турган телевизор қаршисига ўтирди. Хасан-Хусанлар пайт пойлаб дарров икки тиззани эгаллашди. Орзигул бўйнига осилди. Телевизорда қишки таътил пайти не бир гўшаларда ўтказиладиган Арча байрамлари кўз-кўз қилинаётган экан. Собир болаларни чалғитиш илинжида шоша-пиша бошқа каналга буради. Афсуски, бу ёғда ҳам тиниб-тинчимаган Қорбобо болаларни Янги йил томошаларига чорлаб ётар эди.

— Ана, давлат Қорбобо! — чинқириб қолди Хасан. — Ана, ростакам Қорбобо!

— Ўшанинг ёнига борамиз-а? — дея кўзларини пирпиратиб дадасига термилди Хусан.

Собир гоҳ у, гоҳ бу ўғилчасининг юзига юз босиб эркаларкан, кечадан бери хаёлида пишитиб юрган айёрликнинг бир учғинасини чиқариш пайти етганини англади.

— Жаноблар ва хонимлар! — деди у артистларга хос ўйноқилик билан. — Эртага кечқурун бизникига Давлат Қорбобо келади! Ростакам Қорбобо ўз қўли билан совға улашади!

Собирнинг оғзига анграйиб турган болалари баб-баравар қийқириб юборишди.

— Ур-е! Бизникига ростакам Қорбобо келаркан!

Шоша-пиша дастурхон тузатаётган Халима эрига таажжубланиб тикилди. Собир хотинига қувлик билан кўз қисиб қўйди...

* * *

Пешиндан сўнг кўчага чиққан Собир гавжум бозорда тентий-тентий тинкаси қуриб, шом қоронғисида уйга қайтди. Арзон-гаров ширинлигу ўйинчоқлардан танлаб-танлаб тайёрлаган тўрт ўрам совғасини ялтироқ халтага солиб олган эди.

Ҳаво кечагидан баттар совуқ. Қоронғилик тобора қуюқлашмоқда. Қўшни ҳовли пештоқидаги чироқ ёғдулари кўзга тиғдек санчилди.

Собир ўғри мушукдек мўралаб ҳовлисига кирди. «Янги йилни бирга кутамиз деб меҳмон-пеҳмон келиб қолган бўлмасин-да, ишқилиб» — хаёлидан ўтди унинг. Даҳлиз ва ошхона чироғи ёниб турган уй томон сергак-сергак тикилди. Жимжитлик, хайтовур хавотирга ўрин йўқ.

Кеча у ўз айёрона режасини хотинига шипшиганида Ҳалима ҳам қувониб кетди. «Болаларни би-ир хурсанд қилардингиз-да», деди кулиб. Эркатойлар ухлаб қолишгач, эру хотин тараддудни бошлаб юборишди. Ҳалиманинг эплигина аёллиги хўб қўл келди-да. Аввал қаттиқ қоғоздан қуббасимон қалпоқ, сўнг момиқ пахтадан қуюққина соқол тайёрлашди. Собир куёвлик чоғларидан бери эҳтиром билан кийиб юрадиган, анча-мунча оҳори кетиб қолган чопонга обдан «ишлов» беришди. Ишқилиб, қўлбола Қорбобонинг сарупоси тахт бўлгунча тун ярмидан оғди. Эру хотин кула-кула тонг оттиришди.

Собир ўтган тунги ташвиш-тараддудни эслай-эслай ҳовли чеккасидаги омборхона томон юрди. Қўлбола Қорбобонинг қўлбола сарупоси ўша ерда.

Бир пайт даҳлиз эшиги очилиб Ҳалима сидрилибгина ташқари чиқди.

— Келдингизми, дадаси? — деди у шивирлаб.

— Ҳа.

— Тезроқ бўлақолайлик. Болаларнинг тоқати тоқ бўлди. Қорбобо қачон келади деб ҳолу жонимга қўйишмаяпти...

• • •

Хотинининг кўмагида туппа-тузук Қорбобога айланган Собир узун ҳассасини дўқиллатиб даҳлиз эшигига яқин борди. Юзларига обдан чапланган бўёқ ҳидидан димоғлари ачишар эди. Аллақачон ичкари кириб кетган Ҳалиманинг «сигнал»ини бетоқат кутди. Ниҳоят, хотинининг атай баландлатган товуши қулоғига чалинди. «Қани болалар, қарайлик-чи, Қорбобо келиб қолгандир!»

Улар даҳлизда юзма-юз бўлишди.

— Салом, азизларим! — деди Собир-Қорбобо овозини артистларча дўриллатиб. — Мана, мен келдим. Сизларни соғиниб келдим.

Ичкаридан отилиб чиққан болалар бир зум ҳангу манг қотиб қолишди. Ҳайрату ҳаяжонга тўла кўзлари пир-пир учар эди.

Энг аввал ҳушига келган Орзигул севинч билан ирғишлаб чапак чалди.

— Ур-е! Ростакам Қорбобо!

Ҳусан қувончдан қиқир-қиқир кула бошлади.

— Қойил, — деди Ҳасан аранг, ҳануз ҳайратдан энтикаркан. — Жуда зўр Қорбобо экан.

Собир ҳассасини дўқиллатиб болаларга яқинлашди.

— Сизларни хўб одобли, ақлли кичкинтойлар деб эшитдим. Шунинг учун энг аввал сизнинг уйингизга келдим.

Ёлғондакам хаяжон билан болаларига жўр бўлиб турган Ҳалима танбех берган бўлди.

— Вой, Қорбобога салом бермайсизларми? Қани-и...

Болалар бири қўйиб, бири олиб чувиллашди.

— Ас-са-лому-у алай-ку-ум!

— Баракалло, баракалло-о, жажжиларим, — дея ялтироқ халтасини очди Собир-Қорбобо. — Мен сизларга совғалар келтирдим.

Ўзи томон узатилган қоғоз қутичани Ҳусан илжайганича қўлига олди.

— Яна бир полвонтой кўринмайди-ку, қани у? — деб сўради Собир-Қорбобо Ҳасаннинг ҳам улушини тутқазаркан.

— Умидбек ухлаб қолди, — деди Ҳасан «ростакам» мавжудотга ҳануз ҳайрат билан тикилиб.

Собир-Қорбобо афсусланганнамо бош чайқаб, галдаги қоғоз қутичани Ҳалимага узатди.

— Мана бу Умидбекка. — Сўнг ҳануз севинчдан гоҳ ирғишлаб, гоҳ чапак чалиб қўяётган Орзигулга юзланди. — Яқинроқ кел, қизалоғим. Мана бу сенга.

Орзигул узатган совғани ола-ола беихтиёр чинқириб юборди.

— Ойи! Қаранг, дадамнинг чопони-ку?! Ана, енгидаги ямоғидан танидим!

Қизғиш-сарғиш ленталар билан танғилган қоғоз қутини очишга уннаётган Ҳусан туйқус сергакланди. Қорбобонинг оқ пахтаю зар толалар ёпиштирилган узун чопонига тикилди.

— Рост, ойи! Дадамники бу!

Ҳасан эса аллақачон қутичани ерга ташлаб, Собир-Қорбобонинг барига чанг солган эди.

— Ечинг, дадамнинг чопони бу, сиз ўғри экансиз!

Туйқус бошланиб кетган исёндан шошиб қолган «ростакам» Қорбобо:

— Болажонларим... болажонларим, — дерди аранг, ўзига бошқа оқлов тополмай.

Ҳасан шапт билан тортқилаган чоғ чопоннинг бари кўтарилиб, тағидаги кийимлар ҳам кўзга танландию Ҳусан баралла чинқириб юборди.

— Ана, шими ҳам дадамники экан!

— Ойи! — Орзигул Халиманинг билагига зорланиб осилди. — Бу Қорбобо қароқчи! Кўчада дадамни калтаклаб, кийимларини тортиб олган.

Опасининг гапларидан гиж-гижланган Ҳусан ҳам «жуда эўр» Қорбобога ташланди.

— Ечинг! Дадамнинг кийимларини ечинг! Ёлғончи Қорбобо экансиз!

Собир-Қорбобо болалардан базўр ҳимояланиб орқага тисарилди. Тисарила-тисарила «энди нима қилай» дегандай Халимага кўз қирини ташлади. Не ажабки, хотини ҳам гўё ростакам ўғрини кўргандай безовта болалар ёнида «Вой-ву-уй»лаб турар эди.

— Сиз ёмонсиз. Катта бўлсам сизни ўлдираман! — дея чинқирди Ҳусан бўёқлар чапланган башарага нафрат билан қараб.

Орзигул қўлидаги совға қутичани қуббасимон калпоққа қаратиб отди.

— Мана! Олинг нарсангизни, менга керакмас.

— Менга ҳам керакмас, — дея чийиллади Ҳусан ҳам қоғоз қутичани бир бурчакка улоқтираркан.

Собир-Қорбобо бир амаллаб ташқарига чиқиб олди. Даҳлиз эшигини зичлаб ёпиб орқасидан итариб тураркан, ич-ичидан тошиб келаётган кулгини аранг босди.

Даҳлизда шовқин-тўполон ҳамон авжида эди.

— Қочиб кетди-ку, ойи, — дея йиғламсираган Ҳусан, эшикни тепкилаб очишга уринаркан.

— Ойи, дадам келса айтаман, энди ҳеч қачон Арча байрамга бормаймиз. Ростакам Қорбобо ўғри экан, — дея хануз куйинарди Орзигул.

Ҳасаннинг ҳам умид тўла товуши баралла жаранглади.

— Ойи, ҳозир дадам келиб қолса анави Қорбобони ушлаб олади-я? Калтаклаб, кийимларини қайтиб олади-я?

Халима алланелардир деб болаларини юпатишга, ховуридан туширишга киришиб кетди.

Собир хануз даҳлиз эшигига елка тираб тураркан ясама соқоли сирғалиб тушганини пайқамай қолди. Унинг бўёқлар чапланган юз-кўзида синиқ бир табассум қалқиб турар эди.

БЕКАТДАГИ ҚИЗ

Шаҳар чеккасидаги катта бир заводнинг кичик бир хизматчиси Замонқул шалоғи чиққан автобуснинг орқа бурчагида қисилиб-осилиб ишдан қайтаркан, тўсатдан мўъжизалар мўъжизасига дуч келиб қолди, аммо ҳушидан айрилиб йиқилмади, қайтага чарчоқлари тарқаб, бош оғриғи сал босилгандай, тиқилинч автобусни, ундаги иссиқ, дим ҳавою теварагида серрайганларнинг адоватли тикилишларини бир зум унутгандай бўлди, юраги тошиб, ақли шошиб, хаёли қочиб лаззатли карахтлик оғушида қолди. Бошқа йўловчилар ҳам унинг тинчи йўқолганига ажаблана-ажаблана тўхтаб турган автобус деразачаларидан ташқарига — одамлар уймалашиб ётган бекат ёққа мўралади, бироқ ҳеч қандай тансиқ мол сотилмаётганини кўриб баттар ҳангу манг бўлдилар.

Замонқул бундай мўъжизалар мўъжизасига йўлиқишини ҳатто хаёлига ҳам келтирмаганди, тўғрироғи, унинг эс-ҳушини ишга мудраб бориб, мудраб қайтиш учун автобус ўриндиқларидан бирини амал-тақал қилиб эгаллашдан ортиқ ташвиш забт этолмаганди. Ҳар эрталаб ётоқхона қошида, кечқурунлари эса завод дарвозаси ёнида қантарилиб турадиган ишчиларни ташувчи махсус автобус томон орқа-олдига қарамай, кимдандир ўзиб, нимадандир қолиб, бировни суриб, бировдан сурилиб ошиқишлар, қий-чув билан жой талашишлар уни буткул зада қилиб ташлаганди.

Шу сабабдан ҳам худди биров арпасини хом ўргандай ижирғаниб ғудраниб юрарди. Замонқул айниқса сўнгги пайтлар айнигандан айниди. Илғорлиги учун ондасонда мақтаниб турадиган туппа-тузук ишчидан тамбал ва тажанг хаёлпарастга айланди қолди. Юриш-туришидан, гап-сўзидан алланечук бесаранжомлик, жонсараклик уфуриб турарди. Одатда кимнидир, ненидир узоқ ва илҳақ кутган кимсалар шу янглиғ калавасининг учини йўқотиб қўядилар. Замонқулдаги ғалати-ғалати ўзгаришларни турган гап энг аввал хотини пайқаб қолди. "Мендан кўнгли совияпти" дея ўйларди у кўпдан бери

пардоз-андозни дўндиролмаётганидан куюниб. Айниқса эриниб аллақандай сабрсизлик билан эртани кутиши, ишхонасига ошиқиши уни қаттиқ шубҳага қўйганди. Бироқ, ишхонада ҳам шу ҳолат эканини, эри қурғур у ёқдан уйига бемақсад шошилишини билмасди-да, бечора.

Мана, бугун ҳам Замонқул бировнинг йўлига интизор кўз тиккандек, цехнинг чанг ва ёғ қоплаган деразаси ёнида устма-уст тамаки тутата-тутата кунни кеч қилди. Тағин, иш вақти тугамасданоқ, ҳаммани бесаранжомлаштириб наридан-бери шошиб-тараниб ташқарига отилди. Завод дарвозаси ёнида ишчиларни кутиб турган махсус автобуснинг олдинги қулай ўриндиқларидан бирини эгаллаш иштиёқида эканлиги шундоккина юз-кўзидан сезилиб турарди. Аммо, чучварани хом санаган экан. У ушлаган товуқнинг аллақачон патларини юлиб олган доғули хизматчилар ҳамма ўриндиқларни эгаллаб, бепарво гап сотиб ўтиришарди. Замонқулнинг таъби баттар тирриқ бўлди-да ташига чиқармай сўкинди. Бу ҳузурбахш сўкинишдан илгари Замонқул анча енгил тортар ва яна хотиржам атобуснинг бирор чеккасида осилиб кетаверар эди. Аммо ҳозир ичига чироқ ёқса ёришмасди. Гўё бўшлик қилиб бирортасига уч сўм қарз бергандай кўнгли хижил, асаблари таранг эди. Шу сабабли бўлса керак, ҳеч нарса ёқмас, айниқса, автобусга бирин-кетин чиқиб келаётган оғайниларининг олди-қочди гап-сўзлари, ҳазилхузуллари ғашини қўзғаб, жаҳли чиқарди.

Кўп ўтмай автобус ишчилар билан лиқ тўлди. Тору чангнинг арзон тамакию атир-упаларнинг қўланса ислари қариндошларча аралаш-қуралашиб, бўғиқ ҳавони баттар бўғиб қўйди. Лекин одамларни бўғиб бўпти, айни пайтда улар учун нафас олишдан ҳам кўра, қулайроқ жойлашиб олиб, қулайроқ шерикка қулайроқ миш-мишни оқизмай-томизмай, керак бўлса ўзидан пича-пича қўшиб етказиш муҳимроқдай эди. Шу боис бесаранжомлик, қий-чув, шовқин-сурон авж пардасига олганди. Кимдир автобус салонининг ўртарофига силжиш ниятида куймаланаётганларни жеркир, кимдир ҳамма келиб бўлганини айтиб, ҳайдовчининг шалоқ аравасини қўзғашга даъват этар, яна биров ёнилғи ҳидидан кўнгли беҳузур бўлишидан нолийнолий тил тагига бир кафт носвой ташлашга чоғланар эди. Аммо, мақтанчоқлигию қўрқоқлигини сохта вазминлик панасига яшириш учун ўлиб-тириладиган ҳайдовчининг чиранчиқ овози ҳаммасидан ошиб тушди.

— Ўв-в-в, — деди у микрафонни андак қитирлатиб тургач, — ётоққача тўхтамай кетаман, агар унда-мунда тушиб қолувчилар бўлса марҳамат, оворагарчиликсиз ҳозироқ бўшатиб қўйсин. Яна бир такрорлайман, бизнинг ўз йўлимиз бор...

Унинг одатдаги узундан-узоқ огоҳлантиришлари кўпларнинг ғашини қўзғаб, кўпларнинг кулгисини қистар, баъзи сиркаси сув кўтармайдиганларни эса ғулдираб сўкинишга мажбурлар эди. Чунки бу сафсатабоз ҳар гал жўнаш олдида тантанали баёнот берса-да, жойидан андак жилмасдан киракашликни бошлаб юборар, ҳеч қурса, йўл-йўлакай беш-олти одам олмаса кўнгли ўрнига тушмай қолар эди.

Ниҳоят, автобус қўзғалди. Қуюқ дуд бурқситганча зўриқиб ишлаётган мотор шовқини, автобуснинг ичу ташини зириллатиб, йўловчилар қий-чувини босиб кетди. Димоқларга қадрдон ачимсиқ дуд иси урилди.

Кеч куз фасли эканлигига қарамай ҳаво хийла иссиқ ва дим эди. Серқатнов йўл бўйлаб сийрак тизилиб кетган ўрис дарахтлар хазон ташлаб паришон туришарди. Ўнгу сўлда машиналар занжири бир зум ҳам узилмайди. Узоқ-яқиндан кўзга ташланиб турган баланд-паст иморатлар, баҳайбат-баҳайбат қувурлар, чала қолган қурилишлар аллақандай ноумид бўзрайишар эди. Шаҳарнинг ҳув чеккасини ҳарир пардадай кул ранг туман қоплаб ётарди.

Ҳавонинг иссиқлигидан, автобуснинг бир маромда ингиллаб тебранишидан йўловчилар тобора эликиб, ғалағовур, вағур-вуғур тиниб борар, бутун автобус салони бўйлаб ҳорғинлигу лоқайдлик, тажанглигу карахтлик кезиниб юрарди.

Замонқул бутун борлиғи кучсизланиб, кўзи тиниб-тиниб кетаётганидан узун тутқичнинг бир четига буткул осилиб олганди. Ўзининг ҳолсиз, сўлжайиб туриши ҳув болалик чоғлари онаси хинчин билан хўб саваласаваласаб чангини қоққач дорга ташлаб қўядиган эски курак кўрпани эсига солар, бу ғира-шира хотирадан юрагининг қай бир бурчида соғинчга ўхшаш алламбало қўзғалиб қўяр эди.

Замонқул лаблари қовжираб, томоқлари қақраётганини ҳис қилиб бсихтиёр устма-уст ютинди, изидан хузурланиб узун "уф-ф" тортди. Бироқ енгил тортмади. Қайтам, баттар дармони қуриб, шундоққина ияги тагидаги

ястаниб ўтирган, боши бир ёнига сал эгилган кўйи бемалол пинакка кетган ишчининг устига лопиллаб қулаёзди.

Ўтирганнинг сарғиштоб ўсиқ сочлари уч-тўрт кун сув кўрмаганидан норозидай хурпайишиб сўлғин қовоқларга довур бостириб келгандилар. Юз-бўйин терилари эса гўё еб тўймас ёғ юқи булғаган кўлларини нари-бери арта бир чеккага улоқтирган қоғоз бўлаги каби тиришиб-буришиб ётарди. Япаски бурнининг керилган катакларидан хийла ўсиб чиққан, тўлқин тутар нозик симларни эслатувчи туклар, тамакиданми ё тузукроқ емиш илинжиданми сарғайиб кетган сийрак тишлар кўрганнинг кўнглини ғашлар эди. Бу ғаройиб нусханинг эгнидаги оддийгина арзон костюми яп-янги бўлса-да, озғин гавдасига ярашмай, шалвираганича осилиб турар, ҳойнахой, бирор мехрибон кимса алдаб-сулдаб, қўярда-қўймай кийгизган бўлса керак, деган ўй пайдо қилар эди. Бу қурғур эса ношукурларча ярим очиқ оғзидан сўлагини оқизиб ажойиб кийимнинг ёқасини бемалол булғар эди. Гўё у шунчаки пинакка кетган, балки, ўша мехрибон кимса костюм кийгизишга кийгизгану, бироқ изидан боплаб тепиб сулайтирган, баҳайбат-баҳайбат товонлари билан эзғилаб-эзғилаб ташлаган эди.

Замонқул мизғиётган йўловчимас, гўё ойнага қараб ўзини кўраётгандай беихтиёр хурпайган сочларига, уч-тўрт кундан бери устара кўрмаган даханига бир-бир қўл юборди. Ғаши келди.

Шу орада автобус навбатдаги гавжум бекатлардан бирида силкиниб-силкиниб тўхтади. Шусиз ҳам оёқ учида зўрға илашиб, минг бир азобда келаётганлар илкис мункиб-мункиб кетдилар, "уффф", "об-бо-о", "Тағин, писс..." деган аламзада жаврашлар яна жонланиб қолди.

Замонқул бўйнини андек энгаштириб, гўё ҳаммасига айбдорни топмоқчидек, автобус деразасидан ташқарига аланглади. Ва ... мўъжизалар мўъжизасига, автобус ёққа саллона-саллона юриб келаётган сулув бир қизга кўзи тушди.

Қизнинг оппоқ юзида оппоқ хаёллар кезиниб турарди. Нозик елкаларига чулғанган толим-толим сочларидан тортиб оёғи учларига довур бегуборлик уфуриб турарди. Узун-узун киприклари ҳимоясида маъюс-маъюс термилувчи андак ҳуркак, андак мағрур, мовий кўзлари, бир керилиб, бир чимрилувчи қундуз қошлари, хиёл

қимтилган юпқа лаблари алланечук изтиробдан дарак берарди. Баланд-баланд иморатлар ортига ботиб бораётган куёшнинг кечки нурлари қизнинг бошидан зардек қуюлар, дайдиган шабада узун-харир этакларидан илтижоли-илтижоли тортқилар эди.

Замонқул танга тошган гадойдек ўз-ўзидан севиниб кетди. Хар доимги асабийлик ва норозиликдан тиришиб-буришиб юрадиган юзларига мудроққа мойил кўзларига табассум ёйилди. Кўп қатори хайдовчининг сурбетларча автобусни тўхтатаверишидан ғазабланадиган Замонқул, айни чоғда, шалтоқ аравачининг яна пича хаяллашини, анави сулувнинг хам бир амаллаб илашишини жудажуда истарди.

Бекатдаги мўъжизалар мўъжизаси хам ичкаридаги бир ғарибнинг кўнглидагини англагандай иккилана-иккилана автобус эшиги ёнида уймаланаётган тўдага қўшилди. Ичкарида эса ғала-ғовур ёғ сепилган оловдай гурулаб кетди: "Етар, хайданг энди", "Томига хам одам чиқармоқчимисиз", "Устингиздан арз қиламиз!" деган турли-туман даъватлар, қочирикларнинг кети узилмасди. Замонқул ташқаридаги манзарани алланечук сабрсизлик ва интиқлик билан кузатаркан, одамларнинг қийин-қистови остида хайдовчи автобусни қўзғаб қолишидан чинакамига хавотирлана бошлади. Охири тоқати тоқ бўлиб, худди ёрдами тегиб қоладигандек йўловчилар чиқаётган олд эшик томон эгила, бурала интилди, хар тарафдан дўлдек ёғилган норози тўнғиллашлару беомон жаврашларга эътибор бермади.

Замонқулнинг жахдидан куч олдими ёки орқасидан сура-сур қилиб ётганларнинг мадади бўлдими, хар қалай, сулув қизнинг нозик елкалари тез орада эшик оғзида лип-лип кўзга ташлана бошлади, бир оздан сўнг, бутун қадди-басти, латофату малоҳати билан ичкарида пайдо бўлди. Шундагина Замонқул юраги гурс-гурс уриб ётганини, қўл учлари билинар-билинмас титраётганини сезди. Назарида бутун автобус салонини атиргулнинг хушбўйи тутиб кетгандай бўлди. Чиндан хам, узун-узун киприклари пирпираб, тим қора кўзлари жовдираб мувозанат сақлаш учун теварагидан ботинмайгина тутқич излаётган хурлиқо лойқа анҳор юзида қалқиб турган бир боғлам гул-лолани эслатарди.

Қизнинг бу тиқилинч атобусга чиқиб қолганидан афсусланаётгани шундоққина юз-кўзидан сезилиб турарди.

Замонқул эса унинг ўнғайсиз аҳволда қолишига ўзи айбдордай хижолатга тушганди.

Автобус қўзғалди. Унинг устма-уст силкинишидан йўловчилар сурилиб, урилиб, айқаш-уйқаш бўлиб кетишди. "Вой-вуйй", "Оҳ-воҳ" саслари, койинишу сўкинишлар яна бир карра авж пардасига кўтарилади.

Замонқул силкиниш баҳонасида қарийб сулув билан ёнма-ён келиб қолди. Ўртада фақатгина кимнингдир ғўладай билаги тўсиқ бўлиб турарди, холос. Тўсиқ эгаси баланд бўйли, келишган йигит қизнинг қулайроқ ўрнашиб олишига атайин халақит берар, нариги тирсаги билан унинг бўртиб турган кўкракларига суйкалишга харакат қилар, хузурланиб ўз-ўзидан иржаяр эди. Замонқулнинг жаҳли чиқа бошлади. Назарида, қиз ҳам йигит томон мойиллик билан талпинаётгандай туюлди.

Катта бир заводнинг кичик хизматчиси бахтиёр рақибининг хушбичим ва ўктам чехрасига ўғринча кўз қирини ташлаб оларкан, унинг олдида ўзини баттар кўримсиз ва шалвираган хис қилди, ич-ичидан аччиқ ўкинчга ўхшаш нимадир қайнаб кела бошлади, костюмининг ёқалари ичига худди тошбақадай бошини тортиб уввос солганича қайларгадир қочиб йўқолгиси келди. Ҳайрият, бу орада қиз анови йигитнинг харакатларини пайқаб қолиб шахд билан орқага тисарилди, хатто нимадир деб жеркигандай ҳам бўлди.

Замонқул ёш боладай севиниб кетди. Қулайроқ жойлашиш баҳонасида рақибининг ғўладай билаги остидан сирғалиб қиз томон ўтиб олди.

— Нозиккина бўлсангиз ҳам, — деб зардали тўнғиллади йигит гўзалга қарата, — ҳамма сиққан автобусга сиғмайсиз-а, хоним?

Қиз танбеҳни деярли эшитмади, у ҳамон тузукроқ жойлашолмай гаранг эди.

— Нимасини айтасиз, — деб лукма қистирди бесаранжомликни зимдан кузатаётган, тиқилинч баҳонасида қизни киши билмас кучиб олишдан умидвор яна бир эркак. — Таксида юриб ўрганган ойимтиллалардан-да.

Уларга яқин ўриндиқда гумбаз бўлиб ўтирган, дастрўмолчаси билан тинимсиз елпинаётган серсавлат хотин ҳам тилини тиймади.

— Ажаб бўпти, автобусда юриш кандайлигини бир кўриб қўйсинлар, бошқа керилмайдиган бўладилар.

Замонқул мўъжизалар мўъжизасини даҳанаки хужум-

лардан химоя қилиб нималардир дегиси келди-ю, лекин жўяли сўз тополмай, ўтирган аёлга яхшигина ўкрайиб қўйди, холос. У тўсиқдан ўтишга ўтди-ю, бироқ бирор марта ҳам қизнинг лобар чеҳрасига ботиниб қараёлмади. Нимадир унга беҳад халақит берарди. Қиз эса бу орада ўзидан анчагина узоқдаги тутқични бир ушлаб, бир қўйиб, ҳамон тиқилинчга кўниколмай овора эди. Аммо бу оворагарчиликлар, одамлардан ҳурккан охудай жавдирашлар унинг чиройини янада очиб юборганди!

Замонқул ажиб карахтлик оғушида қолди. Қизга энди ғоят яқин қолганидан унинг бирор жойига тегиб кетиб, хафа қилиб қўйишдан чўчирди... лекин хаёлан унинг момиқ кўлларидан тутиб аллақачонлар узоқ-узоқларга, ҳеч бир каснинг пойи қадами етмайдиган олис гўшага кетиб қолганди. Ташна лаблари билан қизнинг маъюс-маҳзун кўзларидан, пахтадай юмшоқ ёноқларидан ўпар, шалола-шалола сочларига қўшилиб сархуш-сархуш энтикарди.

Замонқул бетизгин хаёлларидан сулув қиз хабар топиб қолгандай ўз-ўзидан уялиб, зимдан ёнига қараб олди. Бироқ, айни чоғда, оппоқ юзлари баттар оқариб кетган қизнинг ўз дарди ўзига етарлидай эди. Афтидан, у қуруқликка чиқиб қолган тилла балиқчадай нафас ололмай чинакамига қийналарди.

— Тўхтатинг, — деди у деярли шивирлаб ҳайдовчи ёққа юзланаркан. – Тўхтатинг, илтимос.

Аммо, унинг ўтинчлари нақ биқинида карахт қотган Замонқулдан бошқага етиб бормади. Замонқул эса, тайин гап, унга онда-сонда илтижоли-илтижоли термилишдан бошқасига ярамасди. Устига-устак, мўъжизалар мўъжизасининг автобусдан тушиб қолишини асло истамасди.

— Тўхтатинг, — деди қиз яна титроқли овозда ва жахд билан эшик томон ёриб ўта бошлади – Тўхтатинг, кўнглим айнияпти.

Замонқул ҳам уйқусирагандай-уйқусирагандай беихтиёр унга эргашди.

Қизнинг илтимоси оғиздан-оғизга ўтиб, ҳайдовчига етиб борди шекилли, автобус йўл чеккасида ёқалаб тўхтади.

— Нима гап? — қичқирди ҳайдовчи жахл билан ўрнидан тураркан. – Ҳар қадамда тўхтайверар эканмиз-да, а?

Лекин шу лаҳзадаёқ ўнгу сўлига бокмай эшик томон

талпинаётган қиз қўлидаги бир сиқим пулни кўргач шаштидан тушди, илжайганча "тисиллатиб" эшикни очди. Қиз йўл ҳаққини кимнингдир қўлига тутқаза-тутқаза ўзини ташқарига ташлади.

Замонқул эса тушарини ҳам, тушмаслигини ҳам билмай пича каловланиб қолди. Бироқ, барибир, аллақандай ғайритабиий куч таъсиридан шоша-пиша ташқарига талпинди, афсуски, улгуролмади, шарақлаб ёпилган эшик унинг нақ бўйнидан фалакдай қисиб қолди. Замонқул зарбани аввалига сезмади, лекин кўз олдидан қиз йўқолиб, ўрнида жимир-жимир юлдузчалар пайдо бўлиб, бутун баданига алланечук лаззатли оғриқ ёйила боргач не юз берганини англаб етди.

— Нима бало, мастми? — деб тўнғиллади кимдир Замонқулни ичкарига тортаркан.

Эндигина жила бошлаган автобуснинг яна жахд билан эшиклари очилди.

— Тушмоқчи, шекилли? — деди тағин аллаким Замонқулни ташқарига итараркан.

Қўрқувдан кўзлари олайиб кетган ҳайдовчи бир оз каловланиб тургач, жабрдийданинг ўлмай қолганидан илҳомланиб ўшқира кетди:

— Ўн сўмдан қочмоқчи бўлдинг, а, номард? Ўлишингга оз қолди-ку! — Шу орада Замонқулнинг ишчилардан бири эканлигини пайқаб қолди-ю, гапни бошқа ёққа бурди. — Об-бо, кайфи тароғу, қани уни бирор ерга ўтқазинглар, об-бо...

Автобус салонидан шов-шув яна жонланиб кетди! "Нима гап?", "Кимни босибди?", "Ўлибдими?"

Замонқул эшик ёнидагиларнинг иддао билан силкинишларидан чинакам мастдай чайқалар, ўз-ўзидан тинимсиз илжаяр, одамларнинг гап-сўзлари, ғала-ғовури узоқ-узоқлардан элас-элас қулоғига чалинар эди. У кимнингдир норози шанғиллай-шанғиллай бўшатган ўрнига гўё мовий осмонда яйраб-яйраб қанот қоқиб, яна қафасга қайтган қуш каби оҳиста чўкди. Кўз олдида яна юлдузчалар жимирлаб кетди...

МУНДАРИЖА

Қиссалар

Чорбоғ қўриқчиси ёхуд Хизр кўрган йигит 4
Сирли муаллим 75
Қидирувдаги қиз 131

Ҳикоялар

Чўлдан келган ташвиш 188
Сўнгги икрор 200
Алдоқчи тунлар 214
Синов муддати 228
Кутилган кун 232
Қўлга тушган қорбобо 241
Бекатдаги қиз 247

ЛУҚМОН БЎРИХОН

ХИЗР КЎРГАН ЙИГИТ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2007

Муҳаррирлар *И. Шоймардонов, Н. Тошматов*
Бадиий муҳаррир *А. Мусахўжаев*
Техник муҳаррир *Р. Бобохонова*
Мусаҳҳиҳлар: *М. Зиямуҳамедова, Ж. Тоирова*
Саҳифаловчи *Т. Отай*

Теришга берилди 18.08.2006. Босишга рухсат этилди 15.11.2006. Бичими 84x108$^{1}/_{32}$. «Петербург» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 13,44. Нашриёт ҳисоб табоғи 14,3. Адади 5000 дона. Буюртма № 2865. Баҳоси келишилган нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.